

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

З. Гофуров

**МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ВА
ҲУҚУҚИЙ БАРКАМОЛЛИК**

Тошкент-2006

З. Гофуров. Маънавий юксалиш ва ҳуқуқий баркамоллик. Дарслик.
Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2006. 320 бет.

Масъул муҳаррир: З. Давронов, фалсафа фанлари доктори,
профессор
Такризчилар: З.М. Исломов, юридик фанлари доктори,
профессор.
Б. Сиддиқов, тарих фанлари доктори,
профессор.
Н.Т. Шодиев, профессор

© “IQTISOD-MOLIYA”, 2006

Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айна замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак.

Ислом Каримов

КИРИШ

Дунёни маданият, маънавият, маърифат кутқаради, бинобарин уни маънавият, демак, маърифат сарофроз этади. Жаҳон цивилизациялар тарихи бунга гувоҳ. Инсоният азал-азалдан тараққиётнинг юксак босқичи томон фақат ва фақат маданият, маънавият, маърифат орқали интиланган. Зотан, маданий, маънавий ва маърифий юксалишгина жамиятни цивилизацияли жамият, миллатни цивилизацияли миллат, истиқболни порлоқ қиладиган, инсониятни ҳар хил мафкуравий хавф-хатарлар, ғоявий курашларнинг шафқатсиз таъсиридан омон сақловчи муқобили йўқ кафолатдир.

«Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди»¹.

Дунё тарихи, Оврупа ва Осиё, жумладан, Турону Туркистон тарихи Президент Ислоҳ Каримовнинг, жомият маънавий-маърифий қадриятларни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш ҳар қандай давлат сиёсатининг бош йўналишларидир, деган таълимотнинг тўғри ва ҳақ эканлигини кўрсатиб ва исботлаб турибди.

Жамият маънавий ҳаётини соғломлаштириш ва ривожлантириш, инсоннинг маданий-маънавий, маърифий, ғоявий сиёсий, ҳуқуқий комолотига катта эътибор бериш Ўзбекистон Республикаси олдида турган энг асосий вазифалардан биридир.

Тоталитаризмдан, ғайриинсоний ғоя ва мафкура ҳукмрон бўлган мустабид тузумдан инсоний демократик тизимга, маърифий цивилизацияга ўтишнинг устувор масаласи жамият ҳамда давлатнинг, миллат ва халқнинг маънавий бутунлиги, маърифий комиллиги бўлиб қолди. Йўлбошчимизнинг, одамни маънан ўзгартириш, дунё ҳам ўзгаради, дунё ўзгарса, у одамни ҳам, албатта ўзгартиради. Бугун маънавиятни кутқарайлик, эртага у бизни кутқаради, халққа, миллатга, жамиятнинг ҳар бир аъзосига маданий-маънавий

¹ Ислоҳ Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997, 137-бет.

бойликлар берайлик, у бизга бебаҳо хазина ва тараққиёт манбаи бўлиб қайтади, деган олижаноб таълимоти мустақил Ўзбекистоннинг бош миллий маънавий-маърифий, сиёсий-ҳуқуқий дастурига айланади.

Маънавий-маърифий соҳани ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, маънавий таназзулдан маънавий юксалишга ўтиш босқичини ташкилий ғоявий тўлиқ таъминлаш ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлайдиган куч ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларига мустақил муносабат билан ёндашадиган, айтилиши мумкин замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш сингари ўта долзарб масалалар Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда», «Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёти йўли», «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз», «Биздан озод ва обод ватан қолсин», «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида», «Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурашимиз», «Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида» номли асарларида дастурий белгилаб берилди.

Ёш мустақил ўзбек давлати олдида энг асосий ғоявий-сиёсий, ҳамма нарсадан устун муаммо маънавий инқироздан қутулишдек ҳаёт-мамонт масаласи турган эди. Жамиятдаги ҳар қандай янгиликлар, туб ислоҳий жараёнлар, аввало, ғоявий-маънавий ҳодиса эканлигини, «бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унутиш гуноҳлигини (Ислам Каримов) фавқулодда закийлик билан тушуниб, англаб етди. Истиқлолимизнинг ҳар кунини «маънавий тикланиш», «маънавий ўнгланиш», «маънавий покланиш», «маънавий юксалиш», (Ислам Каримов), деб айтса бўлади.

Мустақил давлат тақдири бугун ҳар қачонгидан кўра унинг маънавий-ахлоқий, маърифий, ҳуқуқий куч-қудратига боғлиқ бўлиб қолди. Ўзбекистон ўз истиқлолининг илк кунлариданоқ маънавий юксалишни таъминлаш, маънавий кадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши одамни одам, миллатни миллат қиладиган асосий омиллардан бири эканлигини чуқур ҳис қилди. Бу соҳадаги вазифаларни Ислам Каримов қуйидагича баён этади: «Мустақил-

лигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз»¹.

Мустақиллик йилларида аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маърифий меросимиз, миллий қадриятларимиз тикланди. Инсон маънавияти, юксак ахлоқ ва маданиятнинг қудратли қатламлари очилди, миллий анъаналар тикланди. Жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган улуғ аجدодларимизнинг улкан маънавий меросига мурожаат этиш бошланди. Халқнинг тарихий онги уйғониши, маънавиятининг кўзи очилиши туфайли одамлар қалбида миллий ғурур, она заминга меҳр-муҳаббат туйғулари камол топмоқда.

Мустақиллик йилларида барча фуқароларнинг қонун олдида ҳуқуқий тенглигини ҳамда қонуннинг ҳамма нарсадан устунлигини кафолатловчи ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг мустақкам асослари яратилди. **Бошқача айтганда, - дейди Ислом Каримов, - мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинлигининг устунлигидан келиб чиқадиган, халқаро миқёсда қабул қилинган янги юридик тамойил ва талабларга асосланган кенг ҳуқуқий муҳит вужудга келтирилди. Биз тоталитар тузумнинг тазйиқ ва зўравонлигидан ҳуқуқий меъёрлар сари улкан қадам ташладик. Бу эса инсоннинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек, барча мулк шаклларига асосланган маъмурий-хўжалик тузилмалари билан турли-туман муносабатларини йўлга қўйишда яққол намоён бўлмоқда. Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислохотларнинг асосий мақсади суднинг алоҳида ва мустақил ҳокимият тармоғи сифатидаги мавқеини қайта тиклаш ғояси бўлди. Суд ҳокимиятининг янги тармоқлари**

¹ Ўша асар, 137-бет.

яратилди. Суднинг ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни кафолатлашнинг ҳуқуқий меъёрлари шакллантирилмоқда¹.

Жамият ва давлат, халқ ва миллат олдидаги ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта биладиган, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англаб етган, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тарбиялаб вояга етказиш олдимизда турган энг асосий, долзарб вазифадир.

Ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган юксак ҳуқуқий билимли ва маданиятли кишиларни шакллантиришда халқ маънавиятининг, бой тарихий меросимизнинг, миллий анъаналаримизнинг ўрганилиши аҳамияти беқиёсдир.

Дарҳақиқат, маънавий маърифат, маънавий маданият соф ахлоқий ҳодиса сифатида жамият инсоний қиёфасини белгилайдиган, унинг демократик ҳуқуқий мақомини тайин этадиган қадриятдир. Ўзбек жамияти бугун ўз миллий қадриятларини яратишга қодир комил тизим сифатида дунёга бўй кўрсатмоқда. Маънавият устувор моҳият касб этмаган инсон ҳаётининг бирор жабҳаси йўқлиги англаб етилгани жамиятимиз эришган улкан ютуқ бўлди.

Жамият ва инсон ҳаётининг маънавият ва маърифатга эҳтиёж ва зарурият сезмайдиган, ундан баҳраманд бўлмайдиган, унинг билан мазмунан-моҳиятан туташиб кетмаган бирон-бир соҳасини топиш амримаҳолдир.

Маънавият жамият тараққиёти, халқ ва миллат камолати ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи шундай асосий омил, инсонга инсонлик мазмун-моҳиятини бағишлайдиган, инсонни ердан осмонга кўтарадиган, уни эзгуликка даъват этадиган қадриятки, шунинг учун ҳам у ҳамма касб ва ихтисосдаги мутахассислар, жинси, миллати, ёши, тили, диний мазҳаби, бой-камбағаллигидан қатъи назар ҳамма одамлар, барча фуқаролар, жамики эл-улус, миллатлар ва элатлар, бани башарият учун ҳам ўта муҳим ва зарурдир.

¹ Ислон Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1997. 109-бет.

Илм-фаннинг маънавият билан бевосита алоқадорликда бўлмаган ҳеч бир соҳаси йўқлиги, бўлмаслиги – бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Маънавият билан ошно бўлиш қурувчи, архитектору муҳандис ва мусиқа-шуносга, математик физик ва биологга, тарихчи, иқтисодчи ва сиёсатшуносга, врачга қанчалик зарур бўлса, ўз навбатида ҳарбийлар ва божхона ходимларига, дипломатлар, савдо аҳли ва тадбиркорларга ҳам шунчалик муҳимдир.

Умуман олганда, маънавий бойликлардан наф кўрмайдиган, маънавият билан ўз ҳаётини гўзал, феъл-атворини ёқимли, хатти-ҳаракатини одамларга ярашиқли, тушунарли, одоб-ахлоқли бўлишга эришмаган инсон зоти йўқ ва бўлмайди. Инсон маънавият билан тирик. Инсоннинг инсонлиги ҳам маънавият соҳиби бўлганлигидадир. Инсоннинг жамийки мавжудотлар ичра улуғи, аълоси, нодири, энг доноси, ақл-идроқли, фаросатлиси эканлигининг, куч-қудратининг асосий боиси ҳам маънавиятлигидадир.

Айтиб ўтилган фикрларимизга Президент Ислам Каримовнинг «Маънавият турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини қон-қардош қилади», «Уни ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У — инсон учун бутун бир Олам», «Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур», «Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди», деган доно сўзлари илмий-назарий асос, методологик қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Маънавият ҳақидаги Ислам Каримов таълимотини чуқур ва мукамал билишлик барча соҳа кишилари, мутахассислар, раҳбарлар, оддий кишилар сингари ҳуқуқшунослар, судьялар, прокурорлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, солиқ қўмитаси, ички ишлар ходимлари, милиция, терговчилар учун ҳам ўта муҳим ва фойдалидир, бошқача айтганда, ҳаводек, сувдек зарур.

Тергов ишлари жараёни жуда мураккаб, жиноятни очиш, жиноятчини топиш, айбдорни - гумон қилинаётган кишини айби ёки қилмишини бўйнига қўйиб исботлаш, ҳақиқатни қарор топдириш мутахассисдан наинки профессионал билим ва маҳоратни, айти пайтда катта тажриба ҳамда нозик руҳшуносликни, кўрс-қўпол бўлмасликни, катта-кичик далиллар, ҳатто бир

қарашда содир бўлган ҳодисага бевосита дахли бўлмаган воқеалар, хатти-ҳаракатлар, фактлар-далиллар, мантиқий таҳлил ва муқоясани яхлит бир тизимга солиш ҳамда сирли, шубҳали нуқталарни ички бир туйғу билан нозик ҳис қилиш санъатини ишонарли тарзда билишни ҳам талаб қилади. Шу маънода терговчи амалдаги қонунлар ва қатор юридик ҳужжатлар асосида жиноят деб аталмиш «саҳна»нинг «жарроҳи»га, образли қилиб айтганда, «ташҳисчи»сига, тадқиқотчисига айланади. Кўриниб турганидек, тергов жараёни жуда оғир бўлиши билан бир қаторда, ўта масъулиятли ҳамдир. Мана шунинг ўзи ҳам жараённинг ўзи соф маънавий-ахлоқий ҳодиса эканлигини англашиб турибди. Тергов жараёнининг маънавий асосларга эга эмас, деб айтиш катта хатодир.

Агар терговчи ўз фаолиятида, қонунларга таянган, улардан мутлақо оғишмаган ҳолда иш тутса-ю, аммо маънавий моҳиятларга эътибор бермаса, бу қилмиши билан биринчидан, қонунни бузган, иккинчидан, мансабини суиистеъмол қилган, демак, адолатсиз ҳукм чиқарилишига, гуноҳсизни ноҳақ жазоланишига сабабчи бўлади. Бунинг оқибати жуда хунук бўлиши турган гап. Одамларда қонунларга, демак, жамиятга, одил сиёсатга, адолатга ишонч йўқолади. Жамиятда қонун устуворлиги бузилади. Энг ёмони – бу бузилишни ҳуқуқни ҳимоя қилиш мақомига эга кишилар айби билан бўлишидир. Терговчининг хатоси ёхуд ўз ишига масъулиятсиз қараши охир-оқибат жуда хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Инсонлар тақдири ҳал қилинаётганда тергов ҳужжатлари фақат ва фақатгина исботланган, асосланган, тасдиқланган факт ва далилларга асосланган бўлишини унутмаслик керак. Ана ўшандагина жиноятни келтириб чиқарган омиллар илдизи билан йўқ қилиб ташланади, кишиларга адолат тантанасидан ибратли сабоқлар берилади, жиноятларнинг олди олинади, одамларда қонунларга, адолатга ишонч ва ҳурмат уйғонади. Демак, қонун устуворлиги тўла таъминланади. Ана шуларнинг ўзи асл моҳияти билан соф маънавий сабоқ, тарбия, маданият, маърифатлилик белгисидир. Демак, тергов нафақат қонунлар адолати, айни пайтда, тарбия мактаби, юксак маънавиятлиликнинг намоён бўлиши ҳамдир.

Маънавият билан ҳуқуқий таълим-тарбия ҳамкорлигини кенгайтиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Зеро, маънавият билан қонун, ҳуқуқ бир-бирини тақозо этувчи қадриятлардир. Чунки, халқнинг маънавияти ҳам ўзига хос қонун-қоида, одоб-ахлоқ, ҳуқуқдир.

Ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксак фуқароғина, биринчидан, қонун доирасидан чиқмайди, иккинчидан, ўз ҳақ-ҳуқуқи, эрки озодлиги учун курашиш санъатини ўзлаштиради, учинчидан, ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб ўлчайди, шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўради.

Агар фуқаро қонунларни яхши билса, уни ҳеч ким зўрлик билан ғайри қонуний жазога тортолмайди.

Айтилганлардан кўриниб турганидек, ҳуқуқнинг маънавий-ахлоқий асослари, ҳуқуқий маданият ва қадриятларнинг қадимий тарихий илдизлари ва манбалари моҳиятини ёритиш ҳуқуқий билим ва маданиятни ўстиришнинг жамият тараққиёти учун долзарблигини, жамият маънавий ҳаёти ривожда ҳуқуқий онг ва маданиятнинг аҳамиятини илмий тадқиқ этиш олимлар олдида турган энг муҳим вазифалардан бўлиб ҳисобланади.

«Маънавий юксалиш ва ҳуқуқий баркамоллик» деб номланган ушбу китоб ана шу долзарб мавзуга бағишланган.

Ї БОБ ЖАМИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ

1. Маънавиятнинг моҳияти, жамият тараққиёти ва инсон камолотидаги

Маънавият, бу фақат инсонга хос бўлган ажойиб хислат ва фазиладир. Инсоннинг инсонлиги, оламдаги бошқа жамики мавжудоту махлуқотлардан улуғи ва юксаги эканлигининг, борлиқнинг кўрки ва шарафи, энг олий қадриятлилигининг асосий боиси, белгиловчи сабаби, унинг маънавият соҳиби эканлиги, бошқача айтганда, маънавият билан туташ бўлганлигидадир.

Инсон — ақлга, идрок, билиш қобилиятига, онгга, тафаккурга эга бўлганлиги учун кучлидир, қудратлидир. Шулар туфайли у бошқа барча мавжудотлардан ажралиб туради.

Шарқнинг буюк мутафаккирлари таъкидлаганларидек, инсонда бебаҳо марварид – заковат мавжуд. Унда табиат ва жамият сир-асрорларини ва юксак чўққиларини билиш қобилияти, энг нодир истеъдод жамулжамдир.

Буюк файласуф аллома Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома» номли нодир асарида инсон ақл-идроки ва тафаккурини ҳақиқатнинг ўлчовига тенглаштиради. Ақлнинг қудрати, ҳосияти, аҳамияти ҳақида сўзлаб бундай дейди: «Яздоннинг яратгани энг олий нарсалар орасида ақлдан аълоси, гўзали йўқдир. Шоҳлар шоҳининг тожидур ул... ўлмас ва ҳақиқат де ани. У, қалбдан ғамни ва кўркувни ҳайдайдигандир. У, икки дунёда сенинг икки кўлингдан ушлаб, кўлтиқлаб юрадигандир. Сенинг бахтинг ҳам, ғаминг ҳам ундандир, сенинг фойданг ҳам, эҳтиёжинг ҳам ундандир... Ким ўзига йўл кўрсаткич қилиб уни олса, у одам ўзининг ҳаракатлари билан ўз қалбини парчалайди, бундай одамни ақлли одам нодон деб атайди... Икки дунёда сен у билан қийматлисан. Ким ақлни синдирса, у азоб чекишда бўлади. Ақл – рухнинг кўзидир, туманликда қарагин: дунёда кўзсиз яшаш севинчли эмасдир»¹.

Шундай қилиб Абулқосим Фирдавсий номи жаҳонга машҳур мутафаккир сифатида,

¹ Қаранг: В.Зоҳидов. Улуғ шоир ижодининг қалби. - Т.: Ўзбекистон, 1970, 94-бет.

Ақл бир тирик жон, билмайди завол,
Ақл турмуш асли, буни ёдлаб ол.

Ақл йўл кўрсатиб, дилни этар шод,
Ҳар икки оламда ақлли обод...

Агар ақлли хира бўлса ҳар инсон,
Шодликка эриша олмас бир замон,¹

дейди.

Ақл — идрок ва тафаккур, билим ва интеллектуал салоҳият, маънавият ва маърифат олий мавжудот бўлган инсонга моҳият, фаолиятига мақсад ва йўналиш беради.

Президент Ислом Каримовнинг таъкидлашича, маънавиятнинг инсон учун аҳамияти шунчалик каттаки, «Уни ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У инсон учун бутун бир олам»². Маънавият инсонни инсон даражасига кўтарадиган асосларнинг асосидир.

Инсон ўз ҳаётини, ўзлигини маънавиятдан айрича ҳолда тасаввур этолмайди. Инсон ҳаёти ва фаолиятининг маънавият билан туташмаган, маърифатга, илм-фанга эҳтиёж сезмайдиган бирон-бир соҳаси йўқ ва бўлмайди ҳам. «Инсон ўзини халқининг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади»,³ -дейди Ислом Каримов.

Инсон ҳеч қачон ва ҳеч бир жамиятда маънавиятсиз ва маърифатсиз яшамаган ва яшай олмайди. Инсон маънавият билан тирик ва гўзал. Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида таъкидлашича, «Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Сахродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек, инсон ҳам неча-неча азоблар, қийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди. Ер, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, кўни-кўшнилари, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик —

¹ Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. Биринчи китоб. Форсийдан Шоислом Шомухамедов таржимаси. - Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975, 35-бет.

² Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий, истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996, 80-бет.

³ Ўша асар, 81-бет.

маънавиятнинг маъноси ана шундай жуда кенг»¹.

Инсон ўзининг қалби, руҳияти, зоҳирий ва ботиний оламининг бирлиги, сўзи билан ишининг мутаносиблиги, хулласи калом, маънавияти ва маърифати билан гўзал, мумтоз ва комил.

Инсон ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатини, қилмоқчи бўлган ишини олдиндан ўйлаб, ақл тарзусига солиб, етти ўлчаб амалга ошириши билан улуғ ва мукаррамдир.

Президентимиз таълимотида маънавиятнинг ижтимоий илдизларига алоҳида эътибор берилгани бежиз эмас, албатта. Ислом Каримовнинг, маънавият тақдирнинг эҳсонли эмас, уни инсоннинг туғма хусусияти деб ҳам бўлмайди, деган сўзида жуда катта илмий-фалсафий маъно бор.

Бебаҳо бойлик ҳисобланган маънавиятнинг инсонда шаклланиши ва ривожланиб бориши учун у қалбдан ва виждонан меҳнат қилиши керак.

Маънавият асоси–меҳнатдадир. Кимки меҳнат қилишдан қочмаса, қийинчиликлардан қўрқмаса, ғайрат-шижоатли бўлса юксак маънавият соҳиби бўлади.

Инсон шахсининг бойлиги, фаоллиги, энг аввало, меҳнат жараёнида рўёбга чиқади. Меҳнат соҳасидаги фаоллик инсон фаолиятининг бошқа ҳамма соҳаларига қараганда белгиловчидир. Бу тасодифий эмас, албатта. Чунки айна шу соҳада инсоннинг олган билими, орттирган билим ва тажрибаси амалда қўлланилади, намоён бўлади.

Жамият тараққиёти ҳақидаги ҳар қандай ғоялар аввало инсоннинг ижтимоий тафаккурида шаклланади, кейин эътиқодга айланиб, фаолиятига йўналиш беради. Инсоннинг ҳар қандай амалий фаолияти –меҳнати, маърифий, тарбиявий, мафкуравий тадбирлар асосида амалга ошади. Меҳнатда инсоннинг қобилияти ва истеъдоди, ақл-идроки ва тафаккури намоён бўлади. Инсон ақли, қўли билан нимаики қилмасин, унинг заминида фикр, тушунча, билим, истеъдод, қобилият сифатида шаклланган маънавият ётади.

Инсон ғоясиз, мақсадсиз, ўй-фикрсиз, ақл-идрок ва тафаккурсиз яшай

¹ Ўша асар, 80-81-бетлар.

олмайди. Бирон-бир ишни қилишга киришишдан олдин амалга оширмақчи бўлган юмушини миясида неча-неча бор ўйлаб кўради, режалаштиради. Биронта ҳам меҳнат қуролини, моддий ва маънавий бойликнинг биронта ҳам турини инсон ўзининг билими ва тафаккурисиз, ақлий меҳнатисиз ярата ҳам, такомиллаштира ҳам олмайди. Инсон амалий фаолиятининг ҳар қандай турида айна бир вақтнинг ўзида унинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний меҳнати узвий равишда бирлашади. Моддий бойликларни инсонлар қўл ва оёқлари, бош ва бармоқлари бўлгани учунгина эмас, балки юксак маънавий кадриятларни онгли ва қалбида чуқур сингдирганлиги туфайли яратадилар. Ана шу фикрнинг ўзи ҳам маънавиятнинг шаклланиши ва ривожланиши, инсон қалбида куртак отиши амалий жараёнлар билан узвий боғлиқлигини кўрсатиб ва исботлаб турибди.

Инсон бирданига, фавқулодда маънавият соҳиби бўлиб қолмайди. Маънавият инсонда узоқ йиллар давомида шаклланади. У инсон қалбида кўплаб қулай шарт-шароитлар ва имкониятлар таъсирида ниш уради, илдиз ота бошлайди.

Маънавият инсонда, энг аввало, она алласи, она меҳри ва таълим-тарбияси, ота намунаси, бобо ва бувилар ўгити, оқилу доно сўзлари, ҳаётнинг бой тарихий сабоқлари, маҳалла-қўй, ижтимоий муҳит таъсирида шаклланиб, ривожланиб, такомиллашиб боради. Ислом Каримов ана шу масала устида фикр юритиб, «Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингади»¹, – деб таъкидлайди.

Маънавиятнинг инсон қалбида аста-секин шакллана ва ривожлана бошлашида халқ анъаналари ва расм-русумларининг, мақоллар, маталлар, қўшиқ ва ривоятлар, аруз ва байтлар, рубоийлар, ҳикматлар, эртак ва дostonлар беқиёс аҳамиятга эга. Ўз халқининг тарихи ва маданиятини, одоб-ахлоқини, миллий кадриятларини пухта-пишиқ билмаган кишида маънавият ва маърифат ҳақидаги билим ва тасаввур юзаки бўлади.

Она тилига бўлган меҳр-муҳаббат ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Она тилида берилган таълим-тарбия инсоннинг жисму жонида чуқур илдиз

¹ Ўша асар, 80-бет.

қолдиради. Она тили бу миллатнинг руҳидир, миллий маънавиятнинг тамал тошидир. «Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, – дейди Ислом Каримов, – у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради»¹. Ўз она тилини йўқотган ҳар қандай киши ва миллат ўзлигидан жуда бўлиши муқаррар. Тил, шу тил эгаси бўлган халққа куч-қувват, руҳий баркамоллик беради, миллий фахр-ифтихорини шакллантиради ва ривожлантиради.

Тил – халқ маънавий ҳаётининг асосидир. Бинобарин, миллий тил гуркираб ривожланмаса миллий онг ўсмайди. Миллий онг, миллий маданият ўсмаса кишиларда миллий ғурур, миллий фахр-ифтихор ўсмасдан қолади. Тил – ҳар бир халқ ва миллатнинг миллий ўзлигини намоён қилишнинг муҳим воситасидир.

Халқнинг маданий-маънавий бойлиги, ақл-идроқи ва тафаккури, тарихи, маданий мероси унинг тилида ўз ифодасини топади. Ана шу маънода олганда, тил халқнинг қалби, маданий-маънавий етуклиги кўрсаткичидир. Ҳар бир тил шу тил эгаси бўлган халқ учун буюк ва бебаҳодир.

Таъкидлаб ўтганимиздек, шахс маънавий камолотининг зарур шартларидан бири – она тилини билишдир. Ҳар бир кишининг маданий-маънавий савияси энг аввало, ўз она тилини, халқи тарихи, маданиятини, қадриятларини, миллий урф-одатлари ва анъаналарини қанчалик чуқур билиши, эъзозлашида намоён бўлади. Ўз она тилини билмаган киши бошқа халқларнинг тилларини билган тақдирда ҳам унинг қадрига ета олмайди. Тил миллат мавжудлиги ва камолотининг муҳим белгиларидан биридир.

Маънавият мазмун жиҳатидан ниҳоятда кенг ва серқиррадир. Ватанга содиқлик, ўз Ватани, оиласи, насл-насаби, халқи, миллати шон-шуҳратини улуғлаш, Ўзбекистонга, унинг ери, тарихи, халқларига муҳаббат – буларнинг ҳаммаси маънавият, маънавиятлилик белгиларидир. «Ўз оиласи, насл-насаби билан фахрланиш ватанпарварлик туйғусига чуқур ҳамоҳангдир. Бу, энг аввало, оилавий анъаналарни авайлаб сақлаш ва бойитиш, ота-боболарнинг муборак номларига доғ тушурмасликка интилиш, ўз меҳнати, билимлари билан насл-

¹ Ўша асар, 80-бет.

насаб обрўсини мустаҳкамлаш, одамларнинг ҳурмат-эҳтиромларига сазовор бўлиш истагидир»¹.

Республикамизда истиқомат қилаётган барча халқлар ва миллатларнинг манфаатларини, тиллари, маданиятлари, миллий урф-одатлари, анъаналари, кадриятлари ва тарихий меросларини қонунлар, ижтимоий адолат мезонлари асосида ҳурмат қилиш ҳам маънавийдир. Юртимизда яшаётган барча халқ вакилларига одилона қараш, уларга меҳрибонлик қилиш инсоннинг маънавий бурчидир.

Умуминсоний, диний кадриятларга риоя этиш, табиатни, табиий бойликларни эъзозлаш, сувни, ҳавони, тупроқни мусаффо сақлаш, ифлосланишига йўл қўймаслик, жамият, давлат, фуқаролар мулкани муҳофаза этиш, жамиятда осойишталик ва тинчлик, аҳиллик, тотувлик қарор топишига ҳисса қўшиш, миллатимиз фахри бўлган олиму фузалоларни ҳурмат қилиш – буларнинг ҳаммаси маънавийт серқирралигининг белгиларидир.

Маънавийтнинг серқирралиги, маънавий камолот жараёни чексиз эканлигини кўрсатувчи асосий омиллар унинг ривожланиш имкониятларидир. «Ҳар бир тарихий давр, – деб ёзади академик Э.Юсупов, — конкрет тарихий шароит, эҳтиёт ва имкониятлар билан тақозо қилинган ҳолда маънавийтнинг янги шакллари ва мезонларини яратади. Бу мезонлар қандайдир бир сунъий қоида эмас, балки тарихий тараққиётнинг муайян босқичларида инсон камолотининг имконият ва эҳтиёжларининг ифодасидир. Жамият тараққиёти олдинга қараб борувчи жараён бўлганлиги сабабли унинг асосий таркибий қисми бўлган маънавий камолот ҳам узлуксиз давом этаверади. Тарихий тараққиётнинг ҳар бир даври маънавий камолотнинг ҳам янги босқичидир»².

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов асарларида илмий-назарий асослаб берилганидек, маънавий камолот ҳар қандай инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатининг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва

¹ Ўша асар, 84-бет.

² Э.Юсупов. Инсон камолотининг маънавий асослари. - Т.: Университет, 1998, 138-139-бет.

ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ва мустақкамламай туриб ўз истиқболлини тасаввур эта олмайди.

Дунёдаги ҳар бир давлат, ҳар бир миллат катта-кичиклигидан, ерости ва ер усти табиий бойликларининг беҳисоблигидан қатъий назар ўзининг тараққиёти жараёнида илм-фан, маданиятга, маънавият ва маърифатга, бошқача айтганда, одамларнинг интеллектуал салоҳиятига, ақлий бойликка жуда катта эҳтиёж сезади. Бу – унинг учун объектив эҳтиёж, тарихий заруриятдир. Бу вақтинча бўлган эҳтиёж эмас, балки ҳар доим талаб қилинадиган заруриятдир.

Жаҳон тарихий тажрибасининг кўрсатишича, фақат иқтисодий ва сиёсий тараққиётга асосланган жамият ва давлатнинг таг замини мўрт бўлади. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тараққиёт маданий, маънавий ва маърифий ўсиш-ўзгариш, ривожланиш билан чамбарчас боғланганда жамият тараққиёти беҳад тезлашади ва юксак самаралар беради. Дарҳақиқат, маънавият ҳар қайси жамият ҳаёти ва тараққиётининг муҳим таркибий қисми, ҳал қилувчи омилдир.

Тарихда илм-фан, маданият ва маърифатга, замонавий техника ва технологияга, илғор тажрибаларга бефарқ қарайдиган жамият, давлат, халқ ва миллат бўлган эмас.

Ҳар қандай жамият тараққиёти тақдирини маънавий-маърифий жиҳатдан етук кишилар ҳал қилади. Давлатнинг куч-қувватини, истиқболи порлоқ бўлишини, жаҳон тараққиётида тутган ўрни ва мавқеини одамларнинг интеллектуал салоҳияти, ақлий жиҳатдан етук ва баркамоллиги белгилайди. Президент Ислом Каримов томонидан таъкидланишича, «Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият — маърифатли инсоннинг икки қанотидир»¹.

Қайси мамлакат, миллат фан ва техника ютуқларини мукамал ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш имкониятига эга бўлса, буни давлат сиёсати даражасига

¹ Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996, 34-бет.

кўтарса унинг келажаги порлоқ бўлади. Бунга мисоллар жуда кўп. «Ақлий меҳнат туфайли тараққий топган давлатларни олиб кўрайлик, – дейди Ислом Каримов, – Япония ёки Жанубий Кореянинг бизникидек улкан табиий бойликлари борми? Йўқ. Лекин дунёнинг энг илғор технологияси ана шу мамлакатларда жойлашган. Мен бу давлатнинг бугунги бойлиги ва тез ривож топиши, энг нуфузли ва энг қудратли давлатлар сафига кириши сабабларини, аввало, шу жамиятнинг, шу халқларнинг ўз интеллектуал бойлигидан оқилона фойдаланиши, бу мамлакатларда яшаётган инсонларнинг ўз бурчларига, ўз вазифасига виждонан, масъулият билан қарашида, деб биламан.

Ўз тарихи, ўз меросига юксак ҳурмат, шу билан бирга, жаҳонда энг катта хазина ҳисобланмиш интеллектуал салоҳиятни ўз ҳаётида, ўз иқтисодида мужассамлаштириш ана шу давлатларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий бойлиги асосини ташкил этади деб айтсак, янглишмаган бўламиз»¹.

Жамиятнинг маънавий камолоти масалаларига, фан-техника тараққиётига биринчи даражали эътибор бергани сабабли ҳам иккинчи жаҳон уруши натижасида вайрон бўлган, бунинг устига моддий хом ашё ресурсларига ниҳоятда камбағал Япония дунёдаги энг ривожланган давлатлардан бирига айланди. Шундан кўринадики, фан тараққиёти ҳақида қайғурган жамият ва давлатнинг келажаги буюк бўлади.

Халқи маънавий етук, интеллектуал салоҳиятли, маърифатли жамият ва давлат келажак сари дадил одимлай олади, қийинчиликларни бемалол енга олади, ўзининг табиий-иқтисодий бойликларидан оқилона фойдаланади.

Маънавият ва маърифатнинг жамият тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти тарихнинг бурилиш давларида бениҳоя ортиб боради. Бунинг ўзига яраша сабаблари, қонунлари бор, албатта. Чунки мамлакатнинг иқтисодий қудратини, унинг эртанги кунини, борингки, жаҳон цивилизацияси тараққиётида тутган ўрни ва эгаллаган мавқеини ҳам пировард-натижада ақл-заковат ҳал этади. Зеро, илмга интилиш йўқолса, фан тараққий этмайди, дарҳақиқат илму-урфон ривожланмаса, жамиятнинг келажагини тасаввур этиб бўлмайди.

¹ Ислом Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996, 254-бет.

Жамиятнинг, халқ ва миллатнинг, инсоннинг маънавиятга бўлган талаб ва эҳтиёжи шу қадар каттаки, уни ҳеч қачон, иккинчи ўринга суриб қўйиш ҳам, шунингдек, маънавият масаласига иқтисодий муаммоларни ҳал қилиб бўлгандан кейин ўтиш мумкин, деб ўйлаш ҳам тамомила хатодир. Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида айтилишича, «олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак дейдиганлар ҳақ бўлмасалар керак... Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажигига болта уриш демакдир».

«Маънавиятга интилиш инсон учун моддий неъматларни ўзлаштириш, ейиш, ичиш, кийинишга нисбатан ҳам муҳимроқ эҳтиёждир. Негаки, маънавият барқарор бўлмаган жойда моддий неъматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш маданияти ҳам юксак бўлмайди. Етук маънавият, ақлий салоҳият соҳиби бўлган кишиларгина келажакни олдиндан кўришга, оғир шароитларда ҳам юксак мақсадларни, олдига қўйиб унга иймон ва эътиқод билан интилишга қодир бўлади»¹.

Жамият тараққиётининг ҳар бир янги босқичи кишиларнинг маънавий камолотида янги даврнинг юзага келишидир. Жамиятнинг, инсоннинг билим, ақл-идрок, маънавий-маърифий камолотга бўлган эҳтиёжи тўла қондириладиган босқичи ҳеч қачон бўлмайди. Инсониятнинг маънавиятга бўлган эҳтиёжи ниҳоясиздир. Жамият тараққиёти олдинга қараб тадрижий ривожланиб, тобора такомиллашиб, кенгайиб, чуқурлашиб боргани каби маънавий-маърифий камолотнинг ҳам сўнги нуқтаси бўлмайди. Маънавият борасида бир эҳтиёжнинг қондирилиши яна кўплаб талаб ва эҳтиёжларни юзага келтиради. Юзага келган янги эҳтиёжларнинг рўёбга чиқиши жамият тараққиётини ўтмишдан келажакка томон тўхтовсиз илгарилаб боришига имкон яратади. Жамиятнинг маънавий ва маърифий тараққиёти шу тариқа абадий давом этаверади. «Инсониятнинг маънавий камолоти имкониятлари чексиздир. Бу чексизлик инсоннинг табиати, у яшаётган жамиятнинг

¹ Ботир Худоёров. Маънавий мезонларга янгича ёндошиш.//Мулоқот, 1998, 4-сон. 17-бет.

имкониятлари билан белгиланади. Жамият тараққиёти жараёнида такомиллашиб, кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган ахлоқий, ҳуқуқий бурч ва масъулият билан боғланган манфаатлар маънавий камолотнинг янги муаммоларини келтириб чиқараверади. Муайян оқилона манфаатнинг чегарасидан иккинчисига тадрижий йўл билан ўтавериши маънавий тараққиётининг ҳал қилувчи омилдир»¹.

Агарда маънавий-маърифий эҳтиёж ва зарурият бўлмаса, инсон камолоти ҳам тўхтайди, жамият тараққиёти сустлашиб, секинлашиб кетади. Ана шу маънода олганда, маънавий ва маърифат инсон учун ҳам, халқ ва миллат тараққиёти учун ҳам беҳад муҳим ва зарурдир. Маънавий камолот жамият тараққиётининг муҳим омилдир. «Маънавий турли халқлар ва миллатлар кишиларини қон-қардош қилади. Уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат асосида яқинлаштиради... Маънавий-инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бах-саодат бўлмайди. Нафақат кўхна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини беради»².

Айтилганлардан кўриниб турганидек, маънавий халқлар, миллатларни, одамларни бир-биридан ажратмайди, балки бирлаштиради, якдил-яктан қилади, қон-қариндошлик алоқаларини мустаҳкамлайди, аҳиллик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатликни кучайтиради.

Халқлар ва миллатларнинг улуғворлиги миллий маҳдудликда эмас, балки умуминсоний хусусиятларга эга эканлигида, жаҳон цивилизациясига қўшадиган ҳиссасидадир.

Дунёдаги биронта ҳам халқ ўз миллий бойликлари доирасидагина ривожлана олмайди. Агар бирон-бир миллат бошқа миллат билан умумий алоқада бўлмай, жаҳон океанидаги оролга ўхшаб қолганида, у бахтсиз миллат бўлган бўлур эди. Бундай миллат жаҳон цивилизацияси самараларидан фойдалана олмасди. Шуни айтиш керакки, биронта халқ ва миллат умуминсоний маданият ва маънавийдан ажралган ҳолда ўзининг алоҳида

¹ Эркин Юсупов. Инсон камолотининг маънавий асослари. - Т.: Университет, 1998, 6-бет.

² Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996, 80-81-бет.

тарихи ва маданиятига эга эмас. Барча халқларнинг маданий-маънавий ва иқтисодий тараққиёт тарихи ўзаро туташиб, бир-бири билан чирмашиб кетган. Масаланинг бу муҳим томонини тушунишда Президентимизнинг қуйидаги фикрлари катта аҳамиятга эга: «Бутун дунё яхлит ва бир-бирига боғлиқ тизим бўлиб бормоқда, унда ўз-ўзидан қанотланишга ва маҳдудликка ўрин йўқ. Бу ҳол ҳозирги халқаро тузилмалар билан ўзаро алоқаларда ва уларнинг фаолиятида иштирок этганда мутлақо янгича ёндошувларни ишлаб чиқишни зарур қилиб қўймоқда»¹.

Кези келганда шуни айтиш керакки, миллий маънавияти ривожланмаган, миллий бирлик, миллий бирдамлик туйғулари заиф бўлган халқларда юксак миллий онг ҳам, миллий ғурур ҳам кучсиз бўлади. Агар маънавият барбод бўлса, одамлар эътиқодсиз бўлиб қолади, одамларда ватанпарварлик заиф бўлади.

Миллий маданият қобиғи ичида қолиб, жаҳон маданияти, бошқа халқларнинг маданий-маънавий бойликларини ўрганишдан бутунлай воз кечиш мумкин эмас. Бундай йўл миллатни камолотга эмас, балки таназзулга олиб келиши турган гап. Ўз қобиғи ичида ўралиб қолган миллатнинг маданияти, маънавияти ва маърифати ҳеч қачон камол топа олмайди. Миллий худбинлик йўлидан бориш ҳеч кимга наф келтирган эмас. Ҳар бир миллатнинг маънавияти ўз ҳолича, алоҳида ҳолда эмас, балки жаҳон маданияти ва маънавиятининг таркибий қисми сифатида шаклланади ва ривожланади. «Бутун дунё ягона ва ўзаро боғлиқдир. Бизнинг муштарак бурчимиз ер юзини болаларимиз ва набираларимизга обод ва бахтиёр яшашлари учун муносиб қилиб қолдиришдир»².

Юксак маънавият соҳиби бўлган инсон, Ислом Каримов асарларида таъкидланганидек, миллий ва умуминсоний қадриятларга қатъий риоя қилади, иймон-эътиқодли, инсофу диёнатли, ориятли бўлади, ҳалол яшайди, меҳнат қилганда ўз манфаатидан ташқари давлат, миллат, жамият манфаатларини ҳам

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997, 298-бетлар.

² Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1997, 79-бет.

унутмайди, меҳр-оқибатли, мурувватли бўлади, ўзи мансуб бўлган халқ ва миллатнигина эмас, балки ўзга миллатларни ҳам, уларнинг тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, кадриятларини ҳам ҳурмат қилади. Буни Президентимизнинг, «маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади. Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол инсон бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди»¹, – деган сўзлардан билиб олиш мумкин.

Маънавият кишиларда ўзаро мулоқотга эҳтиёжини туғдиради, одамлар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатларни кучайтиради, меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди.

Юксак маънавият соҳиби бўлган инсонлар амалий иш, чора-тадбир қўллаб бошига мушкул иш тушган кишининг мушкулени осон қилади, дардига малҳам бўлади, жаҳон халқлари тинч, осойишта яшашини астойдил истайди.

Маданият, маънавият ва маърифат жаҳон халқларини ўзаро яқинлаштиради. Ҳар хил ирқ, жинс, элат ва миллатларга мансуб бўлган одамларда адолат-парварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, иймон-инсофлилик, виждонлилик, меҳр-мурувватлилик, раҳм-шафқатлилик, оқибатлилик, ҳамкорлик, ҳамдардлик, дўстлик, билимга, ҳақиқатга ташналик, истиқболни кўра билиш ва унга онгли интилиш, умумий уйимиз бўлган Ер куррасини тинчлик, барқарорлик ҳолатда сақлашга ҳаракат қилиш, табиий офатларга, рак, спид каби даҳшатли касалликлар ва эпидемияларга, экологик хавф-хатарларга қарши биргаликда, ҳамжиҳат, ҳамкор, қўлни қўлга бериб курашиш сингари умумбашарий, умуминсоний фазилатларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга асос бўлиб хизмат қилади. Маърифатпарварлик жамият тараққиётининг барча босқичларида маънавий баркамол инсон омилини етилган муаммоларни ҳал этиш ва тараққиётни янги босқичга кўтаришнинг асосий шартидир. Маънавият ва маърифатпарварлик барча даврларда ҳам ижтимоий, маънавий юксалиш-

¹ Ўша асар, 80-бет.

нинг, инсон камолотининг муҳим омилларидан бири бўлган.

Агар жамият ҳаётида маънавий-маърифий омиллар барча давлатлар сиёсатининг асосий йўналиши бўлмаса, ахлоқий етуклик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ҳамфикрлик, инсонпарварлик, демократия ва қонун устуворлигига таяниш, фан ва техника ютуқларидан тараққиёт ва инсон манфаатлари йўлида фойдаланишга эришилмаса, инқирозий жараёнлар, фалокатли тўқнашувлар, экологик фожиалар кўпайиб ва кенгайиб бораверади.

Маънавият ва маърифат халқларни халқлар, миллатларни миллатлар билан ўзаро яқинлаштиради, меҳр-оқибатни кучайтиради, инсоният манфаатлари учун хизмат қилади, кишилар эътиборини миллий адоватлар, ноҳақ қон тўкилишлар, террористик ҳаракатларни олдини олишга, бартараф этишга қаратади.

Маънавият, маърифат ва маданият келажак сари одимлаётган инсоният олдида қандай миллий, минтақавий муаммолар, қийинчиликлар, синовлар турганлигини етарли даражада аниқ тасаввур этишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Барқарорлик ва хавфсизлик йўлида таҳдид солиб турган муаммолар нималардан иборатлигини, уларга нималарни қарши қўйиш мумкинлигини илмий идрок этишда қўл келмоқда.

Маданият ва маърифат ютуқларига асосланмасдан туриб инсоният келажаги ва тараққиёти билан боғлиқ бўлган хавфсизликни қандай сақлаб қолиш лозим, барқарорликни қандай таъминлаш даркор, тараққиёт йўлидан собитқадам ривожланишга нималар ҳисобига эришиш мумкин, деган қатор мураккаб саволларга аниқ ва мукамал жавоб топиш амримаҳолдир.

Ана шуларни назарда тутиб Юртбошимиз, «Мен XXI аср маънавият асри, маърифат асри, илм-фан, маданият ва ахборот асри бўлишига қатиян аминман.

Мен ақл-идрок ва инсонийлик кучлари ғалаба қозониши кераклигига ишонаман. Сайёрамиздаги халқлар ва давлатларнинг тадрижий тараққиёти тантана қилишига имоним комил»¹ - дейди. Таъкидланганидек, XXI аср инсоният тарихида маънавият, маърифат муаммоларига асосий эътибор бериладиган давр бўлади.

¹ Ислон Каримов. «Бунёдкорлик йўлидан». 4-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996, 338-бет.

2. Маданий маънавий тараққиётга ғов бўлиш

мустамлакачиликка хос-машъум сиёсат

Жаҳон тарихий тажрибасининг кўрсатишича, маънавий ва маърифатнинг ривожланиш имкониятлари инсоният тарихининг барча даврлари ва шароитларидан бир хил бўлган эмас.

Тарих – ўзгарувчандир. Бу ўзгарувчанлик инсоният жамияти ҳеч қачон бир нуқтада туриб қолмаслигини, у доим пастдан юқорига, оддийдан мураккабга, ўтмишдан келажакка томон прогрессив равишда юксалиб, илгарилаб борадиган ўзгариш ва тараққиётдан иборат объектив қонуният эканини кўрсатади. Ижтимоий тараққиёт худди вақт сингари орқага қайтмайдиган жараёндр. Жаҳон тараққиётининг чексиз равишда илгарилаб боришининг объектив қонуният, тарихий зарурият эканининг маъноси шундаки, уни айрим кишилар ҳам, бутун бошли синфлар ҳам асло тўхтата олмайди, шунингдек, бу ҳаракатнинг йўналишини ўз истаклари бўйича ўзгартира ёки бошқа бир изга солиб ҳам юбора олмайдилар. Инсоният жамияти тараққиёти ҳамаша битта йўлдан-ўтмишдан бугунга, бугундан эса келажакка томон боради.

Жамиятнинг келажакка томон тараққиёти ҳамаша ва ҳамма жойда бир хилда текис, равон йўлдан боравермайди. Тарихий тараққиёт ниҳоят даражада нотекис, зиддиятли, эгри-бугри йўллар асосида ўзига йўл очиб борганлиги сабабли унда инқирозлар, турғунлик даврлари, шунингдек, кескин тарихий бурилишлар ҳам бўлиб туради. Тарихда бунга мисоллар исталганча топилади. Бу ҳолат мустамлакачилик ва қарамлик асорати остига тушиб қолган мамлакат ва халқлар тарихида кўзга яққол ташланади. Баъзи халқлар ва миллатлар қулай шарт-шароитлар ва имкониятлар туфайли илм-фан, маданият ва маънавийда, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда беҳад илгарилаб кетса, бошқалари эса ноқулай шароитлар, сабаблар туфайли мустамлака қилиб олинганлиги, ўз эрки ва мустақиллигидан маҳрум қилиб қўйилганлиги учун жаҳон цивилизацияси тараққиётидан орқада қолиб кетади, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий, маънавий тараққиётга имконияти торайиб, чекланиб қолади, бора-бора жамият, инсон ҳаётининг барча соҳаларида тушкунлик, турғунлик, сиёсий, иқтисодий,

маънавий бухронлар бошланади. «Жамият ҳаётидаги барча юксалишлар, тараққиёт имкониятлари, комил инсон шахсининг шаклланиши муайян маънавий муҳит ва имкониятлар билан боғлиқ бўлган. Барча тушкунликлар, турғунлик ҳолатлари, иқтисодий, сиёсий инқирозлар эса маънавий бухроннинг натижаси бўлган. Шунинг учун жамият тараққиётидаги тушкунликлар ва юксалишларнинг сабабини ижтимоий, иқтисодий, сиёсий омиллардангина эмас, балки кишиларнинг онги, эътиқоди, дунёқараши, ахлоқий камолоти даражасидан ҳам излаш керак»¹.

Жамият ҳаётидаги барча бухронлар, тушкунликлар, турғунликлар, тараққиётдаги депсиниш ва сустлашишлар маданият ва маънавият соҳасидаги бухронлар энг даҳшатли оқибатларга олиб келади. Бошқача айтганда, жамият ва инсон ҳаётидаги инқироз, тушкунликлар ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ўпирилишларга нисбатан ҳам ўта хатарлидир. Маънавий бухрон асосан инсоннинг онги, ахлоқи, иймон-эътиқодида содир бўлади. «Маънавий бухрон, – академик Эркин Юсупов таъбири билан айтганда, – инсон ўзининг асосий фазилатларидан, инсонпарварлик, адолатпарварлик, меҳр-мурувват, раҳм-шафқат борасидаги қадриятларидан маҳрум бўлишидир. Маънавий бухронлар кучайиши ядро портлашларидан ҳам хатарли оқибатларга олиб келади».²

Бутун инсоният тарихида ажнабий босқинчилар ўзлари зўравонлик йўли билан босиб олган мамлакатда узоқ вақт ҳукмронлик қилиш, халқни асоратда сақлаш учун унинг маданияти, маънавиятига тажовуз қилганлар.

Забт этилган мамлакат халқлари маданий-маънавий тараққиётини бўғиб қўйиш истилочи мамлакатлар томонидан мустамлакачилик тартибларини сақлаб туриш ва мустаҳкамлашнинг азалий, тарих синовидан ўтган йўллари билан бири бўлиб ҳисобланади. «Кимки, миллатни ўзига қарам қилмоқчи бўлса, – дейди Ўзбекистон Президенти, – аввало унинг маданиятига чанг солади».³

¹ Э.Юсупов. Инсон камолотининг маънавий асослари. - Т.: Университет, 1998, 11-бет.

² Э.Юсупов. Миллий ғоя ва мафкура: моҳияти, ижтимоий-тарихий илдизлари, аҳамияти. – Т., 2001, 5-бет.

³ Ислом Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996, 260-бет.

Босқинчи мамлакат забт этилган халқларни бора-бора ўзига сингдириб юборишни, бунинг учун ўз ғояларини ва мафқурасини мажбуран жорий этишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўяди.

Маданият ва маънавиятга шикаст етказиш, миллий тил ва урф-одатлар, тарихий мерос ва қадриятлар ривожини бўғиб қўйиш орқали одамларни маънавий манқуртлик ҳолатига тушириш бўйсундирилган мамлакат халқларини жоловда ушлаб туриш, бойликларини истаганча талаш, куч ва имкониятларидан хоҳлаганча фойдаланишнинг зарур ва нозик йўлларида бири эканлигини ажнабий босқинчилар жуда яхши билишган. Шунинг учун ҳам мустамлакачилар забт этилган халқларни маънавий қашшоқлаштиришни, уларда лоқайдлик, парокандалик, маҳаллийчилик кайфиятларини кучайтиришни олдиндан режалаштириб, амалга оширилиш йўллари мўлжаллаб қўйишади. Бу нарса ажнабийлар манфаатига мос келади.

Маданият зарбага учраб, халқнинг маънавияти борбод бўлаверса одамлар ўз-ўзидан эътиқодсиз бўлиб кетади. Ундай жойда омманинг оломонлашуви, сиёсий манқуртлик, сиёсий қарахтлик, бепарволлик, лоқайдлик бошланади. Бундай мамлакат ва халқда охир-оқибатда миллий мансублик, ватанпарварлик туйғулари, миллий ҳамжиҳатлик аста-секин заифлаша бошлайди. Ана шундай давлатни мустамлакачилик кишанларида узоқ вақтлар давомида ушлаб туриш, халқни итоаткор қулга айлантириш мумкин. Миллий ғурури сўндирилган, маданияти, маънавияти, миллий тили, миллий қадриятлари камситилган, ҳақ-ҳуқуқлари, эрки бўғиб ташланиб, маънан-руҳан эзиб ташланган халқ мустамлакачилар учун тап-тайёр ўлжадир.

Мустамлакачи мамлакатлар забт этилган халқларни итоатда сақлаб туриш учун асосий эътиборни нималарга қаратиш ҳақидаги йўл-йўриқларни ўзларининг етук алломалари, сиёсатшуносларидан олганлар. Ана шундай йўл-йўриқлардан бирини бундан 2700 йил муқаддам Хитой файласуфи Конфуций ўз императорига берган: «хоқоним, агар бирор мамлакатни босиб олиб, у ерда узоқ ҳукмронлик қилмоқчи бўлсангиз, даставвал ўша ерда яшаётган халқни ўз тарихий маданиятидан маҳрум этинг, маънавий бухронни кучайтиринг. Ўз

маданиятидан маҳрум бўлиб, маънавий қашшоқлик ҳолатига учраган халқ уюшмайди, ички низолар гирдобига ўралади. Бундай ҳолга келган халқни, мамлакатни идора қилиш қийин бўлмайди»¹.

Мустамлакачилар ўзига қарам бўлган халқлар, уларнинг маданияти ва маънавияти ҳақида ҳеч қачон ҳолис, адолатли фикр айтган эмас. Улар ўзларининг бор куч-ғайратларини тобе халқларнинг ўтмишини камситишга, тарихидан, ўтмиш меросидан, урф-одатларидан, тили ва миллий кадриятларидан жудо қилишга сарфлаганлар.

Ҳозир Ўзбекистон, ўтмишда «Турон», «Туркистон», «Мовароуннаҳр» номлари билан машҳур бўлган Ватанимизнинг қадимий ва муборак тупроғига қайси бир босқинчи мамлакат бостириб келган бўлмасин, уларнинг ҳар бири ўлкамиз халқларини маънавий қашшоқлик ҳолатида сақлаб туришни, аждодларимизни ҳеч қачон озодлик тўғрисида ўйламайдиган қилишни ўзларининг давлат сиёсати даражасига кўтарганлар. «Тўғри, Мовароуннаҳр сарҳадларига узоқ тарихимиз давомида не-не босқинчилар кириб келмаган, кўп йиллар, балки асрлар давомида юртимизда не-не ўзга сулолалар ҳукмронлик қилмаган, дейсиз. Бир сўз билан айтганда, минг йиллар давомида юртимизга келиб-кетганлар озми? Эрондан Аҳмонийлар, Юнонистондан Александр келди, Арабистондан Қутайба, Мўғилистондан Чингизхон келди, рус истилочилари келди. Лекин халқ қолди-ку. Хўш, бунда қандай сир-синоат бор? Халқ қандай ички куч-қудратга таяниб ўзлигини сақлаб қолди? Қадим-қадим замонлардан ўтроқ яшагани, илм-маърифатга интилгани, буюк маданиятга эга бўлгани, ўз урф-одатларини муқаддас билгани учун эмасми?»².

Минг йиллар давомида юртимизга қайси бир истилочи келиб кетган, не-не ўзга сулолалар ҳукмронлик қилган бўлмасин, уларнинг ҳаммаси ўз фаолиятини маҳаллий халқларнинг асрлар давомида шаклланган маданияти, урф-одатлари, динларини барбод қилишдан бошлаганлар. Буни араб истилочилари мисолида кўрсатиш мумкин.

¹ Қаранг: Гусенов А.А. Великие моралисты. – М., 1995, с.36.

² Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1999, 143-бет.

Араб мустамлакачилари ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий жиҳатдан ўзларидан ҳар томонлама устун бўлган Турон мамлакатада ерли халқлардан маънавий жиҳатдан «устунликларини» таъминламасдан туриб «узил-кесил ғалабага эриша» олмасликларини аллақачон тушуниб етган эдилар.

Мамлакатимизни зўравонлик йўли билан босиб олган араблар бу соҳадаги ўзларининг амалий фаолиятларини маҳаллий халқларнинг бир неча минг йиллар давомида шаклланган тарихи, маданияти, урф-одатлари, динларини барбод қилишдан бошладилар. Ерли аҳолини руҳан-маънан майиб-мажруҳ қилишга араблар томонидан биринчи даражали аҳамият берилишини тасодифий ҳодиса деб бўлмасди, балки у чуқур ўйлаб, узоқни кўзлаб ва режалаштириб қилинган машъум сиёсат эди. Ана шу сиёсатнинг мазмун-моҳиятида, бир томондан, араб босқинчиларининг ҳарбий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий манфаатларини ошқора ҳимоя қилиш турган бўлса, иккинчи томондан ўлкамиз халқларини маданиятидан, миллий ўзлигини англашдан маҳрум этиш, маънавий бухронни кучайтириш муддаоси ҳам турарди.

Ўзининг тарихий мероси, маданияти, миллий урф-одатлари, анъаналари, кадриятларидан бебаҳра бўлган халқ манқуртлик ҳолатига тушиши, ўз қардқимматини унутишини, уюша олмаслигини, ички низолар гирдобидида ўралиб қолишини, мустақиллигини уюшқоқлик билан ҳимоя қила олмаслигини истилочи араблар жуда яхши тушуниб етган эдилар.

Маънавий қашшоқлик кучайган мамлакат, миллий ғурури сўндирилган, маданияти, тили, урф-одатлари, ҳақ-ҳуқуқлари камситилган, парокандалик авжигида чиққан халқ ва миллат мустамлакачилар учун таппа-тайёр ўлжадир.

Шунинг учун ҳам сиёсий ҳокимиятни, халқ оммасининг меҳнати натижасида юзага келган моддий ва маънавий бойликларни ўз қўлига киритиб олган араб истилочилари мустамлакачиликнинг ҳамма даврларида Турон заминда фаннинг, маърифатнинг, маданият ва маънавиятнинг ўсиши ва ривожланишига йўл бермасликка интилдилар. Улар Туроннинг жуда кўп шаҳар ва қишлоқларини вайрон қилдилар, минг-минглаб кишиларни қирдилар, куллик

исканжасига солдилар, олиму фузароларни эса тазйиқ остига олдилар. Араблар босқинчилик ҳаракатларининг дастлабки даврларидан бошлаб маҳаллий динларни, диний марказларни, муассасаларни йўқ қилдилар, кўплаб маданий обидалар, нодир қўлёзмаларни ёқиб ташладилар.

Араб истилочилари Мовароуннаҳр халқларининг асрлар давомида яратган жуда кўп маданият обидаларини вайрон этдилар, кутубхоналарни ер билан яксон қилдилар, нодир қўлёзмаларни ёқиб ташладилар, ўлкада кўп асрлар давомида шаклланган ва ривожланган сўғд, хоразмий, зардўштилик каби маҳаллий ёзувларни йўқ қила бошладилар, бу ёзувларни, ўтмишдаги билимларни билган одамларни, етук олимларни қиличдан ўтказдилар. Шу сабабли Турон мамлақати халқларининг Исломга қадар бўлган кўплаб маданий ёдгорликлари, бир неча минг йиллик маданий бойликлари йўқ бўлиб кетди. Босқинчилар Самарқанд ва Бухородаги кутубхоналарни ёқдилар, илм билан шуғулланганларнинг бир қанчасини ўлдирдилар.

Мавлоно Абу Райхон Беруний юртимизга бостириб кирган араб лашкар бошлиғи Қутайбанинг, маданиятимиз дурдоналарини йўқотиб юборганлиги ҳақида «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида куйидагиларни ачиниб таъкидлаган эди: «Қутайба хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимни бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) Ислом давридан кейин, ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди»¹.

Беруний ўша асарининг бошқа бир жойида «Кейин Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий хоразмликларнинг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини куйдиргани сабабли улар саводсиз қолиб, ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига суянадиган бўлдилар»², – деб ёзган эди.

«Бухоро тарихи» китоби муаллифи Наршоҳий ҳам арабларнинг қора қилмиши ҳақида «Кимки урушга яроқли бўлса, ҳаммасини ўлдирди», – деб

¹ Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. - Т.: Фан, 1968, 72-бет.

² Ўша асар, 62-бет.

ёзган эди.

Араб босқинчиларининг Мовароуннахр халқлари маданияти ва маънавиятига қилган хуружлари қайд этиб ўтилганлар билан кифояланган эмас. Ерли халқларни араблаштириш мақсадларини кўзлаб Исломни ўрганиш, ташвиқот ва тарғибот қилиш баҳонасида араб тили ва араб ёзуви давлат тили даражасига кўтарилди, фан ва адабиёт тили бўлиб қолди. Одамлар, жойлар номлари, саналар, ўлчов бирликлари арабчага ўзгартирилди. Ҳатто она еримиз Мовароуннахр (икки дарё оралиғидаги жой) номини олди»¹.

Араблар Мовароуннахр халқлари ўртасида Ислом дини ва мафкурасини ёйиш учун барча чора-тадбирларни кўрдилар. «Улар ерли аҳолининг маданий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган оташпарастлик, зардуштийлик, насронийлик, монийлик ва буддавийлик динларини хурофий, сохта динлар деб эълон қилдилар. Айниқса, Мовароуннахр аҳолисининг асосий дини ҳисобланган оташпарастликка қарши қаттиқ кураш олиб бордилар. Ибодатхоналар ўрнига жоме масжидлар бино қилинди. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётда мусулмон ҳуқуқи жорий этила бошлади»².

Туронзамин, Мовароуннахр халқларини мусулмонларга айлантириш араб босқинчилари учун ниҳоятда қийин бўлди. Маҳаллий аҳоли, айниқса қишлоқ аҳолиси узоқ вақт ислом динини қабул қилмай, ўз диний эътиқодларини давом эттирдилар, оташпарастликка содиқ қолдилар. Сўғдийлар, хоразмийлар, Самарқанд ва Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаси одамлари ҳар қанча тазйиқларга қарамай оташпарастликка мансуб урф-одатларни давом эттиравердилар. Келин-куёвларни гулхан атрофида айлантиришлар, марҳум ва марҳумаларнинг жони узилган хоналарда қирқ кун давомида тунлари муттасил чироқ ёқиб кўйишлар, вақти-вақти билан мазорбошида шам ёқиб кўйиш сингари удумлар оташпарастлик дини таълимотига эътиқод қилишнинг ҳатто ҳозирги даврда ҳам намоён бўлиш шакллари дидир.

Араблар Мовароуннахрда зардуштийлик, буддизм ва бошқа динларни сиқиб

¹ Қаранг: Ш.Каримов, Р.Шамсутдинов. Ватан дарихи. - Т.: Ўқитувчи. 1997, 152-бет.

² Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. - Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 83-бет.

чиқариш учун тинимсиз равишда курашдилар. Қутайба Бухоро шаҳрининг марказида жойлашган бутхонани ва оташпарастилар ибодатхонасини буздириб ташлаб, масжиди жоме қурдирди. Наршохийнинг номи зикр этиб ўтилган асарида айтилишича, Қутайба Бухоро аҳолисига ҳар жума куни жарчи қўйиб, «Жума намозига ҳозир бўлган ҳар бир кишига дирҳам бераман», – деб чақиртирар эди.

Арабларнинг бу хатти-ҳаракатлари ҳам маҳаллий аҳолини ўзлари эътиқод қилган динлардан қайтара олмаган. Бухороликлар тил учуда мусулмонликка иқрор бўлсалар-да, аслида эса яширин равишда бутга чўкинар эдилар.

Араблар Исломни тез тарқатиш мақсадида янги динни қабул қилганларга баъзи имтиёзлар ҳам бердилар. Шунингдек, улар Ислом таълимотини ёйиш, Турон халқлари онгига сингдириш учун зўрлаш ва мажбур қилиш усуллари ҳамда воситаларидан, қурол кучидан ҳам фойдаланганлар.

Арабларнинг босқинчилик сиёсати оқибатида Мовароуннаҳр халқлари илм-фани, маданияти ва маънавияти жиддий зарар кўрди. «Улар шу ўлкада кўп асрлар давомида шаклланган, ривожланган Сўғд, Хоразм ёзувларини ҳам йўқ қилдилар, бу ёзувларни, ўтмишдаги билимларни билган одамларни ҳам қириб ташладилар. Шу сабабли Туркистон халқларининг Исломга қадар бўлган маданий ёдгорликлари еростида, ислом маданияти обидалари эса асосан ер устида сақланиб қолди. Бундай сиёсат натижасида маҳаллий халқлар ўзларининг бир неча минг йиллик маданиятидан, ёзувларидан, динларидан маҳрум бўлдилар, ўлкада маданий бўшлиқ ҳолати юзага келди. Бу эса араблар олиб келган янги дин, билимлар, урф-одатларнинг кенг томир ёйилишига имкон яратади»¹.

Чингизхон галалари ҳам Ўрта Осиёни ишғол этгач, халқ оммасини ўзларининг итоатгўй қулларига айлантиришга, ғафлат уйқусида қолдиришга зўр бериб ҳаракат қилдилар. Бу сиёсатнинг ҳам чуқур ўйланган сабаблари бўлган. Ўзининг маданиятидан маҳрум бўлиб, маънавиятсизлик гирдобига ўралиб қолган халқнинг қовушмаслиги, уюшмаслиги, лоқайдлик кайфиятида

¹ Эркин Юсупов. Инсон камолотининг маънавий асослари, 12-бет.

қолиб итоатгўй қулларга айлантиришга, ғафлат уйқусида қолдиришга зўр бериб ҳаракат қилдилар.

Чингизхон тарихда ўтган энг даҳшатли ва энг ёвуз истилочилардан эди. Чингизхон қўшинлари қадам босган ерига ўлим, офат ва харобалик келтирган. Улар шаҳару қишлоқларни куйдириб, бой кутубхоналарни, саройлар ва масжидларни ер билан яксон қилиб ташлаганлар, ҳеч кимга раҳм-шафқат қилмаганлар, эркакларни, болаларни шафқатсизлик билан ўлдирганлар, битма Қуръонлар сақланган сандиқларни отларига охур қилганлар.

Ислом Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида айтилишича, Чингизхон XIII асрда Самарқандни ёндириб ташлаган, Бухорони, Урганчни ер билан яксон қилдилар. Мўғуллар босқини ўлкамизнинг моддий ва маънавий маданияти тараққиётини бир неча юз йиллар орқага суриб юборди.

Асрлар давомида халқимизнинг ақл-заковати билан бунёд этилган гўзал шаҳар ва қишлоқлар, осмонўпар тарихий обидалар, бинокорлик ва меъморчилик санъатининг нодир ва бетакрор нусхалари ер билан яксон қилинди, уларнинг кули кўкка совурилди. Айниқса, маънавий меросимиз кўрган зарарни тил билан ифода этиш қийин. Ёзма манбалар, нодир китоблар ёндирилди, оёқ остларида топталди. Мўғуллар фан ва маданият арбоблари, олиму фузалолар, шоир ва ёзувчилар — халқимизнинг минг-минглаб улуғ фарзандларини ёппасига қириб ташладилар ёки қул қилиб асир сифатида Мўғулистонга олиб кетдилар. Маданий ҳаётга шу қадар катта зарба берилдики, уни XIV асрнинг ярмиларига қадар ҳам тиклаб бўлмади»¹.

Босқинчиларнинг қайси бири бўлмасин, ўзларига қарам қилиб олган мамлакат халқларини сиёсий манқуртлик, қарахтлик ҳолатида сақлашга, маданий, маънавий тараққиётни бўғиб ташлашга зўр бериб ҳаракат қилишган. Туркистон халқларига нисбатан бундай машъум сиёсат чор Россияси даврида ҳам узоқ йиллар давом эттирилган.

Чоризм учун Туркистонда мустамлакачилик тартибларини сақлаб туриш осон кечмади. Чунки Туркистон илм-фан, маънавият ва маърифатда, умуман

¹ Ш.Каримов, Р.Шамсуддинов. Ватан тарихи. Биринчи китоб. - Т.: Ўқитувчи, 1997, 346-347-бетлар.

маданий тараққийда босқинчиларга нисбатан жуда устун турарди.

Туркистон азал-азалдан жаҳон цивилизациясининг энг қадимий марказларидан бўлиб келган. IX-XV асрларда Шарқдан, хусусан, Туркистондан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар тиббиёт, жуғрофия, математика, астрономия, мусиқа, тасвирий санъат, меъморчилик ва бошқа кўплаб фанлар соҳасидаги буюк кашфиётлари билан жаҳон илм-фани ва маданиятини ижодий бойитдилар, юқори чўққига кўтардилар, унинг бир неча асрлик тараққийига самарали таъсир этдилар. Туркистон халқлари сафидан етишиб чиққан, Шарқ ва Ғарбда ўрта аср математика илми ва мактабининг асосчиси Мусо ал-Хоразмийни, «Устоиди-соний» - «Иккинчи муаллим» ёки «Шарқ Аристотели» унвонига сазовор бўлган Абу Наср Фаробийнинг, тиббиёт илмининг етакчиси, юқори чўққиси, «Шайх ур-раис» - «Олимлар подшоси» Абу Али Ибн Синони, Шарқнигина эмас, балки бутун инсониятнинг ҳам фахр-ифтихори, қомусий ақл эгаси Абу Райҳон Берунийни, юлдузлар жадвалининг асосчиларидан бири Мирзо Улуғбекни, ўз даврининг буюк мутафаккирлари ва давлат арбоблари Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурни бутун маърифатли дунё ҳали-ҳамон хурматлаб, эъзозлаб келмоқда. Бу буюк алломалар, олиму фузалолар наинки ўзлари мансуб бўлган халқнинг, айти пайтда бани башариятнинг ҳам ифтихорларидир.

Туркистонни зўравонлик йўли билан босиб олган чор ҳукумати ерли аҳолини қарамлик ва қуллик ҳолатида ушлаб туришни мустамлакачилик сиёсатининг марказий масалаларидан деб ҳисоблади. Ана шу ёвуз ва маккорона сиёсатни амалга оширишнинг асосий йўл-йўриқларини, асосларини пухта ва мукамал ишлаб чиқиш учун ишни нимадан бошлаш кераклиги ҳақида таклифлар, фикр-мулоҳазалар, асосли хулосалар бериш топшириғи билан кўпчилик олимлар ва бошқа соҳа мутахассисларини Россиядан Туркистонга юборди. Юборилган ҳарбийлар, ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар, айғоқчилар, тарихчи, этнографлар, иқтисодчи, тилшунослар, насроний ва бошқа дин арбоблари сафида В.Бартольд каби йирик шарқшунослар ҳам бўлган. Бартольд Туркистондаги сиёсий-иқтисодий вазиятни, ўлканинг имконият ва

шароитларини чуқур ўрганиб Санкт-Петербург Фанлар академияси илмий Кенгашида шундай деган: «Биз шу пайтгача маданий савияси ўзимиздан паст бўлган халқларнинг ерларини босиб олдик. Энди бўлса, Туркистон мисолида тамом тескари ҳолатга дуч келиб турибмиз. Туркистонликлар бизнинг ҳарбий устунлигимизга тан беришади, аммо маънавий устунлигимизни тан олишгани йўқ. Вазифа ана шуни тан олдиришдан иборат, то шуни тан олишмас экан, биз узил-кесил ғалаба қозондик, деб айта олмаймиз».

Чор мустамлакачилари олимлар маслаҳатига амал қилиб, Туркистонда қандай бўлмасин, ўзларининг ерли халқдан «маънавий жиҳатдан устунликларини» исботлашга ва шу тариқа «узил-кесил ғалабага эришиш»га астойдил киришдилар. Ўтмишдаги босқинчилар сингари чор мустамлакачилари ҳам бу соҳадаги амалий ишни Туркистон халқини бир неча минг йиллик тарихи, маданияти, урф-одатларидан жудо қилишдан, ерли аҳолини руҳан-маънан майиб-мажруҳ қилишга киришишдан бошладилар. Бу бежиз эмас эди, албатта. Балки чуқур ўйлаб, узоқни кўзлаб ва режалаштириб қўйилган машъум сиёсат эди. Ана шу сиёсатнинг заминида бир томондан мустамлакачи чор ҳукуматининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий манфаатларини ошкора ҳимоя қилиш турган бўлса, иккинчи томондан, Туркистон халқларини, унинг катта бир қисмини ташкил этадиган ўзбек халқини миллий ўзлигини англашдан буткул маҳрум қилиб, ўтмишини унутган, ватанпарварлик туйғусидан жудо бўлган, истиқболини кўролмайдиган одамлар гуруҳига айлантириш муддаоси ҳам турарди.

Миллатни, халқни йўқ қилишнинг, таназзулга юз тутдириш, маҳв этишнинг мустамлакачилар манфаатига мос келадиган энг ёвуз ва ваҳшиёна йўлларида бири–унинг миллий тили, тарихи, маданияти, миллий қадриятлари ривожланишига йўл бермасликдир. Бунинг учун эса энг аввало уни бой ўтмишидан ажратиш, маърифатсиз қолдириш лозим.

Маърифат, маданият, миллий онглилик, миллий тил, миллий урф одат, миллий қадрият – буларнинг ҳаммаси халқнинг халқ эканлигини белгилайдиган омиллардан бўлиб ҳисобланади. Маърифат халқни ўз ўтмишини билиш ва

истикболини тушуниб этишга ёрдам беради, Ватанни севишга, унинг билан фахрланишга даъват этади, душманларга қарши мурасасиз кураш олиб боришга, эрк ва адолат учун жасорат кўрсатишга ундайди.

Маърифатли халқ шижоатли, жасур бўлади. Маърифатсиз халқ эса миллий жиҳатдан ўзини англаб ололмайди, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурлигини тушуниб етмайди, тақдирга тан бериб яшашни ўзига эп кўради. Чор амалдорлари буни яхши билганликлари учун ерли халқни маданият ва маърифатдан бебахра қолдириш масаласига биринчи даражали аҳамият бердилар, бу йўлда ҳеч нарсадан тап тортмадилар, инсофу диёнатни, раҳм-шафқатни бутунлай йиғиштириб қўйдилар.

Чор Россиясининг Туркистондаги сиёсати миллий туйғуни паймол этишга, миллий қадриятларни топташга, йўқотиб юборишга қаратилган эди. Улуғ давлатчилик кайфиятидаги чор маъмурлари ўзлари босиб олган Туркистон халқларини қулликда тутишнинг энг яхши усул ва йўлларини топган эдилар.

Тўғри, илғор рус зиёлилари ўзбек халқининг, бошқа халқларнинг маданиятига катта таъсир кўрсатишди. Улар ўлкада илм-фан ва маданиятнинг ривожига маълум ҳиссаларни қўшдилар. Лекин бу чоризм сиёсатида боғлиқ эмас эди. Чоризм бу ерда саводсизлик, билимсизлик ҳолатини мустаҳкамлашдан манфаатдор эди. Буни жуда кўплаб мисолларда кўриш мумкин. Рус зобити, чоризм мустамлакачилик сиёсатини Шарқда қон ва қилич билан жорий қилган даҳшатли генераллардан бири М.Д.Скобелев, «миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, маданиятини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада адоий тамом бўлади», - деб «башорат» қилган эди. Унинг ана шу «доно» кўрсатмаси Туркистонда қилинган жамики хунрезликлар, маданиятимиз ва маънавиятимизга нисбатан амалга оширилган жаҳолат ва ёвузликлар учун асосий қўлланма бўлиб хизмат қилди.

Миллий ғурури сўндирилган, маданияти, тили, урф-одат ва қадриятлари камситилган, ҳақ-ҳуқуқлари, иззаг-нафси ерга урилиб руҳан эзилиб, умидсизликка туша бошлаган халқ ва миллат мустамлакачилар учун таппа-тайёр ўлжадир.

Чор мустамлакачиларининг Туркистон халқлари маънавияти, миллий онги ўсишига зарба бериш, миллий ўзлигини англаб олишига очикдан-очик қаршилик қилиш мақсадида қилган ишлари, қўллаган усуллари, найрангларининг ҳаммасини бирма-бир айтиб адо қилиб бўлмайди.

Юртимизда ўзини мутлақи ҳоким деб ҳисоблаган босқинчилар ўлкада мавжуд бўлган қоқоқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни, меҳнаткаш омманинг билимсизлик ҳолатини атайин ўзгартирмай сақлаб қолишга, ҳатто яна ҳам чуқурлаштиришга зўр бериб, ҳаракат қилди.

Сиёсий ҳокимиятни, халқ оммасининг меҳнати натижасида юзага келган моддий ва маънавий бойликларни ўз қўлига киритиб олган чор амалдорлари маҳаллий ҳукмрон синфлар билан биргаликда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг, фан ва техниканинг, маънавий маданиятнинг юксалишига, миллий онг, миллий савия ва миллий ўзлигини англашнинг ўсиб ва ривожланиб боришига тиш-тирноқлари билан қаршилик қилдилар. Меҳнаткаш оммани жаҳолат ботқоғига чуқурроқ ботириш, одамларда қоқоқлик, тўпорилик, лақмалик, омилиқни авж олдириш чоризм мустамлакачилик сиёсатининг туб асосларидан бирини, унинг моҳиятини ташкил этарди.

Чоризм Туркистон халқини саводсизлик, билимсизлик ҳолатида ушлаб туришдан манфаатдор эди. Унинг мақсади ғафлат уйқусида ётган, замонавий фан-техника, маърифат ютуқларидан беҳабар қолган, миллий онги паст, миллий ғурури топталган халқни талаш, эксплуатация қилишдан иборат эди.

Шунинг учун ҳам чор ҳукумати мустамлакачиликнинг ҳамма даврларида ўлкамизда фаннинг, маърифатнинг, маданиятнинг ўсиши ва ривожланишига йўл бермасликка интилди.

Чор маъмурлари томонидан ерли аҳолига олам ҳақида ҳеч қандай илмий билим бермайдиган, фақат диний ақидаларни кўр-кўрона такрорлашдан нарига ўтмайдиган эскича мактабларда билим бериш кенг тарғибот қилинди. Ҳатто рус тилидаги мактабларда ҳам ўқитиш ишлари болаларга фақат диний билим бериш билан боғлиқ тарзда олиб бориларди.

Чор генерал-губернаторлари мусулмонларнинг диний ишларига аралашиниш-

ни «истамаганликлари» сабабли маҳаллий мактабларни Туркистонда илгари қандай аҳволда бўлса шундайлигича қолдирдилар. Мактабларга нисбатан подшо ҳукуматининг сиёсати «Мусулмонларнинг эски диний мактаби ўз ҳолига қўйиб берилиши керак»¹, деган тарзда белгиланган эди.

Шу тариқа ерли халқ ва унинг фарзандлари юзаки саводхонлик даражасида ушлаб турилди. Бу подшо ҳукуматининг ўлкада феодал-патриархал муносабатларни ўзгартирмай сақлаш, меҳнаткаш оммани нодонлик ҳолатида ушлаб туриш сиёсатига айнан мос келарди.

Маҳаллий аҳолининг ночор аҳволи, аянчли турмуш шароити, сиҳат-саломатлигининг қандайлиги чор амалдорларини ташвишга солган эмас. Мустамлакачиларни ерли аҳолининг маданияти, маънавияти, турмуш шароити ва истиқболи эмас, балки меҳнати, пешона терлари, қадоқли қўллари ва кўз ёшлари билан яратган беҳисоб моддий ва маънавий бойликлари қизиқтирган, холос. Босқинчилар ерли аҳолига нисбатан, ўлса ўлиб кетавермайдими, қанча кўп ўлишса, бирин-кетин қирилиб адойи тамом бўлса, бизга шунча яхши бўлади қабилада иш тутишган. Буни биз мустамлакачиларнинг Туркистоннинг қишлоқ ерларидаги аҳолига тиббий хизмат кўрсатишга бўлган муносабатларидан билиб олишимиз мумкин.

Туркистондек бепоён ўлканинг маҳаллий аҳоли истиқомат қиладиган қишлоқ ва овулларида биронта ҳам тиббий пункт, шифохона, тажрибали шифокор, дорихона бўлмаган. Аҳоли соғлиғини сақлаш эса тиббиёт қонунларидан бутунлай беҳабар бўлган табибларнинг кўлида бўлган. Энг ачинарлиси шундан иборатки, чор амалдорлари табибларнинг халқ саломатлигига зиён келтирадиган ишларига зинҳор қаршилик кўрсатмаганлар, уни билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка олганлар, ўзларини атайлаб четга олиб турганлар. Улар ўзларининг бу сиёсатларини «табибларга мурожаат қилиш аҳолининг одатига айланиб қолган, бунга қарши таъқиқлаш чораларини кўриш бутунлай фойдасиздир», деб оқлаганлар.

Қишлоқ аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатмасликнинг сабабини чор

¹ К.К.Пален. Отчет по ревизии Туркестанского края. «Учебное дело», СПб. 3-бет.

амалдорлари, касалхоналар очилган тақдирда ҳам аҳоли ўзининг нодонлиги туфайли шифокорлар кўмагига мурожаат қилмайди, деган сўзлар билан ниқоблаганлар.

Марв тумани бошлиғи Закаспий вилояти бошлиғига 1909 йилда қўшимча атиги бир шифокор сўраб талабнома ёзганида, вилоят бошлиғи бу талабнома устига: «ерли аҳоли кучли, саломат ва ҳеч қачон касал бўлмайди. Улар ўз умрини яшаб ўлади. Эпидемия учун қанча маблағ ажратсанг ҳам, барибир, у етарли бўлмайди. Шунинг учун штатларни кенгайтиришга ҳеч қандай эҳтиёж сезмайман», - деб ёзган.

Подшо ҳукуматининг амалдорлари мустамлакачилик сиёсатини ўтказиш жараёнида ерли аҳолини руслаштириш масаласига биринчи даражали аҳамият бердилар.

Генерал-губернатор Бродовский 1870 йилда Туркистондаги таълим-тарбиянинг мақсадлари устида тўхтаб, ўлкадаги таълим-тарбиянинг асосий йўли уни рус манфаатларига мослаштириш йўлидан бориши керак, деган эди. Чор ҳукумати томонидан ташкил этилган гимназиялар, мактаблардаги таълим-тарбиявий ишлар шунинг учун ҳам ўзининг туб моҳияти эътиборила мустамлакачилик манфаатларига мослаштирилган, руслаштиришга қаратилган ҳолда олиб борилган.

Миллийликни, миллий ўзлигини англаб олишни йўқотиш, унинг илдизига болта уриш ниятида Русиянинг бир қанча туман ва вилоятларидан жуда кўплаб деҳқонлар Туркистонга кўчириб келтирилиб, ўлкамизнинг Еттисув, Сирдарё, Фарғона вилоятлари шаҳар ва қишлоқларида жойлаштирилди.

Оммавий равишда кўчириб келтириш натижасида шаҳарлар, туманлар ва вилоятларда русларга нисбатан маҳаллий аҳолининг салмоғи камайиб кетди. Маҳаллий аҳоли шаҳар марказларидан чет-четларга, олис қишлоқларга суриб чиқарила бошлади. Туб аҳоли учун ўз шаҳри ўзига бегона бўлди. Улкан шаҳри азимларимизнинг дарвозалари ўзгаларга ланг очик бўлса, ўзимизникилар учун эса таппа-тахт беркитилди. Яхши-яхши уй-жойлар четдан келганларга берилди, ўзбеклар уй-жой, тирикчилик ташвишида сарсон-саргардон, ўз юртида бегона,

сиғринди бўлиб юрди.

Руслар Туркистонда ўзларининг яхши яшашлари учун бор шароитни яратдилар. Ерли халқ эса эрталабдан кечга қадар энг оғир, машаққатли ва ҳатто, ирсиятни бузадиган, қонни айнитадиган, келгуси авлодларни майиб-мажруҳ бўлиб туғилишига олиб келадиган жисмоний меҳнат қилишга мажбур эди, аммо бири икки бўлмасди. Меҳнат ўзиники, роҳат-фароғат эса ўзгаларники бўлди!

Ўзбек халқи мустамлакачилик зулми остида эзилган бўлса, Русиядан кўчириб келтирганлар эса идора ҳайъатининг муҳим ерларига тайин этилдилар. Идоралар, ташкилотлар, алоқа, тиббиёт, тижорат соҳасидаги ҳамма ишлар фақат рус тилида олиб борилди. Мактабларда, мадрасаларда, гимназияларда рус тили, адабиёти, тарихи ва маданиятига асосий эътибор қаратилди. Газета ва журналларда, адабий асарларда, шоирларнинг шеърларида рус халқи, унинг тили, тарихи, адабиёти ва санъати кўкларга кўтариб мақталди. Ўзбекларнинг расм-русумлари, миллий либослари, миллий қадриятлари, туй-ҳашамлари назар-писанд қилинмаган бўлса, келгиндиларники эса зўр бериб тарғиб-ташвиқот қилинди. Буларнинг ҳаммаси маънавиятимизни барбод этиш, миллий туйғумизни поймол қилишга қаратилган мустамлакачилик сиёсатининг ниҳоятда устамонлик ва маккорона усуллар билан ҳаётга жорий этишнинг йўлларидадан бўлиб ҳисобланади.

Мустамлакачи чор ҳукуматининг ўлкамизда чуқур илдиз отиш ва бир неча йиллар ҳукмронлик қилишга қаратилган сиёсатини ҳар қандай йўллар, воситалар, усуллар билан амалга оширишни ўзлари учун олий мақсад деб билган рус капиталистлари ва ҳарбийлари жамики ишларни қилишди ва шу тариқа ўз подшолари, ўз тузумларига садоқатларини амалда кўрсатишди.

Мустамлакачилардан бири бегуноҳ халқни отган, ўлдирган бўлса, «ярим подшо»–Кауфман, генерал-губернатор Куропаткин, жаллод Головановга ўхшаганлар эса Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Тошкентдаги буюк асари атиқаларни, масжиду мадрасаларни, арклару тарихий-маданий обидаларни тўпга тутиб ер билан яксон қилишди.

1868 йилда рус кўшини Самарқандни забт этганда ноёб маданият ёдгорлиги бўлган, Амир Темурнинг катта хотини Бибихоним қурдирган мадрасанинг маҳобатли гумбазига замбаракни тўғрилаб ўқ уздирган ва вайрон қилдирган ваҳший генерал Кауфман эди! Шахрисабздаги Оқсарой, Бухоро Арки ҳам неча-неча бор мустамлакачи кўшинлар томонидан тўпга тутилган.

Туркистондаги Аҳмад Яссавийнинг муқаддас мақбараси ҳам худди шундай қисматга дучор этилган. Унинг ҳам айбдорлари худди ўшалар –маданият ва маънавиятнинг ашаддий душмани бўлган чор мустамлакачилари, рус зобитлари эди. Ахир, қандай қилиб, қўл остидаги мазлум халқлар маданияти ва тарихи русларникидан баланд бўлиши керак? Бунга улар тоқат қилолмасди! Уларнинг усули йўқ қилиш, маданиятни, тил ва тарихни, ўзбек халқи ғурурланадиган, ифтихор қиладиган нимаики бўлса, ҳамма-ҳаммасини аямай яксон қилиш эди?!

Подшо ҳукуматининг Туркистондаги арзандаларидан яна бошқа бирови, масалан, Куропаткин ва унинг ҳамтовоқлари ўлкамиз халқлари фикрини ўстирмаслик, оммани ғафлат уйқусида сақлаш, жаҳолат ботқоғига ботириш, гаҳ деса қўлига қўнадиган қилиш учун бутун ақл-идроқини, бой тажрибаси, қобилияти ва истеъдодини, жамики ҳийлаю найрангни, қувлиги-ю шайтонлигини ишга солди. Бу соҳада унинг қилмаган иши, қўлламаган маккорона усули, айтмаган ёлғон-яшиқ сўзи қолмади!

Чор ҳукуматининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатининг туб негизи ва моҳиятида қандай мақсад ва муддао ётганлигини халқимизнинг билимли, маданиятли зийрак, оқилу доно фарзандлари аллақачон тушуниб етган эдилар. Чор мустамлакачилик сиёсати моҳиятини фош этган, халқни эрк ва озодликка, билим ва маданиятга чорлаган, миллий қадриятларимизни қўллаб-қувватлаган, шу йўлда ҳалок бўлган буюк қалб эгаси Абдурауф Фитратдир. Фитрат, «Кўрдим, кездим, эшитдим, ўқидим. Мамлакатлар орасинда Туркистонимиз каби бахтсиз бир мамлакат йўқдир», – деб ёзган эди. У ана шу бахтсизликнинг сабаби, негизини ҳам чуқур ва мукамал кўрсатганди.

Фитрат ҳамма иллат ва касофатнинг, ҳар қандай зулм ва истибдоднинг, ўз юртида бегона бўлиб азоб-укубатда яшашнинг асосий сабаби мустамлака-

чиликда эканини кўрсатиб қуйидагиларни баён этганди: «Рус капиталистлари билан рус попларининг содиқ ва ишончли қоровуллари бўлган эски Русия ҳукумати эллик йил орасида Туркистондаги турк болаларининг фойдаларига бирор иш кўрдими, кўрмоқчи бўлдими?»

Мана шул саволга - «йўқ!»дан бошқа бир жавобимиз йўқдир. Юртимиз: эллик бир йил идораи аскарӣю остида турдиғи учун биз Оврупонинг маданий миллатлари билан кўришолмадик, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий фикрларидан истифода қилолмадик. Бизнинг кўзларимизни очдирмаслик учун фикри очик татар қариндошларимизни дохи Туркистондан ер олмоқ ва Туркистонда мактаб очмоқлари ман этилди.

Бизнинг диний ва миллий ҳиссиётларимизни ўлдирмоқ тилағи билан Устраутов каби мутаассиб пўпларнинг идорасида газета чиқарилди, мактаб очилди, лекин ўз миллатимиз ва диёнатимизни англамоқ учун ўз тарафимиздан очилган мактаблар ва газеталар боғланди, шаръий маҳкамаларимизнинг ҳуқуқ ва салоҳиятларидан буюк бир қисми касб этилди. Маҳкамаларда, уйларда, йўлларда, тижорий ишларда, ҳатто вағон арбаларинда Туркистон ерлисининг ҳуқуқи Туркистон мусофири бўлғон рус ва арманидан тубанда тутилди»¹.

Шундай қилиб, чоризмнинг, помешчиклар ва буржуазиянинг Туркистон халқларига нисбатан тутган сиёсати - бу халқлар ўртасидаги ҳар қандай давлат куртакларини йўқ қилиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий тараққиётини бўғиш, уларга эркинлик бермаслик, миллий қадриятларни ерга уриш ва камситиш, миллий ғурурларини, маънавиятини поймол этиш, кўрқувда ушлашдан иборат эди. Туркистон халқларининг ўтмишда қолоқ ва кам тараққий этганлиғи, маданиятининг пастлиғи, сиёсий жиҳатдан орқадалиғи чор мустамлакачилиғи сиёсатининг натижасидир.

Ўзбек халқининг маданияти ва маънавиятига, миллий онгини ривожлан-тиришига тўсқинлик қилиш собиқ совет жамияти даврида чоризм замонидан кўра кучайса кучаяди-ю, аммо камаймади. Миллийликни, миллий ўзлигини англаб олишни йўқотишга қўпол равишда уриниш, одамларни кулсифат қилиб

¹ Абдурауф Фитрат. Туркистонда руслар. // Шарк юлдузи. 1992 йил, 4-сон, 184-бет.

шакллантиришга интилиш совет мустабид замонида ҳам даҳшатли равишда давом эттирилди.

Эски мустабид, маъмурий-буйруқбозлик тизими даврида миллий бирлик ғоялари билан суғорилган миллий онг ўсиши йўлида турли ғовлар ташкил этилди, миллий бирдамлик, миллий туйғунинг ривожланиши ва юксалишига миллатчилик деб қаралди.

Анъанавий мустамлакачилик сингари шўро давлати ҳам миллатларни тазйик остига олишни уларнинг тилидан бошлади. У миллий тилни, миллий урф-одатлар ва анъаналарни, миллий кадриятлар ва миллий ғурурни сиқувга олишга узоқ йиллар мобайнида зўр бериб уринди. Байналминалчилик байроғи остида миллий тиллар ривожланиши чеклаб қўйилди. Буни ўзбек тили ривожланишига қарши қилинган зўравонлик, беписандлик мисолида кўрса бўлади. XX асрнинг сўнгги 74 йили мобайнида ўзбек тилининг мустақил тараққиёти йўлида беҳисоб ғовлар пайдо бўлди. Ижтимоий ҳаётда ўзбек тилидан фойдаланиш кенгайиб бориш ўрнига аста-секин қисқариб борди. Иш юритишда ундан фойдаланиш анчагина чекланиб қолди. Корхоналарда, илмий муассасаларда, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида, табобатда, транспортда, алоқа ташкилотларида, ўқув, таълим-тарбияда ўзбек тилидан фойдаланишда кўпгина нуқсонларга йўл қўйилди.

Маъмурий-буйруқбозлик иш услублари авжига минган, ҳамма нарса, ҳар бир катта-кичик масала Марказнинг кўрсатмаси, розилиги билан ҳал қилинадиган йилларда ўзбек тили ўрнини рус тили эгаллай бошлади. Аҳвол шу даражага бориб етдики, барча йиғинлар, мажлислар, анжуманлар, ёзишмалар фақат шу тилда олиб бориладиган, маърузалар рус тилида ўқитиладиган, диссертациялар ва китобларнинг аксарияти ўша тилда ёзиладиган бўлди. Бора-бора ўзбек тили иккинчи ва ундан паст ўринларга тушиб қолди, унинг луғат бойлиги кескин ғариблашди.

Ўзбекистонда қисқа муддат ичида икки марта алифбо ўзгариб, халқ бир эмас, икки бора саводсиз бўлиб қолди. Араб алифбосидан воз кечиш халқни ўн уч асрлик тарихидан анчагина узоқлаштирди. Қатағонлик йилларида араб

алифбосида ўқиш ва ёзишни биладиган зиёлилар таъқиб остига олинди. Араб алифбосида битилган барча диний, илмий, фалсафий, тарихий китоблар, нодир қўлёзмалар куйдириб ташланди. Бунинг оқибатида халқимиз бутун бир маънавий хазинадан маҳрум бўлиб қолди.¹

Ўзбек тилига нисбатан олиб борилган бундай ноодилона сиёсат халқимизнинг руҳига, онгига салбий таъсир кўрсата бошлади. Баъзи ўзбек раҳбарлари фақат ерли аҳоли тўпланган мажлисларда ҳам русча сўзлайдиган, буни ўзлари учун маданиятлик аломати деб биладиган бўлиб қолдилар. Ўз она тилини тузукроқ билмаса-да, аммо рус тилини мукамал билиш, шу тилда чиройли сўзлаш маънавий камолотнинг чўққиси, маданиятлик белгиси деб баҳоланадиган бўлди. Рус тилини яхши биладиганлар мансаб пиллапоялари томон кўтарила бошладилар. Охир-оқибатда ўз миллий маданиятини, анъаналарини билмайдиган, ўз она тилига менсимай қарайдиган кишилар кўпая бошлади. Бу – жамиятнинг энг катта фожиаси эди.

Шўро ҳокимиятининг барча даврларида чор мустамлакачилиги тузуми шароитида бўлганидек, миллий чекка ўлка халқларининг, жумладан, ўзбек халқи тарихининг ўқитилишига катта ҳадиксираш билан қаралди. Бунинг қатор сабаблари бор эди. Агар биз ўз тарихимизни билсак, аждодларимиз кимлигини, насл-насабимизни яхши англаб етсак, бу нарса миллий ғуруримиз ўсишига, тарихий хотирамизнинг мустаҳкамланишига сабаб бўларди. Юртбошимиз томонидан қайд этиладиганидек, «Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир.

Ким бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди².

Мустабид тузум миллий ўзлигини таниган, ўтмишини яхши билган, ўз тарихидан маънавий-руҳий қувват оладиган эл-улусни кишанда тутиб

¹ Қаранг: Ж.Туленов. Қадриятлар фалсафаси. - Т.: Ўзбекистон, 1998, 43-бет.

² Ислон Каримов. Биз келажагимизни ўз қулимиз билан қураимиз. 7-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1999, 137-бет.

бўлмаслигини жуда яхши биларди. Ана шуларни инобатга олиб мустамлакачилар ўзларининг бор куч-ғайратини Ўзбекистоннинг ўтмишини камситишга, бизни тарихимиздан жудо қилишга сарфладилар. «Тарихдан жудо бўлиш нималигини яхши билсангиз керак, - дейди Ислом Каримов. - Инсон учун тарихдан жудо бўлиш — ҳаётдан жудо бўлиш демакдир»¹.

Ўтмишини билмаган ва эъзозламаган халқнинг келажаги қоронғудир. Ўтмишни билмасдан туриб келажакни тасаввур этиб бўлмайди.

Ўтмишини севган, қадимий маданий-маънавий бойликлари, тарихий меъросини кўз қорачиғидай авайлаб асрайдиган, ундан руҳий мадад, сабоқ олиб турадиган халқ ва миллатни тарих ҳар доим улуғлайди ва кадрлайди. Ўтмиш тарихга ҳурмат – бу маданий етуклик, маънавий баркамоллик белгисидир.

Совет давлати пайдо бўлган дастлабки даврлардан бошлаб, тарихимизни ўрганиш, тарғиб қилиш чеклаб-чегаралаб қўйилди. Миллий ўзлигимизни билишга уринишни ғаламислик, байналмилалчиликнинг илдизига болта уриш деб баҳоланди.

Бизнинг ўтмишимиздан ажратиб ташлашга зўр берилганлигини бир қанча сабаблари бор эди. Агар биз тарихимизни, мағрур ота-боболаримиз, миллий қахрамонларимизнинг кимлигини билиб олсак, бу нарса миллий ғуруриримиз ўсишига сабаб бўлишини коммунистик мафкура раҳбарлари жуда яхши билишарди. Ана шуларни инобатга олиб бизнинг бир неча минг йиллик тарихимизни сохталаштиришди. Буни Амир Темур бобомиз ва темурийзодаларга бўлган муносабат қандай бўлганлиги мисолида ҳам кўрса бўлади. Шўролар замонида бировлар томонидан, Марказдан туриб яратилган тарих дарсликларида соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг бутун бунё олдидаги буюк тарихий хизматлари ҳақида лом-лим дейилмади. Ҳолбуки, Марказий Осиёнинг мўғуллар зулмидан озод қилиниши ва қайтадан марказлаштирилиши, Мовароуннаҳр шаҳар ва қишлоқларида, ҳатто Жанубий Озорбайжон ва Қобул каби узоқ ерларда бунёдкорлик ишлари олиб борилганлиги, бир томондан, Хитой, Ҳиндистон, бир томондан, Франция ва Англия, яна бир томондан Рим,

¹ Ўша асар, 137-бет.

Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатилиб, муносабатларнинг мустаҳкамланиши ҳам Амир Темур ва темурийзодалар номи билан узвий боғлиқ.

Қизиғи шундаки, Рус подшолари Иван Грозныйга, Петр I ва Романовлар сулоласининг бошқа ҳукмдорлари осмону фалакка кўтарилиб мақталди-ю, Амир Темур эса ноҳақдан-ноҳақ қораланди.

«Баъзи тарихчилар, - дейди Ислом Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида, - бизни Чингизхоннинг авлоди, ҳатто Амир Темурда ҳам Чингизхоннинг қони бор, у мўғул қавмидан демоқчи бўлади. Бир ўйлаб кўрайлик, Амир Темур бобомиз қайси миллатга мансуб? Яна совет даври китобларида Амир Темур аскарлари Москва атрофларига етиб боргани хусусида «мўғул-татар кўшинлари Москвани қамал қилдилар», деб ёзишган. Ҳолбуки, Соҳибқироннинг аскарлари Тўхтамишхонни тор-мор қилиб, Русияни мўғул истилосидан озод этгангандан кейингина Москва атрофида пайдо бўлган. Афсуски, бу ҳақиқат Россия матбуотида 1995 йилдагина ёзилди»¹.

Шўро тузуми даврида Амир Темур шахси ва темурийлар даври ҳақида ижобий мазмундаги асарлар яратиш умуман ман этилди. Ўзбек олиму адибларининг тарихий мавзудаги асарларига душманлик кўзи билан қаралди. Академик Иброҳим Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни рисоласи танқид остига олинди. Яқин-яқинланларгача Низомиддин Шомий, Ибн Арабшоҳ, Шарофиддин Али Яздий, Фосих Ҳавофий, Салоҳиддин Тошкандий, Герман Вамбери, Абдурауф Фитратнинг Амир Темур ва темурийлар ҳақидаги асарлари нашр этилишига йўл қўйилмади.

Машъум тузум яшаб турган йилларда тилимиз ва тарихимиз сингари динимиз ва диний қадриятларимиз ҳам тазйиқ остига олинди. Динга ҳурматсизлик шу даражага бориб етдики, минг йиллар давомида нишонланиб келган Наврўз тақиқланди, руҳонийларнинг, диний ташкилотларнинг фаолияти чекланди. Диний маросимлар, урф-одатларга қатнашганлар жазоланди. Диндорлар жуда кўплаб имтиёзлардан маҳрум этилди, ижтимоий-сиёсий

¹ Ўша асар, 146-147 бет.

ишларга жалб этилмади. Ҳамма жойда Ислом дини ҳақида “реакцион” жар солинди. «Қуръон» ва «Ҳадис»лар танқид остига олинди.

Ноинсоний ғоя ҳукмрон бўлган мустабид тузум ўзининг бор мафкуравий кучини, оммавий ахборот воситаларини, бутун маориф тизимини ишга солиб халқимизга ҳалол ва покиза хизмат қилган қанчадан-қанча давлат арбоблари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, маданият ва санъат ходимларига нисбатан қатағончиликни авж олдирди. Қатағончилик даҳшатли довулдек кўзга кўринган миллий зиёлиларимиз гулини, энг сараларини бирма-бир супириб кетди. Кетма-кет содир бўлган даҳшатли қирғинлар, ҳақорат ва камситишлар ўзбек халқига беҳисоб қийинчиликлар туғдирди. Қатағончилик сиёсати оқибатлари халқимиз хотирасида ҳали-ҳануз унутилмасдан сақланиб келмоқда. Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Маҳмудхўжа Бехбудий, Усмон Носир каби қатағон қурбонларининг номлари абадий барҳаётдир. Қатағончилик давлат сиёсати даражасига кўтарилган йиларда халқимиз бошидан кечирган жабр-жафолар ўзининг моҳияти ва кўлами жиҳатидан энг даҳшатлиси эди. Бу даврда гап айрим кишиларни қоралаш, қатағон қилишгина эмас, балки бутун бир миллатни бадном этиш, қадр-қийматини ерга уриш ҳақида борди. Ўша кезлар миллатимиз ва халқимиз учун жиддий синов даври бўлганди. Президентимиз бу ҳақда шундай дейди:

- «Ўйлаб кўринглар, азиз дўстлар, ўшанда бизлар ким эдик?

- Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг кўлида эди?

- Каъба деб қаерга сиғинар эдик? Ҳар тонг «Ассалом!..» деган мадҳия оҳанглари остида кимларга қуллуқ қилиб уйғонардик?

- Тилимиз, динимиз қай аҳволда эди? Имом Бухорий, Ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандларнинг муқаддас ҳокларига эътибор бормиди? Амир Темур, Бобур ва бошқа улуғ бобокалонларимизнинг буюк номлари қайси тупроқларга қоришиб ётган эди?

- Миллий ғуруримиз, инсонийлик шаънимиз, урф-одатларимиз қандай тушунчаларга алмаштирилган эди?

- Хўш, ўзимиз-чи? Ўзимиз ўзлигимизни билармидик? Қандай мўътабар

замин, улуғ аждодларимизнинг ўлмас мерослари билан озиқланган ер ўғлонлари эканимизни англармидик?

- Айтинглар, ўша кезлари Ўзбекистонни дунёда биров билармиди? Биров бизлар билан ҳисоблашармиди? Жаҳон миқёсида бирор киши бизни назарига илармиди?

- Юртимиз қандай ва қанча беқиёс бойликлар хазинаси эканидан қай биримиз хабардор эдик?

- Гўё миллий ифтихор бўлмиш пахта, ҳақиқатда миллий ғурур ўрнига бўйинтуруқ бўлиб, халқимизни ялангоёқ қилишдан, бошимизга азоб-уқубат, таъна-маломатдан бошқа нима келтирарди?

- Яна бир бор эслаб кўринглар, азиз юртдошларим, куни кеча эмасмиди бошимизни кўтармасдан яшаганимиз? Кремлнинг ҳар бир имосига маҳтал бўлиб, ярим куллик ҳолатида кун кечирганимиз?..

У кунларни унутишга бизнинг асло ҳақимиз йўқ. Буни ҳаммамиз яхши англаб олишимиз зарур»¹.

¹ Ислон Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996, 294-295-бет.

3. Ҳуқуқий нигилизм, унинг фожиали оқибатлари

Жаҳон цивилизацияси тараққиётига буюк ҳисса қўшган не-не алломалар, фозилу фузалолар, олиму уломалар, сиёсатчилар, саркардалар, ҳуқуқшуносларни саф-саф қилиб етиштириб берган Турону Туркистон халқлари XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб айниқса беҳисоб азоб-уқубатларни бошидан кечирди, то ўшу чокқача эришган юксалиш даражасидан тушиб кетди. Бунинг асосий сабаби – аждодларимизнинг қаттиқ қаршилигига қарамай чор Россиясининг зўравонлик йўли билан ўлкамизни босиб олиб мустамлака қилиб олганлигидир.

Туркистоннинг чор қўшинлари томонидан истило қилиниши ўлкамиз тарихидаги энг қора, энг жирканч, энг мудҳиш қонли саҳифадир. Мустамлакачилик оқибатида халқларимиз ўзининг эрки ва мустақиллигидан маҳрум бўлди. Иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, миллий, синфий, маданий-маънавий зулмлар, таъқибу тазйиқлар, миллий камситишлар, ошқора зўравонликлар мустамлакачилик, мустабидликнинг дастлабки кезлариданоқ бошланган эди. Халқимиз, миллатимизнинг мустамлакачилик оқибатида кўрмаган жабр-жафоси, чекмаган азоб-уқубати, ғам-андуҳи қолмади. Мустамлакачилик азоб-уқубатлари иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, феодал, ярим феодал, маҳаллий зулмлар билан қўшилиб-чатишиб, қабариб кетган эди. Халқимизнинг суюкли фарзандларидан бири, маърифатпарвар зот Абдурауф Фитрат Туркистон чоризмнинг том маънодаги мустамлакасига айланиб қолганлигини кўриб-билиб, жонли шоҳиди бўлиб, бундан беҳад афсусланиб ва ғазабга келиб бундан қарийб саксон йил илгари айтганди: «Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик. Қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди. Оғзимиз қопланди. Еримиз босилди. Молимиз таланди. Шарафимиз емирилди. Номусимиз ғасб қилинди. Инсонлигимиз оёғлар остига олинди. Тўзимли турдик, сабр этдик. Кучга таянган ҳар буйруғга бўйин сундук. Бутун борлиғимизни қўлдан бердик. Ёлғиз бир фикрни бермадик, ёшинтирдук, имонларимизга ўраб сақладук. Бу – Туркистон мухторияти!»¹, - деб ёзган эди.

¹ Бегали Қосимов. Маслакдошлар: Беҳбудий, Ажзий, Фитрат. - Т.: «Шарк», 1994, 87-бет.

У яна алам - изтироб билан, «Кўрдим, кездим, эшитдим, ўқидим. Мамлакатлар орасида Туркистонимиз каби бахтсиз бир мамлакат йўқдир»¹ – деб ёзган эди.

Чор ҳукумати ҳукмдорлари Туркистоннинг моддий-маънавий бойликларига очофатларча ёпишдилар, қўлларига қандай бойлик илинган бўлса, ўлжа қилиб марказга томон таший бошладилар. Маҳаллий халқлардан талаб олинган маъдан, олтин, қимматбаҳо ва рангли металллар, қоракўл тери, пилла, мева маҳсулотлари авваллари туя, от, араваларда ташилган бўлса, Ўрта Осиёда темир йўл ўтказилгандан кейин узун эшалонлар воситасида Русияга олиб кетиладиган бўлди².

Чоризм Туркистонни ўзи учун дур-жавоҳирлар ўлкаси деб билган. Буни Русия империяси молия вазири Вишнегородскийнинг «Ўрта Осиё рус тожидаги энг қимматбаҳо дур», - деган сўзидан билиб олса бўлади.

Чор амалдорлари энг қимматбаҳо хомашёни – пахтани эгаллаб олишга тиш-тирноқлари билан ҳаракат қилдилар. «Агар чор ҳарбийлари Туркистон ўлкасини босиб олиб, чинакам жавоҳиротни қўлга киритган бўлса, ҳақли равишда айтиш мумкинки, бу жавоҳиротнинг бири – пахта эди. У Туркистон ўлкасини Русияга буткул боғлаб қўйди. Ўрта Осиё темир йўлининг Андижонга етказилиши, Тошкент-Оренбург темир йўли қурилишига ҳам шу бойлик сабаб бўлди»³. Чор босқинчилари ўлкамиз бойликларининг барча турларига ёвузларча қўл чўзишди.

Рус чоризми Туркистоннинг табиий-иқтисодий бойликларини талаш билан кифояланиб қолмасдан, ўзининг мустамлакачилик сиёсатида тобе халқларни кишанда ушлаб туришга, уларни сиёсий онгсиз, ҳуқуқсиз қилиб қўйишга, ижтимоий-сиёсий фаолиятдан умуман четлаштириб ташлашга ҳам зўр бериб уринди.

Маҳаллий аҳолининг, жумладан, ўзбекларнинг давлат бошқаруви ишларида иштирок этишига чор мустамлакачилиги даврларида йўл берилмади. Туб аҳоли

¹ Ҳамидулла Болтабоев. Юрт қайғуси. // Шарқ юлдузи, 1992, 4-сон, 181-бет.

² Қаранг: Мажид Ҳасаний. Туркистон босқини. - Т.: Нур, 1992, 14-бет.

³ Ҳамид Зияев. Чоризм ва пахтачилик. // Шарқ юлдузи, 1991, 5-сон, 173-174-бет.

вакилларидан етишиб чиккан кишилар ҳар қанча қобилиятли, истеъдодли, билимдон, уддабурон бўлмасинлар, барибир, юқори даражадаги лавозимларга асло яқинлаштирилмаган, фақат қуйи поғонадаги мансабларга қўйилган холос. Қуйи тоифадаги маҳаллий амалдорлар чор ҳукумати сиёсатини амалга ошириш учун хизмат қилдирилганлар. «Маҳкамаларда, уйларда, йўлларда, тижорат ишларида, хатто вагон арбаларинда Туркистонда ерликнинг ҳуқуқи, - дейди Фитрат, - Туркистон мусофири бўлган ўрис ва арманидан тубанда тutilди»¹.

Ерли аҳолидан етишиб чиккан истеъдодли кадрлар халқни ўз орқасидан эргаштириб кетиши мумкин, деб хавфсираган чор маъмурлари ундайларни зимдан йўқотди, сиёсий фаолиятга мутлақо яқинлаштиради.

Хоҳ катта, хоҳ кичик мансаб бўлсин, ҳаммасини чор амалдорларининг ўзлари мустақил равишда ҳал қилишган. Халқнинг фикрини сўраб, розилигини олиб, улар билан ҳисоб-китоб қилиб ўтиришмаган, кўнгли нимани истаса ўшани қилишган.

Иқтисодиётга тааллуқли ишлар ҳам, мактаб, маориф, таълим-тарбия, тиббиёт ва савдо-сотиққа дахлдор масалалар ҳам, ижтимоий-сиёсий муаммолар ҳам юқоридан туриб ҳал қилинар, зарур бўлиб қолса, кейинчалик туб аҳолига маълум қилиб қўйиларди.

Ерли аҳолининг сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этилганлиги, давлатни бошқариш ишларидан атайлаб четлаштириб ташланганлиги, барча ҳуқуқ ва имтиёз чор амалдорлари ихтиёрида бўлганлиги Элбекнинг «Йиртқичлар мажлиси» шеърида ўзининг чуқур бадий ифодасини топганлигини алоҳида таъкидлашга тўғри келади. Унда айтилишича, «Арслон қўйларни идора этиш учун йиртқич ҳайвонларнинг мажлисини чақирган. Арслон қўйларга, мажлисга ким раис бўлсин, деб сўраганда, тулки икки оёғини кўтариб таъзим билан бўрилар уларга раис бўлишга лойиқдир, деган.

Бўриларни қўйларга раис қилиб сайлаганликлари Туркистон халқлари «йиртқич ҳайвонлар» томонидан бошқарилганига ишора эди.

Россия императори Александр II томонидан 1867 йил 14 июлда Туркистон

¹ Абдурауф Фитрат. Туркистонда руслар. // Шарк юлдузи, 1992, 4-сон, 182-бет.

генерал-губернаторлигини ташкил этиш тўғрисидаги фармоннинг жорий этилиши, генерал-губернатор қилиб генерал-адютант фон Кауфманнинг тайинланиши маҳаллий аҳолининг инсоний ва сиёсий ҳуқуқларининг паймол этилишига олиб келди. Кауфманга рус подшоси жуда катта ваколатлар, чекланмаган кўламда фаолият кўрсатиш, хатто бирор давлатга уруш эълон қилиш, сулҳ тузиш, моливий ҳамда иқтисодий масалаларни мустақил ҳукмдорлардек ҳал этиш ҳуқуқини берди.

Генерал-губернатор ўлка ҳокимиятининг ягона бошқарувчисига айланган эди. У фақат подшога ҳисоб берган ҳолос. Ўзини мутлақо ҳоким ҳисоблаган генерал-губернатор ўлкамиздаги истаган одамнинг, айниқса, маҳаллий аҳолига мансуб одамнинг тақдирини кўнгли тусаганича ҳал қилган. Одамларни мансабга қўйган, лозим топса вазифасидан улоқтириб юборган. Унга бас келадиган, айтганини қилмайдиган одам Туркистонда топилмаган. Шунинг учун ҳам Кауфманни халқ «ярим подшо» деб атаган.

Туркистон ўлкасининг тақдири чор маъмурларининг, генерал-губернаторнинг, ҳарбий бошлиқларнинг қўлида бўлган. Маъмурий органларга маҳаллий халқ устидан жуда қаттиқ назорат ўрнатиш вазифаси юклатилган. Улар қонун асосида эмас, генерал-губернатор кўрсатмаси билан иш тутганлар.

Туркистонга четдан келганларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва имтиёзлари туб аҳолига нисбатан беҳад даражада устун бўлган. «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом»га кўра, «кичик мансабдорлар, приставдан тортиб генерал-губернаторгача маҳаллий аҳолига нисбатан чекланмаган жазо чораларини қўллаши мумкин бўлган. Шаҳардаги рус аҳолисига берилган имтиёзлар мусулмонларга тегишли бўлмаган. «Мусулмон аҳолини кучайтирмаслик учун уларни имтиёзлардан маҳрум этиш ўринлидир», - дейилган эди бир расмий ҳужжатда»¹.

Чор ҳукумати қонунларни ўзи истаганча ўзгартириб, маҳаллий аҳолининг иқтисодий, ижтимоий, диний ва сиёсий эркинликларини 50 йил давомида

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. - Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 2000, 319-320-бетлар.

паймол этиб келди. Сирдарё вилояти Авлиёота тумани жабха пристави Стрельбицкийнинг ўзбошимчалигини мисол сифатида айтиб ўтиш мумкин. У маҳаллий аҳолини 31 кунгача қамаб қўйиш ёки муҳофаза ҳолатидаги жойда 2 ҳафтага қадар ҳибсда сақлаш ҳуқуқига эга бўлган. Стрельбицкий мусулмонларнинг рўза ҳайитини 1903 йил 29 декабрга белгиланишини буюриб, агар қози буйрукни бажармаса 9 кунга қамалишини айтган.

Пристав хотини ва ити билан масжит ҳовлисига кириб намозхонларга шундай деган: «Агар кимнингдир подасида касал қўй бўлса, уни даволашади, у тузалмаса сўйишади. Сизлар менинг қўйларимсиз, ораларингизда тиррақилар ҳам бор. Уларни ўзим даволайман, тузалмаса сўйилади»¹.

Андижон туманидаги Бозорқўрғон жабҳаси пристави капитан Бржезицкийнинг қонунбузарлиги яна ҳам даҳшатлироқдир. У оқсоқол Фармон Тўрақуловнинг эътирозига жавобан унинг юзига шаполоқ тортди. Брежезицкий ўз бошлиғига йўллаган рапортида оқсоқолни урганини тан олиб, бундай деб ёзган: «Агар урмасанг, демак, сен ҳокимият эмассан, демак, сен кўрқинчли эмассан, демак, мен бошимни дангал кўтариб баҳслашим, бақириб-чақиришим мумкин, ҳуқуқимни талаб қилиб чиқишим мумкин. Туземецларнинг мантиқи шунақа. Улар мурувватингдан талтайиб кетишади. Бизнинг кўнгилчанлигимизда улар куч-қудратни эмас, балки заифликни кўришади. Бошқарувдаги қаттиққўллик Европанинг маданий дунё тажрибаси асосида танқид қилинаётган бўлса, бизнинг ярим ёввойи Осиёдаги мулкимизда қаттиққўллик аксинча керакдир. Умумдавлат манфаати йўлида бу зарурдир. Менинг маъмуриятдаги чиқарган хулосам шудир. Қишлоқ оқсоқоли Турақуловни ҳақоратлаганим масаласига келсак, мен туземецнинг сурбетлиги туфайли урганимни тан оламан»².

Руслар Туркистон ўлкасини босиб олганларидан кейин маҳаллий халқнинг урф-одатларини, Ислом динини ҳам топташдан тоймадилар. Халқ ахлоқи қаттиқ бузила бошлади, шариат қоидаларидан чекиниш рўй берди, ҳажга

¹ 1-2. Ўша асар, 326-бет.

² 1-2. Ўша асар, 326-бет.

бориш тақикланди. Вақф конунлари йўқ қилинди. Шаҳар ҳокимлари, қози ва амалдорлари мусулмонларнинг жума намозларида подшонинг номини (хутбага) қўйиб ўқимоқ, оқ подшонинг номини жами одамларга билдириб, масжидларда, намозларда дуо қилдиришга амр қилдилар. Мусулмонларни русларга мажбурий равишда сажда қилдириш одатини расм қилдилар. Истилочилар ўлкамиздаги қанчадан-қанча шаҳару қишлоқларнинг номларини қонхўрларнинг фамилиялари билан алмаштирдилар: Черняевка, Урсатьевск, Серова, Ванновска, Скобелев. Буларнинг ҳаммаси маҳаллий халқларнинг нафсониятига, миллий ғурури ва иззат-нафсига қаттиқ тегарди, ғазабини алангалантирарди.

Россия империяси ҳукмрон доираларининг Туркистон халқлари диний ҳақ-ҳуқуқларини қай тарзда поймол этганлигини Муҳаммад Али халфа Собир ўғли — Дукчи Эшоннинг 1898 йилнинг 17 май куни Андижон вилоятидаги Тожиқ қишлоқ масжиди шом намозида тўпланган ўз муридларига қарата қилган мурожаатидан билиб олиш мумкин: «Эй, мухтарам мусулмонлар! Эй биродарлар! Ҳаммангизга маълумки, мусулмон юрти, эл мусулмон, халқ мусулмон, хон мусулмон, шариатнинг ҳукми жорий, амри нофиз эди. Ҳукуматни Аллоҳ таоло ўзи биладур, кофирларни мусуллат қилди, юртимизга ўрус келди. Худоёрхон ўрнига Кауфман, Умархон тахтига Чернойуф ўлтирди. Фарғона хонлиги ерида Москов хонлиги – оқ подшо ҳукмрон бўлди.

Ўрус ватанимизга истило этди. Сўнгра тилимизга истило қилди. Секин-аста динимизга истило қилмоқға бошлади, биласизларки, мусулмонларнинг ахлоқи бузилди. Ўриснинг келғониға ўттиз йил тўлмай мусулмонлар рибога одатланди, ҳалол-ҳаромни фарқ қилмас бўлди. Қозиларимиз бўйнига бут тақадифон бўлди. Хулоса (шулки), шариатимиз хор, мусулмончилик ғариб бўлди. Ҳурматимиз ғойиб бўлди, истиқлолимиз маҳв бўлди, ўзимиз ўтмас, сўзимиз кесмас бўлдик. Оқподшонинг номидан янги фармон келди, Николойни, яъни бир ўруснинг номини жума намозининг хутбасида хутбага қўшиб ўқилсин деб ва яна кўчирма сиёсати ила ватанимизга мужикларни ерлаштирди, ҳар тарафни тўнғиззор қилди.

Кубони - Федченко, Марғилонни - Гўрчакоф, Симни - Искабилиф, Бағдодни

- Серово, Конибодомни - Милникуф деб ҳамма шаҳарларимизга бирор ўрис генералларининг исмини тақди. Ҳар шаҳарда, ҳар қишлоқда бутхоналарнинг кўнғироғини жаранг-журунг овози кўпайди.

Банка деган бир рибохона қурилди, динимизда йўқ судхўрлик, ҳаромлик ривож топди. Ҳаммининг халқуми булғанди, ҳар шаҳарда янги шаҳар деган бир фискаҳона қилди, фискаҳнинг ҳамма нави ҳозирланди. Мусулмонларни йўлдан оздирди. Аксар мусулмонлар янги шаҳардаги ичкилик дўконларига, ошхоналарига, қиморхоналарига муштарий бўлди, фоҳишахоналарига ўрганди, мусулмонларнинг ахлоқи бузилди.

... Бу ҳолимизга Аллоҳ рози эмас. Расул ҳам рози эмас. Бу асорат ва маҳкумиятга ҳеч ким рози эмас, инс ҳам, жинс ҳам рози эмас. Эй биродарлар! Тек тураверсак бу кофир яна баттар қиладур. Вой бизнинг ҳолимизга! Жаҳон тарихида, ер юзида, кўк юзида бу мисли кўрилмағондир¹».

Рус мустамлакачиларининг Туркистондаги ҳукмронлиги даврида ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, қорақалпоқ ва уйғурлар чидаб бўлмайдиган даражада камситилди, нафсониятлари ерга урилди, миллий жиҳатдан таҳқирланди. «Мусулмонларни эзиб, қисиб, ҳатто кўчадан приступ ўтиб қолса, ё беихтиёр кўрмай қолғон ва ўрнидан турмаган мусулмонлар бўлса қайтиб келиб уриб, қамар эдилар. Андижонда бир неча мўътабар одамларни кўчада, халқ қошида «манга салом қилмадинг» деб ҳақорат қилиб қўядиган бўлди», - деб ёзган эди Фозилбек Отабек ўғли «Дукчи Эшон воқеаси» асарида.

Чор босқинчилари истибдоди натижасида маҳаллий халқ ўз кадрдон юртида бегонадай бўлиб қолди. Буни ўзига ортиқ даражада бино қўйган рус амалдори - Фарғона губернатори Ивановнинг бир мингта сарт бир ўрис солдати этигининг пошнасига арзимамайди, деган сўзидан билиш мумкин. Генерал Скобелев эса жанг арафасида доимо «Тўкилган ҳар томчи рус қони учун душман қонини дарёдек оқизаман», - деб мақтаниб юрган.

Фозилбек Отабек ўғли номи зикр этиб ўтилган асарида ерли халқларга

¹ Алиназар Эгамназаров. Сиз билган Дукчи Эшон. - Т.: «Шарқ» нашриёт матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1994, 32-33-бетлар.

нисбатан қилинган барча бебошликлар, ҳақсизликлар, конунсизликларга генерал Духовскийнинг ўзи бош бўлганлигини, Андижонга келганида Эски шаҳар аҳолиси уни қандай кутиб олгани ва у халқ билан қандай муомалада бўлганини шундай ҳикоя қилади: «Ярим подшоҳ келадилар, деб ҳамма кўчаларга байроқ тутиб, шаҳарни неча кунлар зийнат бериб, ҳамма мактаб болаларини вокзалга олиб чиқиб, қатор қилинди. У вақтларда камина ҳам туземной школда ўқир эдим. Фуқаролар кумуш табоқда нон, туз тутиб тургон эдилар. Уезд ҳокими фуқароларга хитоб қилиб, ярим подшоҳ келиб вагондан тушган ҳамон ҳаммаларингиз таълим олганларингиздек баробар, энгашиб ерга қараб турасизлар! Бошларингизни кўтаринглар, десам ҳам кутармай туринглар!» деб ўргатди. Истансага чиққан халқ 2 соат кўброқ интизорлик тортди. Шундан сўнг бирдан поезд кўриниб қолди ва вагонлари ниҳоят зийнатланган ҳолда келиб тўхтади ва солдатлар тушиб, қатор бўлгандан сўнг ярим подшоҳ, қаттиқ ғазаб билан вагондан чиқиб, пастга тушган замон бечора халқ ва мактаб болалари ҳаммаси энгашиб, рукуъ қилиб турди. Ярим подшоҳ ҳокимдан: «Нима учун халқ бундай энгашиб турадир», деб сўради. «Жаноб император аъзамга юртимиздан чиққан бир эшон жинни бўлиб, билмасдан осийлик қилган учун биз ҳижолат бўлиб, улуғ ва баланд даражали бош ҳокимимизнинг юзларига қайси бетимиз билан қараймиз, бизларни марҳамат этиб, авф қилиб подшоҳи аъзамдан гуноҳимизни сўраб олмасалар, муборак бетларига камоли ҳижолатдан қарай олмаймиз, дейдилар», деб жавоб қайтарди. Ярим подшоҳ: «Гуноҳни қилиб қўйиб, эндиги ҳижолат нимадир? Фарғона музофотидан Андижондек бир шаҳарнинг тупроғини осмонга совуриб юбормоқ билан подшоҳи аъзам мамлакатларига ҳеч нуқс етмайдир!» Кейин фуқарога қараб: «Сизлар ҳали осий ва гуноҳкорсизлар. Сизларнинг нон-тузингизни қабул қилиб бўлмайди!» - деди ва бир тўп ҳинд ва яҳудийлар ҳам нон-туз ушлаб турган эдилар, шуларнинг олдига бориб, нон-тузларини қабул қилиб: «Сизлар ҳозирда менга сартлардан кўра яхшироқсизлар», деб аскарлар томон юрди. Биз туземной школ талабалари рус домла билан 150 га яқин болалар турғон эдик: бизларнинг ёнимизга тўхтаб, «Сизлар яхши ўқиб туринглар», деб чўнтагидан

бир сўм олди-да, домла кўлига бериб, «Ёнғоқ олиб бўлиб беринг, ўйнасинлар ва подшоҳ хазратларини дуо қилсинлар» деб аскарлар олдига ўтиб кетди.

Халқ бечора маюс бўлиб, кўрқиб тарқалиб кетди.

Ярим подшодан ўрнак олган катта-кичик рус мустамлакачилари ҳам «хар кун эски шаҳар бозорига тушиб, савлат кўрсатиб айланиб юрар эдилар. Кўча ва расталардаги халқни ўзларига салом қилдирмоқ балосига мубтало эдилар. Ким салом қилмаса ёки дўкондан пастга тушиб қўл қовуштириб турмаса, дарҳол устига бориб»: «Эшон!» деб кўлидаги таёқ билан бошига солар эди. Мазлум халқ бу хорлик ва разолатни кўриб: «Тавба қилдим, тўра, ман кўрмай қолибман», дер эди. Кўпроқ тавба қилиб, илтижо қилғонида раҳм қилса, кўяр эди, бўлмаса, палиска чақириб, турмага - қамокқа юборур эдилар»¹.

Чор мустамлакачилиги даврида Туркистон халқи сиёсий ҳокимиятдан, ҳокимият эса раиятдан четлаштирилиб қўйилган эди. Бу мустамлакачилик умрини чўзиш ва барқарорлаштиришнинг тарих синовидан ўтган, чор амалдорлари туб манфаатларига мос келадиган усулларидан бўлиб ҳисобланарди.

Мазлум омма хурофот ботқоғига қанча ботса, сиёсий онгсиз бўлса, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан, илм-фан ва техника тараққиётидан қанчалик орқада қолса, мустамлакачилик истибдоди шунчалик узоқ ва беҳатар яшаши мумкинлигини чор амалдорлари ҳам, маҳаллий эксплуататорлар ҳам жуда яхши билишарди.

Мустамлакачилар ўз режаларини амалга оширишни Туркистон халқларининг маънавияти, қадимий маданий меросига қақшатқич зарба бериш, оммани руҳан синдириш, илмий, маданий-маънавий жиҳатдан қашшоқлаштиришдан бошладилар.

Туб аҳолининг сиёсий билим савияси ўсиб, ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниб, миллий ўзлигини англаб бориши чоризмнинг манфаатларига мос келмасди. Шунинг учун ҳам чор ҳукумати мустамлакачиликнинг ҳамма даврларида ўлкада фаннинг, маърифатнинг, маданиятнинг ўсишига йўл бермасликка ҳаракат

¹ Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т., «Шарк» нашриёти-матбаа концерни Бош таҳририяти, 2000, 324-325-бетлар.

қилди.

Чор ҳукумати Туркистондаги мактабларда фақат диний билим бериш, замонавий фанларни бу ерга олиб кирмаслик, ўлкада маънавий камолот учун сарфланадиган харажатларни имкони борича камайтириш ёки ажратмаслик учун турли-туман найранглар ишлатишдан ор қилмади.

Туркистон халқ маорифи учун ажратилган харажатларнинг жон бошига тушган ҳажми Россиянинг энг қоқоқ туманларидан бир неча марта кам эди. Масалан, 1909 йилда Сирдарё, Самарқанд, Фарғона вилоятларидаги мактаблар учун ажратилган бюджет маблағи аҳоли бошига 33,5 тийинга тўғри келди. Россиянинг 34 та губернасида эса ажратилган маблағ аҳоли жон бошига 1 сўм 61 тийинни ташкил этди. Шу йили Туркистон губернаторининг боғи учун қилинган харажат 25565 сўм бўлган.¹

Чоризм, подшо чиновниклари туб аҳолига замонавий билимлар бермасликка ҳаркат қилди. «Менинг тушунишимча қирғиз ва сартларни умуман гимназияга жалб этмаслик ва киритмаслик керак эди. Сартларни ва қалмоқларни классик таълим йўлига олиб ўтиш вақти келмаган»².

Рус генерал-гебернатори Куропоткин ҳам, биз 50 йил давомида маҳаллий халқларни тараққиётдан, мактабдан, рус ҳаётидан четда ушлаб турдик, - деб эътироф этган эди.

Чор ҳукумати аҳолига сиёсий-ҳуқуқий онг ва билим бермайдиган мактаблар сонини оширар, уларнинг фаолиятини тўла қўллаб-қувватлар эди.

Миллатларга бир хил қарамаслик, маҳаллий миллатларни ижтимоий-сиёсий фаолиятдан четга суриш, уларнинг иқтисодий аҳволи билан қизиқмаслик чоризм замонида одатий бир ҳол ҳисобланарди. Мустамлакачилик шароитида маҳаллий миллатларнинг манфаатларига эътибор берилмасди. «Маҳкама эшикларидан йиғлаб қайтганда, ёруқсиз турмаларда ётганда, йиртғуч жандарманинг тепкиси билан йиқилганда, юртларимиз ёндурулганда, диндошларимиз осилғонда онгимиз йўқолди. Миямиз бузулди. Кўзимиз ёғдусиз қолди. Бирор

¹ К.К.Пален. Земское хозяйство. СПб, 1910, 4-5-бет.

² Туркестанское ведомости, 2 июня 1892, №22.

нарсани кўролмадик»,¹ - деб ёзган эди Абдурауф Фитрат бу ҳақда.

Рус капиталистлари ва амалдорларини фақат бир нарса – Туркистоннинг беҳисоб бойлиги қизиқтирарди, холос. Уларга пахта ва бошқа бойликлар бўлса бас эди. Инсон тақдири улар учун икки пулчалик ҳам аҳамиятга эга эмасди.

Туркистондаги турли халқлар ва элатларнинг миллий қадриятлари устамонлик ва зўравонлик йўли билан тазйиқ остига олинди. Қуйидаги мисол буни исботлайди. «Бу халққа иложи борича кўпроқ пахта эктириш, иложи борича кўпроқ ишлашга мажбур этиш керакки, токи бир зум ҳам ўйлашга, кундалик воқеаларни англашга уринишга вақти ҳам, хоҳиши ҳам қолмасин. Мабода буларда дарду хасратларини тўкиб солишга мойиллик туғилса фақат диндан нажот топсин», - деган эди Туркистон генерал-губернатори Кауфман. Унинг бундай дейишдан муддоси нима экани ўз-ўзидан кўриниб турибди.

Ўзбек халқини таъқиб ва тазйиқ остига олиш, инсоний ҳақ-ҳуқуқларини оёқ ости қилиш, эркини бўғиш 70 йилдан кўпроқ яшаб охир-оқибатда тарих саҳнасидан улоқтириб ташланган шўролар ҳокимияти йилларида ҳам давом этди.

Мавжудот сарвари, барча моддий ва маънавий бойликлар ижодкори бўлган инсон «қизил империя» даврида давлат машинасининг оддий мурувватига айланиб қолди. Инсондаги ўзига хослик ва ташаббус кўпинча бўғилди. Унинг талаблари, истаклари, орзу-ниятлари назар-писанд қилинмади. Асосиз зўравонликлар, қатағонлар шароитида инсон ўзининг мақсаду орзуларини, қизиқишларини очик-ойдин изҳор қилиш ва ҳимоя қилишдан чўчиб қолди. Одамлардаги шахсий эҳтиёж туйғуси жамиятнинг қатъий асосланмаган, омма учун тушунарсиз бўлган мавҳум манфаатлар гирдобада йўқ бўлиб кета бошлади. Асосий эътибор умумхалқ мулкани, умумиттифоқ бойликларини яратиш, мустаҳкамлаш, кўпайтириш ва ривожлантириш масалаларига қаратилди-ю, миллий ва шахсий манфаатлар, ҳаваслар, миллий чекка ўлкалардаги одамларнинг ахлоқий-руҳий хусусиятлари, анъаналари ва миллий

¹ Бегали Қосимов. Маслакдошлар: Беҳбудий, Ажзий, Фитрат. Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1994, 88-бет.

қадриятлари четда қолиб кетаверди.

Собиқ шўролар ҳокимияти ўзини «чинакам халқ ҳокимияти» деб эълон қилган бўлса-да, аслида бундай эмасди. Халқ тепадан туриб бошқариларди. Бошқариш эса аслида халқдан бениҳоя йироқ бўлган, халқдан аллақачонлароқ ажралиб қолган, халқ ғамини ўз ғами деб билмайдиган тор доирадаги бир тўда кишиларнинг, мансабга ўлгудек ўч бўлган одамларнинг танҳо монополиясига айланиб қолганди. Халқни қуллик ҳолатига солган тоталитар тузум одамларни ҳокимият ҳақида ўйламайдиган қилиб тарбиялади. Ҳокимият тепасида турганларни бизга мутлақо ўхшамаган, ҳеч қачон хато қилмайдиган ғаройиб шахслар сифатида кўрсатишга интилди ва бунинг уддасидан чиқди. Қизиғи шундаки, узил-кесил бошқарувчига айланган имтиёзли гуруҳларнинг хатти-ҳаракатлари ҳеч қачон қонун билан чекланмаган эди.

Шўро ҳокимияти юргизган «адолатли», «халқпарвар» сиёсатни тарғиб-ташвиқот этиш, ҳар бир фуқаронинг онгига синдиришда ва одамларда унга нисбатан ишонч-эътиқод ҳосил қилишда марказий ва маҳаллий матбуотнинг олдида тушадигани, унга тенг келадигани бўлмади.

Ҳукмрон мафкура талабига бўйсунушга мажбур бўлган айрим шоиру ёзувчилар ўзларининг шеърлари, дostonлари, публицистик асарлари ва мақолаларида шўро ҳокимияти берган халқ «бахтини» тўлиб-тошиб куйлашди, бамисоли жаннату гулистонга ўхшайдиган бундай мамлакат тарихда олдин бўлмаганлиги такрор-такрор айтилди, унда меҳнатнинг «эркин ва шарафли» эканини мадҳ этишди, ана шу ғояни одамларнинг онги, дунёқарашига сингдиришда ташаббус кўрсатишди. Динни хурофот деб қоралаш ниқоби остида аслида ўтмишимиз қораланди, миллий меросимиз поймол этилди.

Ўз фуқаросига ишонмаган, унга душманлик кўзи билан қараб, адолатсиз муносабатда бўлган, одоб-ахлоқ, имон-эътиқодга зид сиёсат юргизган, одамларнинг пешонасини силаб оғирини енгил, мушкулини осон қилмаган жамият истиқболи йўқ, ўлимга маҳкум жамиятдир. Мустабид ҳукуматни бемалол шундай дейиш мумкин.

Мустабид ҳокимият даврида ўғрилар, халқ мулкини талон-тарож қилув-

чилар бир четда қолиб, жабр-жафони халқ кўрди, унга ноҳақдан-ноҳақ тухмату бўхтонлар уюштирилган пайтлар кейинги тарихимизда жуда кўп бўлди.

Ўғрини ҳибсга олиб қонуний асосда жазолаш, гуноҳсизларни ҳимоя қилиш, ноҳақликни қоралаш, халқ, миллат ва шахснинг шаъни, ғурури ва кадр-қийматини муҳофаза этиш, жамият аъзоси бўлган ҳар бир фуқаронинг осойишталигини таъминлаш – бу чинакам адолатлилик белгисидир. Бутун кўхна тарих давомида шундай бўлиб келган. Аммо Шўро даврида эса деярли бунинг акси бўлди.

Қамоқ, жабр-ситам, тазйиқ ўтказиш, қўрқув-ваҳима тарқатиш, шубҳа остига олиш, одамларнинг миллий ўзлигини таҳқирлаш, миллий ғурурини оёқости қилиш, шахсизлантириш, оломонга айлантририш, одамларни жисмонан ва руҳан майиб-мажруҳ қилиш – буларнинг ҳаммаси мустабид тузумнинг узоқни кўзлаб олиб борган амалий сиёсати эди.

Мутелик, куллик, эркисизлик, ижтимоий адолатсизлик сақланиб қолган жамият ва шароитларда қўрқув ёвуз кучга айланди. Ижтимоий қўрқув, зўрма-зўравонликлар одамларнинг руҳий ҳолатига, дунёқарашига, кайфияти, имон-этиқодига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Бировлар ҳақиқага хиёнат қилиш, ёлғонни ҳақиқат деб айтиш одат тусига кира бошлайди. Шахсдаги шахсиятликни таҳқирлаш, асоссиз зўравонликларнинг оқибати сифатида одамларда иккиюзламчилик, юзаки ватанпарварлик, ёлғондакам фаоллик пайдо бўлди. Сиёсий, мафкуравий исканжа таъсирида шаклланган ва мустаҳкамланган руҳий мутелик, итоаткорлик ҳолати йилдан-йил кучайиб борди.

Туркистон истибдодга солинган дастлабки кезлардан бошлаб мустақилликка эришганимизга қадар ўзбек халқининг миллатпарвар зиёлиларни, атоқли давлат арбобларини, етук миллий кадрларини қатағон қилиш – мустамлакачиликнинг энг маккорона, тарих синовидан ўтган йўлларида бири сифатида фойдаланилди. Қатағон қилиш миллий кадрларни қийратишга, халқларнинг миллий онгини, миллий ўзлигини англаб етиши ва миллий ғурури ўсишга йўл бермасликка қаратилган давлат сиёсати эди.

Шўро давлати инсон ҳақ-ҳуқуқларини таҳқирлашнинг, ҳақорат ва камситишларнинг, даҳшатли қирғинбаротларнинг даҳшатли йўллари ва усулларини ихтиро қилди ва ишга солди. Чоризм замонида кўпинча айрим «хавфли шахслар» тазйиқ остига олинган, бадарға қилинган бўлса, шўролар даврида бутун-бутун халқлар ва миллатлар ўз юртидан сургун қилинди, миллий кадр-қимматлари ерга урилди.

Ижтимоий адолатсизликнинг бузилиши, қатағончиликнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши 20-йилларнинг охирида, 1937-1938, 1951-1953 йилларда содир бўлди. 1984-1990 йиллар мобайнида бўлган қатағонлик ўзининг моҳияти ва кўлами жиҳатидан миллатимиз бошидан кечирган жабр-жафоларнинг энг даҳшатлиси эди. Ана шу йилларда содир бўлган қатағонлар ўзининг даҳшатли оқибатлари жиҳатидан миллатимиз XX асрнинг 20-30, 37-38-50 ва ундан кейинги йилларда бошидан кечирган жабр-жафолар қонунсизлик ва адолатсизликлардан юз марта ошиб кетди. Бизнинг халқимиз ана шундай оғир кунларни бошидан кечирди, қора кунларнинг гувоҳи бўлди.

80-90-йиллардаги қатағонлик айрим кишиларни, давлат арбобларинигина эмас, балки бутун бир миллатни бадном этишга, кадр-қимматини ерга уришга, инсоний ҳақ-ҳуқуқларини таҳқирлашга қаратилган эди. «Саксонинчи йиллар қатағонларида ҳеч бир республика Ўзбекистончалик талофат кўрган эмас. Нега шундай бўлди? Нега бизнинг халқимиз энг оғир кунларга қолди? Нега бутун Иттифоққа «ўзбек мафияси», «ўзбеклар иши», «пахта иши» каби даҳшатли айбномалар, халққа қарши қилинган бўҳтон бунчалар кенг тарқатилди? Саксонинчи йиллар қатағони нега Ўзбекистонни ҳаммадан кўра кўпроқ домига тортди? Нега биз Ўрта Осиёдаги ён қўшниларимиздан, барча-барчасидан кўпроқ ва оғирроқ жароҳат топдик? Нега Гдлян ва Иванов бошлиқ жазо лашкарлари Амир Темурдек соҳибқирон Ватани, Ўзбекистондай тарихий ва қадимий бир республикани бунчалар бадном қилишга муваффақ бўлди? Дунёнинг яна қайси бурчагида, 80-йилларда, бунчалар кўп одам қамокқа ташланди. XX асрда жаҳоннинг қайси қитъасида халқ ардоқлаб дафн этган марҳум арбобни гўридан олиб, гўрга солдилар? Республика раҳбарларини

Москва турмасига узоқ муддатли тутқинликда сақлаш каби беорлик XX асрнинг босқинчилик ва мустамлакачилик тарихида яна қаерда, яна қайси мамлакатда юз берганини ким билади»¹.

Марказдагиларга 80-йилларда бутун бошли халқни - Ўзбекистонни бадном қилиб, «Ўзбек иши» деган уйдирма ҳақида дунёга жар солиш нима учун керак бўлиб қолди? «Ўзбек иши» дейилди-ю, нега «рус иши», «армани иши», «молдаван иши» дейилмади? Сабаби нимада эди? Бунинг бир неча сабаблари бор эди:

а) Ўзбекистоннинг Бутуниттифоқ миқёсида нуфузи катта, хўжалиги кўламли, обрўси анча баланд эди. Марказнинг мақсади қатағончилик туфайли Ўзбекистондаги миллий онг, миллий ғурур ўсиб боришини олдини олиш, миллий кадрларни синдириш ва йўқотиш эди.

б) маҳаллий аҳоли ихлос қўйган ташкилотчилик қобилиятига эга ва халқ орасида машҳур бўлган кишиларни ўртадан кўтариб ташлаш, ақлини киритиб қўйиш, юқори лавозимларга томон йўлини тўсиш эди.

в) республика халқига қўрқув ҳиссини сингдириш, руҳан эзиш, ўзбеклар мисолида СССРдаги бошқа халқларни ҳам «кўрқитиб» қўйиш бўлган.²

Ўзбекистонга нисбатан қилинган бундай бедодликнинг, қонли қабоҳат, кўрсатилган жабр-зулмнинг замирида марказдагиларнинг илдизи чириб, қулай-қулай деб қолган шўро давлатини қандай қилиб бўлмасин саклаб қолиш, умрини узайтиришга бўлган асосий мақсад-муддаолари турганлиги ҳеч кимга сир эмасди.

Қатлиом, шафқатсиз қатағончилик, фикри ўткир кишиларни, давлат ва сиёсат арбобларини, кўзга кўринган зиёлилар гулини – энг сараларини қамаш, сургун қилиш, отиш шўро салтанатининг доимий усули эди.

Шўро тузуми сардорлари халқларнинг жунбушга келмасликлари учун вақти-вақти билан қатлиом уюштириб, танобини тортиб, ақлини жойига келтириб турди. «Мустабид тузум» «ижодкорлари» вақти-вақти билан «боғ

¹ Халқ меҳри абадийдир! Атоқли давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов туғилган куннинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида очик хат. Ўзбекистон овози, 1992 йил, 16 июнь.

² Қаранг: Карим Бахриев. Сўнгги қирғин. Қабоҳат салтанати. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 27-бет.

оралаб туриш»ни узоқни кўзлаган режа билан олиб бордилар. Фақат улар тоққайчи билан шохларни чилпийдиган боғбон эмас, қон томаётган, болта кўтарган энг сара, сархил мева берувчи дарахтларни чопадиган жаллодлар эдилар. Уларга мева берадиган дарахтлар, яъни ўйлайдиган одамлар керак эмас эди! Улар барчамизни манқуртларга айлантирилишни истар эдилар»¹.

Қатағончиликнинг тепасида Марказ, Москва турарди. У Лениндан бошланиб Горбачёвгача давом этди. Одамларни, миллатларни, давлат арбобларини, ҳарбий қўмондонларни, илм-фан, маданият, санъат соҳибларини Сталин жисмонан қатағон қилдирган бўлса, Брежнев, Андропов, Горбачёв, Лигачёв даврларида ҳам жисмонан, ҳам маънан-руҳан азоб-укубатларга гирифтор қилиндилар.

Қатағончилар гуруҳининг собиқ мамлакатнинг турли минтақаларидан Ўзбекистонга ёпирилиб келиши 1984 йилнинг аёзли ёзидан бошланди. Айниқроғи, «ўзбек иши»га Ўзкомпартия Марказқўмининг 1984 йил 23 июнида бўлиб ўтган «тарихий» (Лигачев ва унинг одамлари тайёрлаган) XVI пленуми кенг йўл очиб берди. Ўша пленумнинг «тарихий қарорида четдан кадрлар таклиф қилмай туриб Ўзбекистонда ҳаётни тўғри йўлга қўйиб бўлмади», дейилган эди. Москва тартиб ўрнатиш учун Ўзбекистон Республикаси Прокурори этиб Бутурлинни, ўринбосарлигига Гайдановни, тергов бўлимини бошқаришга Лаптевни, Ички ишлар вазирлигига Дидоренкони раҳбар этиб тайинлади. Барча вилоятларда ҳам аҳвол шундай бўлди»².

Ўзбекистонга халқимиз «десантчилар» деб атаган гуруҳлар ҳам кетма-кет кела бошлади. Десантчилар Ўзбекистонга тартиб ўрнатиш учун эмас, балки республикамизни оёқости қилиш, ўзбек миллатини чўчитиш ва бадном этиш, миллатпарвар кишилар жиловини яна бир бор тортиб қўйиш учун юборилган эди.

Марказдан Ўзбекистонга юборилган десантчилар асосан маҳаллий рақбарларни бадном этиш, таъқиб остига олиш, уларни Россия, Украина,

¹ Ўткир Ҳошимов. Одамқушлик тузуми.- Қабоҳат салтанати. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 39-40-бет.

² Ўша асар, 7-9-бетлар.

Белоруссиядан келган, ўзларига содиқ кишилар билан алмаштириш билан шуғулландилар. 1984-1989 йиллар давомида ҳар хил баҳоналар билан ўн минглаб раҳбарлар ишдан олиб ташланди.

Марказдан юборилган амалпарастлар республикамиз партия ва ҳокимият тузумларидаги асосий ўринларни эгаллаб олиб қирғин бошладилар. Ўзбекистондаги камчиликларни илма-тешиқ қилиб текширдилар. Йўқ хато ва камчиликларни атайин бор қилдилар, игнадан туя ясадилар. Уларнинг сиёсий ўйинлари, маккор ниятлари натижасида Ўзбекистон тарихда кўрилмаган ёвуз тажриба майдонига айлантирилди.

Кадрларни обрўсизлантириш, уларнинг оила аъзолари, қариндош уруғлари, ҳатто таниш-билишларини ҳам аёвсиз жазолаш сиёсати Ўзбекистонда ниҳоятда даҳшатли тус олди. Неча ўн ва юз минглаб кишилар тазйиқ, қувғин ва қатағонга дучор қилинди, қанчадан-қанча одамлар тергов изоляторларида сақлаб турилди.

Атайлаб ўйлаб топилган кўпдан-кўп жиноий ишлар қўзғатилди. Баъзи терговчилар далилларни сохталаштириб бегуноҳларга нисбатан фақат айблаш йўлини тутдилар. Жисмоний зўравонликлар, руҳий таъсир этишлар, мажбурлаб бўйинга қўйиш ва эътироф эттиришлар оммавий тус ола бошлади.

Келгиндилар томонидан халққа етказилган маънавий, ахлоқий жароҳатни асло унута олмаймиз. Ўзбекистонда бошқаларга ўрнак бўлсин учун республиканинг «таъзирини бериб қўйиш»га ҳаракат қилишди.

Порахўрлик фақат Ўзбекистонда бўлса кошкийди! СССРнинг қоқ марказида, пойтахт Москвада порахўрлик бошқа жойлардан кучли бўлган бўлса бўлганки, лекин асло кам бўлган эмас.

Тоталитар-буйруқбозлик тузуми яратган хато ва ўпирилишларни минтақавий ёки миллий ҳодиса деб қараш ғирт тухматдан бошқа нарса эмас эди. Давлат ва халқ мулкани талон-тарож қилиш, порахўрлик, мансабга тайинлашда ошна-оғайнигарчилик ва маҳаллийчиликка йўл қўйиш фақат Ўрта Осиё республикаларига, хусусан, Ўзбекистонга хосдир, деб ҳисоблаш тарихий ҳақиқатга батамом зид сиёсатдир. Бундай хато ва камчиликлар турғунлик йилларида совет жамиятининг ҳамма ерида, биринчи навбатда, Марказнинг ўзида чуқур

илдиз отиб кетган эди.

Энг ачинарли, даҳшатли нарса шундан иборат бўлганки, гдлянчилар халқ ноибларини, меҳнат қаҳрамонларини вертолётларда итлар билан бориб кечалари қамоққа олишган, кексаларни, ҳомиладор аёлларни ҳам аяб ўтиришмаган.

Гдлянчилар ҳеч нарсадан тап тортмай иш олиб боришган, қонунга ўзлари бўйсунмаганлар, аксинча, қонун уларга итоат эттирилган. Рухий таъсир ўтказиш мақсадида махбуслар узоқ муддат ҳеч нарсадан хабарсиз ҳолда ҳибсхоналарда сақланган, ҳатто ойлаб ва йиллаб сўроқ ҳам қилинмаган. Оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан сўкишлар, ўлим жазоси берамиз деб қўрқитишлар, ёқадан бўғиб судрашлар, томоқдан ушлаб бўғишлар, резина таёк билан савалашлар, зўрлаб, кўп миқдорда совуқ сув ичиришлар, изғирин шамол эсадиган жойларда пол устида ухлашга мажбур этишлар орқали тергов қилинаётган кишиларни қалбаки гувоҳлик беришга кўндирганлар.¹

«Пахта иши», «ўзбеклар иши» деган уйдирма бўйича жиноий жавобгарликка тортилган кишилар узоқ муддат бегуноҳдан-бегуноҳ азоб чекканлар. «Айбсиз кишилар 7-9 ойдан 3-7 йилгача ҳибсда сақланган. Масалан, Қаҳрамонов 3 йилу 3 ой турма камерасида ётди, милиция майори Видодил Иззатов 7 йил, авиация отрядининг командири Арслон Рўзметов 3 йилу 9 ой ва яна 21 кун турмада ётишган. Навоий вилояти ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Тўра Ҳайитов ҳеч қандай айбсиз 3 йилдан кўпроқ ҳибсда сақланади. Ана шу вақт ичида унинг хотини вафот этади, бироқ терговчилар унга марҳум билан видолашиб келиш имконини бермайдилар. Аёлининг ўлими тўғрисида Ҳайитовга орадан бир йил ўтгач айтишади»².

Гдлян гуруҳи тергов олиб бориш жараёнида таҳқирлашларнинг, инсон нафсониятини оёқости қилишларнинг ваҳшиёна усуллари қўллашган. Гдлян ва унинг терговчи гуруҳи барча ишларни айблов йўналишида олиб борган. Улар ҳамиша ўзларини баланд тутишган. Тергов қилинаётган кишиларни уриш,

¹ Қаранг: В.Илюхин. Қабоҳат ёхуд..., («Ўзбеклар иши» деган уйдирма хусусида).Т., «Ўзбекистон», 1993,43-бет.

² Ўша асар, 51-бет.

дўқ қилиб қўрқитиш ва алдаш орқали уларни маънавий-руҳий жихатдан хароб қилишар, камситишарди. Шафқатсиз терговчилар маҳбусларни шу тарика хўрлаб, камситиб, иродасини букиб ташлагандан кейин улардан ўзларига маъқул бўладиган ҳар қандай гувоҳлигу ҳар қанақа маълумотни олаверганлар¹. Ҳақорат ва хўрлашлар шу қадар ошиб кетганки, оқибатда маънавий жихатдан ҳақоратланган, камситилган ва иложсиз қолган маҳбуслар ўз жонига қасд қилишган. Мисол сифатида Тошкент вилояти Оржаникидзе районининг ички ишлар бўлими собиқ бошлиғи А.Ҳожимуродовнинг ўзини ўлдириш олдидан республика бош прокурори ва ўша пайтдаги Ўзкомпартия Марказкомига ёзган хатини келтириш мумкин: «1985 йилнинг 23-24 декабрь кунлари мени СССР ДХК ва Прокуратураси вакили Каташян ДХК биносига таклиф қилди. Мен келсам у билан яна бир киши бор экан, улар икковлашиб мени ҳақоратлашиб, сўроқ давомида бўғиб қийнадилар. Улар биргина мени эмас, бутун бошлиқ халқимизни ҳақоратладилар. Нуқул ўзбекларнинг ҳаммаси қўй, босмачи, фашист деб сўқинишарди... Мен бу азоб-уқубатлардан қутула олмаслигимни, бу йиртқичлар ҳали яна анча вақт мени таҳқирлашини кўнглим сезиб турибди... (Воқеа 80-йилларда бўлган)².

80-йилларнинг одамхўрлари — гдлянчилар ваҳшийликда ўз ўтмишдошлари бериячилар ва апресянчилардан кўра неча-неча бор устун турганлар. Улар қўлларига тушган ҳар қандай фариштани бемалол шайтонга айлантира олганлар, бунинг усуллари кўп эди. Қўрқитиш, алдаш, ҳақорат қилиш, камситиш, саратон офтобига қўйиб, бир неча кун сувсиз қолдириш, «барабанчилар» қўли билан калтаклаш, рецидивистларга буюриб хўрлатиш...³

1984 йил 22 мартда ҳибсга олинган Бухоро вилоятининг собиқ ДАН хизмати алоҳида дивизион командири Видодил Иззатов хотиралари билан танишсак даҳшатга тушмасдан қолмаймиз. Унинг мана бу сўзларига бир эътибор қилайлик: «Иванов тўпланганларга қараб: «Танишинг, ўртоқлар, мана бу

¹ Қаранг: В.Илюхин. Қабохат ёхуд... «Ўзбеклар иши» деган ундирма хусусида). Т., «Ўзбекистон», 1993, 42-бет.

² Ўша асар, 51-бет.

³ Қаранг: Ўша асар, 54-бет.

туркларнинг ёввойи ҳайвони, иш вақтида унга ҳеч қандай раҳм-шафқат қилинмаслиги керак», деди... Яна бир сафар навбатдаги дўппослашдан кейин Иванов айтди: «Йигитлар, агар у айбини бўйнига олмай, ҳеч нима ёзиб бермаса, уни учинчи қаватдан ташлаб юборинглар, кейин ўзини-ўзи ташлади, деб акт тузиб қўямиз». (Воқеа 80-йилларда бўлганлар)¹.

Ўзбекистон Олий Суди томонидан оқланган Ҳикматов кўрсатмасидан: «Терговчи Иванов менга бундай дейди: «Сиз Ельцин билан Жаббаровга пора бермаган бўлсангиз ҳам пора берганман, деб қўл қўйиб беринг. Ўзбекларнинг ҳаммаси порахўр эканлиги бизга яхши маълум.

Рад жавобини олгач, Иванов яна ўз гапини маъқуллаб бундай деди: «Биз судни ҳам мажбур қиламиз. Судлар биз нима десак, шуни қилади!»².

Жуманиёзова Зухра хотирасидан: «Сўроқ вақтида терговчи бундай деди: «Агар Исмоиловга қарши гувоҳлик беришга рози бўлмасанг, қизларингни зўрлаймиз...»³.

Гдлянчиларнинг «ўзбек мафияси», «ўзбеклар иши», «пахта иши» деган сохта уйдирмалар остида олиб борган қатағончилик ишларининг ўзи жиноятчилик, қонунбузарлик, инсон ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилиш, бутун бир миллатни бадном этиш билан боғланган сиёсий ҳаракат эди.

Ҳар қандай разолатнинг ҳам чеки бор. 1991 йил 31 августида Ўзбекистон давлат мустақиллигининг эълон қилиниши туфайли халқимиз ва юртимиз аввал чор Россияси, сўнгра эса шўролар тузуми даврида бошидан кечирган жабр-зулм ва истибдоддан қутилди. Зўравон империя ва мустабид тузум ҳалокатидан кейин мамлакатимизда давлат ҳаёти, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётнинг барча соҳалари мустаҳкам ҳуқуқий асосда қурилмоқда.

¹ Ўша асар, 53-бет.

² Ўша асар, 53-бет

³ Ўша асар, 53-бет

«Бошқача айтганда, мустақиллик йилларидаёқ мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинлигининг устунлигидан келиб чиқадиган, халқаро миқёсда қабул қилинган янги юридик тамойил ва талабларга асосланган кенг ҳуқуқий муҳит вужудга келтирилди.

Биз тоталитар тузумнинг тазйиқ ва зўравонлигидан ҳуқуқий меъёрлар сари улкан қадам ташладик»¹.

¹ Ислон Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1997, 109-бет.

4. Мустақил Ўзбекистонда маънавий юксалиш, ривожланиши ва ўзгаришлар

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги жаҳон тарихига туб ўзгаришлар даври бўлиб кирди. Ана шу пайдан бошлаб бутун инсоният ҳаёти ва тараққиётда янги давр бошланди.

Жаҳон моҳиятан янги сиёсий-маънавий қиёфа касб этди. Даҳшатли можаро - қонли тўқнашувлар, қиронли жаҳон урушлари даврдан умумбашарият манфаатлари ва кадриятларининг устуворлигига томон дунё сиёсий қиёфаси ўзгарди. XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги улкан ва унутилмас воқеаларга ниҳоятда бой бўлди. Дунёнинг икки қарама-қарши лагерга бўлиниб, жаҳон халқларининг ўзаро таҳдид ва кўркув муҳитида яшаши барҳам топди. «Капиталистик» ва «социалистик» тушунчалар ўртасида чегара қолмади. «XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги жаҳон тарихига ижтимоий дунёқарашда, жаҳон ҳамжамиятининг жуғрофий сиёсий (геополитик) тузилишида туб ўзгаришлар даври бўлиб киради. Жаҳон янги даврга қадам қўйди. Бу даврнинг ўзига хос белгилари бир томондан давлатлар ва халқлар ўртасида яқинлашув жараёнлари ва ҳамкорликнинг кучайиши, яхлит сиёсий ва иқтисодий маконларнинг вужудга келиши, ягона халқаро меъёрлар (нормалар), қоидалар ва анъаналарга ўтиш бўлса, иккинчи томондан, социалистик лагернинг емирилиши, тоталитар тузумларнинг тугатилиши, унитар тизимлар ўрнида ёш мустақил давлатларнинг пайдо бўлишидир»¹.

Ер юзининг турли минтақаларида эркинлик, озодлик, мустақиллик ҳаракатлари кучайди. Мазлум халқларнинг эрк учун кураши асрнинг асосий ғоясига айланди. Ўзга мамлакатга тобе бўлиб келган кўплаб мамлакатлар бирин-кетин мустақилликка эриша бошлади. Бу жараён XX асрнинг энг асосий, энг муҳим ижтимоий-сиёсий тамойили сифатида ажралиб туради.

XX аср адоғига келиб тарих тақозоси билан дунёни таҳдид ва ташвишга

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996, 274-бет.

солиб келган энг қудратли давлат — СССР парчаланиб, емирилди. Ёвузлик, қабоҳат олами барҳам топиб, қадриятлар, дунёқарашлар, муносабату баҳолар, талқинлар, тарихий мезонлар, мафкуралар тубдан ўзгариб кетди.

Жаҳон янги даврга қадам қўйди. «Ва ниҳоят, аср адоғида келиб тарих тақозоси билан оламдаги йирик ва сўнгги империялардан бири бўлмиш СССР емирилди. Ҳар қанча олижаноб шиорлар билан бежаб-бўялса-да, моҳият эътиборига кўра мустамлака салтанати бўлган Совет Иттифоқи бесамар коммунистик тажриба қурбони бўлди.

Дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан мамлакатда мутелик ҳолатида яшаган халқлар қарамлик кишанларидан халос бўлдилар. Уларнинг ҳар бири ўз имконияти, ўз ақл-заковати даражасида миллий давлат барпо этишга киришди»¹.

Жаҳонда содир бўлган оламшумул ўзгаришлар оқибатида ер юзининг турли минтақаларида озодлик ва мустақиллик ҳаракатлари кучайиб борди. Мазлум халқларнинг эрк учун кураши асрнинг асосий ғоясига айланди.

Содир бўлган оламшумул ўзгаришлар оқибатида дунё ичра янги дунёлар, мустақил давлатлар пайдо бўлди. Бу масала моҳияти билан соф маънавий, соф ахлоқий ҳодиса сифатида инсоният тарихида қолади. «Дунё харитасида, - дейди Ўзбекистон Президенти,-янги мустақил давлатлар пайдо бўлди. Улар ҳозирги тил билан айтганда, социалистик ўтмишга эга бўлган, ўз сиёсий мустақиллигини тинч йўл билан қўлга киритган давлатлардир. Бу давлатлар мустақил ривожланиш ва ижтимоий муносабатларни янгилаш йўлига қадам қўйди. Улар дунёдаги бошқа мамлакатлар орасида ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилмоқда. Тенглар орасида тенг бўлишга, жаҳон майдонининг таркибий қисмига айланишга ҳаракат қилмоқда»².

Бу миллий истиқлол самараси ўлароқ янги давлатлар ўз маданий-маънавий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётнинг янги тарихий босқичига қадам қўйди. Уларнинг ҳар бири ўз имконияти, тарихий шарт-шароитлари, миллий,

¹ Ислом Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996, 294-бет.

² Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: «Ўзбекистон», 1997, 3-4-бетлар.

маданий-маънавий мероси, кадриятлари, урф-одатлари асосида миллий давлатни барпо этишга, истиқлолча янги онг, янги тафаккурни шакллантиришга, янги инсонни тарбиялаб вояга етказишга, эски мафкурадан батамом воз кечишга, ўзига хос ва ўзига мос мафкурани яратишга киришди. Ана шундай буюк тарихий вазифа ўз маърифий камолотининг моҳиятан мутлақо янги босқичи – истиқлол йўлига кадам қўйган Ўзбекистон халқи олдида ҳам турарди.

XXI аср бўсағасида Ўзбекистон ҳаётида ҳам чуқур тарихий ўзгаришлар рўй берди, Ватанимиз узра истиқлол байроғи хилпиради. Ўзбекистон сиёсий қарамлик ва мутелик асоратидан қутилиб давлат мустақиллигини қўлга киритди. Мустақиллик мустабид ва мафкуралашган тузум кишанларидан озод қилди. Ўзбек халқига ўз юртида бошини баланд кўтариб юриш, ўз маданияти ва эътиқодини, она тили ва маънавиятини қайта тиклаш имконини берди.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон халқи асрий орзусига эришди. Мустақилликка эришилган табаррук кун давлатимизнинг кўп асрлик тарихидан порлоқ саҳифа бўлиб жой олди. Халқимиз ва Ватанимиз тараққиётининг тамомила янги босқичи ва буюк келажак сари юксала бориши ана шу тарихий санадан бошланди.

Мустақиллик тенглар ичида тенг давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятига кириб боришимизга, барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатишимизга шароит яратди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритганлиги туфайли улкан табиий, минерал-хом ашё, инсоний, ишлаб чиқариш ва интеллектуал ресурсларимиздан, олтин, қимматбаҳо ва рангли металллардан, барча табиий бойликлардан, аждодларнинг меҳнати билан яратилган иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий-маънавий ноз-неъматлардан тўла баҳраманд бўлишга имконият туғилди. Мустақиллик жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ривожлантиришга кенг йўл очди.

Мустақиллик ўз эркини қўлга киритган халқимиз ва миллатимиз учун оламшумул аҳамиятга эга бўлган тарихий қадриятдир. Мустақиллик ҳар қандай

халқ ва миллатнинг, жумладан, Ўзбекистон халқларининг ҳам табиий, қонуний эҳтиёжи, олий мақсади, ҳеч бир нарса билан чекланмаган чинакам эркинлигидир. Мустақиллик – халқларимиз учун қарам бўлмай, ўз юртида ўзини бегонадай ҳис этмай, эмин-эркин яшаш, бу ёруғ оламда ҳур яшаб, ҳаёт завқини бемалол суришидир.

Мустақиллик – озодлик ва ҳурликка эришган халқнинг, ўзбекларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал этиш, истиқболини ўзи белгилаш, давлатни ўзи хоҳлаганча бошқариш, унинг ички ва ташқи сиёсатини дахлсиз олиб бориш, Аллоҳнинг ўзи инъом этган табиий бойликларга, ер-сувга, авлод-аждодларнинг меҳнати билан яратилган иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-маънавий куч-қудрат ва имкониятларига миллий бойлик сифатида эгаллик қилиш бахтига муяссар бўлишидир.

Мустақиллик иқтисодиёт ва сиёсатни, ижтимоий соҳаларни, жамиятимиз ҳаётининг барча томонларини ривожлантиришга, асос-асослари билан ислоҳ қилишга катта туртки берди, кенг истиқлол йўлини очди.

Истиқлол йиллари тарих учун бир лаҳза бўлса-да, Ўзбекистон учун бутун бир тарихий давр бўлди. Ана шу йиллар давомида халқимиз ўзининг тарихини чуқур англади, аждодлари қолдирган буюк меросдан, маънавиятдан, диний, ахлоқий, фалсафий қадриятлардан баҳраманд бўлди. Биз буюк келажакимизнинг маънавий асосларини белгилаб олдик, миллий қадриятларимизни умуминсоний мезонлар асосида тиклашга киришдик, демократик ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириб, чуқурлаштира бошладик.

Мустақиллик, таъбир жоиз бўлса, бу эски жамиятдан, мустамлакачилик кишанларидан, миллий, синфий, ҳарбий зулм ва мафкуравий тазйиқлардан қутулиб, озодлик, эркинлик ва ҳуррият қарор топадиган янги, адолатли, инсонпарвар жамиятга қонуний равишда ўтишдир.

Ўзбек халқининг қарийб бир ярим аср давом этган мустамлакачилик исканжасидан қутулиб, озодлик, мустақилликка эришиши унинг энг катта тарихий ютуғидир. «Халқи юз йиллар мобайнида озодликни орзу қилган Ўзбекистон чинакам мустақилликни қўлга киритиб, гуллаб яшнаши ва

фаровонликка эришиши, тараққий этган демократик давлатлар қатори халқаро ҳамжамиятда муносиб ўринни эгаллаши – биз кўзлаётган олий муқсаддир»¹.

Мустақиллик Ўзбекистон тарихида, ўзбек халқи ҳаёти ва тақдирида туб бурилишдир. Дунё Ўзбекистонни мустақилликдан кейин таниди, тўла тан олди.

Истиқлол – биз учун буюк неъмат. Мустақиллик миллатимизга, халқимизга кимдир томонидан ҳады этилган неъмат эмас. Уни миллатимизнинг гули бўлган не-не асл ўғлонларининг, халқимиз эркесвар фарзандларининг тўккан муқаддас қони, неча асрлик машаққатли курашлари эвазига қўлга киритдик.

Юртимизда бошимизни баланд кўтариб юриб, эркин нафас олишимиз, миллий ўзлигимизни англаш имкониятига эга бўлганлигимиз, ижтимоий-сиёсий соҳаларни, маданият, маънавият ва маърифатни, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини жиддий равишда ривожлантиришга, ислоҳ қилишга киришганлигимиз – буларнинг ҳаммаси миллий истиқлол натижаларидир. **«Бир сўз билан айтганда, - дейди Президент, - истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умумэтироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик.** Бу жудда катта бойлик. Биз унинг қадрига етишимиз, кўз қорачиғидек асраб - авайлашимиз керак»².

Мустақиллик йиллари, Ислом Каримов таъбири билан айтганда, ўз ўтмишимизни, ўз маданиятимизни холисона билиб олиш, жаҳон ҳамжамияти, тарих олдидаги вазифамизни англаб олиш давридир. «Мустақиллик йиллари ёш демократик давлатни фаол қуриш, унинг сиёсатини ишлаб чиқиш давридир. Бу давр маънавий уйғониш ва миллий ўзлигини англашнинг ўсиши давридир. Бу — озодлик руҳи билан, ўз кучларига, мамлакатнинг, халқнинг ёрқин келажаги ишонч билан тўлиб-тошган даврдир»³.

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 49-бет.

² Ислом Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-жилд. Т., «Ўзбекистон». 1997, 105-бет.

³ Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996, 176-бет.

Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда бурилиш бўлганидек, мустақиллик даврида халқимизнинг маънавий ҳаётида ҳам уйғониш юз берди. «Давлат мустақиллигини қўлга киритиш натижасида, - дейди Президент, - Ўзбекистон учун иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг, маданий ва маънавий янгилашининг кенг истикболлари очилди»¹.

Бутун инсоният ҳаётида бўлгани сингари етук маънавият ва маърифат мустақил Ўзбекистон учун ҳам ўта муҳим ва зарурдир. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда у ҳал қилувчи аҳамиятга эга. **«Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш –Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир.** Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди»².

Ўзбекистон учун давлат мустақиллигини қўлга киритиш қанчалик оғир ва машаққатли жараён бўлса, уни сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш, барқарорлигини таъминлаш ҳам шу қадар мураккаб ва ўта масъулиятли вазифадир.

Кишилиқ тарихида ўз истиклолининг қадрига етмаган халқлар, элатлар ва миллатлар кўп бўлган. Истиклолни сақлаб қололмаган халқ жабр-жафо кўрганини, эркини асраб қолган миллатлар эса шаън ва шавкатда тенгсиз юксалишларга кўтарилганини ибратли мисоллар воситада халқимизга етказишимиз лозим.

Мустақилликни мустаҳкамлашда, жамиятимиз тараққиётини тезлаштириш ва жадаллаштиришда иқтисодий ва сиёсий омиллар қанчалик муҳим аҳамият касб этиши ўз-ўзидан тушунарли, албатта. Мустақилликни мустаҳкамлашнинг ўзаро алоқадорликда бўлган иқтисодий, сиёсий, маънавий асослари мавжуд. Иқтисодий фаровонликни таъминламасдан туриб жамиятни ривожлантириб, мустақилликни мустаҳкамлаб бўлмайди. Бу ўз-ўзидан тушунарлидир. Мустақилликнинг барқарорлигини таъминлаш учун сиёсий омилларнинг роли

¹ Ўша асар, 176-бет.

² Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 80-81-бет.

ва аҳамияти ҳам бекиёсдир.

Мустақилликнинг яна бир муҳим муаммоси борки, уни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Бу – маънавият ва маърифат билан боғлиқ бўлган муаммодир. Маънавият мустақиллик заминларини мустаҳкамлашнинг, уни янада барқарорлаштириш ва такомиллаштиришнинг зарур омилларидан биридир. Бошқача айтганда, маънавият ва маърифатни ривожлантириш мустақилликнинг энг муҳим асосларидан бўлиб ҳисобланади.

Одамларнинг қорни тўқ, усти бут бўлгани билан мустақиллик ўз-ўзидан бўлавермайди. Мустақиллик учун жамият аъзоларида юксак миллий онг, маданият, маънавият, маърифат зарур.

Мустақиллик учун маънавият, маънавий-маърифий омилларнинг аҳамияти шу қадар муҳим ва каттаки, уларни ҳеч қачон иккинчи ўринга қўйиб бўлмайди. Шунингдек, мустақилликнинг иқтисодий ва сиёсий муаммолари ҳал қилиб бўлинганидан кейин маънавият-маърифат масалаларига ўтилади, деб ҳисоблаш назарий жиҳатдан хато бўлса, амалиётида эса зарарлидир. Ана шу жиҳатдан олганда Президентнинг олдин одамларга моддий бойлик бериб, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш лозим, дейдиганлар ҳақ бўлмасалар керак, деган назарий қоидаси чуқур маънога эга.

Дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари тажрибаси фақат иқтисодий ва сиёсий тараққиётга асосланган жамият ва давлатнинг таг замини мўрт бўлишини амалда кўрсатиб турибди. **Иқтисодий-сиёсий тараққиёт маданий-маънавий, маърифий камолот, ўсиш-ўзгариш ва ривожланишга, энг илғор, замонавий илм-фан, техника ва технологияларга, умумбашарий илғор тажрибаларга асосланган ва улар билан узвий боғланиб олиб борилган тақдирдагина жамият тараққиёти беҳад тезлашади ва юксак самараларга эришади.** Ўшандай мамлакат ва халқ жаҳон цивилизациясининг олдинги сафида бўлади, пешқадамликни қўлдан бермайди.

Ислом Каримов таълимотида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маънавий, маърифий омиллар, тамойиллар, жиҳатларнинг узвий бирлиги, бир-бирига ижобий таъсири, уларнинг жамият тараққиётидаги

аҳамияти ҳақидаги шарқона, умумбашарий ғоя етакчи ўрин тутди: «Бугун биз ўтказётган ислоҳотларда маънавият соҳасидаги вазифалар менинг учун асосий масала бўлиб келмоқда. Нимага деганда, бозор иқтисодини куриш мумкин. Янги ҳаётни ҳам, албатта барпо этамиз. Халқимизнинг ҳаёт даражасини ҳам кўтариб оламиз. Ишсизлик бартараф этилади, одамларнинг даромади яхшиланади. Лекин одам нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки менинг назаримда, аввало маънавий жиҳатдан бақувват бўлиши шарт. Яна бир такрор айтаман, илдизи бақувват, яъни руҳан бардам, онги тийрак, маънавий нуқтаи назардан юксак кишилар билан олдимизда турган вазифаларни ҳал этиш осон кечади»¹.

Айтилганлардан кўришиб турганидек, маънавият мустақиллик учун муҳим ҳаётий заруриятдир. Ислом Каримов томонидан илмий-назарий асослаб берилган ана шу фалсафий ғоя мазмун-моҳиятини бир-икки жумла билан ёритиб, чуқур баён этиб бўлмайди. Масала моҳиятини батафсилроқ ёритиш учун, бизнинг фикримизча, асосий эътиборини қуйидагиларга қаратишга тўғри келади:

Биринчидан, инсоннинг инсонлиги, оламнинг гултожи эканлиги фақат унинг еб-ичиши, зурриёд қолдириши, қорнини тўқ, устини бут эканлигида эмас, балки юксак маънавият соҳибчилиги, ҳам зоҳирий, ҳам ботиний оламининг чинакамига бойлигида ҳамдир. Инсон онги, билими, тафаккури, маърифати билан кучли. Одамлар моддий жиҳатдан етарли даражада таъминлаган бўлсалар-у, аммо руҳан-маънан қашшоқ, билим-маърифати тубдан бўлишса, ундай жамиятнинг замини мустаҳкам бўлмайди.

Инсоннинг бошқа жонзодлардан фарқи бирон-бир юмушни бажаришга киришишдан олдин амалга ошироқчи бўлган ишини миясида обдон ўйлаб кўриши, режалаштириши, ақл-идрок ва тафаккур ёрдамида қилишидадир. Ҳар қандай ғоя даставвал кишиларнинг онгида пишиб етилиб, сўнгра улар турмушга татбиқ этилади. Бу ғоялар муайян вазифани бажаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган одамлар томонидан амалга оширилади. Инсон ақли, қўли

¹ Ислом Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-джилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 121-бет.

билан нимаики қилмасин, унинг заминида фикр, билим, қобилият, истеъдод, тажриба, меҳнат малакаси сифатида шаклланган маънавий ётади.

Маънавий «бани одамни одамий қилиб келаётган, инсонни инсоний қилиб наслдан наслга, авлоддан авлодга ўтказаётган, яхшининг ёмон устидан, эзгуликнинг ваҳшийлик устидан, ҳиснинг ҳирс устидан, гўзалликнинг хунуклик устидан, назокатнинг дағаллик устидан, виждоннинг жиғилдон устидан, доноликнинг жаҳолат устидан, вафонинг бевафолик устидан, субутнинг бебурдлик устидан, садоқатнинг хиёнат устидан, сотқинлик устидан, иймоннинг эътиқодсизлик устидан диннинг хурофот устидан ғалабасини таъминлаб келаётган»¹ куч-қудратдир.

Иккинчидан, мустақиллик ўз-ўзидан, сип-силлиқ ривожланиб, стихияли равишда такомиллашиб бормайди, балки кишиларнинг юксак маданияти, маънавияти ва маърифатига, онглилик даражаси ва тафаккурига асосланадиган тарихий жараёндир.

Мустақилликни жамиятимизнинг келажаги буюклигига қатъий ишонган, унинг учун ҳаётини, меҳнати ва билим бойликларини, интеллектуал салоҳиятини бахшида этишга ҳамиша шай турган маънавий-ахлоқий баркамол, фидойи инсонлар барпо этади ва мустаҳкамлайди.

Маънавий баркамол, сиёсий зийрак, ҳуқуқий билимли ва маданиятли одамлар, фуқаролар, айниқса ёшлар ҳамма масалада ва амалий фаолиятда ақл-идрок билан иш тутади, иймон-эътиқодига собит туради, эркин ва мустақил фикрлайди, ғайри мафкуравий ташвиқотларга берилмайди, ҳар хил миш-мишлар ва хурофотларга ишонмайди, вақтинча қийинчиликлар ва муаммолар олдида довдирамайди, ғанимлар таҳдиди, дўқ-пўписадан ваҳимага тушмайди, Ватанимиз буюк келажагига астойдил ишонади.

Вужудида мукамал Ватан эътиқоди шаклланган, иймонида Ватаний ахлоқ такомил топган, халқи маънавий пок, одил, виждонли, ҳалол, меҳнатсевар бўлган мамлакатларгина мустақил, озод ва эркин бўлиб яшай олади ва ривожланади. Инсоннинг фаоллиги, ўз ишига масъулият билан қарай билиши,

¹ Абдуқаҳҳор Ибраҳимов ва бошқалар. Ватан туйғуси. Т., «Ўзбекистон», 1996, 57-бет

жамият олдидаги бурчи ва масъулиятни қанчалик чуқур ҳис қила билиши унинг маънавий камолоти билан боғлиқ.

Мустақилликнинг тақдири, ватанимиз келажаги республикамызда истиқомат қилаётган одамларнинг, сафларимизни узлуксиз тўлдириб келаётган ёшларнинг тарихий масъулиятни қанчалик чуқур ҳис қилиши, оташин ватанпарварлиги, билимдонлиги, маънавий камолоти, ғоявий етуклигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Буюк давлат бўлиш учун оқилу доно, маданиятли-маърифатли халқ ва миллат бўлиш керак. Маънавий-маърифий камолот миллий баркомоллик ва етукликнинг белгиларидандир. «Олдимизда мустақил давлат куришдек мураккаб ва шарафли вазифа турган бир пайтда, бу маънавий қадриятларнинг аҳамияти минг карра ортади. Нега деганда, ҳар қандай улуғ мақсадларга етишиш, янги жамият, фаровон турмуш куриш, инсон зотиға муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш, аввало, шу жамият аъзолари бўлган комил одамларға, келажак баркамол авлодиға боғлиқдир»¹.

Агар халқда мустақиллик ҳақида билим ва тасаввур бўлса-ю, аммо мустақиллик ҳақидаги ғоя эътиқодға, дунёқарашға айланмаган бўлса, унда мустақиллик барқарор бўлмайди. **«Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур** тазйикдан, кулликдан кутулмаса, инсон тўла озод бўлолмайди.

Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирға бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият-маърифатли инсоннинг икки қанотидир»².

Учинчидан, жамият маънавий-маърифий камолотини жадаллаштиришға бўлган зарурият Ўзбекистоннинг тадрижий тарзда бозор муносабатларига ўтаётганлиги билан ҳам изоҳланади. Ғарбда, Европа мамлакатларида бозор муносабатларига ўтиш асосан иқтисодий тараққиёт қонунлари, ҳуқуқий мезонлар билан белгиланади. Бизнинг ўлкамызда, умуман Шарқ мамлакатларида эса бозор муносабатларига ўтишда маънавий омиллар узоқ

¹ И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т.: «Ўзбекистон», 1994, 127-бет.

² И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд китоб. Т., «Ўзбекистон», 1996, 34-бет.

ўтмишдан бошлаб ҳозирги пайтга қадар ҳам устуворлик қилиб келмоқда.

Бозор муносабатларига иқтисодий омилларнинг танҳо ўзи билан ўтиб бўлмайди. Бу соҳада маънавиятнинг аҳамияти беҳад катта. Одамларда иймон, виждон, ҳалоллик, бировларнинг ҳақини ейишдан қўрқиш, одамгарчилик, меҳр-мурувват, диёнат сингари шарқона маънавий-ахлоқий қадриятлар, хислатлар ва фазилатларни шакллантирмасдан ва мустаҳкамламасдан туриб бозор муносабатларига муваффақиятли равишда ўтиб бўлмайди.

Халқнинг маънавияти ва маданияти, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишни таъминлашнинг энг муҳим, белгиловчи аҳамиятга эга бўлган омиллари жумласига киради. Ана шу назарий қоида Ислом Каримов асарларида ўзининг чуқур илмий ифодасини топган: «Бозор муносабатларига ўтиш–ҳаётий етуклик ва сабр матонатни синовдан ўтказувчи ўзига хос имтиҳондир. Бунда маънавий бўшлиққа ёки кунглига келган ишни қилаверишга берилишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Шу сабабли биз маънавий-руҳий тикланиш ва покланиш муаммоларига алоҳида аҳамият беряпмиз. Чинакам цивилизациялашган бозор муносабатлари, бозор воситалари фақат юксак ахлоқлилик ва ватанпарварлик негизларида барпо этилиши мумкин»¹.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтилаётган, мулкчиликнинг турли шакллари қарор топиб ривожланиб бораётган, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт рақобат ва тадбиркорликка асосланаётган ҳозирги пайтда маънавиятни назар-писанд қилмаслик ўта салбий ҳодисалар рўй беришига, жиноятчилик ва порахўрликлар авж олишига, маънавий таназзул ва руҳий инқироз бошланишига сабаб бўлиши ҳеч гап эмас.

Айтиб ўтилган фикрлар эркин бозор шароитида маънавий-ахлоқий қадриятларнинг қиймати тушиб, маданият иккинчи даражали нарсага айланиб қолмаслигини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди. «Эркин бозор иқтисоди билан маънавиятни қарама-қарши қўйишдан, тўғриси айтсак, - дейди Президент, - ўз умрини тугатган эски мафқуранинг ҳиди келади.

Биз бозор иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий

¹ Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-китоб. Т., «Ўзбекистон», 1996, 275-бет.

ривожланишни маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини истаймиз. Сиёсатимизни шунга қурамыз ва тўла татбиқ этамиз. Одамларимиз омилкор, салоҳиятли, оқибатли, ҳалол ва ижтимоий майдонларда собит турадиган бўлсинлар»¹.

Агар одамлар ўртасида инсофу диёнатга, ҳалоллик ва ижтимоий адолатга асосланган маънавий-ахлоқий, ижтимоий, ҳуқуқий муносабатлар қарор топиб, чуқур илдиз отмаса бозор иқтисодиёти билан боғлиқ қийинчилик ва муаммолар тезда барҳам топмайди.

Тўртинчидан, маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик, ошна-оғайничилик каби иллатларга барҳам бериш, ижтимоий тараққиётимизга, мустақиллигимиз ва ҳаётимизга хавф соладиган порахўрлик, ўғрилик, товламачилик, фирибгарлик, диний экстремизм каби жирканч ҳодисалар рўй беришига йўл қўймаслик, илдиз-илдизлари билан суғириб ташлаш учун ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар сингари маънавият ва маърифат ҳам беқиёс даражада зарур ва муҳимдир.

Бугунги кунда ижтимоий тараққиётимизга, бизнинг онгу тафаккуримизга, маънавиятимизга кишан бўлиб турган эскича асорат ва иллатларнинг олдини олиш, уларнинг давлат ва жамият манфаатларига етказадиган моддий, маънавий, руҳий зарарли таъсирларини бартараф этишнинг жуда кўплаб воситалари, омиллари, ечимлари мавжуд. Бизнинг фикримизча, мазкур муаммонинг энг муҳим ва зарур ечимларидан бири – маънавият ва маърифатдир.

Мамлакатимизнинг ҳар қайси аъзоси юксак маънавият ва маърифат соҳиби бўлмасдан, ватан, халқ олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмасдан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамасдан, онгини, тафаккурини ўзгартирмасдан туриб биз кўзлаган олий мақсад — жамиятни обод ва фаровон этиб, мустаҳкамлаб бўлмайди.

Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида интеллектуал, ақл-идрок ва тафаккур, замонавий фикрлаш, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

¹ Ўша асар, 35-бет.

Шуни очик-ойдин айтиш керакки, фақатгина чинаккам маънавиятли-маърифатли, ҳуқуқий билимли, юксак онгли ва маданиятли инсон ҳаётда рўй бераётган салбий ҳодиса ва жараёнларга бефарқ, лоқайд муносабатда бўлмайди, мустақил давлатимизнинг буюк келажаги учун фидоийлик билан курашади. Президент Ислон Каримов ўзининг асарлари, нутқлари ва маърузаларида ҳаётимизда содир бўлиб турган иллатларнинг сабаблари маънавият ва маърифат соҳасидаги таълим-тарбиявий ишларнинг талаб даражасида эмаслигида эканлигини исботлаб берди: «Очик айтиш керакки, рўй берган бу жирканч ишларнинг сабабларидан бири — маънавият, таълим-тарбия соҳасида олиб бораётган ишларимизнинг ҳали талаб даражасида эмаслиги билан боғлиқ. Қатъий ишонч билан айтиш лозимки, **маънавий бойлик — моддий бойликдан минг бор устун.** Шу боис биз таълим-тарбия масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ёндошмоқдамиз. Кадрлар тайёрлаш ҳақида қабул қилинган Миллий дастур ҳам моҳият эътибори билан шу мақсадни амалга оширишга қаратилган»¹.

Бешинчидан, маънавият масалаларига биринчи даражали аҳамият бермасдан туриб, ҳуқуқий демократик давлатни, эркин фуқаролик жамиятини куриб бўлмайди.

Эркин фуқаролик жамиятини куриш учун ҳаётимизнинг барча соҳаларини такомиллаштиришимиз, умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиб, ўз заминимизга татбиқ этишимиз, шу билан бирга миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳамиша иймон-эътиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни ҳам сақлаб, юксалтириб боришимиз лозим.

Ислон Каримовнинг «Туркистон» газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида қайд этилганидек, фуқаролик жамиятини барпо этишдек улуғвор ва мураккаб вазифани ҳал этиш энг аввало маънавият ва маърифат масаласида бориб тақалади. «Шу боис энди олдимизда ниҳоятда муҳим, келажагимизни ҳал қилувчи янги вазифа турибди, дейди бу ҳақда Президент. – Бу вазифа эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда,

¹ Ислон Каримов. Адолат, ватан ва халқ манфаати ҳар нарсдан улуғ. Т.: «Ўзбекистон», 1998, 61-бет.

озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликни ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, аини замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборат. Мен мана шундай инсонлар ҳақида ўйлар эканман, дунёқарашининг мустақиллик йилларида шаклланган ёшларимизда келажак маънавиятининг умидбахш куртакларини кўргандек бўламан. Ва уларнинг келажакига катта ишонч ва завқ билан қарайман».

Қайси жамиятда илм-фан, маънавият, маданият ва маърифат кадрланиб одамларнинг руҳан покланиши, қалбан улғайиши, ички дунёсининг бойиб боришига жиддий эътибор берилса, ўша жамиятда ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий тараққиёт беҳад даражада тезлашади.

Жаҳоннинг энг маърифатли мамлакатлари сингари юксак маънавият мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ҳам асосидир. Маънавият ва маърифатни, маданиятни юксалтириб бориш мамлакатимиз тараққиётини тезлаштиришнинг энг муҳим омилларидан биридир. Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг келажакда ривожланган буюк давлатга айланиши тўртта асосий негизга — умуминсоний кадриятларга содиқликка, халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши ҳамда ватанпарварликка асосланади.

Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамламай ва ривожлантирмай, бунинг учун зарур бўлган қулай шарт-шароитлар, ижтимоий-сиёсий асосларни яратмай туриб жамиятимиз тараққиётини амалга ошириб бўлмайди.

Маънавий юксалиш ўз-ўзидан амалга ошадиган жараён эмас. Инсоннинг маънавий камолоти, қобилияти, иқтидори, салоҳиятини рўёбга чиқариши, амалиётда, иш майдонида ўзини тўла намоён этиши учун шарт-шароит ва имконият зарур. Ана шундай қулай имкониятларга эга бўлмаган одам илм-фан, техника, технология асосларини, табиий, ижтимоий, сиёсий-иқтисодий, ҳуқуқий билимларни эгаллай олмайди, бинобарин, маданий-маънавий юксалиш имкониятларидан маҳрум бўлиб қолади. Одамларнинг жамиятда муносиб кадр-

қиммат топиши ва юксак даражада эъзозланиши унинг хоҳиш-истакларига эмас, балки ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, моддий шарт-шароитларига, ижтимоий ҳимояланиш даражасига, уларни қонун йўли билан кафолатланганлигига бевосита боғлиқ.

Маънавият ва маърифатнинг муайян ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий шарт-шароитлар ва имкониятлар асосида шаклланиши ва ривожланиши ҳақидаги умумсоциологик қонуният дунёдаги барча ижтимоий тузумлар, халқлар ва миллатлар сингари мустақил Ўзбекистон давлати учун ҳам тўла дахлдордир.

Ўзбекистонда сиёсий мустақиллик ва озодликнинг дастлабки кезлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш, халқимиз ва миллатимизни ўз маданият ва анъаналари, маънавий, ахлоқий, маърифий қадриятлари, дини ва эътиқоди, адабиёти ва санъатидан баҳраманд қилиш ва бунинг учун зарур бўлган шарт-шароитларни, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий асосларни яратиш масаласи ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб ҳисобланди. Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «Мустақилликка эришганимиздан сўнг биз сохта мафқуранинг яккаҳоқимлигидан қутилдик. Маънавиятни, мафқурани зуғумлардан озод қилиб, эркин фикрга, миллий тафаккурга кенг йўл очдик»¹. Мустақиллик йилларида маънавий юксалиш учун яратилган қулай шарт-шароитлардан бири – жамият аъзолари учун **моддий имкониятлардир**.

Маънавий юксалишнинг мустақиллик йилларида яратилган моддий имкониятларига миллий бойликнинг кўпайиши, одамларнинг муносиб турмуш ва иш шароитларини таъминлайдиган қудратли, барқарор ва жўшқин ривожланиб боровчи иқтисодиётни барпо этиш, мулк эгалари ҳуқуқларининг давлат йўли билан ҳимоя қилинишини далил сифатида айтиб ўтиш мумкин.

Маънавий юксалишни моддий шарт-шароитлари инсоннинг ҳаёт таъминоти учун зарур бўлган иш ҳақи, пенсия ва нафақалар кафолатланган энг кам миқдорини жорий этиш, ижтимоий муҳофазанинг барча турларини амалга

¹ Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1996, 34-бет.

оширишдан иборатдир.

Моддий имкониятлар қулай бўлган шароитда кишилар ўзларининг билим даражасини оширишга, интеллектуал ривожланишга, адабиёт, санъат, фан, халқ маорифи билан шуғулланишга, маданий тадбирларда қатнашишга ва шулар орқали маънавий юксалиш имкониятига эга бўладилар.

Президент таъкидлаганидек, «Заминимизда яшаётган одамларнинг муносиб ва эркин, фаровон ҳаётини таъминлаш, ҳар бир киши ҳуқуқ ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш учун зарур шароитларни яратиш жамиятимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш пайтида олдимизга қўяётган ғоят муҳим вазифалардандир»¹.

Мустақиллик йилларида маданий-маънавий юксалиш учун **сиёсий асослар** ҳам яратилди. Мустақиллик сиёсий ҳаётимизда бурилиш ясади. Неча йиллик орзу-умидларимиз рўёбга чиқди. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Олий Кенгаши навбатдан ташқари олтинчи сессиясида ватанимиз учун мислсиз тарихий аҳамиятга молик ҳужжатлар қабул қилинди. Булар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида» Қарори, «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти» ва «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги Асослари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонунидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг эслатиб ўтилган тарихий ҳужжатлари ва улардан олдинроқ 1990 йил 20 июнда қабул қилинган Мустақиллик Декларациясида давлат мустақиллигининг асослари, қоидалари, шартлари, талаблари ва тамойиллари ифода қилинган. Мазкур ҳужжатларда Ўзбекистон халқининг суверенлиги ва давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳиби эканлиги, ўз ерига, ерости бойликларига эгалик қилиши, тенглараро тенг бўлиши, ўз тақдири, фарзандлари келажагини ўзи мустақил ҳал этиши, истиқлол туфайли дунёга, жаҳонга чиқиши мумкинлиги баралла айтилган.

Маънавий юксалишни сиёсий асослари қайд этиб ўтилганлардан ташқари

¹ Ислон Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998, 587-бет.

яна халқни турмуш тажрибасига, Республика аҳолисининг миллий ва маданий анъаналарига, барча ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг манфаатларига мос келадиган ҳақиқий демократия тамойилларини қарор топтиришни, барча фуқароларнинг, миллат ва элатлар вакилларининг илмли, маданиятли, маърифатли бўлиши борасида қонун олдида тенглигини ҳам билдиради.

Президент Ислоҳ Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёти йўли» асарида Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар, республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносиблиги, республика ўзбеклар қаерда яшамасин уларнинг ҳаммаси учун маданий ва маънавий марказ бўлиб қолиши, Ўзбекистон ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлаши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиб бериши айтиб ўтилган.

Мустақиллик туфайли юзага келган сиёсий асос ва шарт-шароитлар туфайли Ўзбекистон фуқаролари маънавий-маърифий юксалиш ва камолотга эришиш ҳуқуқларига эга бўлдилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида, «ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга» дейилади. Унинг 42-моддасида эса, ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланиши белгилаб қўйилган.

Сиёсий ҳуқуқлар инсоннинг сиёсий ҳаётда иштирокини ҳам белгилаб беради. Давлатни бошқаришда иштирок этиш ана шундай ҳуқуқлардан биридир. Бунда инсон ҳаётнинг паст-баландини аниқ ва мукамал билиб олади. У одамлар билан муомала қилиш, талаб-таклифларини эшитиш, орзу-ниятларини билиш жараёнида руҳан-маънан бойийди, фикри ўсади, зукколашади, дунёқарашни кенгайтириб боради.

Жамиятни, давлатни бошқариш, халққа раҳнамолик қилиш — энг оғир, ўта мураккаб ва масъулиятли, айна пайтда шарафли вазифадир.

Жамият ҳаётида фаол қатнашиш, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда иштирок этиш, раҳбарлик лавозимларида ишлаш жараёнида инсоннинг

нечоғлик маънавиятли-маърифатлилиги, сўз ва иш бирлиги ҳалолу-поклиги, заҳирий ва ботиний томонларини қанчалик ўзаро мослиги, ички дунёси — маънавий қиёфаси, хуллас, барча инсоний хислатлари ва фазилатлари кўзгуда акс этгандек намоён бўлади, аниқроғи, кимнинг кимлиги ҳаёт синовидан ўтади. Айти пайтда жамият ва давлатни бошқаришда фаол иштирок этиш инсоннинг миллий ўзлигини англаши, сиёсий онги ва маданияти, ҳуқуқий билими ва тафаккури ўсиши, бойиб бориши ва мустақамланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш — буюк келажак сари қонуний ривожланиб боришнинг йўлларида биридир. Бу йўл ҳар бир фуқаро ва индивиддан юксак билим ва маҳоратни, маънавият ва маърифатни, сиёсий онглиликни ва маданиятни, мустақил ва эркин фикрлашни, ўз кучи ва ақлига ишониб фаолият кўрсатишни, айти пайтда сўзида ва ишида содиқ туришни, фидоийлик, мардлик ва жасоратни, лоқайдликка нисбатан муросасизликни талаб этади.

Президентнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавобларида уқтирилганидек, «Бу вазифа эркин фуқаролик маънавиятининг шакллантириш, бошқача айтганда, **озод ва ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айти замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни** тарбиялашдан иборатдир. Мен мана шундай инсонлар ҳақида ўйлар эканман, дунёқараши мустақиллик йилларида шаклланган ёшларимизда келажак маънавиятининг умидбахш куртакларини кўргандек бўламан ва уларнинг келажакига катта ишонч ва завқ билан қарайман»¹.

Инсон илм-фан, адабиёт ва санъат, умуман маънавий неъматлардан қанчалик баҳраманд бўлса, сиёсий фаолиятда камтарлик, одамийлик хислатларини кўпроқ намоён қилиш имкониятларига эга бўлади. Бунинг учун жамият

¹ Ислон Каримов. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Т., «Ўзбекистон», 1999, 19-20-бетлар.

ҳаётини демократиялаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор бериш, таълим-тарбиявий ишларни замонавий мезонлар асосида олиб бориш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга жорий этиш объектив заруриятига айланади.

Маънавий юксалишни таъминлашда, аҳоли ижтимоий фаоллигини ошириш, мамлакатимиз осудалиги ва барқарорлигини мустақкамлаш, фуқаролар тотувлигини сақлаб қолишда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муҳим ўрин тутди. Кишиларни ижтимоий ҳимоялаш улар турмушини яхшилаш ва фаровонлигини оширишнинг зарур шarti бўлиб қолмай, шу билан бирга инсоннинг сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, маданий-маънавий жиҳатдан ўсиши ва камол топиши учун қулай шарт-шароит бўлиб ҳам ҳисобланади.

Инсон олий кадрият сифатида жамият томонидан кадрлар ва эъзозлардан экан, унинг илм-фан ва маданиятдан, маданий-маънавий бойликлардан баҳраманд бўлиш, ўзининг қобилияти, истеъдодини тўла намоён қилиш имкониятлари кенгайди. Турмуш қийинчиликлари, оилавий ҳаёт ташвишлари ва муаммолари билан қийналиб қолган кишининг жамият ҳаётидаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлиши табиийдир. Бундай кишининг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиши суст бўлади ва оқибат-натижада унинг маданий-маънавий, маърифий ривожланиш даражаси, интеллектуал салоҳияти замонавий талаб даражасидан орқада қола боради.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон давлат мустақиллигининг илк пайтларидан бошлаб аҳолини ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсатининг бош йўналиши сифатида белгиланди.

Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни амалга ошириш, Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг бешта энг муҳим ва машҳур қоида-тамойилларидан бири сифатида илмий асослаб берилди. Ўша асарда бу ҳақда «Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши

лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундай кейин ҳам шундай бўлиб қолади»¹, – дейилади.

Аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш мақсадида миқдори мунтазам ўзгартириб турилган иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, турли нафақалар, компенсация тўловлари тарзидаги пул тўловлари жорий қилиш усули ҳаётимиздан кенг ўрин олди.

Мустақиллик шарофати билан кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, ўқувчи ёшлар, талабалар давлат томонидан ижтимоий муҳофазага олинди. Энг катта эътибор муҳтож оилаларга ёрдам беришга қаратилди. Ижтимоий ҳимоянинг энг муҳим хусусияти – аҳолининг турли қатламларига қатъий табақалаштирилган тарзда ёндошишдир. Бу масалада Президентнинг қуйидаги фикрлари эътиборга моликдир: «Кўп болали ва кам таъминланган оилаларни, ишсизларни, даромади чекланган шахсларни, ўқувчи ёшларни ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилди. Бошланғич синф ўқувчилари ва ёлғиз пенсионерлар учун бепул нонушталар, икки ёшга етмаган болалар учун, шунингдек, камқонлик касалига дучор бўлган ҳомиладор аёллар учун бепул овқат, барча мактаб ўқувчилари ва талабаларни имтиёзли овқатлантириш каби ижтимоий имтиёзлар ҳам бюджет маблағларидан тўлаб турилди. Коммунал хизматлар, шаҳар электр транспортида юриш ҳақини тўлаш бўйича ва ёш келин-куёвларга имтиёзлар амал қилиб турди»².

Мустақиллик йилларида ижтимоий ҳимоялаш борасида кўрилган чоратадбирлар одамлар турмуш даражаси кескин пасайиб кетишининг олдини олишда, республикада осойишталик ва барқарорликни сақланиб турилишида, аҳолида амалга оширилаётган ислохотлар йўлига ишонч-эътиқод пайдо бўлиши ва мустаҳкамланишида, шунингдек, жамиятимиз ва давлатимиз маънавий заминларини мустаҳкамланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Шундай қилиб, мустақиллик яратиб берган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 301-бет.

² Ислом Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998, 592-бет.

ҳуқуқий, маданий шарт-шароитлар ва имкониятлар асосида ва умумбашарий қадриятлар негизида юксалиб бораётган маънавиятимиз ва маърифатимиз Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори бўлган баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда, дунёқараши ва эътиқодини шакллантириш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон давлат мустақиллиги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда бўлганидек, маънавий-маърифий ва маданий тараққиётда ҳам туб бурилишдир.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг азалий қадриятлари, гўзал миллий урф-одатлари ва анъаналарини, ўзига хос одоб-ахлоқини тиклаш, қарор топтириш ва уларни замонавий мазмун-моҳият билан бойитиш ва такомиллаштириш учун кўплаб илмий-амалий ишлар қилинди. Президент Каримовнинг Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори мамлакатимиз ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётида йирик воқеа бўлди. Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафқурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, одамларнинг миллий ўзликларини чуқур англашини, мустақилликнинг қадрини тобора теран тушунишни, миллий тафаккурининг кенгайиши ва такомиллашувини, тарихий ҳурлик, мустақиллик руҳини уйғонишини таъминлаш жамоатчилиқ марказининг асосий вазифаси қилиб белгиланди.

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ маркази қошида ташкил этилган «Олтин мерос» халқаро жамғармаси ўзбек халқининг бой маънавий-маданий мероси, шарқона, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида миллат келажагини белгилайдиган илғор ғояларни юзага чиқариш, жамиятдаги соғлом кучлар, юксак истеъдод ва тафаккур соҳибларининг ақлий-ижодий қобилиятларини юзага чиқариш ва ривожлантиришда ижобий натижаларни қўлга киритди.

Халқимиз меросининг ноёб намуналарини тўплаш, авайлаб-асраш, тарғиб этиш, халқимиз, айниқса, ёшларимизда мустақиллик, ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимиз давомийлигини ва равнақини, уларнинг умуминсоний кадриятлар билан уйғунланиб боришини амалга ошириш учун республикамизда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг бу борада эришган ютуқлари эътиборга сазовордир. Унинг бевосита ташаббуси билан буюк аждодларимизнинг асрлар давомида яратган бебаҳо маданий-маърифий меъроси катта эътибор билан тўпланиб, тағриб-ташвиқот этилмоқда, келгуси авлодларга нодир ёдгорлик сифатида сақланиб келинаётир.

«Олтин мерос» жамғармаси ўтмиш маданиятимизга оид қўлёзмалар, тарихий хужжатлар, халқ хунармандчилиги, амалий санъат намуналари ва тарихий, маданий қийматга молик бошқа ёдгорликларни излаб топиш, ўрганиш, улардан улкан маданий меъросимизнинг узвий қисми тариқасида фойдаланиш борасида катта натижаларга эришди.

Мамлакат истиқболи ва миллатимиз келажаги ҳисобланган ёшларнинг тарбиялаш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, интеллектуал имкониятларини янада кенгайтириш, илм-фан, маданият ва маънавиятга бўлган интилишларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб қувватлашда «Улуғбек» номидаги Ўзбекистон ёшлар жамғармаси амалий фаолияти эътиборга сазовордир.

Ўсиб келаётган ёш авлод тақдирига дунёдаги биронта ҳам жамият ва давлат бефарқ қарамайди. Ёшлар истиқболига эътибор қилинмаса келажак бой берилади.

Ёшларнинг ақлий-ахлоқий, маданий-маънавий жиҳатдан пухтароқ қилиб тайёрламасдан, фанга истеъдодли ёшларни кириб келишини таъминламасдан, ёшларни замонавий фан-техниканинг, умуман илм-фаннинг ютуқларидан баҳраманд қилмасдан, ёшларни қўллаб-қувватламасдан, уларнинг қадрига етмасдан, уларга ишонмасдан туриб мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожлантиришдек қийин ва муҳим вазифани ҳал этиб бўлмайди. «Агар

келажагимизни ўйлаб иш қилмоқчи бўлсак, - дейди Президент Ислон Каримов, - келажақда ишимизни давом эттирадиган бугунги ёшларимизга шароит яратиб,- унинг ҳаёти ҳақида қайғурадиган бўлсак, аввало маҳаллий ёшларни тарбиялаш ишига муносабатимизни мутлақо ўзгартиришимиз керак. Мумкин қадар кўпроқ иқтидорли ёшларимизни Иттифоқнинг энг илғор корхоналарига, шулар жумласидан ҳатто хорижий мамлакатларга, **керак бўлса янги технология, янгича иш ташкил қилишни ўрганиш учун Япония, Америкага ҳамда бошқа жойларга юбориб, уларнинг ўқишга, тажриба орттиришига имконият яратиш лозим.** Иқтисодимизни, ҳаётимизни ўзгартириш ана шуларга боғлиқ бўлади. Агар шуни қилмасак, бу юртимизда катта йўлга чиқишимиз қийин бўлади»¹.

Республикамизда «Умид», «Устоз» ва бошқа жамғармалар ватанга фидокорона хизмат қиладиган садокатли, унинг буюк ва қудратли бўлиши учун қайғурадиган, она юртини улуғлашга қодир, истеъдодли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш, муаллим-мураббийларнинг хорижий мамлакатлардаги ижобий тажрибаларни ўрганишларини, чет элларда тажрибаларини орттиришни йўлга қўйиш мақсадида тузилди.

Ўзбекистон Республикаси «Ёшлар» жамғармаси ёш авлоднинг ҳар томонлама комол топиши, чуқур билим, касб эгаллаши, ўзларида юксак маънавият, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини ҳосил қилишда ўзининг амалий ёрдамини бермоқда. Жамғарма ёшларда умуминсоний қадриятлар, миллий ахлоқ, одоб, демократик йўналишларни такомиллаштириш асосида баркамол маънавий хислатлар, юртга муҳаббат, ватанга садокат, миллатлараро дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш учун зарур муҳим шарт-шароитларни яратилишига кўмаклашишни² ўз фаолиятининг асосий йўналишларидан бири этиб белгилагани эътиборга сазовордир.

Президент Ислон Каримов маънавиятнинг Бош ҳомийси сифатида мамлакатимизда маърифат ва маънавият ишларини ривожлантириш жараён-

¹ Баркамол авлод орзуси. Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1999, 50-бет.

² Жамиятни ислоҳ қилиш йўлида. Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1998, 13-бет.

ларига биринчи даражали аҳамият бериб келмоқда. Унинг қуйидаги фикрлари бунга мисол бўлади: «Биз маърифат ва маънавиятга тадбиркорлик ва тижорат соҳалари томонидан қилинаётган ҳомийликни қўллаб-қувватлаймиз, бундай ҳомийларга енгиллик бериш лозимлигини ҳам биламиз. Лекин ҳомийлик маблағлари чинакам бадиий асарларга сарфланиши шарт.

Халқимизнинг келажаги учун сувдай, хаводай зарур бўлган бундай соҳаларга биринчи ва энг катта ҳомий давлатнинг ўзи»¹.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилганлиги ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётимизда, халқимиз миллий онги, миллий ғурури ўсишида, маънавий кадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши ва ривожланишида нечоғлик ижобий таъсир кўрсатиб келаётганлигини айтиб адо қилиб бўлмайди. «Биз ўзбек тилининг халқ ва давлат турмушидаги асосий аҳамияти ва ўрнини қайта тикладик, аммо Ўзбекистонда барча миллатларнинг тилларига ҳам ҳурмат билан қараймиз. Шу тариқа миллатнинг кадр-қиммати, мустақил давлатимизнинг кадр-қиммати қайти тикланди ва мустаҳкамланди»².

Маънавиятлилик ва маърифатлиликининг, маданиятликининг энг муҳим йўллари ва зарур шартларидан бири – ҳар бири халқ ва миллатнинг ўз тарихини мукамал равишда билиши ва тарихий хотирага эга бўлиши, буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари билан чексиз равишда фахрланишдан иборатдир.

Ўз халқининг, жонажон ўлкасининг, давлатининг тарихини билмаган, таъбир жоиз бўлса, миллий ғурури, ифтихори заиф бўлган миллат ва инсоннинг келажаги бўлмайди. Ислон Каримов тарихни яхши билмасдан туриб юксак маънавиятга эришиш мумкин эмаслигини қайд этиб шундай дейди: **«Маънавиятни тиклаш, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта тарихий хотира керак.**

¹ Ислон Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1996, 36-бет.

² Ўша асар, 281-бет.

Ҳар қайси инсон мен шу миллат фарзанди эканман, менинг аجدодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси қайда, унинг оёққа туриши, тикланиши, шаклланиши жараёни қандай кечган, деган саволларни ўзига бериши табиий»¹.

Мустақиллик тарихни, тарихий хотирани тиклаш учун шароит яратди. Халқнинг тарихий руҳи, тарихий хотираси ва тафаккури уйғонмоқда, маънавиятимиз кўзи очилмоқда, шу туфайли одамлар қалбида миллий ғурур туйғулари комол топмоқда.

Жаҳон цивилизациясига салмоқли хисса қўшган улуғ аجدодларимизнинг улкан маънавий меъросларини янгидан ижодий ўзлаштиришнинг бошланганлиги мустақил Ўзбекистоннинг энг ёрқин ютуқлари қаторидан жой олади. Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари буюк мутафаккирларимиз илмий-адабий, фалсафий, диний-ахлоқий меросларининг халққа қайтарилиши, уларнинг шарафига ҳайкаллар қўйилиши, саройлар, мадрасалар, мақбаралар, мажмуалар, миллий боғлар барпо этилиши, кўпгина шаҳарлар ва манзилгоҳлардаги майдонлар ҳамда кўчаларга уларнинг номлари берилганлиги миллатимиз маънавий-маърифий етуклиги белгисидир.

Нафақат Шарқнинг, айти пайтда бутун инсоният цивилизациясининг ҳам қадимий масканларидан ҳисобланган Самарқанд ва Тошкент, Бухоро ва Хива сингари қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарларимиз таваллуд топган саналарнинг дунё миқёсида тантанали нишонланганлиги халқимизнинг тарихи, маданий-маънавий ҳаётида унутилмас воқеа бўлди.

Мустақилликка эришганимиздан кейингина буюк аجدодларимизнинг ҳурматини ўрнига қўя олдик. Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Ал-Фарғоний,

¹ Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа Бош концерни, 1998, 8-9-бетлар.

Муҳаммад Тарағай Улуғбек, Алишер Навоий таваллудларининг олам узра байрам қилинганлиги, халқимизнинг инсоният цивилизациясига қўшган сўнмас ҳиссасини эътироф этилиши, курраи заминнинг буюк боболаримизни вояга етказган юртга, халққа ва унинг тарихига самимий ҳурмати ва эҳтироми бўлди. Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг инсониятга қолдириб кетган бебаҳо мерослари, маънавият ва маърифатга оид таълимотлари ҳамиша бошимизни баланд, қаддимизни тик қилади, кучимизга-куч, ишончимизга ишонч қўшади, имонимизни мустаҳкам, руҳимизни тетик қилади.

Фахримиз, ғуруримиз ҳисобланган ҳазрат соҳибқирон Амир Темур бобомиз тарихий кадриятларининг тикланиши, халқимиз қалби тўридан мангу ўрин олиши, унинг қайта туғилиши том маънода мустақиллик даври, Президент Ислом Каримовнинг илмий-назарий ва оқилона амалий фаолияти билан бевосита боғлиқ. «Бугун Шарқда тенги йўқ саркарда мустақиллик, истиқлол шарофати билан ўз ватанига қайтди»¹.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 29 декабрда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарор, Президентнинг 1996 йилни Амир Темур йили деб эълон қилиш тўғрисидаги 1995 йил декабрдаги Фармони, 1996 йил 18 октябр куни Тошкентда Темурийлар тарихи давлат музейининг тантанали очилиши, Амир Темурга маҳоботли ҳайкал қўйилиши, «Амир Темур» орденининг таъсис этилганлиги, унинг номида халқаро жамғарма ташкил этилиши, ЮНЕСКО қарори билан жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатларида соҳибқироннинг 660 йиллиги тўйи ўтказганлиги, у ҳақда юзлаб, минглаб китоблар ёзилганлиги – буларнинг ҳаммаси номи етти иқлимга машҳур бўлган бобокалонимизга кўрсатилган юксак эҳтиромдир.

Мустақиллик шарофати билан миллатимизнинг урф-одатлари, кадриятлари, дину-эътиқодини тиклаш, эъозлаш, улуғлаш ҳамда халқимизга қайта тикланган муқаддас масканлар, масжиду мадрасалар, тарихий обидаларни

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 360-бет.

қайтариш йўлида қилинган ишларни алоҳида таъкидламасдан ўтиб бўлмайди. Бу соҳадаги энг катта ва энг улуғ ишлардан бири — диний қадриятларни тикланаётганлигидир.

Истиклол йилларида Ислом дини ва диний қадриятлар йўлида узоқ йиллар давомида ўрнатилган сунъий тўсиқлар, зарарли ғовлар, қилинган тазйиқу-таъқиблар олиб ташланди. Фуқароларнинг диний эркинликларига чек қўйиш, йўл бермасликлар батамом тугатилди. Диний ташкилотлару диндорларга нисбатан муносабат кескин ўзгарди.

Истиклол йилларида маданий, диний, ахлоқий қадриятларга нисбатан муносабатнинг бу қадар ижобий тарзда ўзгаришини муайян сабаблари, ўзига хос зарурий жиҳатлари бор. Чунки, дунёдаги динлардан бирортаси ҳам халқлар ва миллатларни, одамларни ёмон йўлга бошламайди, урушу-жанжаллар чиқариб қон тўкишларга, вайронагарчилик ва очарчиликларга сабаб бўлишга, миллат ажратишга, бошқа диний мазҳабдагиларни камситишга даъват этмайди, йўл қўймайди. Аксинча, меҳр-оқибатли, номусли, ориятли, ўзаро иззат-эътиборли, миллий ҳамкор-ҳамжиҳат бўлишга ундайди, одамзотни эзгулик томон бошлайди. Муқаддас Ислом динининг мустақил Ўзбекистон ҳаётидаги аҳамияти, унинг одамлар руҳий дунёсига кўрсатиб келаётган таъсирини Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларидан кўриш мумкинки: **«Айтмоқчиманки, биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз. Хоҳ ёш бўлсин, хоҳ кекса бўлсин, ҳар бир ўзбек нимагаки муносабат билдирмасин, албатта уни Яратгувчининг номи билан боғлайди. Ҳар бир сўзимизни, ишимизни бисмилло айтиб бошлаймиз, яхши-ёмон кунларимизда худога шукрона келтирамиз, тавба қиламиз. «Шукур» деган каломни билмайдиган бирор инсон Ўзбекистонда бормикан ўзи! Билсангиз керак, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам «шукур» ва «тавба» деган сўзларни энг кўп ишлатар эканлар. Туғилганда қулоғимизга азон айтилади, оила қурганимизда**

шаръий никоҳ ўқитилади, дунёдан кўз юмганимизда жаноза ўқитилади. Ҳатто диндан чуқур хабардор бўлмаган одам ҳам диний урф одатларсиз, исломий туйғусиз яшай олмайди»¹.

Президент томонидан таъкидланганидек, бизнинг мусулмончилигимиз Аллоҳга, динимизга муносабатимиз баъзи миллий қадриятларимизда ҳам яққол ифодаланади. Ҳаммамизга таниш бир манзарани эслайлик, — дейди бу ҳақда у. — Кўчадан тобут кўтариб бориляпти. Дуч келган йўловчи - у пиёдами, машинадами ёки отлиқми — дарҳол югуриб келиб тобутга елкасини тутди. Камида етти қадам уни кўтаришиб боради. Марҳумни танийдимитанимайдами, бундан қатъи назар, Худо раҳмат қилсин, дея юзига фотиҳа тортади.

Ахир, шунинг ўзи ҳам мусулмончилик, Аллоҳни танишнинг бир кўриниши эмасми? Ахир, шунинг ўзи Аллоҳ таоллога итоат этиш, охиратни ўйлаб яшашнинг бир мисоли эмасми?

Энг муҳими, биз бу ишларни намойиш учун эмас, имонимиз, эътиқодимиз амри билан адо этамиз. Демак, **дин бизнинг қон-қонимизга, онгушууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай қуч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди.**

Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, динудиёнатимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкинки, Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда»².

Бугунги маънавий ҳаётимизни, халқимизнинг минг йиллик тарихини муқаддас Ислом динидан айрича тасаввур эта олмаганимиз боисидан мамлакатимизда диний қадриятлар тикланиши ва унинг таълим-тарбиявий аҳамиятини оширилиши масаласига жиддий эътибор бериб келинмоқда.

Ислом дини деганда, Президент таъбири билан айтганда, аввало Аллоҳ ва унинг Расулини, мана шу қутлуғ заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номлари бутун мусулмон оламида чексиз эҳтиром билан тилга олинадиган

¹ Ислом Каримов. Оллоҳ ўалбимизда, юрагимизда. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 5-6-бетлар.

² Ўша жойда, 6-7-бетлар.

Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Замаҳшарий каби улуғ имомларимиз ва пири комилларимизни тасаввур қиламиз.

Президентимиз Ислом Каримов нега биз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб шу улуғ аждодларимизнинг табаррук номларини тиклашга киришдик, деган саволга қуйидагича жавоб берди: **«Чунки бу буюк инсонларнинг азиз номлари, ўлмас мероси муқаддас динимиз билан чамбарчас боғланиб кетган. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Биз бу улуғ номларсиз, бу улуғ номларни эса динимизсиз тасаввур эта олмаймиз»¹.**

Биз бу мутафаккирларимизнинг қутлуғ меросидан бутун халқимиз, жумладан ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, Ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз. **Бошқача айтганда, биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз»².**

Мустақиллик туфайли юртимизга Наврўз кириб келди. Мустабидлик замонларида тақиқланиб қўйилган Рамазон ва Қурбон ҳайитларига етдик. Рамазон ва Қурбон ҳайит кунлари байрам ва дам олиш кунлари деб эълон қилинди. Ҳар йили бир неча минглаб ўзбекистонлик фуқаролар ҳаж ва умра сафарига бормоқдалар. Қуръони Карим илк бор ўзбек тилига ағдарилиб, 100 минг нусхада нашр этилди. Диний мазмундаги ўнлаб ва юзлаб китоблар чоп этилди. Тошкентда 1995 йилда таъсис этилган Халқаро Ислом тадқиқот маркази фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мустақилликка эришилгандан сўнг динга, шу жумладан, Ислом динига муносабат тубдан ўзгарди. Бу ўзгаришларнинг моҳияти «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунда ҳамда Президент Ислом

¹ Ўша жойда, 11-бет.

² Ислом Каримов. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан яратамиз. «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоблар. Т., «Ўзбекистон», 1999, 19-бет.

Каримовнинг асарлари, нутқлари ва маърузаларида ўз ифодасини топган. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Биз ота-боболаримизнинг муқаддас дини бўлган Ислом динини қадрлаймиз, ҳурмат қиламиз, одамзот руҳий дунёсида иймон-эътиқодни, инсоний фазилатларни мустаҳкамлашда унинг ўрни ва таъсирини юксак баҳолаймиз. Шу билан бирга фуқароларимизнинг эътиқод эркинлигини қонун асосида таъминлаш учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқдамиз. Аммо биз диндан сиёсий мақсадлар ва ҳар қандай ёвуз ниятлар йўлида фойдаланишга мутлақо қаршимиз»¹.

Давлат ҳам, дин ҳам фаолиятини ўз йўли билан олиб бориши керак. Ислом дини бизлар учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифатдир. Аммо у қуруқ ақидалар йиғиндиси ҳам, сиёсат ҳам эмас.

Динни қурол қилиб олиб сиёсий мақсадларга эришиш йўлида экстремизм ва террорчилик мақсадларида фойдаланиш, Тошкентда 1999 йилнинг 16 февралида рўй берган қўпоровчиликка сабаб бўлиш Ислом таълимотининг инсон-парварлик мазмун-моҳиятига, умумбашарий руҳи, ғоялари, аҳкомлари, асосий тамойилларига, истиқлолимиз талабларига ҳамда миллий қадриятларимизга бутунлай қарама-қаршидир.

Диний мутаассиблик, ақидапарастлик, ваҳобийчилик – ҳуррият ва тараққиёт қушандасидир. **«Биз дин бундай буён ҳам аҳолини энг олий, руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиш тарафдоримиз.** Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун қурашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашиб учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз»².

¹ Ўша жойда, 11-бет.

² Ислом Каримов. Буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998, 449-бет.

2- БОБ ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ ВА МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ

1. Мустақиллик шароитида ҳуқуқий билим ва маданиятни ўстиришнинг жамият тараққиёти учун долзарблиги

Ҳуқуқий билим ва онга, ҳуқуқий маданият, маънавият ва маърифатга бўлган объектив талаб ва эҳтиёж Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қурилаётган ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан борилаётган ҳозирги даврда тобора ортиб бормоқда. Дарҳақиқат, аҳолининг ҳуқуқий билим савияси, ҳуқуқий онги ва маданияти қанча юксак бўлса, демократик ҳуқуқий давлат ҳам шунча куч-қудратли бўлади. «Биз юртимизда эркин, ҳуқуқий демократик давлат барпо этяпмиз, - дейди Президент. — Мамлакатимизда давлат қурилиши, сиёсат, иқтисодиёт, маънавият соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ана шу эзгу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилган. Бу олий мақсадга эришишда халқнинг ҳуқуқий жиҳатдан билимли бўлиши, жамиятимизнинг сиёсий фаоллиги, демократик тамойилларнинг кишилар онгига теран сингиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг қонунларимиз одамлар онгида ана шу тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилиши даркор. Бу эса ҳуқуқ-тартибот идоралари, шу соҳа ўқув юртлари, ҳуқуқшунос олимлар олдида турган долзарб вазифадир¹.

Ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий маданиятнинг долзарблиги мустақиллик шароитида нималарда намоён бўлмоқда?

Биринчидан, Ўзбекистон XX асрнинг охириги ўн йиллигида кўп асрлар орзу қилинган мустақилликка эришганидан кейин ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини, инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган демократик, ҳуқуқий давлатни, бозор муносабатларига асосланган эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўлини танлаб

¹ Ислон Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1998, 25-бет.

олди.

Халқимизга муносиб турмуш шароити яратиб берилишига қаратилган демократик, ҳуқуқий давлатни, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиши учун қандай шароитлар бўлиши керак, деган саволнинг туғилиши муқаррар. Жамиятнинг сиёсий фаоллиги кучаймаса, ҳар бир фуқаро, Ўзбекистон заминида яшайдиган инсон сиёсий нуқтаи назардан активлигини кўрсатмаса, бўлаётган ўзгаришларга, умуман янгиликларга, янгиланиш жараёнларига, бўлаётган ислоҳотларга қизиқишини амалда сездирмаса биз бугун ҳаётимизни тамомила ўзгартириш йўлида қилаётган мақсадларимизга эриша олмаймиз.

Ўзбекистон заминида минг йиллар мобайнида яшаб келаётган одамлар орзу қилган фаровон, эркин ҳаётга эришиш учун қандай шартларга амал қилишимиз, ҳаракатимиз замирада қандай асослар бўлиши керак? Бунда, биринчидан, жамиятнинг сиёсий фаоллигини ошириш тақозо этилади. Токи, одамлар ислоҳотларга қизиқишини намоён эта олсин. **Унинг кузатувчиси ёки иштирокчиси эмас, балки бевосита ижрочиси сифатида юқоридаги олий мақсадни англаб етсин.** Зеро, биздан озод ва обод ватан қолсин, деган шиоримиз одамларнинг онгига теран сингиб борса, улар танлаган йўлимизни чин юракдан қўллаб-қувватласагина, саъй-ҳаракатларимиз кутилган самарани бериши мумкин...»¹

Бўлаётган ўзгаришлар агарки, халқимиз томонидан, ҳар қандай фуқаро томонидан ижодий нуқтаи назардан қўллаб-қувватланмаса қилинаётган ишлар самара бермайди. Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият одамлар учун, келажак авлод, фарзандлар учун қурилаётганлигини улар яхши тушунишлари керак. Бунинг учун ҳуқуқ устуворлигини йўлга қўйиш зарур.

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти учун қонун мажбурий, қонунни ҳамма ҳурмат қилиши, унга тўла итоат этиши шарт. Давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлардан тортиб жамоат бирлашмаларига қадар ҳамманинг биронта ҳам ҳаракати қонунга хилоф равишда амалга оширилиши мумкин эмас. «Қонунларнинг асосий вазифаси кишилар ўртасидаги муносабат-

¹ Ўша асар, 26-бет.

ларда адолат, инсоф, одамийлик, оқилона бўлишликни таъминлашдир. Қонунларга риоя этилмайдиган жамиятда ўзбошимчалик, адолатсизлик, инсофсизлик, зўравонлик ҳукм суриши табиий. Шу сабабли ҳар бир фуқаро жамиятда қонун устуворлиги таъминланишидан манфаатдор»¹.

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини аҳолининг онги ва маданиятини юксалтирмасдан туриб барпо этиб бўлмайди. «Бунга қандай эришилади, аввало, аҳолига чуқур ҳуқуқий билим беришни йўлга қўйилиши, бу орқали ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига эришиш, бошқача айтганда, том маънодаги ҳуқуқий онгни шакллантириш талаб этилади. Бу жамиятнинг тўғри, демократик йўлдан ривожланиши учун зарур. Чунки, ҳуқуқий тафаккур шаклланмаса, турли хил номутаносибликлар келиб чиқади. Бунга 90-йиллар бошида мамлакатимизда рўй берган вазиятни мисол келтиришимиз мумкин. Шундай экан, юксак ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқ устуворлиги нафақат бугунги жамиятимиз учун, балки биздан кейин келадиган авлодлар учун ҳам зарурдир»².

Эркин фуқаролик жамиятини барпо этишдек улуғвор ва мураккаб вазифани ҳал этиш энг аввало маънавият-маърифат, ҳуқуқий таълим-тарбия масалаларига бориб тақалади. Ана шу маънода олганда олдимизда ниҳоятда муҳим, келажагимизни ҳал қилувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин фуқаролик жамияти маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, айти пайтда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан умумий ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашдан иборатдир.

Иккинчидан, жамиятдаги барча аҳоли қатламлари ҳуқуқий саводхонлиги, ҳуқуқий онг ва маданиятини ҳар томонлама юксалтиришга бўлган зарурият Ўзбекистоннинг тадрижий равишда бозор муносабатларига ўтилаётганлиги билан ҳам изоҳланади.

Бозор муносабатларига иқтисодий омилларнинг танҳо ўзи билан ўтиб бўлмайди. Бу соҳада ҳуқуқий онглилик, ҳуқуқий маънавият ва маданиятнинг

¹ Ҳуқуқий маслаҳатлар (Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга жавоб.). Тошкент Давлат Юридик институти, 2002, 3-бет.

² Ислон Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1998, 26-бет.

аҳамияти беҳад катта. Одамларда иймон, виждон, ҳалоллик, бировларнинг ҳақини ейишдан қўрқиш, одамгарчилик, меҳр-мурувват, диёнат, қонунларни ҳурмат қилиш, жиноят қилишдан қўрқиш сингари шарқона маънавий-ҳуқуқий кадриятларни, ҳуқуқий онглиликни шакллантирмасдан туриб бозор муносабатларига муваффақиятли равишда ўтиб бўлмайди. **«Ижтимоий йўналтирилган маданий-маърифий бозор хўжалигини тегишли равишда ҳуқуқий жиҳатдан таъминламасдан туриб бундай хўжаликни шакллан-тиришни тасаввур қилиб бўлмайди.** Бозор иқтисодиёти ҳуқуқий нормалар ва қоидаларга таяниши билан маъмурий-буйруқбозлик тизимидан фарқ қилади. Бозор муносабатларининг бутун механизми давлат томонидан кўрсатиладиган ва қонун билан мустаҳкамландиган бозор шарт-шароитлари доирасида амалга оширилади»¹.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтилаётган, мулкчиликнинг турли шакллари қарор топиб ривожланиб бораётган, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт рақобат ва тадбиркорликка асосланаётган ҳозирги пайтда ҳуқуқий маданият ва маънавиятни назар-писанд қилмаслик, қонунларни менсимаслик ўта салбий ҳодисалар рўй беришига сабаб бўлиши мумкин. Рақобат шароитида ҳуқуқий маданият ва маънавиятга эътиборсизлик билан қараш одамлар ўртасида тартибсизликлар рўй беришига, жиноятчилик ва порахўрлик авж олишига, маънавий таназзул ва руҳий инқироз бошланишига сабаб бўлиши ҳеч гап эмас.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётган Ўзбекистон учун ҳозирги шароитда ҳалолу покликка, шарқона бозор ахлоқий қоидаларига асосланган маънавиятга бўлган эҳтиёж кун сайин кучайиб бормоқда. Агар одамлар ўртасида инсоф-диёнатга асосланган муносабатлар қарор топиб, чуқур илдиз отмаса бозор иқтисодиёти билан боғлиқ қийинчилик ва муаммолар барҳам топмайди. «Бозор муносабатларига ўтиш – ҳаётий етуклик ва сабр-матонатни синовдан ўтказувчи ўзига хос имтиҳондир. Бунда маънавий бўшлиққа ёки кўнглига келган ишни қилаверишга берилишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 318-бет.

Шу сабабли биз маънавий-руҳий тикланиш ва покланиш муаммоларига алоҳида аҳамият беряпмиз. Чинакам цивилизациялашган бозор муносабатлари, бозор воситалари фақат юксак маънавият негизида, юксак ахлоқлилик ва ватанпарварлик негизларида барпо бўлиши мумкин. Акс ҳолда бошбошдоқлик ва тартибсизлик ҳукм суради. Афсуски, собиқ Иттифокнинг бир неча минтақаларида мана шундай ҳолат рўй берди. Уларда жиноятлар, порахўрлик ва одамларнинг маънавий таназзулга юз тутиши, руҳий инқироз билан қоришиб кетган сохта бозор вужудга келмоқда. Бундай ҳолатга асло йўл қўйиб бўлмайди»¹.

Бозор муносабатлари маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий кадриятларсиз ривожлана олмаслигини шарқона, ўзбекона қадимий бозорлар мисолида кўриш мумкин. Қадимий Ватанимизнинг бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Термиз, Хива, Урганч, Қарши, Шаҳрисабз, Қува, Фарғона, Андижон ва бошқа ўнлаб шаҳарларидаги бозорлар азал-азалдан шу қадар мўлкўл, тўкин, хайр-барака маскани бўлганки, уларда халқ нақлида айтилганидек, одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса топилган.

Шарқона бозорлар қадим-қадимдан юрт бойлигини, халқ фаровонлигини, тирикчилик даражасини, тўкин-сочинликни, файз-баракани намойиш этадиган, кўзгудек кўрсатадиган табаррук жой, мўътабар манзилгоҳ ҳисобланади.

Шарқона бозорларнинг энг муҳим, ноёб хислат-фазилати маънавият-маърифат маскани бўлганлигидир. Сифатсиз нарсани мақтаб, ёмонни яхшилаб сотиш, арзонни амал-тақал қилиб қимматга пуллаш аждодларимиз наздида гуноҳи азим ҳисобланган. Харидорнинг ҳақиға хиёнат қилмаслик, тўғрилиқ, ростгўйлик, ҳалоллик, инсофу диёнат, ҳусну одоб, одамларга ишониш, лафзни сақлаш — булар Шарқона бозорларда устуворлик қилган одоб-ахлоқ қоидалари ҳисобланган.

Савдо аҳли ҳаромхўрлик, олғирлик, юлғичликдан, харидор ҳақини пештахта ортида ўмаришдан номус қилишган, бировларни қон қақшатиш асосида бойлик орттиришдан нафратланишган, худодан, виждонидан, эл-улус қарғишидан чўчишган.

¹ Ислон Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 275-бет.

Ўзбек халқи яратган эртақлар, ривоятлар, ҳикматлар, мақоллар ва зарбулмасалларда инсофли-диёнатли бўлиш ҳамма одамлар учун ўта муҳим, зарур ва мажбурийлиги ҳар доим таъкидланган. Халқимиз томонидан айтилганидек, ғирромлик, нопоклик, эгри қўллик, кўзбўямачилик, муттаҳамлик йўли билан осонгина, мўмайгина топилган молу дунёнинг бақосию вафоси, қут-барақаси бўлмайди. Улар қўлга қандай тез келган бўлса, шундай тез кетади. Тўғрилиқча кетиб қолмай кишининг бошига беҳад-беҳисоб офатлар ҳам келтиради, бировнинг ҳақи бир кунмас бир кун тешиб чиқади, «харом ҳаромни чақиради», «харом қўл аралашса, ҳалол қўлдан кетар», «харом қўл бор жойда барақа бўлмас», «ўғирлик ош баданга юкмас», «харом иш тез қаритар» деган маталлар ҳам бекорга айтилмаган.

Аждодларимиз анъаналарига кўра савдо аҳли ниҳоятда инсофу диёнатли, ўта ҳалол бўлмоғи, ўзининг фойдаси учун ўзгаларга зиён етказмаслиги, кўнглида бирни юз қиламан, бўзни шойи деб сотаман, деган истак бўлмаслиги, айбли ва нуқсонли нарсаларни сотмаслиги, сотганда ҳам олувчига нуқсонини айтиб қўйиши, касод молларни пулламаслиги лозим. «Савдогар ёлғиз фойдани ният қилмаслиги, фойда қиламан деб ўзини қаттиқ машаққатга қўймаслиги, савдо қилиб, фойда топаман, деб денгизга кема сурмаслиги, дур оламан деб наҳанг оғзига қўл солмаслиги, мол ва пул кўпайтираман, деб жонсарақ бўлмаслиги керак. У хизматкор ва савдодаги гумашталарни ўз ҳашамати ва обрўсининг сабабчиси деб билмаслиги, лаззатли таомларни кўзи қиймай, қаттиқ нон емаслиги лозим. Унинг тортган қийинчиликлари тирикчилигининг яхши ўтиши учун хизмат қилса ва топган фойдаси кўнгили фароғати учун сарфланса яхши бўлади»¹.

Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида хиёнатчи, фақат ўз фойдасини кўзлайдиган, элга қаҳатчилик тилайдиган, арзон олиб қиммат сотиб, зиён етказадиган олибсотарларни қоралайди. Унинг фикрича, олибсотарлар оларда шойини бўз деб камситади, сотарда эса бўзни шойи деб вайсайди, бўйрани кимхоб ўрнида пуллай олишда суяги йўқ. Дўконида инсофдан бўлак ҳамма

¹ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 33-бет.

матом мавжуд. Унга фойда бўлса бас, бошқаси билан иши йўқ. Фойда келмаслигидан ўлимдан кўрққандек кўрқади. Инсоф-диёнат, ҳалоллик, поклик унинг учун тамом бегона.

Тарозида тортиш ва чўпда ўлчашда харидорни алдамаслик, қимматфуруш бўлмасликка интилиш, харидорга қаттиқ гапирмаслик – булар савдочилик одоб-ахлоқи, маданияти ва маънавиятининг муҳим тамойилларидан бўлиб ҳисобланади.

Ўтмиш тарихимизда савдогар аҳли ширинсўзлиги, диловарлиги, кенг феъллиги, саҳийлиги, инсонпарварлиги билан элда мартаба қозонишган. Улар одамларга ҳеч қачон қовоқ-думоғ қилишмаган. Аксинча, харидорга яхши муомала қилиб, керакли нарсаларни топиб бериб, нарҳини ҳалол олиб савдо қилишган. Шу қадар ҳимматли бўлишганки, харид қилмоқчи бўлган нарсага харидорнинг, башарти пули етишмай қолса ёки пули йўқ бўлса, «топганда берасиз, яхшиликка буюрсин», «тўйга яратинг», «барака топинг»¹, - деб насиёга ҳам бериб юборишган.

Савдонинг, тижоратнинг одоб-ахлоқи, қонун-қоидалари чуқур баён этилган, асослари ёритилган, яхшилик, эзгулик, тўғрилиқ, ростгўйлик учун кураш ғоялари баён этилган қанчадан-қанча муқаддас китоблар ва рисолаларга эгамиз. Расули Акрамнинг (с.а.в.) Ҳадиси Шарифлари бу масалада алоҳида аҳамиятга эга. Асарда инсон боласи ҳар куни дуч келадиган, жамиятни юксалтиришга хизмат қиладиган, фақат диний эмас, дунёвий масалалар ҳам катта ўрин эгаллайди. Ана шулардан бири савдо-сотик, тижорат масалаларидир.

Пайғамбаримизда ҳалол ва тўғри қилинган савдогарликнинг фойдаси, фирромлик, ёлғончилик билан орттирилган пулнинг ҳаромлиги, ҳар бир одам меҳнат қилиб, ўз касби ва ўз қўли билан ишлаб топиб кун кўриши, ҳунар, илм ўрганиши лозимлиги ҳақида қанчадан-қанча ҳадислар бор. «Савдогарларнинг яхшиси молини яхшилик билан бериб, яхшилик билан олувчисидир (ўз вақтида бериб, ўз вақтида олувчисидир)», «Савдогарнинг ёмони – ёмон муомала қилувчисидир (бериши ҳам ёмон, олиши ҳам ёмонлик билан)», «Ҳаромдан сақлан,

¹ Қаранг: Б.Аминов, М.Шодиев, Т.Расулов. Шарқона бозор фазилатлари. Т., «Университет», 1996, 25-бет.

кишиларнинг обидроғи бўласан», «Омонатдорлик ризқ келтиради, хиёнат фақирлик келтиради», «Ризқнинг ўнтадан тўққизтаси савдода, биттаси чорвадир», «Кимки ўғирлик молни била туриб сотиб олса, ўғрининг айби ва гуноҳига шерикдир», «Кимки бир айбли нарсанинг айбини айтмай сотса, доимо Аллоҳнинг ғазабида бўлади ва фаришталар ҳам унга лаънат ўқийдилар», «Кимки бирор озиқ-овқат сотса, тўла-тўқис ўлчаб берсин», - дейилади Ҳадисларда.

Таниқли олим Нажмиддин Комилов томонидан ҳаққоний ифодаланганидек, булар айна шу кунларда бизнинг бозорларимизнинг пештоқига шиор қилиб ёзиб қўйиладиган муборак ҳадислардир. Чунки ана шунақа кинғир, нопок йўллар билан пул ишлаётган «азаматлар» анча¹.

Шарқона, ўзбекона удумларга кўра бировнинг ҳақини билатуриб, атайин олиб қолиш ҳаром ҳисобланади, ҳаром эса баракани кетказди, ҳалолни суриб кетади, дилни бузади. Ота-боболаримиз фарзандларига, агар бировнинг пули ерга тушиб қолса ёки сотувчи харидордан билмасдан ортиқча пул олса, уни дарҳол қайтариш керак, деб таълим берганлар.

Халқимиз наздида савдогар — доно, ҳалол, элим-юртим деб куюнадиган, йўқни бор қилиб, эл-юрт ҳожатини чиқарадиган, эпчил, уддабурон, билими кучли, ақли ўткир комил инсонлардир.

Савдо аҳли ҳеч тиниб-тинчимайди. Тирикчилик ташвиши ва эл-юрт ғамида деярли бутун оламни кезади. Узоқ машаққатли йўллар босади, ҳар хил иқлим ва шаҳарларда бўлади, қанчадан-қанча изтироб ва ташвишларни бошидан кечиради. Мағрибдан Машриққа, Машриқдан Мағрибга бориб халққа неъмат келтиради. Кайковуснинг «Қобуснома» асарида бу ҳақда ажойиб фикрлар баён этилган.

Жаҳоннинг ободлиги, халқнинг фаровонлиги савдогарлар туфайли эканлиги қадимий тарихимиздан маълум. Энг нодир буюмларни, қимматбаҳо нарсаларни, бир мамлакатда йўқ маҳсулотни бошқасига савдо аҳли етказди. Эл-юртни баҳраманд қилади.

Шўро тузуми даврида инсофу-диёнатга, юксак маданият ва маънавиятга асосланган шарқона, ўзбекона бозорларимизга путур етди. Ҳукумат тазйиқи

¹ Нажмиддин Комилов. Маънавиятимиз сарчашмаси. — Жаҳон адабиёти, 1997, 2-сон, 202-бет.

остида элим-юртим деб яшаб мамлакат ободонлигига катта ҳисса қўшган ақли зукко савдогарлар, олди-сотти ишларида кўзи пишган тижорат аҳли, бой-бадавлат кишилар қулоқ қилинган ёки қатл этилган. Улар гўё харомхўр, олғир, юлғич, халқ мулкани пештахта ортида туриб ўмарадиган, туллак кимсалар қиёфасида бадий асарларида тасвирлаган эдилар. Бунинг оқибатида эл-юртдан, бозорлардан барака кўтарила бошлади. Бора-бора бозордаги ҳалоллик ўрнини қаллоблик, мурувват ўрнини ҳасислик, бахиллик, тамагирлик эгаллаб, олғирлик, юлғичлик илдиз ота бошлади. Булар ўтмишдан қолган иллатлардир. Ана шу иллатлар ҳозирги пайтда ижтимоий тараққиётимизга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. **«Биз бу иллатларни деб мустақиллик ва суверенитетга интилган эмасмиз. Мана шуларни деб туб ислохотлар йўлига кирган эмасмиз»¹.**

Йўлбошчимиз бозор иқтисодиёти Ўзбекистон халқининг бой маънавий маданиятига, унинг ноёб тарихий ўтмишига, бебаҳо фалсафий ва маънавий меросига, тарихий тажрибаси ва ақл-заковатига, Шарқ ва исломий турмуш фалсафасининг юксак ғояларига, миллий анъанага мос бўлиб тушиши зарурлигини алоҳида таъкидлаб қуйидаги муҳим хулосани чиқарди: «Бағри кенглик ва анъаналар цивилизациялашган бозор муносабатларини бунёд этиш, илм-фан ва технологияларни ривожлантириш, умуман фан ва техника тараққиётини раванқ топтириш жараёнини энг мақбул йўлга сола оладиган омилларнинг таркибий қисмларидир. Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимизнинг моҳияти ва хусусияти ана шулардан иборат.

Биз ислохотларга киришганимизда асос қилиб олган қонидани тўғрилиги ҳозир ғоят ишонарли тарзда тасдиқланди. Бозор муносабатларига ўтиш пайтида объектив шароитни — халқнинг турмуш тарзи, аҳвол-руҳияти, анъаналари, маданиятини эътиборга олмасдан бўлмади»².

Учинчидан, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик, гуруҳбозлик каби ўта хавфли иллатларга чек қўйиш, ижтимоий тараққиётимизга, мустақиллигимизга

¹ Ислон Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996 йил, 276-бет.

² Ўша асар. 277-бет.

катта зарар келтирадиган порахўрлик, ўғрилик, товламачилик, фирибгарлик, коррупция ва жиноятчилик, терроризм ва диний ақидапарастлик рўй беришига йўл қўймаслик, уларни илдиз-илдизи билан суғуриб ташлаш зарурияти ҳам мамлакат аҳолиси ҳуқуқий саводхонлигини доимий равишда ошириб, ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб боришни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда ижтимоий тараққиётимизга, бизнинг онгу тафаккуримиз, дунёқарашимиз, маънавиятимизга ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб турган турли иллатлардан халос бўлиш, уларга қарши қатъиян, сабот-матонат, жасорат билан кураш олиб бориш, ҳаётимизда адолат, фаровонлик, маънавий собитлик қарор топишини таъминлашнинг жуда кўплаб йўллари, омиллари мавжуд. Бизларнинг фикримизча, мазкур иллатлар, офатларга қарши курашнинг энг муҳим ва зарур ечимларидан бири — мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва шу асосда замоннинг илғор талабларига жавоб берадиган ғайрат-шижоатли, мард, инсоф-диёнатли ёшларни ҳал қилувчи вазифаларга келишлари учун йўлни кенг очиб беришдан иборатдир. «Бунга эришиш учун эса, - дейди Ўзбекистон Президенти, - аввало жамоатчилик вакиллари сиёсий, ижтимоий савиясини ўстириш керак. Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. **Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт.** Токи жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади»¹.

Қонунийлик ва ҳуқуқ тартибот тантана қилмаса, халқ оммаси қонун-қоидалар ва ҳуқуқий меъёрларга, қонуний актларга, энг муҳими Ўзбекистон Республикаси Конституциясига катта ишонч-ихлос ва имон эътиқодла риоя қилишга одатланмаса ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳуқуқий давлат ва демократик одил жамият омманинг сиёсий онглиги, сиёсий уюшқоқлиги, ҳамжиҳатлиги, ҳуқуқий билимдонлиги, маданийлиги, ҳушёр ва

¹ Ислон Каримов. Адолатли жамият сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998 й., 119-120-бет.

зийраклиги, ҳар бир нарса ва ҳодисага кўр-кўрона эмас? Балки ақл-идрок, билим ва тафаккур, фаҳм-фаросатла ёндашилганлиги билан кучли-қудратлидир.

Инсон жамият белгилаган, давлат қабул қилган қонунларни, мавжуд ҳуқуқий меъзонларни билмасдан туриб, маънавий ахлоқий етукликка эриша олмайди. Ҳуқуқий билим ва маданият миллат етуклиги ва инсон баркамоллигинининг энг муҳим, асосий омилларидан биридир. Ҳуқуқий билим, ҳуқуқий маданият, маънавият ва маърифатнинг Ўзбекистон тарихий тараққиётининг ҳозирги босқичи учун долзарблиги, сув билан ҳаводек зарур ва муҳимлиги Президент Ислом Каримов асарларида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг барча сессияларида, хусусан унинг 14-анжуманидаги маърузасида чуқур ва атрофлича таҳлил қилинди.

Президент Ислом Каримов ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилишини, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш, шахсининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ҳуқуқий билимдонлик ва ҳуқуқий онглиликни аҳамиятини қайта-қайта таъкидлаб келмоқда. Ана шу ғоя ва назарий йўл-йўриқлар унинг асарларида, нутқлари ва жавобларида, «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳақида»ги Фармонида, шунингдек, Олий Мажлиснинг барча сессияларидаги маърузаларида ўз ривожини топди. Парламентимизнинг ўн тўртинчи анжуманидаги маърузасида бу ҳақда у шундай дейди: «Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб масаладир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндошадиган, айти замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш керак»¹.

Маълумки, юртимизда қарийб бир ярим асар ҳукмронлик қилган чор ҳукумати ва собиқ совет давлати туб аҳолининг ҳуқуқий-сиёсий билими ва

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 17-18-бет.

онги ўсишга тиш-тирноғи билан қаршилиқ қилди. Мустамлакачиликнинг ҳамма даврларида маҳаллий аҳоли, жумладан, ўзбекларнинг давлат ишларида иштирок этишига йўл берилмади. Туб аҳолидан чиққан кишилар ҳар қанча қобилиятли, истеъдодли, билимдон бўлмасинлар, барибир, юқори даражадаги лавозимларга асло яқинлаштирилмасдан, бутунлай четга суриб ташлаган, фақат қуйи мансабларгагина тайинлашган.

Мустақиллик йўлига кирган Ўзбекистон Республикаси олдида, ўтмишдан мерос бўлиб қолган маданият, маънавият ва маърифатга оид муаммоларни зудлик билан ҳал этиш, аҳоли ҳуқуқий билими ва онгини замонавий талаблар даражасида юксалтириш вазифаси кўндаланг бўлиб турарди. Ана шу соҳадаги энг долзарб вазифаларнинг мазмун-моҳияти Ислом Каримов томонидан илмий асослаб берилди. Президентимизнинг барча асарларида бўлгани каби Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасида ҳам Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинаётган қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ўта қийинчилик билан бораётгани, унинг асосий сабаблари нималардан иборатлиги хусусида фикр-мулоҳазалар юритилган. Таъкидланишича, бундай нохуш ҳодисалар бизнинг яқин ўтмишимиздаги, кечаги ҳаётимиздаги қонунларга лоқайдларча қараш, уларни четлаб ўтиш, уларга амал қилмаслик ҳолатлари билан бевосита боғлиқ.

Собиқ СССР шароитида кўплаб қонунлар, Конституциялар қабул қилинар эди-ю, аммо амалда улар унутилиб, партия раҳбарининг айтганлари қонунга айланиб қолган эди. Оддий фуқаролар Конституция ва қонунларга итоат қилар эди-ю, коммунистлар эса ўз уставига амал қилишарди. Қонунларга, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолат қоидаларига оддий фуқаролар ва партия раҳбарларининг бир хилда риоя этмаслиги, бировида конституциявий бурч ва масъулият, иккинчидан эса битмас-туганмас имтиёз мавжудлиги, ана шу учига чиққан ошқора адолатсизлик халқнинг қаҳр-ғазабини кўзғатарди. Мансабдорлар томонидан қонунларни назар-писанд қилмаслик борасида узоқ йиллар мобайнида давом этган нохуш ҳодисалар одамларнинг онгида қонунга, давлат хизматчиларига бўлган ишончсизликни юзага келиши ва ривожланиб кетишига

сабаб бўлганди. Амалий таъсир кучи бўлмаган қонун халқнинг онги ва қалбига ҳеч қачон сингмасдан қуруқ қоғозда қолиб кетаверарди. Бундай қонун ва қонунчиликнинг ўқ илдизи – ҳаёт манбаи бора-бора чириydi.

Эски тизим даврида Ўзбекистонда қонунларни ўрганиш, қонун устунлиги, қонунга ҳамманинг бирдек итоат қилиши, ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва маърифатни ривожлантириш, ҳуқуқшунос кадрларни тарбиялаш, мустақил ўзбек қонунчилик тизимини яратиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди. Бунга ҳеч кимнинг ҳуқуқи йўқ эди. Аксарият кўпчиликнинг онги, дунёқараши ва тафаккури мустабид тузумда қонун талабларини камсатиш муҳотида шаклланганлиги, суяги ана шу шароитда қотганлиги, таълим-тарбияни ўша жамиятда олганлиги учун ҳам мустақиллик шароитида қонуннинг ягона устувор куч эканлигига, қонун олдида барчанинг тенглигига одатланиши, кўникиши ниҳоятда қийин кечмоқда. Эски тизим асорати ва мафкураси зарарли таъсирдан бирданига қутилиш, инсон онги ва тафаккурини бир лаҳзада янгилаш мумкин эмаслиги тарихий ҳақиқатдир.

Ўтмишдан қолган ярамас иллат – одамлардаги ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада эмаслигини тўла бартараф этмасдан туриб, келажаги буюк давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш, жамиятимизда адолат мезонлари бузилишининг олдини олиш амри маҳолдир. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, барча соҳаларда бўлганидек, ҳуқуқий таълим-тарбия, Конституция қонун ва қонунчилигимиз борасида ҳам бир қанча назарий ва амалий ишлар амалга оширилди. Президент томонидан илмий асослаб берилган тарихий тараққиёт йўлидан қадам-бақадам, босқичма-босқич, изчил илгарилаб бориш, миллий давлатчилигимиз ҳуқуқий асосларини, бошқача айтганда, унинг замини-пойдеворини мустаҳкамлаш аҳоли ҳуқуқий билим ва маданиятини юксак даражада бўлишини тақозо этади.

Ҳуқуқий билим ва маданиятга эга бўлиш жинси, тили, ёши, ирқи, миллий мансублиги, эътиқоди, келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеидан қатъий назар, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун биринчи даражали аҳамиятга эга.

2. Ўзбекистон Конституциясини ўрганишнинг аҳоли ҳуқуқий билими ва маданияти юксалтиришдаги аҳамияти

Юртимизда эркин, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш бизлар учун эзгу мақсаддир. Бу олий мақсадга эришишда халқнинг, ўсиб келаётган авлоднинг, талабаларнинг ҳуқуқий жиҳатдан билимли ва маданиятли бўлишининг, жамиятнинг сиёсий фаоллиги, демократик тамойилларнинг кишилар онгига теран сингиб боришининг аҳамияти беқиёсдир. Халқимизнинг, хусусан, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини юксалтириш, уларнинг ислохотларни кузатувчиси ёки иштирокчисигина эмас, балки бевосита ижроси сифатидаги фаоллигини ошириш тараққиётимизни таъминлашнинг муҳим омилдир.

Фуқароларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини оширмай, кадриятларимизни тикламай, маънавият ва маърифатни юксалтирмай туриб ҳуқуқий-демократик давлат қурилишидек улкан мақсадга эришиб бўлмайди.

Президентимиз олдимизда турган олижаноб эзгу мақсадга қандай эришилади, деган саволга қуйидагича жавоб берди: Бунинг учун, «... аввало, аҳолига чуқур ҳуқуқий билим берилишини йўлга қўйиш, бу орқали ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига эришиш, бошқача айтганда, том маънодаги ҳуқуқий онгни шакллантириш талаб этилади. Бу жамиятнинг тўғри, демократик йўлдан ривожлантириш учун зарурдир. Чунки ҳуқуқий тафаккур шаклланмаса, турли хил номутаносиблар келиб чиқади. Бунга 90-йиллар бошида мамалкатимизда рўй берган вазиятни мисол келтиришимиз мумкин. Шундай экан, юксак ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқ устуворлиги нафақат бугунги жамиятимиз учун, балки биздан кейин келадиган авлодлар учун ҳам зарурдир.

Жамиятимиз ва давлатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида аҳоли ҳуқуқий билими ва маданиятини, маънавияти ва маърифатини юксалтириш учун асосий эътиборни нималарга қаратиш керак, деган саволнинг туғилиши ўз-ўзидан аён. Бунинг учун Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси Асосий Қонунни — Ўзбекистон Республикаси Конституциясини, унинг ҳар бир бўлими, боблари

ва моддаларини синчиклаб, пухта-пишиқ ўрганиши, мазмун-моҳиятини чуқур англаб етиши, қалбига сингдириши лозим. Ана шу зарурият мамлакат халқ таълими тизимида, унинг барча турлари ва босқичларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг махсус ўқув курси сифатида ўрганишни ташкил этишни тақозо этди. Ижтимоий тараққиётимиз талаб ва эҳтиёжлари асосида юзага келган объектив заруриятни назарда тутиб Президент Ислам Каримов 2001 йил 4 январда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисидаги» Фармойишни қабул қилди. Фармойишни чиқаришдан кўзланган асосий мақсад – ҳаётимизнинг Асосий Қонунининг жамиятимиздаги ўрни ва аҳамиятини, мазмун-моҳиятини халқ оммаси, айниқса, ёш авлоднинг онгига сингдириш, уларнинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятига сингдириш, энг муҳими, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, шунингдек, Конституцияни билиш, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқот қилишдан иборатдир. «Конституциявий ҳуқуқни чуқур ўрганиш жамият аъзоларининг сиёсий фаоллигини кўтаришга, давлатни бошқаришда уларнинг иштирокини таъминлашга кўмаклашади. Сиёсий ҳаёт ва давлат ишларидан воқифлик, мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳисси ҳар фуқаронинг ватанпарварлик ҳамда фидоийлик фазилатларини камол топтиради»¹.

Истиклолимизнинг мустаҳкам пойдевори, буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати деб аллақачоноқ эътироф этилган Конституцияни-мўътабар Қомунсимизни шунчаки ўқишгина эмас, балки чуқур ва мукамал ўқиб ўрганиш, ундаги инсон манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган асосий йўл-йўриқлар, қоидаларни билиб олиш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Бу – ҳаётий заруратдир.

Асосий Қонунимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритганда шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, дунёдаги ривожланган давлатлар сингари мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро, ҳар бир одам ҳам ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни

¹ У.Тоджихонов, Одилқориев А., Саидов А. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Юридик олий ўқув юртлари учун дарслик. Т., «Шарк» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2001, 4-бет.

Конституциясиз тасаввур эта олмайди. Бошқача айтганда, улар ўзларининг кундалик ҳаётларида Конституция белгилаб берган қоида ва ҳуқуқларга тез-тез муурожаат қилиб туришга одатланишлари, Асосий Қонунимизни ўзлари учун таянч ва суянчиқ деб карашлари лозим.

Бунинг учун каттадир-кичикдир ҳамма одам, ҳар бир фуқаро Конституциянинг маъно-мазмунини яхши билиши, синчиклаб ўрганиши, моҳиятига чуқур кириб бориши, мағзини чақиши, қон-қонига, суяк-суягига сингдириб юбориши керак. «Шундай экан, - дейди мамлакатимиз Олий раҳбари, - жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлан-тиришимиз даркор.

Мен Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўргатишни, мактабда дарслик тариқасида ўқитишни, олий ўқув юртларида махсус бир дарс сифатида ўрганишни бугун барча мутасадди раҳбар ва ташкилотларимизга топшириқ тариқасида айтмоқчиман.

Токи униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз Конституциянинг маъно-мазмунини, у халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан тарихий ютуғи эканини теран англаб етсин.

Токи Конституция биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки ғурури-ифтихор, керак бўлса, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъий назар, барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳимоя эканлигини ҳис этиб яшасин»¹.

Дарҳақиқат, дунёвий, ҳуқуқий давлатни барпо этишдек олижаноб мақсад жамият ҳаётининг мезони-Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишни, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантириш даркорлигини тақозо этиши ўз-ўзидан тушунарлидир. Маълумки, ҳуқуқий маданиятнинг бош мавзуси конституцияшуносликдан бошланиши лозим. Чунки мамлакатимиздаги ҳуқуқий тизимлар фаолияти ва барча қонунлар

¹ Ислом Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 2001, 140-бет.

Конституцияга асосланган. Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва маънавиятнинг сарчашмаси Конституциядир. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг янги минг йиллик бошидаги илк фармойишларидан бири ҳам айнан Конституцияни ўрганишга қаратилди. Бинобарин, ана шу буюк Дастурни билиш, унинг талабларига риоя этиш мамлакатимизни илғор давлатлар қаторида тенг ривожланишининг муҳим гаровидир.

Конституцияни ҳуқуқий саводхонликнинг алифбоси десак янглишмаймиз. Ҳар бир фуқаро Конституциянинг нормаларини чуқур англаши, ўз тафаккурида уларга асосланган ихлос-эътиқодга эга бўлиши, мақсад ва ниятларининг уларга мос бўлишига эришиши зарур.”¹

Конституцияни мукамал ўрганган киши битмас-туганмас билимлар хазинасига эга бўлади. Ўнлаб, юзлаб китобларни синчиклаб ўқигани билан ҳеч қачон тополмайдиган энг сара ва нодир билимларни ҳажман унчалик катта бўлмаган, аммо мазмунан ниҳоятда бой ва мукамал Қомуснома–Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан истаганча топади. Бахтимиз Қомусини мутолаа қилиш шарофати билан ақлини ўстиради, фикрини бойитади, тафаккурини мустаҳкамлайди, сиёсий-ҳуқуқий, фалсафий дунёқарашини кенгайтиради, ҳуқуқий билими, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиради.

Ҳаётимизнинг Асосий Қонунини катта қизиқиш ва завқ-шавқ билан ўрганишга саъй-ҳаракат қилган киши Конституциянинг моҳияти ва юридик табиатини, ижтимоий вазифаси ва функцияларини чуқур идрок этади.

«Конституция» атамаси даставвал антик дунё мутафаккирлари томонидан ишлатилган. Қадимда Рим императорлари декретларининг маълум тури «Конституция» деб юритилган. Феодализм даврига келиб «Конституция» терминига мос келувчи «Асосий Қонун» атамаси кенг қўлланилган.

Ҳозирда қўлланилаётган Конституция атамасининг на қадимги ва на феодализм давридаги атамаларга моҳиятан мос келмаслигини Конституциянинг ҳуқуқ ижодкорлари фаолиятида юридик база, яъни асос бўлиб ҳисобланаётган

¹ Мурод Шарифхўжаев, Нарзулла Шодиев. Ўзбекистон – Конституциявий давлат. Т. :”Ўзбекистон”, 2003, 137-бет.

хусусиятидан ҳам англаш мумкин»¹.

Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. «Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир»². Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, мафкураси, ғояларига кўра янги ҳуқуқий ҳужжатдир. «Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган Конституция ўз моҳиятига кўра демократик ҳуқуқий давлат қуриш Конституцияси сифатида Ўзбекистон халқи иродасининг ифодасидир ва бу ирода умумдемократик принципларни ўзида мужассам этувчи, инсонни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият деб эътироф этувчи давлат ва жамият ҳаёти асосларини мустаҳкамлашга йўналтирилгандир.

Конституция замонавий демократик жамият ҳуқуқий тизимида алоҳида нуфузли мавқеини эгалловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир. Ўз юридик табиати ва моҳиятига кўра конституция бошқа ҳуқуқий актлардан қуйидаги муҳим жиҳатлари билан ажралиб туради:

биринчидан, конституция махсус субъект томонидан ёки унинг номидан чиқарилади;

иккинчидан, конституциявий қоидалар таъсис этувчи, йўналтирувчи, бирламчи аҳамиятга эга;

учинчидан, конституциявий тартибга солиш ҳажмининг кенг қамровлилиги билан тавсифланади, яъни у ниҳоятда муҳим ва кенг қўламдаги ижтимоий муносабатлар доирасига таъсир кўрсатади;

тўртинчидан, конституция алоҳида юридик хусусиятларга, яъни бошқа қонунлардан устуворликка, олий юридик кучга, ўзига хос муҳофаза шаклига, махсус тарзда қабул қилиниш ва ўзгартириш тартибига эга»³.

Конституция шундай юридик ҳужжатки, унинг қоидалари ҳамиша

¹ Р.К.Қаюмов, М.М.Мирҳамидов, А.Т.Тўлаганов, О.Т.Хусанов, У.Ж.Ҳотамов. Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш курси. Т., «Ўзбекистон», 2001, 93-бет.

² Ислоҳ Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996, 93-бет.

³ У.Таджиханов, Ҳ.Одилқориев, А.Саидов. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Юридик ўқув юртлари учун дарслик. Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти, 2001, 85-86-бетлар.

ҳукмронлик, биринчилик таъсис кучига эга. Бошқача қонунларнинг ҳаммаси конституциявий меъёрлар асосида яратилади, уни ривожлантиради, рўёбга чиқаради. Унинг асосида барча меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилади.

Конституциямизнинг фазилати, ўзига хос жиҳати шундаки, у халқимизнинг иродаси, руҳияти, ижтимоий онги ва маданиятини ўзида акс эттирган. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўзбек халқининг кўп асрлик тарихий тараққиёти давомида шакллантирилган ва сайқал топтирилган маданий қадриятлари, ахлоқий фазилатлари, тарихий ва миллий анъаналари, шарқона донолиги ва тафаккури хазинаси дурдоналари ўзининг мужассам ҳуқуқий ифодасини топган. Жаҳонда мислсиз маданият, тарих, сиёсат ва фикҳ ёдгорликлари ҳисобланмиш «Темур тузуклари», Навоий «Хамса»си, «Бобурнома», «Зафарнома» ва бошқа манбаларнинг мазмуни Конституциямиз матнига сингдирилган»¹. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир.

Мустақил Ўзбекистон Асосий Қонунининг дунё миқёсида эътироф этилишини таъминлаган, унинг илдизи, таянч нуқталари ниҳоятда бақувват эканини кўрсатадиган жиҳатларидан тагин бири – халқимизнинг асрлар мобайнида яратиб, авайлаб-асраб келган юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатпарварлик каби эзгу фазилатлари, шарқ фалсафаси, Ислом дини таълимоти билан узвий равишда бирлашиб, халқимиз даҳосидан баҳраманд бўлганлигидадир. «Шу билан бирга бу Конституция, - дейди Олий раҳбаримиз «Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати» номли рисоласида, - умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар, Хўжа Аҳмад Яссавий бобомиз даврида, Амир Темур замонида шаклланган миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ўзида акс эттиради. Шу кўҳна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик каби улуғ хислатлар бу муборак ҳужжатдан муносиб ўрин олган»².

Ўзбекистон Конституциясининг яратилишида умуминсоний қадриятлардан,

¹ У.Таджиханов, Х.Одилқориев, А.Саидов. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Юридик олий ўқув юртлари учун дарслик. Т.: «Шарқ», 2001, 187-бет.

² Ислом Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин, 2-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 93-94-бет.

инсон ҳуқуқлари ҳақидаги умумжаҳон декларациясининг барча асосий қоидалари ҳамда Шарқу Ғарбдаги, Жанубу Шимолдаги турли мамлакатлар ва давлатларнинг конституциявий тажрибаларидан ҳам кенг фойдаланилди. «...Бизнинг Конституция ҳақиқатдан ҳам демократик Конституциядир. Тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий кадриятларни ўзида мужассам этган энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган, у дунё микёсида ҳам ҳар қандай илғор давлат Конституцияси билан бемалол куч синашмоқда», - дейди Президентимиз.

Қомусимиз Ўзбекистонда истиқомат қилаётган инсонларнинг дунёкарашини, уларга хос ўзаро муносабатларни, хусусиятларни, меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элатларга нисбатан ҳурмат, илму фанга интилиш, ор-номус, иффат ва ҳаё каби эзгу фазилатларни ўзига асос қилиб олган.

Бизнинг Конституциямиз тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик каби улуғ ғояларга хизмат қилади.

Ўзбекистон Конституцияси ижобий жиҳатлари, тамомила янги томонлари билан аввалги Конституциялардан тубдан фарқ қилади. Конституцияни ўрганиш жараёнида ана шу масалага жиддий эътибор бериш зарурлигини алоҳида таъкидламоқчимиз. «Авваламбор, бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги хужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – инсон деган фикрларни илгари сурдик ва шу асосда «фуқаро-жамият-давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимни топишга интилдик»¹, — дейди Президент «Ўзбекистон-келажаги буюк давлат» асарида.

Конституциямиз халқимиз, давлатимиз, жамиятимиз, ҳар қайси инсон учун бизнинг байроғимиз, бизнинг гербимиз, бизнинг мадҳиямиз каби улуғ ва қадрлидир. Ана шу ғояни билишнинг ҳам Конституцияни ўрганишда аҳамияти катта.

Асосий Қонунимиз халқимизнинг ўзини-ўзи бошқариш, эркинлик ва

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод сиёсат, мафкура, 1-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 124-бет.

ижтимоий адолат, фаровон ҳаёт қуриш ҳақидаги асрлар, минг йиллар давомида қилган азалий орзу-ҳавасларини ўзида ифодалаган, мужассамлаштирган, унинг шаклини, маънавий қиёфасини кўрсатган.

Конституциямизда давлатимиз, жамиятимиз ва фуқаронинг ҳуқуқ ва бурчи белгилаб берилган. Нафақат белгилаб берган, балки ҳуқуқлар ва бурчларни бир-бирига уйғунлаштириб, ўзаро мувофиқлаштириб ҳам берган.

Бош Қонунимиз инсон ҳуқуқи, инсон эркинлигини ўзида муҳрлаган. Шу билан бирга у виждон эркинлиги ва диний эркинлигимизни таъминлаган.

«Конституциямизнинг биз учун муқаддаслиги яна шундан иборатки, - дейди Юртбошимиз, - ҳар қандай тараққиёт учун гаров бўлмиш тинчлик, осойишталик, тинч-тотув ҳаётнинг асосларини белгилаб берган.

Конституциямизнинг энг муҳим жойи шундан иборатки, у биз ҳаммамиз орзу қилган жамиятга эришиш учун, шундай ёруғ кунларга муносиб бўлиш учун бизлар қандай хусусиятларга эга бўлишимиз кераклигидан сабоқ берувчи улуғ дорилфунун вазифасини ўтайди»¹.

Асосий Қонунда мустақилликка эришган Ўзбекистон халқининг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли аниқ ва равшан қилиб кўрсатиб берилган. Давлатимизнинг тараққиёт йўли ва келажакдаги мақсади Асосий Қонуннинг «Муқаддима»си (преамбуласи)да кўрсатилган. Унда жумладан шундай дейилган: «Ўзбек халқи: инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожланишининг тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик давлат барпо этишни кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида, ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикаси-

¹ Ислом Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1998, 398-бет.

нинг мазкур Конституциясини қабул қилади».

Ўзбекистон Конституцияси «Ўзбекистон — суверен демократик республика» эканлигини эълон қилувчи ва қонуний мустақамловчи қоидадан бошланади (1-модда).

Ҳар қандай давлат эмас, фақат суверен давлатгина халқнинг хоҳиш иродасини, ҳуқуқ ва манфаатларини тўла ифодалаши мумкин. «Давлат суверенитети деганда, давлат ҳокимиятининг устуворлиги, унинг мамлакат ичкарасида ҳам, халқаро майдонда бошқа давлатларга нисбатан ҳам тўла мустақиллиги тушунилади. Суверенитет давлат ҳокимиятининг алоҳида хусусияти бўлиш билан бир пайтда давлатнинг муҳим белгиси ҳам ҳисобланади»¹. Суверен давлатнинг муҳим белгиси давлат ҳокимиятининг мамлакатнинг Конституцияси қонунларидан бошқа ҳеч нарса билан чекланмаслигидир.

Асосий Қонуннинг 1-моддасида белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикаси демократик давлатдир. «Унинг демократлиги, аввало, унинг халқпарварлигини таъминлашида, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишида, мафкуравий ва сиёсий ҳурфикрликда, фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқарилишида ўз аксини топади. Юқорида таъкидланганидек, ҳокимиятнинг манбаи халқдир. Бу давлатнинг халқчиллигини, демократлигини англатади. Халқ ҳокимияти - қадимги юнон сўзидан олинган бўлиб, «демократия» сўзининг таржимасидир»².

Конституциямизнинг энг муҳим фазилати яна шундан иборатки, унинг 2-моддасида, «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», - деб белгилаб қўйилган. 3-моддада Ўзбекистон ўзининг миллий давлат ва маъмурий-худудий тузилиши, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилаши, ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириши, давлат чегараси ва худуди дахлсиз бўлиб, улар бўлинмаслиги айтилган.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ўзининг миллий давлат ва маъмурий-

¹ У.Таджиханов, Х.Одилқориев, А.Саидов. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Юридик олий ўқув юртлари учун дарслик, 223-бет.

² Ўша асар. 227-бет.

худудий тузилишини, ҳокимиятни ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади, ўз худудида устунликка эга бўлган қонунлар қабул қилади. У ўз худуди ва миллий бойликларига нисбатан олий ҳуқуққа эгадир.

10-моддага биноан, Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин. Давлат ҳокимиятини Республика Конституцияси ва қонунларида ваколат берилган идоралар амалга оширади.

Конституциямизни мустақил Ўзбекистон давлат рамзларини ўрганишдаги аҳамияти ҳам ниҳоятда катта. Ҳар қандай давлатнинг, хусусан мустақил Ўзбекистон давлатининг ҳам белгилари жумласига унинг тимсолий рамзлари ҳам киради. «Хўш, рамз нима дегани? Рамзлар — бу шартли белгилар бўлиб, улар қадим замонлардаёқ турли халқларда у ёки бу ходиса, олам, мавжудот, одамлар тасвирини ифодалаган. Рамзлар бевосита халқ, миллат ҳаёти, анъаналари, руҳияти, фольклори, тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

Давлат рамзлари – бу мустақил давлатнинг муҳим ташқи белгиларини ўзида мужассамлантиради. Давлат рамзларида халқнинг азалий орзуси, унинг эзгу ниятлари, бугунги ҳаёт мазмуни акс этади»¹.

Мустақил Ўзбекистон давлат рамзларига, 5-моддада белгилаб кўйилгандек, қонун билан тасдиқланадиган байроқ, герб ва мадҳия киради. Давлатимиз рамзлари Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради. «Биз, озод Ўзбекистон фуқаролари учун мустақилликнинг муқаддас рамзлари – Давлат Герби, Давлат Байроғи, Давлат Мадрҳияси азиздир. Улар маънавиятнинг энг муҳим тимсоллари ҳамдир. Улар она Ватан – Ўзбекистон Республикасига ифтихор ва чексиз ҳурмат туйғусини тарбиялайди»².

Конституцияда ўзбек тили қонун билан давлат ҳимоясига олинган. 4-моддада «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир»

¹ А.Саидов, А.Жузжоний. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. Т., «Ижтимоий фикр» жамоатчилиқ Маркази, 1998, 186-187-бет.

² Ислон Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1996, 278-бет.

дейлади. 1989 йилнинг 21 октябрида ўзбек тилига давлат мақоми берилиши истиқлол сари қўйилган муҳим қадам бўлди. Ўзбек тилининг совет салтанати давридаги мафкуравий тазйиқ ва чекланишлардан қутилиши ва эркин ривожланишнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий имкониятларига эга бўлиши муҳим воқеадир. «Конституцияда ўзбек тили қонун билан давлат ҳимоясига олинган. Бугун салкам унутила ёзган тилимизни фаол тикламоқдамиз. Мазкур йўлда қатор ижобий саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Ўзбек тилида қонунларимиз ёзилмоқда, давлат ҳужжатлари, илмий асарлар, дарсликлар, адабиёт, шеърият намуналари пайдо бўлмоқда»¹.

Ўзбекистон Конституциясининг бутун руҳи, мазмун, моҳияти инсон-парварлик ғояси билан чуқур суғорилганлигини алоҳида таъкидлашга тўғри келади. Инсон, фуқаро, унинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш – Конституциянинг олий мақсадидир. «Бугун эса инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас бўлиб, давлат ҳимоясидадир»² «Бугун Конституция тўғрисида унинг маъно-мазмунини ва устувор тамойиллари ҳақида гапирар эканмиз, Асосий Қонунимизда биринчи навбатда шахс манфаатининг давлат манфаатидан устун этиб белгилангани, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилганини яна бир марта таъкидлаб ўтишни ўринли деб биламан»³ - деб таъкидлади Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида.

Агар Конституциямиз мазмун-моҳиятига чуқурроқ эътибор берсак, бўлимлари, боблари, моддалари ва бандларидаги бебаҳо ғоялар мағзини чақсак, уни ўтмишдаги, айниқса, Шўро тузуми давридаги Асосий Қонунлардан ер билан осмонча фарқ қилишига ишонч ҳосил қиламиз. Шўро давридаги Ўзбекистон ССР Конституциясида мамлакатдаги барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат деб ҳисобланди, давлат манфаати биринчи ўринга қуйилди,

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Т., «Ўзбекистон», 2001, 44-бет.

² Ислом Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 95-бет.

³ Халқ сўзи, 2005 йил 8 декабр.

фуқаро, шахс манфаати кейинга сурилиб, инсон манфаатларидан давлат манфаатларининг устунлиги қонунлаштирилиб қўйилди. Бу нарса Шўро тузуми даврида фуқароларнинг давлат олдида қарам ва муте бўлишига сиёсий ва иқтисодий асос бўлиб хизмат қилди. Эски, собиқ Иттифоқ замонида фуқаролар давлат олдида хизматкор, чўрига айланиб қолган эди. Бу нарса эски конституцияларнинг ҳар бир моддасида кўзга ташланиб турарди. Ўзбекистон Конституцияси ўзининг туб моҳиятига кўра янги назарий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи ва муқаддаси инсон, деган ғоя мустаҳкамланган.

Конституциямизнинг бутун мазмун-моҳиятида устуворлик қиладиган ўзак масала инсонни энг олий қадрият, бебаҳо бойлик деб билиб, унинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатлари, эрки, кадр-қиммати, қадриятлари, шаъни ва бошқа ҳуқуқлари, эркинликларини биринчи ўринга қўйишдир.

Асосий Қонунимизда давлат ҳам, жамият ҳам, аввало инсон манфаатларига хизмат қилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши устувор тамойил сифатида аниқ белгилаб қўйилган. Бизда давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларини ҳимоя қилади. Бу – Асосий Қонунимизнинг ўтмишдаги Конституциялардан ер билан осмонча фарқи борлигини кўрсатадиган жиҳатларидан биридир. Унда давлат халққа хизмат қилиши очиқ-ойдин айтилган. Бу деган сўз шуки, давлат борлиги учунгина инсон мавжуд эмас, балки инсон борлиги туфайли давлат мавжуддир. Конституциямиз давлатни ҳам, демакким, давлат номидан жамики иш тутувчиларни ҳам инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларга хизмат этишга даъват этади. Мана шу ҳолатдан давлат ташкилоти раҳбарларининг вазифаси келиб чиқади ва белгиланади.

Конституциямизда инсон ҳуқуқларининг давлат ҳуқуқларидан устуворлиги тамойили қонун йўли билан белгилаб қўйиладигани, бундай фикрни тоталитар тузум даврида ҳеч ким хаёлига ҳам келтира олмасди.

Шўро замони конституцияларига биноан барча ишлаб чиқариш воситалари, жамики моддий бойликлар давлат мулки ҳисобланарди.

Фуқароларнинг хусусий мулкка эга, бўлиши, бойлик орттириши қатъиян

ман қилинган эди. Коммунистик мафкура мутлақ ҳоким бўлган йилларда мулкдорлар, хусусий мулк эгалари, Солиҳбой, Мирза Каримбой, Салимбойвачча ва Тантйбойвачча каби бойлар тазййку-таъқиб остига олиниб, ёмонотлик қилиниб Сибирга жўнардилар, ўлимга ҳукм қилиниб, мол-мулклари зўравонлик билан тортиб олинарди. Бундай фожа Ватанимизда Шўро тузуми ҳукмронлигининг етмиш йили мобайнида авж олди. Бундай қонунсизликларнинг оқибати нималарга, қандай натижаларга олиб келганини ҳали унутган эмасмиз, унутмаймиз ҳам.

Буюк Бахтномамиз – Ўзбекистон Конституциясининг 36-моддасида «хар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли» деб аниқ, қисқа ва лўнда қилиб ёзилиб қонун билан мустаҳкамланиб ва кафолатланиб қўйилган. Асосий Қонунда, шунингдек, хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши ҳам таъкидланган. Конституцияга мувофиқ, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини, - дейилади 53-моддада, - хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди... Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Асосий Қонунда белгилаб қуйилганидек, Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар. «Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас», дейилган 19-моддада.

Инсон ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб берилган асосий ҳуқуқлари, эркинликлари бўлиб, улар кўп соҳаларда

ўз ифодасини топиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш, ўз ижтимоий фаолликларини қонунларга мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш, касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга, жамоат бирлашмаларига уюшиш, ваколатли давлат органларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш каби сиёсий ҳуқуқларга эгадирлар.

Мўътабар Қомус - Асосий Қонуннинг биринчи моддасидан охиригача бўлган моддасидан қайси бирини олиб кўрмайлик, ҳаммасида инсон ва фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, турмушини яхшилаш, хавфсизлигини таъминлаш кўзда тутилганлигини билиб оламиз. Буни бизнинг ҳаётимизга ҳар томонлама таҳдид соладиган хавф-хатарларнинг олдини олишга, ноҳуш ҳолатларнинг ҳаётимизга киришига йўл қўймасликка қаратилган 57-моддада кўришимиз мумкин. Унда «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб кўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлиги, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чикувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг маънавияти ва соғлигига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузулиши ва фаолияти тақиқланади ва уюшмалар тузиш тақиқланади» деб қатъий белгилаб қўйилган.

Қомусимизнинг «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар» деб аталган еттинчи бобининг барча моддаларида ўз ифодасини топган конституциявий қоидалар инсон манфаатини ҳимоя қилиш руҳи билан суғорилган. 24-моддасида айтилишича, «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир». Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлиб, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги 25-моддада белгилаб қўйилган. 26-моддада таъкидланишича, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг

айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. 27-моддада «ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга» дейилган бўлса, 29-моддада эса, «ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга»лиги таъкидланган.

Инсон манфаатларини, унинг бугунги ҳаёти ва истиқболини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий кафолатлаш Асосий Қонунимизнинг 39-40-моддаларидаги, ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, ҳар ким боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга ҳамда ҳар бир инсон малакавий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга, деган қоидаларда аниқ баён этилган.

Ана шу айтилган фикрларнинг ҳаммаси инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинлиги, манфаатлари энг олий қадрият сифатида Конституциямизда биринчи даражага чиққанлигини, давлат манфаати эса инсон манфаатидан кейинги ўриндан жой олганлигини кўрсатиб турибди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, давлатимизнинг юзи, обрў эътибори, бахтимиз Қомуси бўлган Конституциямиз ҳаётимизни фаровон этиш, чинакам қонуний асосда қуриш, ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни таъминлаш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини ўрнатиш, инсонни олий қадрият деб ҳурматлаб, унинг барча манфаатларини ҳимоя қилиш учун хизмат қилади. Шунинг учун ҳам у Буюк Бахтнома сифатида эҳтиромга сазовор бўлиб келмоқда. Қомусномамиз инсон манфаатларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий кафолатидир.

Мустақиллик Қомуси - Ўзбекистон Конституциясини, унинг ҳар бир бўлими, боблари, моддалари ва бандларини пухта тушуниб олишнинг биринчи шarti – уларни тўғри ва диққат-эътибор билан ўқий билиш, мазмун-моҳиятини пайқай олиш, мияга сингдира олишдир. Зотан, Асосий Қонунни диққат билан ўқимасдан туриб, унинг маъносини, туб моҳиятини тушуниб бўлмайди. Ўқиб-ўрганишга саъй-ҳаракат қилган ҳар бир киши буюк Қомусимизни неча-неча бор ўйлаб ўқиши ва унинг маъносини чақишга шошилмаслиги лозим, чунки унинг

маъносини одам чуқур ўйлаб, қийинчилик билан билиб олади.

Яна шундай ҳақиқатни билиш лозимки, Конституцияни ёдлаб олиб бўлмайди, балки уни тушуна билиш керак. Кимки билмаган ишга ёпишса, унинг аҳволи сўзни ёдлаб олган, лекин маъносини тушунмаган одамнинг аҳволига ўхшайди. Тушуниб етмаган Қомусимиз моддасини такрор ва такрор ўқиш, маъносини чуқур ўйлаб кўриш - Конституциямиз қонун-қоидаларини пухта билишнинг асосий шартидир.

Конституцияни билиб олишнинг муҳим шартларидан бири – унинг қоидаларига қаттиқ риоя этиш, унга амал қилиш, унинг ҳар бир моддасига, сўзига буюк эътиқод-ла ёндошиш, ҳурмат қилишдир. Конституция талаблари ва кўрсатмаларини шак-шубҳасиз бажариш ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир ўқувчи ва талабанинг, ҳар бир эркагу аёлнинг эътиқодига айланмоғи лозим. «Буларни очиқ айтишимиз керак. Агар биз амалда шу тадбирларни юрагимиздан ўтказмасак, Конституция қоғозда қолиб кетаверади. Ўзаро суҳбатларда, торроқ давраларда ошкоралик тўғрисида умуман, жойлардаги тўрачилик, жойлардаги одамларнинг аҳволига бепарволик, порахўрлик, ҳар хил эски замондан қолган сарқитлар ҳақида гапирамиз.... Конституциямиз белгилаб берган демократик адолатли жамият қурмоқчи эканмиз, Конституциямиз моҳияти ва меъёрларига зид бўлган барча иллатлардан халос бўлишимиз керак... Конституциямизга риоя қилиш ва амал қилиш, нима учун муқаддас бурчимиз бўлиши шарт эканлигини биз албатта жуда аниқ тасаввур қилишимиз керак»¹.

¹ Ислом Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1998, 397-398-бетлар.

3. Сиёсий-ҳуқуқий қарашлар ва таълимотлар ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий маданиятнинг қадимий манбалари

Энг олий мавжудот бўлган инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги фикрлар, қарашлар, ғоялар, ҳикматлар ўлкамизда – Турон заминда куни кеча пайдо бўлган эмас. Демократия ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қарашлар ва таълимотларнинг пайдо бўлиб, ривожлана бошлаш тарихи бир неча минг йилликларни ўз ичига олади. Давлатчилигимиз тарихи ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Йўлбошчимиз томонидан илмий исботлаб берилганидек, «Халқимизнинг тарихи ўз илдизлари билан асрлар қаърига бориб тақалади ва уч минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олади. Қадимги Турон, Мовароуннахр, Туркистон ҳудудида раванак топган давлатлар жаҳон маданиятини ривожлантиришда ёрқин из қолдирган»¹.

Дунёдаги қадимий цивилизациялар бири бизнинг минтақамизда, Шарқда, кўҳна Туронзаминда пайдо бўлган. Турону Туркистон, Марказий Осиё жуда қадим заминлардаёқ ўзининг бой тарихи ва мероси, юксак даражада ривожланган илм-фани, маданияти, маънавияти, маърифати, ўзига хос урф-одат ва анъаналари ва қадриятлари билан Миср, Бобил, Ироқ, Эрон, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон ва Рим мамлакатлари билан бир қаторда турган.

Минтақамиз азал-азалдан ҳуқуқий маданият, маънавият, одоб-ахлоқ, ҳуқуқий таълим-тарбия масаласида башарият тафаккури хазинасига унутилмас ҳисса қўшиб келган. Бизнинг халқимиз ана шу қадимий диёримизда узоқ замонлардан буён ўз ҳаёти, қадрияти маданияти ва маънавияти билан яшаб келмоқда. Бундай дейишга илмий, тарихий, ҳуқуқий асослар бор.

Маданияту маърифатнинг бешиги бўлган Шарқ, кўҳна Туронзамин қадим ёзувларнинг, тош битикларнинг ватани бўлиб ҳисобланади.

Неча-неча асрлар илгари Шарқда, Туронзаминда, Самарқанду Бухорода юлдузлар олами картаси тузилган. Қадимий диёримизда ер сунъий равишда суғорилган, деҳқончилик маданияти яратилган, одамлар металл ишлашни ихтиро қилишган, ундан меҳнат қуроллари, ҳатто ҳайкалчалар ҳам ясашган.

Инсон ақлининг квинтэссенцияси ҳисобланган фалсафа фанининг —

¹ Ислом Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 48-бет.

донишмандлик илмининг илк бошланғичи ҳам, шунингдек, ер юзидаги ҳамма жонзотларнинг эволюцияси ҳақидаги таълимот ҳам, астрономиядан трактатлар ҳам, сув соатини кашф этиш ҳам, ой ва қуёш тутилишини олдиндан айтиш ҳам, ерни ўғитлаш ва алмашлаб экиш ҳам Шарқда, Туронзаминда пайдо бўлганлиги илмий-тарихий ҳақиқатдир.

Туронзамин бутун умрини иймон ва эътиқод, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, ҳақ ва ҳақиқат, ижтимоий адолат ва тенглик, инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги, бахти ва истикболи йўлида фидо этган буюк азиз-авлиёларнинг, улкан фикшуносларнинг, Ислоҳ ҳуқуқшуносларининг маскани ҳамдир.

Риёзатга асос солганлар, инсониятга том маънодаги катта қомусий тиббиёт калитини биринчи бўлиб тутқазганлар, тиббиёт қонунларининг тенгсиз кашфиётчилари, жаҳон илму фани ва маданияти, кибернетика асосларини яратганлар, Христофор Колумбдан қарийб беш аср олдин океан ортида қуруқлик, кейинчалик Америка деб ном олган қитъа борлигини башорат қилиб илмий асослаб берганлар, йирик файласуфлар, ҳуқуқшунослар, муҳандислар, назм юлдузлари, ғазал мулкининг султонлари, соҳибқирону улкан давлат ва сиёсат арбоблари ана шу замин – қадимий Турону Туркистон халқи фарзандларидир.

Туронзамин, яна ҳам аниқроғи, Ўзбекистон дунёга буюк мутафаккирларни, олиму шоирларни, ҳуқуқшунослик илмининг даҳоларини етиштириб берган олтин бешик, қадимий цивилизация масканидир. «Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз, нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача кўрку файзини, маҳобатини йўқотмаган асори-атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, хунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганлигидан далолат беради. Бешафқат давр синовларидан

омон ўтган энг қадимги тош ёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ кўлёма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг бекиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг санокли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин, деб дадил айта оламан»¹.

Шарқда, жумладан, ўзбек халқида неча-неча асрлардан бери адолатсизлик, бировнинг ҳақиқага хиёнат қилиш, молимардумхўрлик қораланиб, лаънатланиб, ҳалоллик эса маданиятлилик, диёнатлилик эса иймон этикодлилики, виждонлилики мезони сифатида улуғланиб келинади. Иймон ва инсоф, виждон ва андиша, ор-номус ва шарм-ҳаё, адолат ва тенглик, аҳил қўшинчилик ва инсонпарварлик, бағрикенглик ва меҳмондўстлик, мардлик ва тантлики каби маънавий-ахлоқий хислат ва фазилатлар, ҳуқуқий қадриятлар бизнинг миллатнинг жисму жонига, қон-қонига чуқур сингиб кетган.

Салкам 3 минг йиллик тарихга эга бўлган қадимий Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон ҳудудида равнақ топган давлатларнинг маънавий-ҳуқуқий пойдевори жуда мустаҳкам бўлган. Одамлар инсонларнинг бурчи ва масъулияти ҳақидаги урф-одатларга, ўша даврлардаги қонун-қоидаларга, ахлоқий меъёрларга итоат этишган. «Подшоҳнинг чиқарган ҳар бир фармони қонун кучига эга бўлиб, унинг барча томонидан сўзсиз бажарилиши шарт эди. Бундан ташқари, подшоҳ алоҳида масалалар бўйича фармойишлар чиқарган, унинг алоҳида амалдорларга берган кўрсатмалари, буйруқлари махсус нома шаклида расмийлаштирилган. Унинг барча фармонлари, фармойишлари ва махсус номалари алоҳида қайднома ва кундалик дафтарларда оромий ёзувида ёзиб борилган.

Қадимги даврларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги давлатларда порахўрлик, адолатсиз ҳукм чиқариш, худони ҳақоратлаш, одам ўлдириш, тан

¹ Ислом Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 132-бет.

жароҳати етказиш, уриш, захар ва наша тайёрлаш, ўғрилиқ, давлатга ва алоҳида шахсларга тегишли мулкларни ёқиб юбориш, чегара белгиларини йўқ қилиш каби хатти-ҳаракатлар оғир жиноят саналган. Жиноятчиларга ўлим, мол-мулкни мусодара қилиш, пул жаримаси, қамоқ жазоси қўлланилган. Жиноий ишлар подшоҳ тайинлайдиган қозилар томонидан кўрилиб, ҳукм чиқарилган»¹.

Туронзаминда вужудга келган ҳуқуқий қонун-қоидалар марказида инсон, унинг манфаатини ҳимоя қилиш, бурчу вазифаларини шак-шубҳасиз бажариши зарурийлиги сингари масалалар турган.

Инсонларнинг кадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари халқ оғзаки ижодида ўзининг чуқур ифодасини топган. Халқ оғзаки ижодида инсонни улуғлашга дахлдор кўпгина қоидалар мавжуд. Буни Туронзамин халқлари оғзаки ижодининг энг қадимий жанрларидан ҳисобланган мифлар – асотирлар мисолида яққолроқ кўрамиз. Яхшилик билан ёмонлик, нур билан зулмат, бахт билан бахтсизлик ўртасидаги кураш ва бу курашда эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалаба қозониши ҳақидаги ғоя қадимги Юнон, Бобил ва Эрон мифологиясида бўлгани каби Туронзаминда вужудга келган мифлар учун ҳам ҳосдир.

Мифларда айтилишича, яхшилик ва ёмонлик олами бор. Яхшилик оламига Ахура Мазда, ёмонлик оламга эса Аҳриман бошчилик қилади. Бахт ва бахтсизлик, ҳаёт ва мамот, мўл-кўлчилик, очлик-қаҳатчилик, ана шу икки куч ўртасидаги кураш унинг оқибатларига боғлиқ. Яхшилик ва ёмонлик кучлари ўртасидаги кураш куёш ҳудоси Митра, Ер ва унумдорлик маъбудаси Анахита, биринчи инсон Каюмарс, Йима (Жамшид), Гершасп ва шу билан бирга қоронғилик ва бахтсизлик тимсоли бўлмиш Аҳриман ҳамда дев, аждар, жин ва бошқалар билан боғлиқ мифларда мужассамланади. Аждар, дев, жин ва бошқалар ҳар қандай ёмонлик, ёвузлик, қабоҳатнинг тимсоллари сифатида гавдаланувчи символик образлардир².

Туркий халқлар оғзаки ижодиётига кўра, Каюмарс, Ҳушанг, Таҳмурас ва Жамшид эзгулик мифлари тимсолларидир. Каюмарс ер юзида пайдо бўлган

¹ А.Саидов, А.Жузжоний. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. Т., 1998, 25-26-бет.

² Қаранг: Н.Маллаев, Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 92-94-бетлар.

биринчи одамдир. Уни гўё Ахурамазда икки вужуддан–хўкиз ва одамдан иборат қилиб яратган. Инсониятнинг ашадий душмани бўлган Аҳриман Каюмарсни ўлдиради. Каюмарс жасадининг хўкиз қисмидан 55 хил дон, 12 хил ўсимлик, сигир ва хўкиз, улардан эса 272 хил фойдали хайвонлар пайдо бўлади. Одам қисмидан инсоннинг эркак ва аёл жинси ҳамда металл вужудга келган. Шундай қилиб, Каюмарс биринчи инсон ва инсоният ҳаётининг ибтидоси сифатида тасвирланади¹.

Ўзбек халқ ижодининг дурдоналаридан ҳисобланган «Алпомиш», «Ёдгор», «Рустамхон», «Муродхон», «Ойсулув», «Ширин билан Шакар», «Кунтуғмиш», «Юсуф билан Аҳмад», «Алибек билан Валибек» номли ва юздан ортиқ дostonларда дўстлик, ҳамкорлик, қаҳрамонлик, мардлик, севги ва садоқат, эл-юрт бирлиги, она заминга муҳаббат сингари миллий ва умумбашарий аҳамиятга эга бўлган ғоялар, қоидалар улуғланган.

Аждодларимиз ижодий даҳасининг бебаҳо бадиий ёдгорлиги, шоҳ асарларидан саналмиш «Алпомиш» дostonи Ватан ва ватанпарварлик, дўстлик ва аҳиллик, меҳнат ва меҳнатсеварлик, яхши сўз ва эзгулик, мардлик, сахийлик ва адолат, қадр-қиммат ва иззат - ҳурмат, муҳаббат ва садоқат, оила ва фарзанд, қариндош-уруғлар ўртасидаги меҳр-оқибат, ор-номус ва миллий виждон, тўй ва тантана, байраму сайиллар каби барча халқлар ва миллатлар учун муштарак бўлган юксак умумбашарий фазилатлар, ҳуқуқий қадриятларни ўзида чуқур ифодалагани билан алоҳида таълим-тарбиявий, умумбашарий қимматга эга. Дostonдаги Алпомиш номи ўзбеклар учун беҳад қадрлидир. Алпомишнинг мардлиги, алпларнинг алпи эканлиги ҳар бир ўзбекнинг жисму жонига мунис оналаримиз айтган аллалар, халқ бахшиларининг дўмбира чертиб ижро этган сеҳрли қўшиқлари билан кирган, чуқур сингиб кетган. Аждодлар ёди, фахруғурури бизларнинг хотирамизга Алпомиш тимсолида жо бўлган. «Алпомиш» - ўзбекнинг ўзлигини намоён этадиган, мард ва танти халқимизнинг юрак-юрагидан чиққан, ота-боболаримиз ва авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир.

Халқимиз азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд илоҳий қудратга муносиб

¹ Ўша асар, 98-бет.

бўлмоққа интилиб яшади. Ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган асл паҳлавонлар этиб тарбиялаб келди.

«Алпомиш» достони бизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз қўрғонини қўриқлашга, дўсту-ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади»¹.

Асрлар давомида яратилиб, гавҳардай асраб-авайлаб, замонамизгача етиб келган ҳикматлар, мақол ва маталлар, эртақлар ва офаризмлар аждодларимиз бадиий даҳосининг бебаҳо ёдгорлиги, ўзбек халқининг маънавий мулки, ҳуқуқий қадриятдир. Уларнинг ҳар бири аждодларимиз ақл идроки ва тафаккури, одоб-ахлоқи, маънавияти, ҳуқуқий билим бойликлари, ҳаётий тажрибалари ва сабоқларининг лўнда, ихчам ва қисқа хулосасидир.

Халқ донолиги-донишмандлигининг жавоҳирлари бўлган ҳикматларда инсон ва унинг маънавий дунёси акс этади. Улар одамзодга дунёдаги тирик мавжудотларнинг гултожи бўлган инсон ва инсонийлик ҳақида сабоқ беради. Халқ оғзаки ижодининг барча жанрларида ҳаёт гултожи, жонзотлар ичра аълоси инсонни улуғлаш етакчи ўрин тутди. «Инсон жамики жонсиз мавжудотлардан энг улуғи, мукаррами ва азизу мўътабаридир. Зероки, ҳамма нарса - кичик гиёҳдан тортиб, барча ноз-неъматларгача Аллоҳ томонидан инсон учун яратилган. Ҳа, одам, одамийлик кадр-қиммати каби сўзларнинг маъноси уфқдай, уммондай чексиз, азим тоғлар чўққисидай юксак! Шунинг учун ҳам халқимизнинг ўзига хос одоб-ахлоқ қомуси - анъанавий қайдномасида қайта-қайта таъкидлаганидек, ИНСОН номи, қадри, шаъни-шарафи, номус-ори унинг ўзидан ҳам баланд, ҳаётдан ҳам юксакроқдир. Буни яхши англаб олиш, инсонлик номини пок сақлаш, шаъни-шарафи учун астойдил курашиш, инсонлик иззат-нафсига заррача бўлса-да ғубор юқтирмаслик учун ҳаракат қилиш ҳар бир катта-кичикнинг ийманий бурчи бўлмоғи лозим»².

¹ Ислом Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 8-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 78-бет.

² Малик Муродов. Ўзбек қадриятлари. Т., «Чўлпон» нашриёти, 1995, 226-бет.

Ҳар бир ҳикмат битмас-туганмас хазина, жавоҳирлар конидир. Инсон мол-дунё сарфлаб топа олмайдиган маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий бойликка илму ҳикмат туфайли эга бўлади.

Ҳикматлар туфайли инсонлар ўтмиш аجدодлари билан ҳамнафас бўлади, уларнинг ўғитлари, панду насихатлари, чақириқлари, огоҳлантиришлари замирида қандай фалсафий, ҳуқуқий ғоя, маънавият сабоқлари ётганлигини идрок этади, улардан ўзи учун муҳим ҳаётий хулосалар чиқариб олади. «Ҳикматли сўзлар, мақоллар биз учун асрлар садоси, узоқ ўтмиш билан ҳамнафаслик ҳиссини уйғотувчи мангу чақириқ, замонлараро кўприқдир.

Ҳар бир ҳикматли сўзлар, мақоллар–номаълум шоирларнинг юрак сатрлари, халқ истеъдодининг масофа билмас шуълалари, зулм, адолат, ҳақсизлик кўксига санчилувчи адолат тифидир. Ҳикматли сўзлар, мақоллар – ҳеч бир подшо эълон қилмаган, ҳеч бир Президент муҳрламаган қонун, ҳеч бир давлат томонидан битилмаган Конституциядир»¹.

Ҳикматли сўзлар ва ибораларда ижтимоий ҳаётнинг энг мураккаб муаммоларидан тортиб оилавий ҳаёт масалаларигача ўз инъикосини топган. Унинг қайси бирини олиб кўрмайлик, ҳар бирининг мағзи, негизида халқнинг, инсоннинг ҳаёти, тарихий тараққиёт йўли, анъаналари, маданияти, маънавияти, феъл-атвори, ҳуқуқий тафаккури, маърифати ва дунёқараши ифодаланганлигини кўрамиз.

Илму ҳикматлар инсон ақл-идроки ва тафаккури маҳсули сифатида одамнинг ақлига ақл кўшади, билим савиясини чуқурлаштиради, зехнини ўткирлаштиради, тўғри, ростгўй, меҳнатсевар, мард, жасур, саботли ва матонатли бўлишга ўргатади, энг яхши фазилатларни тарғиб этади.

Ўзбек халқининг шарқона маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий қадриятларида киши ҳақиқа хиёнат қилиш, поклик йўлидан чиқиб нопоклик изига тушиб кетиш, инсофу диёнатни нафси учун қурбон қилиш маънавий тубанлик, ахлоқсизлик, ҳуқуқий тубанлик ҳисобланади. Огоҳлантирилишича, нопок, қинғир-қийшиқ,

¹ Эркин Воҳидов. Ўз қадрини билган - сўз қадрини билар. - Ш.Шомаксудов, Ш.Шорахмедов. Ҳикматнома. Т., 1990, 5-бет.

ғирромлик йўли билан топилган бойлик ҳеч кимга вафо қилмаган, қилмайди ҳам. Ҳаром ҳалолни суриб кетади, борни йўқ қилади, хайр-баракани кўтаради. Агар одам ҳалолликдан юз ўгириб, нопоклик кўчасига кириб кетса, ғирромлик, фирибгарлик, товламачиликка одатланса, ундан кўрадиган кулфатни, жабр-жафони ҳисоб-китоб қилолмай қолади, эл-юрт олдида юзи қора бўлади, шармандаси чиқади. Нопоклик – тубсиз жар сифатида инсонни юқоридан пастга тортади.

Халқимиз томонидан яратилган ҳикматлар, донишмандлар панд-насихатлари, ўғитларидаги маърифий, таълим-тарбиявий, ҳуқуқий мазмундаги ғоя ва қоидалар ҳозирги авлодлар учун бамисоли доно муаллим, мураббий-устод вазифасини ўтайди. Ҳуқуққа оид халқимиз ҳикматларида таъкидланганидек, очик юзли, хуш хулқли, одоб-ахлоқли одам фаросат соҳиби бўлади. Шундай гўзал сифатларга эга бўлган ҳар бир одам билан ҳамсуҳбат бўлиш – ёмон хулқли, кўрс одам билан ҳамсуҳбат бўлишдан кўра яхшироқдир. Ўзидан катта, тажрибали, билимдон кишилар билан маслаҳат қилмай иш бошлаган одам манфаат кўрмайди. Халқ билан чиқишмаган одам роҳат юзини кўра олмайди.

Аждодлар меросидаги ҳар бир ахлоқий қоида кишиларга маънавий комиллик ва бахт-саодатга эришиш ҳақида сабоқ беради. Ушбу гўзал хислатлар – ҳаё, мурувват, садоқат, тавозе, меҳнат, сахийлик, номус, омонатга хиёнат қилмаслик, адолат, юмшоқ феъллик ва шижоат одамга бахт-саодат келтиради, ҳасад, адоват, бахиллик, такаббурлик, ёлғончилик, мунофиқлик, чақимчилик, хиёнат, жоҳиллик ва ялқовлик эса одамни фалокатга судрайди.

Шарқнинг ўғит ва ҳикматлари, донишномалари, қобусномалари, пандномалари ва тузуклари эзгулик қилиш инсон ҳаётининг мазмуни ва мезони эканлиги ҳақида кишиларни йўл-йўриқ ва қоидалардан огоҳ этганини миллий урф-одатлари, анъаналари, маданияти, маънавияти, феъл-атвори, дунёқараш ифодаланганлигини кўрамыз.

Халқ ижодиёти инсон маънавияти ва тафаккури маҳсули сифатида одамнинг ақлига ақл кўшади, билим савиясини бойитади ва чуқурлаштиради, зехнини ўткирлаштиради, тўғри, ростгўй, меҳнатсевар, мард, жасур, саботли ва

матонатли бўлишга ўргатади, энг яхши инсоний фазилатларни тарғиб этади.

Ҳикматли сўзлар, мақолларни диққат-эътибор билан ўргансак, уларда халқимизнинг яхшиликка яхшилик ҳар кишининг ишидир, ёмонликка яхшилик эса фақат марднинг ишидир, деган доно ўғитлари ўзининг чуқур ифодасини топганлиги ва мазмунига сингдириб юборганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Эзгулик қилиш – юксак маънавиятдир. Одам шахсий фойдасини кўзлаб эмас, инсон бўлганлиги учун эзгулик қилиши, кишиларни эгри йўлдан фойдали насихатлар билан тўғри йўлга бошлаши, ёмонликдан қайтариши мақсадга мувофиқдир. Яхшилик қилишнинг, эзгуликнинг хосияти, инсон маънавий камолотидаги аҳамияти ҳақида ўзбек халқ мақолларида беҳисоб даражада кўп ажойиб ғоялар баён этилган. Ота-боболаримиз яхшилик қилганларга ундан ҳам ошириб яхшилик қилиш лозимлигини уқтириб, чин инсонийликка даъват этганлар.

Ўзбек халқ мақолларида инсон ҳар доим ваъдасига вафодор бўлмоғи зарурлиги, бировга берилган ваъданинг устидан чиқмаслик – номардлик ва субутсизлик эканлиги қайд этилган.

Бобур Мирзонинг халқ мақоли асосида ёзилган мана бу шеърда олам-олам маъно бор:

Ҳар кимки вафо қилса вафо топғусидир,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топғусидир.
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топғусидир.

Ҳикматлар, мақоллар ва маталлар, эртақлар ва дostonларнинг ҳаммасида инсон нақадар улуғ зот эканлигини, оламнинг обод ва гўзаллиги унинг ақл-идроки, тафаккури, амалий фаолиятига боғлиқлиги таъкидланади. Айтилганидек, инсоннинг қўли гул, яъни, у ҳар нарсага, ҳатто иложи йўқ деб ҳисобланган қийин ва мушкул ишларга ҳам қодир, унинг қўли теккан нарса, қадами етган жой гуллаб-яшнайд.

Ўзбек халқи кўп минг йиллик тарихий тараққиёти жараёнида мукамал инсон қандай бўлиши ҳақида ўзининг ажойиб бир таълимот тизимини яратган. «Қадимги аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун ҳар бир ахлоқий талаблар

мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар»¹.

Халқ мақолларида илгари сурилган маънавиятга оид энг муҳим масалалардан яна бири – илм-маърифатга бўлган ихлос, ишонч-эътиқодни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир. Уларда билимли бўлиш, маданият, қадрият, маънавият, маърифат асосларини билиб олиш, улардан амалий фаолиятда фойдаланиш инсон учун муҳим ҳаётий зарурият эканлиги айтиб ўтилган. Дунёда илмга тенг келадиган бойлик йўқ. Илм ҳар нарсадан юқори, ҳеч нарса унга тенг кела олмайди. Инсон эгаллаши керак бўлган бойликлар ичида энг зарури, муҳими, фойдалиси ва энг шарафлиси – илмдир, илму ҳикматдир. Экинларнинг парвариши, униб-ўсиши учун инсон меҳнати ва меҳри, суғориш учун сув қандай зарур бўлса, одам боласи учун илм-маърифат, маънавият шунчалик муҳимдир. Ўзбекистон Президенти томонидан айтилганидек, **«Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч–маърифатдир»²**.

Кўриниб турганидек, илм кўнгил кўзини очади, қоронғуликни маърифат нури билан ёритади. Инсоннинг улуғлар даражасига етиши ҳам илм-маърифат туфайлидир. Илм–одамларнинг зийнатидир. Инсон ўз халқи, миллати, ватани олдидаги фарзандлик бурчи ва масъулиятини илм-маърифати туфайли чуқур ҳис қилади, билиб, англаб олади.

Кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжини қондириш учун пайдо бўлган илм-маърифат инсоният бойлигидир. Тан жон билан тирик бўлса, рух илм биландир. Илм инсон учун нажотдир. У инсонга ҳаётда йўлдош, сирдош ва кўмакдошдир. Илм бамисоли хазиналар эшигини очадиган калитдир. Дунёда ҳар қандай муаммо ва тугун илм, ақл-идрок ва тафаккур ёрдамида ечилган ва ечилади.

Илм ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Илмга ҳеч бир инсон зоти бирданига эришган эмас ва эриша ҳам олмайди. Инсон онасидан доною донишманд бўлиб туғилмайди. Инсондаги билим, одоб-ахлоқ, олам, табиат ва жамият ҳақидаги барча

¹ Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1995, 39-бет.

² Ислом Каримов. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан қураимиз, 7-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 134-бет.

тушунча ва тасаввурлар, дунёқараш ва билимлар амалий фаолият жараёнида хилма-хил бадий, тарихий, сиёсий, назарий, фалсафий, ҳуқуқий китоблар, дарсликларни ўқиб-ўрганиш, мутолаа қилиш, ҳаётдан сабоқ, устозу муаллимлардан таълим олиш жараёнида ҳосил бўлади, ривожланиб, такомиллашиб боради.

Ўзбек мақолларида қайд этилишича, илм-маърифатга эга бўлишнинг, инсон қалбини илм нури билан нурлантиришнинг, дилини пок ва мусаффо қилишнинг асосий шарти ва энг тўғри йўли – бебаҳо маънавий бойликлар хазинаси бўлган китобларни қўлдан қўймай ўқишдир.

Китобнинг билим манбаи сифатида таърифига баҳо йўқ. Унда донишмандлар ақл-идроқи, фикри жамланган. Унда алоҳида кишилардан ториб халқнинг, жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаёти, фикр-ўйлари дунёқараш ва кечинмалари акс этади, инсониятнинг бепоён маънавий ва руҳий дунёси ифодаланади. Китоб воситасида одамлар тарихнинг турли даврларида яшаб ўтган буюк алломалар, тафаккур титанлари билан мулоқотда бўладилар, улар яратиб кетган билим, тафаккур бойликларидан баҳраманд бўлиб, ақлан-маънан бойийдилар.

Юрак қони, кўз нури, қалб амри билан ёзилган ҳар бир китоб фақат ўтмишни акс эттирмайди. Айни пайтда у келажак дастури ҳамдир. Китоб ҳам билим бойлиги, ҳам ақлий меҳнат қуролидир. У таълим ва тарбияга ҳам муҳим таъсир кўрсатади. Китоб уни яратган халқнинг бебаҳо маънавий бойлигидир. У инсон ақл-идрок ва ижодкорлигининг буюк кашфиётларидан биридир. Китоб одамзод яратган мўъжизалар ичида энг буюк мўъжизадир. Китоб — ҳаёт дарслиги, барча билимлар асоси, дунё воқеа-ҳодисалари ва элу-элатлар ҳаётидан ҳимоя қилувчи бирдан-бир манба. Китоб — хазиналар қалити, тафаккур манбаи. Шу боисдан ҳам китобни севиш, қадрлаш ва эъзозлаш қадим-қадимлардан бошланган¹.

Китобни энг буюк ҳикматлар хазинаси сифатида мўътабар ва муқаддас деб билиш, унинг бирон варағининг ҳам йиртилишига йўл қўймаслик, китоб саҳифасига ҳеч нарса ўрамаслик, қадрига етиш, нондай азизлаш ҳақидаги

¹ Қаранг. Малик Муродов. Олтин сандиқ очилди. Т.: «Ўқитувчи», 1994, 71-бет.

ўғитлар, пандномалар, маънавий-ахлоқий қоида ва йўл-йўриқлар аждодларимиздан ҳозирги авлодга қолган олтин меросдир. Шунинг учун ҳам Марказий Осиё халқлари, хусусан, ўзбеклар китобнинг ҳаёт дарслиги эканлиги, муқаддаслиги ҳақида сон-саноксиз нақл-ривоятлар, афсоналар, мақоллар яратганлар. «Китобсиз уй – қуёшсиз кун», «Китоб – инсон дўсти», «Олтин ер тагидан кавлаб олинади, билим китобдан», «Нон тўйдиради, китоб кийдиради», «Куш дон қидирар, олим китоб», «Кийим устингни безайди, китоб ақлингни», деган хикматларда китобнинг қадрига етиш таъкидланган¹.

Инсонга китобдан кўра яқин дўст, беминнат улфат йўқ. У ғамли замонда инсонга ғамхўрдир. Китоб билан қолган одам ўзини танҳо сезмайди. «Гўзал китоблар ажиб нарсаларни кўрувчи кўзгу, овлоқда сирдош, ёлғизликда дўст, ожизлик вақтларда ёрдамчи, ҳасратда шодлик келтирувчи, фикрларни нурлантирувчи, ўтган замон аҳволидан сўзловчи, умматлар воқиятини ҳикоя этувчи, ақлли кимсаларнинг ақллари кўзларига кўрсатувчи, оз ҳақли - кўп фойдали нарсалардир»².

Китоб инсоннинг зеҳнини ўткирлаштиради, завқини оширади, сўзга чечан қилади. Китоб инсонни камолотга етказди. Донишмандлардан бири китоб таги йўқ хазина эканлигини, кимки у билан улфат бўлса қадр қиммати баланд бўлишлигини уқтириб шундай деган эди: «Эй азиз! Киши учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ суҳбатдош йўқдир. Китоб фасоҳат, балоғатда, латофатда тенги йўқ, мунофиқликдан холи ҳамроҳдир. Ёлғизликда ва ғамли айёмларда мунис улфатдир. Унда на нифоқ бору, на гина. Суҳбатидан эса кишига малоллик етмайди. У шундай рафиқдирки, киши орқасидан ғийбат қилиб юрмайди. Унинг суҳбатидан сенга файзли фойдалар етадики, бундай фойдани одамлардан топа олмайсан. Аксинча, аксар одамлар суҳбатидан кишига зарар етади. Китобдек дўст ичида барча илму ҳилм мужассамдирки, у кишиларни ўтмишдан ва келажакдан огоҳ қилиб туради. Шунинг учун ҳам : Китоб ақл қалъасидир»³ - деганлар.

¹ Малик Муродов. Ўзбек қадриятлари. Т., «Чўлпон», 1995, 132-бет.

² Ризоуддин ибн Фахруддин. Насихат. Т., «Чўлпон», 1993, 12-бет.

³ Қаранг: Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони.Т., «Фан», 1994, 20-21-бет.

Халқларнинг узок асрли хаёт тажрибалари, донишмандлиги, орзу умидлари, маънавий-ахлоқий қарашлари ўзбек халқ ижодиётининг энг оммавий ва кенг тарқалган жанрларидан бўлган эртақларда ҳам ифодаланган. Эртақларни шунчалик эрмак нарсалар деб тушунмаслик керак. Эртақларда сиртдан қараганда от, эчки, сигир, қўй каби уй ҳайвонлари, бўри, айиқ, илон каби ваҳший жониворлар, ялмоғиз кампир, дев, аждар, жин, семурғ, пари ва бошқа фантастик образлар тасвирланган бўлса-да, аслида уларда халқ ҳаёти, халқ манфаатлари, ижтимоий ҳодиса ва воқеалар талқин этилган. Эртақлар ҳам халқ кўнглидаги қайғу-ҳасрат ва шодликнинг йўлдоши, унинг билим қомуси, диний ва фалсафий китобидир.

Халқнинг донолиги, келажакни олдиндан кўра билувчи тафаккур қувватини, ҳаётни яхшилаш, меҳнатни осонлаштиришга бўлган орзу-интилишларини унинг эртақлари, ривоятларига қараб билиш мумкин. Инсонга душман бўлган табиий ва ижтимоий кучларни халқ ўз эртақларида енгади, ёмон ҳодисалар, кўнгилсиз воқеалар, қўрқинчли, даҳшатли нарсаларни, аждар, дев, ялмоғиз кампирларни мағлуб этиб, муроду мақсадига етади.

Эртақлардаги асосий ғоялар халқни ҳамжиҳатликка, бир ёқадан бош чиқаришга, душманларга нисбатан беомон, шафқатсиз, севгига содик, ваъдага вафодор бўлишга, эл-юрт иши учун ўлимдан ҳам қўрқмасликка, сув келса симириб, тоғ келса кемиришга даъват этади.

Қаҳрамонлик ҳақидаги эртақларни ўқиганимизда паҳлавонларнинг ўз ватани ва халқи учун буюк жасорат кўрсатганликларини билиб оламиз. Юрт ўғлонлари, доно қизлари душманга қарши курашда ўз мақсадлари йўлида учраган тўсиқларни, ғовларни бартараф этишда ўзларининг жисмоний кучлари, қўлларидаги қурол-аслаҳалардангина эмас, балки ақл-идроклари ва фаҳм-фаросатларидан ҳам фойдаланадилар. Улар осмонда, ерда ва еростида, сув тагида, девлар куршови, ялмоғизлар таъқибида бўлсалар-да, барибир, муддаоларига эришадилар. Мураккаб тилсимотларни донолик йўли билан ечадилар, инсон бошига тушган ҳар қандай бало-ю офат, ёвуз кучларни тафаккур-ла енгадилар, маҳбуб ва маҳбубаларини душманлар кўлидан,

зиндондан қутилтирадилар. Бу тарздаги эртақларнинг қаҳрамонлари – кенжа ботирлар, шахзодалар, камбағал йигитлар, чўпонлар, дехқонлар, хунармандлар, подачилар, маликалар, доно қизлар, парилардир.

Ўзбек халқининг «Девсафид», «Ялмоғиз», «Семурғ», «Ёрилтош», «Гули қаҳ-қаҳ», «Кенжа ботир», «Хуршид билан Лайло», «Илон оға», «Олтин бешик», «Паҳлавон Рустам», «Уч оға-ини ботирлар», «Тоҳир ва Зухра», хулласи калом, қайси бир эртагини олиб қарамайлик, уларнинг ҳаммасида инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, вафодорлик, ўзаро ҳамкорлик, очиқ кўнгиллик, саховатлик, тўғри сўзлик, ота-онани, устодларни, пирларни улуғлаш, хунарнинг кадрига етиш сингари миллий ва умумбашарий ғоялар, ахлоқий қоидалар илгари сурилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Халқлар томонидан яратилган эртақларнинг маданий-маънавий, маърифий аҳамияти беқиёсдир. Улар одамларнинг билим ва маълумотларини чуқурлаштирибгина қолмай, улкан тарбиявий аҳамиятга ҳам эгадирлар. Ибрат бўлмайдиган, кишиларга одамийлик, чин инсоний хислат ва фазилатлар ҳақида сабоқ бермайдиган бирорта ҳам ўзбек эртаги топилмаса керак. Шарқ ва Марказий Осиё халқларининг ҳар бир эртаги ўзига хос такрорланмас, дурдона фикрлар, ҳикматларга лиммо-лимдир.

Халқ оғзаки ижодиётининг ажойиб дурдонаси, муҳим таркибий қисми бўлган «Гўрўғли», «Ёдгор», «Рустамхон», «Юсуф билан Аҳмад», «Баҳром ва Гуландом», «Вомиқ билан Узро», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» сингари неча-неча ўнлаб-юзлаб дostonларнинг ҳар бирида шундай ғоялар, фикрлар илгари сурилганки, ўз аҳамиятига кўра улар миллий хусусиятларга эга бўлиш билан бирга умуминсоний, жаҳоний қимматдорликка ҳам эгадир. Бундай дейишимизнинг асосий боиси номлари зикр этилган асарларнинг деярлик ҳаммасида душманга қарши курашда жасорат кўрсатиш, она замин ободлиги учун кураш, тинчликнинг бузилиши, қон тўкилишларга йўл қўймаслик, халқлар, эл-юрт ҳамкорлиги, миллий ҳамжиҳатлик, истиқбол йўлида қайғуриш сингари ғоятда муҳим, аҳамиятни ҳеч қачон йўқотмайдиган, жаҳондаги барча халқлар учун зарур бўлган ғоялар ва фикрларга бойлигидир.

Халқ оғзаки ижодиётининг деярли барча жанларида уларнинг ижодкори бўлган халқнинг меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, она заминни жону танла севиши, болажонлиги, катталарга ҳурмат, кичикларга ғамхўрлик қилиш, ота-онани севиб ардоқлаш, ўтмиш аجدодларга, улар яратган жамики моддий ва маънавий бойликлар, обидалар, тарихий мерос, миллий маънавий қадриятлар, удумлар ва анъаналарга ҳурмат ва эъзозда бўлиш зарурлиги ўз ифодасини топган. Улар мустақиллик даврида яшаб фаолият кўрсатаётган ватандошларимиз учун ўтмишни билиш, келажакни илмий-фалсафий идрок этишга илмий-амалий, таълим-тарбиявий, маънавий-маърифий аҳамият касб этмоқда.

Ўзбек халқ ҳикматлари, юзлаб донолар, оқиллар, фозилу фузалолар, адиблар яратган ўғитлар бугунги кунда бизлар учун бамисоли доно муаллим, мураббий, устод вазифасини ўтайди. Ҳар бир одам боласи бу ёруғ дунёга келиб, то ундан рихлат қилгунича ўзининг инсоний бурчини қандай ўташи кераклигидан баҳс очади. У бизни энг муҳим одоб-ахлоқ, йўл-йўриқ ва қоидалардан огоҳ этади. Дилимиз тўрида ва тилимиз учида турган, ўзимиз айтолмай қийналаётган сон-саноксиз чигал муаммоларга жавоб беради. Она табиатнинг бузилишига йўл қўймасликдан, инсон наслига таҳдид солиб турган қирғинбарот урушлар, миллий ва минтақавий можаролар, экологик хавф-хатарлар, террористик ҳаракатлар, кўпоровчиликлар, диний экстремистик хуружлар, ғайри инсоний, мафкуравий тазйиқлардан одамларни огоҳ ва зийрак бўлишга воқиф этади.

Ўзбекнинг ҳар бир ибратли фикри, мақоли, нақли, асотири, оқилона айтилган сўзи, мақоли ва матали, пурмаъно ўғитлари инсонларни қандай яшашга ўргатади, қийин дамларда одамларга доно маслаҳатчи, ҳамдард, мураббий ва руҳий-маънавий мададкор бўлиб пешвоз чиқади. Ўзбек халқ оғзаки ижодиёти асрлар ва минг йилларнинг маҳсули, руҳий қадрият, бебаҳо маънавий бойлик сифатида қадимги даврлар билан ҳозирги замонни бирлаштириб, туташтириб турувчи олтин халқадир.

Инсоният даҳолари, айниқса, Марказий Осиё халқлари томонидан яратилган маънавият хазиналарини ташналик билан ўқиб-ўрганиб, асосий ғояларини ўзлаштириб одобийлик ва ахлоқийлик, эзгулик, инсонийлик каби маънавий-

ахлоқий кадриятлар ўзбекларда жуда қадимий ва азалий эканлигига яна бир бор иқроф бўламиз. Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган маданий меросидан, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия борасидаги анъаналаридан, мақолларидан, ҳикматли сўзларидан қанчалик самарали, оқилона ва ижодий фойдалансак, маънавиятимизнинг чуқур тарихий илдизларга эга эканлигини англаб олиш борасида шунчалик самарали натижаларга эришамиз.

Президент Ислом Каримовнинг уқтиришича, Ўзбекистоннинг чинакам мустақиллигига эришишдан иборат ўз йўли Республикани ривожлантиришнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларни ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланади: «Аввало, у аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ анъаналари ва урф-одатлардан келиб чиқади. Чуқур илдизи ўтмишдаги анъанавий жамоа турмуш тарзига бориб тақаладиган коллективчилик асослари Ўзбекистон халқига тарихан хосдир. Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очиқ кўнгилчилик, миллатидан қатъи назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади. Ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, билимга, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром — Ўзбекистон аҳолисига хос фазилатдир»¹.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди ёзма ижодиёт учун бамисоли она кучоғидир. Ёзма ижодиёт оғзаки ижодиётга таяниб, ундан мадад, куч-қувват олиб, унинг бағрида унди, ўсди, юксалди ва ўз навбатида, унинг ўзи ҳам оғзаки ижоднинг янада такомиллигига самарали таъсир кўрсатди.

Халқ оғзаки ижодиёти барча мамлакатлардаги, жумладан, Туронзамину Туркистондаги, Ўзбекистондаги буюк мутафаккирлар, файласуфлар, тарихчилар, ҳуқуқшунослар, диний уламолар, шоир, ёзувчиларга илҳом ва маҳорат бағишлаган. Халқ оғзаки ижодидан баҳраманд бўлмаган, ажодларининг асрлар оша яратган, гавҳардай асраб-авайлаган буюк маънавий бойликларига

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 41-бет.

таянмасдан ўзининг у ёки бу улуғ асарини дунёга келтирмаган бирор олиму фузалони тасаввур этиб бўлмайди. Бу фикрни Шарқ мутафаккирларига нисбатан ҳам айтсак бўлади.

Қадимий Туронзаминнинг табаррук тупроғида дунёга келган улуғ алломалар ота-боболарининг ўтмиш асрлардан бери яратиб келган маънавий бойликларига ҳеч қачон лоқайд муносабатда бўлишган эмас. Улар оғзаки ижодиётнинг, халқ томонидан яратилган тафаккур бойликларининг, ҳикматлар, ривоятлар, зарбул-масалларнинг деярли ҳар бирини синчиклаб ўқиганлар, мағзини чакқанлар, маъноларини атрофлича текширганлар, кераклигини кераксизидан, фойдалисини фойдасизидан ажратиб, сайлаб-сайлаб олишга жиддий эътибор берганлар, танқидий-ижодий ўзлаштирганлар, ўзлари яшаб турган давр ва тарихий шароит учун зарур ва фойдали бўлган хулосалар чиқарганлар.

Инсониятнинг ҳали-ҳануз диққат-эътиборини ўзига тортиб келаётган «Калила ва Димна», «Синдбоднома», «Минг бир кеча», «Қобуснома», «Гулистон» ва «Бўстон», «Баҳористон», «Шоҳнома», «Донишнома», «Ҳиндистон», «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Саодатнома», «Сиёсатнома», «Рушнома», «Қутадғу билиг», «Девону луғатит турк», «Ҳибатул ҳақойиқ», «Ахлоқи Жалолий», «Хамса» номли ва бошқа кўплаб шоҳ асарларнинг дунёга келишида халқ оғзаки ижодиёти салмоқли ўрин тутган.

Хулласи калом, инсониятнинг буюк тафаккур дурдонаси бўлган жамики ёзма ижоди, бой маънавий хазинаси, илғор дунёқараши халқлар томонидан узоқ асрлар мобайнида яратилиб тўпланган маданий бойликлари оғзаки ижоди заминида майдонга келган, мукаммаллашган, унинг қонуний давоми бўлган. Ўтмишдан бизгача етиб келиб, башариятнинг эзгу орзу-умидларини ўзида ифодалаган ёзма ёдгорликлардан бири «Авесто»дир.

Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган бой ҳаётий тажрибалари, диний-ахлоқий, ҳуқуқий, фалсафий қарашларини ўзида акс эттирган «Авесто»нинг асл ватани Ўрта Осиё, аниқроғи, кўхна Хоразмдир. Энг мўътабар, қадимий қўлёзмамизнинг яратилганига қарийб 3000 йил бўлмоқда. Бу нодир китоб икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз

авлодларига қолдирган маънавий, тарихий, ҳуқуқий меросидир. «Авесто» айна замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди»¹.

«Авесто» - энг нодир асар, турган битгани ҳикмат, маънавий-маърифий, ахлоқий, ҳуқуқий, диний, фалсафий бойликлар конидир. Мазмун ва моҳиятига кўра у дунёвий, банибашарий аҳамиятга ҳам моликдир. Унда шундай ажойиб ғоялар, фикрлар, ҳикматлар, таълимотлар мавжудки, миллати, ирки, тили, дини, мазҳабидан қатъи назар ҳам Мағрибу Машриқдаги, ҳам Осиё ва Овруподаги, ҳам ўтмишдаги ва ҳозирги даврдаги мамлакатлар халқлари ва миллатларига бир хилда манфаат келтиради. Миллат танламайди, маҳаллийчиликка, худбинликка йўл қўймайди. «У ҳеч кимни сен - яҳудий, сен - насроний, сен - мусулмон, ёхуд сен - фаранг, сен - тунгус, сен - сарт демайди. «Авесто» - илк одамлар ҳақидаги ҳикоят. Ер юзида бундан беш минг йиллар бурун ҳам одамлар яшаган. Улар ҳам кимгадир сиғинган, кимдандир нафратлангандирлар»².

Ақл дурдоналари саналмиш «Авесто» ҳикматлари инсониятга беназир хизмат қилиб, одамлар ақл ва тафакқурини чархлаб, дунё халқларини эзгуликка, ўзаро ҳамкорликка ва ҳамжиҳатликка, тинч-тотувликка ташвиқот этиб, ёвузлик, қон тўкишлардан, диний хурофот, жаҳолатдан огоҳлантирмоқда.

«Авесто» ғоялари, ҳикматлари қанчалик қадимий бўлишига қарамасдан шунчалик замонавий ҳамдир. Унда шундай ажойиб фикрлар, йўл-йўриқлар мавжудки, улар бундан қарийб уч минг йил олислиқда туриб айтилган бўлишига қарамасдан, башариятга қарата худди кеча ва бугун айтилгандек хизмат қилмоқда. Инсон ва жамият, халқлар ва миллатлар, ҳозирги давр ва келгуси насл-насаб манфаатларига бевосита тааллуқли бўлган бирон-бир масала ва муаммо йўқки, «Авесто»да тилга олинмаган, эътибордан четда қолган бўлса! «Авесто» шунчалик улуғ ва мўътабар маънавий-ҳуқуқий хазинаки, унинг жамики мазмун-моҳиятини тўлалигича ёритиб, айтиб адо қилиб, сўз билан охиригача таърифлаб ва тасвирлаб бўлмайди. У бамисоли чексиз бир уммон, тўхтовсиз қайнаб турадиган чашма,

¹ Ислон Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. Т.: «Ўзбекистон». 1999, 138-бет.

² «Авесто» мангу ҳикмат обидаси. Давра суҳбати. «Гулистон»журнали, 1996 йил, 6-сон, 47-бет.

дуру жавохирлар хазинасидир. «Авесто» буюк умуминсоний қадрият сифатида дунёга келди. У чексиз тафаккур ва таракқиёт ғояси, умумбашарий маданиятнинг юксак чўққисига айланди. «Авесто» жаҳон цивилизациясига дахлдор бўлган умуминсоний қадриятларнинг ривож топишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган буюк фалсафадир.

«Авесто» фалсафаси одам ва одамиятни, шахс ва шахсиятни, кенг маънодаги инсон ва инсониятни комилликка даъват этувчи, баркамолликка, етукликка чақирувчи улкан ва ноёб қадриятдир.

«Авесто» фалсафаси - одам ва олам, инсон ва жамият ҳақидаги тасаввурларнинг, улар ўртасидаги муносабатларнинг жамулжами, ифодаси. У инсоннинг ҳиссий ва ақлий оламига таъсир ўтказувчи, кишини фикрлашга даъват этувчи буюк қадрият»¹.

«Авесто» эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амални улуғлаган китобдир².

У одамларни барча ёмон уй-фикрлардан, ёмон сўзу ишлардан, ёмон амаллару ниятлардан юз ўгиришига, савоб ишларни ҳамиша ва ҳар доим қилиб туришга даъват этади.

«Авесто» таълимотига кўра, меҳнат қилиш барча эзгуликларнинг асоси, инсонийлик белгисидир. Таъкидланишича, деҳқончилик билан шуғулланиш ўн минг марта тоат-ибодат қилишдан аълодир.

Асарда дон экиб кишиларга ризқ-насиба яратган одам тақводорлик уруғини эккан, имонини озиклантириб турган кишидир, дейилади. Уқтирилишича, олам гўзаллиги деҳқондан, деҳқончиликдан, кимки ерга уруғ қадабди, у одамийликка иймон келтиради. «Буғдой ўса бошласа,-дейилади. «Авесто»да, - девлар заифлашиб қолади. Ун тайёр бўлгач, девлар нола-фиғон чекишади. Девларни мағлуб этиш учун хонадонда ҳамиша унли овқат бўлиши лозим. Бу овқатни одам егандан сўнг, девлар жуда қизишиб кетишади ва қоча бошлашади».

«Авесто»да ғаразғўйлик, ҳасад, манманлик, фитна-фасод, ўғрилик,

¹ Нарзулла Жўраев. «Авесто» зарурати.- «Авесто». Тарихий-адабий ёдгорлик. Аскар Маҳкам таржимаси. Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти, 2001, 4-5-бетлар.

² Қаранг: Ислон Каримов. Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амални улуғлаган китоб. - Халқ сўзи, 2001, 6 ноябрь.

талончилик, бегоналарнинг мол-дунёсига кўз олайтириш, хиёнат қилиш, бевурдлик қаттиқ қораланган бўлса, ваъдага вафо қилиш, холислик, ўзаро иззат-икром сингари қадриятлар улуғланган.

Барча инсонларга ғамхўр бўлиш лозимлиги ҳақида унда шундай дейилади: «Илоҳий қонунга буйсунадиган яхши киши яқин одамига меҳрибон бўлиш, мухтожлик ва хавф-хатар остида қолганда кўмаклашишга шайлик, кишилар бахт-саодат учун ёвузликка қарши фаол курашга тайёр бўлиш, ҳамма билан аҳил ва тотувликда, биродарликда яшашга интилишда намоён бўлади. Инсон фикран ҳам, хаёлан ҳам ҳасадгўй бўлмаслиги лозим. Яхши ниятли киши ҳеч қачон дарғазаб бўлмайди ва жаҳолатга берилмайди, чунки жоҳиллик ҳолатида у яхши ниятини йўқотади, бурч ва адолатни унутиб, ножўя ҳаракатлар қилади»¹.

«Авесто»нинг энг муҳим қоидаларидан яна бири - берган сўзнинг уддасидан чиқиш, унга содиқ қолиш, савдо-сотик ва шартномаларга қатъий амал қилиш, қарзни ўз вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан ҳоли бўлиш имонлилик аломатидир, дейишдан иборатдир.

«Авесто»да одамларни иймонли-эътиқодли бўлишга, доимо покиза юришга, танани озода тутишга, ҳар қандай ёмон ният ва сўзлардан тийилишга, ёмон амаллардан воз кечишга, ножўя ишлардан юз ўгиришга даъват этадиган ахлоқий қоидалар, ўғитлар ниҳоятда кўп. Ўша асарда «Танларингизга нисбатан қалбингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг», «Ҳар бир инсон (зардушт), кунига беш марта ювиниб, покланиб қуёшни олқишлаб сиғиниши шарт», деган қоидалар истаганча топилади.

Зардуштликнинг буюк ёдгорлиги бўлган «Авесто»да умумбашарий аҳамиятга эга бўлган маънавий қадриятлар ўзининг чуқур ифодасини топганлиги алоҳида эътиборга сазовордир. Фарзанд кўриш, болаларни билимли, одобли, жамият учун фойдали инсонлар қилиб тарбиялаш, келажакни ўйлаб иш тутиш умуминсоний маънавият эканлиги қайд этилган. Задушт Ахура Маздадан, «Серфарзанд хонадонга нима берасан, деб сўраганда у: «Бундай одамларни ўз ҳимоямга оламан, ҳаётини фаровон, ризқини мўл қиламан», деб

¹ Қаранг: Қадриятлар ва ижтимоий тараққиёт. Т.: «Ўзбекистон», 1997, 75-бет.

жавоб берган.

Зардуштийлик таълимотида, борди-ю эркак зурриёт қолдириш қобилиятига эга бўла туриб уйланмасдан юрса, унга тамға босиш ёки белига занжир боғлаб юришга мажбур эканлиги белгилаб қўйилган. Кўп болали оилаларга давлат ҳисобидан нафақа берилиши ҳам айтилган.

«Авесто»да олам тараққиётининг мазмуни эзгулик кучлари билан ёвузлик кучларининг тимсоллари бўлган Ахура Мазда билан Аҳриман ўртасидаги мурасасиз курашдан иборатдир. Ахура Мазда дунёда яхшилик, адолат, фаровонлик, тинчлик ўрнатишга интилса, Аҳриман ёвузлик, ўлим, зулмат, вайронагарчиликларни кучайтиришга ҳаракат қилади. Бу курашда одамлар Ахура Мазда томонида туришга интиладилар. Яхшилик ва ёмонлик, нур билан зулмат, бахт билан бахтсизлик ўртасидаги курашда эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалаба қозониши ҳақидаги ғоя «Авесто» учун характерлидир.

«Авесто» — Шарқнинг бебаҳо ҳуқуқий ёдгорлиги ҳамдир. Унинг барча қисмларида, айниқса «Вандидод» бобида ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуққа оид ғоялар ўз аксини топган. Ушбу нодир асар қадимги замонлардаги одамларнинг ҳуқуқий онги даражаси, мулкӣ, никоҳ-оила муносабатларини тартибга солувчи ижтимоий нормалар, сувдан фойдаланиш, жиноят ва жазо, суд ва суд амалиёти масалалари тўғрисида кенг маълумот беради.

«Вандидод»да жиноятларнинг қуйидаги таснифи тузилган: «Динга қарши жиноятлар: бидъат, бошқа диннинг вакили билан никоҳга кириш, руҳонийнинг вазифасини ғайри қонуний бажариш, атеизм.

Шахсга қарши жиноятлар: қасддан ҳужум қилиш ёки жазава ҳолатида ҳужум қилиш, шифокорнинг зиён етказувчи ҳаракати, ҳомилани олиб ташлаш, регул ва ҳомиладорлик пайтида аёлнинг соғлиғига қарши жиноятлар.

Ҳайвонларга қарши жиноятлар: айниқса кучукларга қарши жиноятлар;

Мулкӣ жиноятлар: ўғирлик, талон-тарож, босқинчилик, фирибгарлик. Хасислик мулкӣ жиноятнинг алоҳида тури ҳисобланган.

Ахлоққа қарши жиноятлар: гомосексуализм, фоҳишабозлик, эр-хотин хиёнати. Гомосексуализм энг оғир ахлоқӣ жиноят ҳисобланган ва ўлим жазоси

билан жазоланадиган ягона ахлоқий жиноят ҳисобланган¹.

«Авесто» фақат одамнигина эмас, балки бир ҳовуч тупроқ, бир қултум сув, бир нафаслик ҳавонинг ҳам муқаддаслиги ҳақидаги китоб ҳамдир. Асарни кўздан кечирган киши ер, сув, ҳаво ҳамда оловга алоҳида эътибор берилганлигига, атроф муҳитни покиза сақлашга одамлар эътибори тортилганлигига ишонч ҳосил қилади. Она-заминни улуғлаш, сувни ҳаёт манбаи деб қадрлаш, ҳаво ҳамда оловни эъзозлаш – булар «Авесто»даги марказий масалалардан бўлиб ҳисобланади.

«Авесто»да дунёнинг моддий асоси ҳисобланган ер, сув, ҳаво, олов шундай эъзозланганки, ҳавони булғаш, ифлос қилиш, ерга ҳайвонлар ўлиги у ёқда турсин, одамлар жасадини кўмиш, сувга оқизиш жуда катта гуноҳ, жиноят ҳисобланган. Марҳумлар жасади сувни, ҳавони, тупроқни захарлаб қўймаслиги учун маҳсус сопол идишларда кўмиш расм бўлган.

«Авесто»да ҳовуз, ариқ, қудуқ сувларини ифлос қилиш ман этилган, анҳор ва ариқ бўйларида мол боқиш, отларни боғлашга руҳсат этилмаган, ер, сув, ҳаво, оловни асраш қоидаларини бузган киши 400 қамчи уриш жазосига маҳкумлиги белгиланган, ўт-ўланлар, мевали дарахтлар экилган, сувлари ҳамиша равон бўлган замин энг яхши жой эканлиги, ҳар бир инсон туғилиб ўсган заминни фидойиси бўлиши шартлиги қайд этилган.

«-Эй, оламини яратган Зот!

Эй, ҳақиқат!

Замини ҳаммадан кўра бахтлироқ бўлган дунёдаги биринчи жой қаер?

Аҳура Мазда жавоб берди:

-Эй, Сипийтман Зардушт!

Бундай жой қўлда покиза ўтин, барсам, ҳована ва янги соғилган сут тутган, ўз амал-эътиқодига дилда ишончи собит, ўктам овоз, кенг яйловлар ишқи билан масрур ва бу яйловларни қўшиққа солган бир Ашаван оёқ босган заминдир.

- Эй, оламини яратган Зот!

¹ Қаранг: Э.В. Ртвелладзе, А.Ҳ. Саидов, Е.В.Абдуллаев. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. Т., «Адолат», 2001, 218-бет.

Эй, ҳақиқат!

Замини ҳаммадан кўра бахтлироқ бўлган дунёдаги иккинчи жой қаер?

Аҳура Мазда жавоб берди:

- Бундай жой бир Ашаван уй тиклаган макондир. Ўша уйда мўъбад рўзгор тебратади. Сигирлар галаси ва уй бекаси, фарзандлар ва сурувлар яшайди, бу уйда сигирлар галаси яхши парвариш қилинади. Ашаванлик афзун бўлади. Тевалар хўраки фаровон, яхши итларнинг ризки сероб. Уй бекаси бахтиёр, фарзандлар шодмон. Ҳамиша олов гуруллаб туради. Тирикликнинг гўзал ҳар бир ҳодисаси яхшиликка қовушади. Бундай жой дунёдаги иккинчи бахтиёр заминдир.

- Эй, оламини яратган Зот!

Эй, ҳақиқат!

Замини ҳаммадан кўра бахтлироқ бўлган дунёдаги учинчи жой қаер?

Аҳура Мазда жавоб берди:

- Эй, Сипийтмон Зардушт!

Бундай жой бир Ашаван ҳаммадан кўра буғдой, ёғ ва мевали дарахтлар эккан, одамлар қуруқ ерларга сув чиқарган, сувли ерларни шудгор қилган заминдир.»

- Эй, оламини яратган Зот!

Эй, ҳақиқат!

Замини ҳаммадан кўра бахтлироқ бўлган дунёдаги тўртинчи жой қаер?

Аҳура Мазда жавоб берди:

Бундай жой қўйлар суруви ва тевалар уюри энг кўп парвариш қилинадиган заминдир.

- Эй оламини яратган Зот!

Эй, ҳақиқат!

Замини ҳаммадан кўра бахтлироқ бўлган дунёдаги бешинчи жой қаер?

Аҳура Мазда жавоб берди:

Бундай жой сернасл қўйлар ва тевалар яшайдиган заминдир!»¹

¹ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош

Инсон ризқ-рўзининг асосий манбаи бўлган Ернинг нопок бўлишига аждодларимиз асло йўл қўйишмаган. Ерни эҳтиромла эъзозламаган, кишилар ахлоқий қоидалар бўйича гуноҳкор ҳисобланган, қонун бўйича жазоланган.

«Авесто»да тозаликка роия қилиш, мурда теккан либос, тўшак, ерларни қатрон қилиш, ит ўлиги теккан сув ва идишларни поклаш хусусида шундай дейилган:

- Эй, оламини яратган Зот!

Эй, ҳақиқат!

Кимда-ким одамлар ва итлар жисмини тупроққа топшириб, олти ойгача тупроқдан олмаса, бу гуноҳнинг жазоси нечук?

- Беш юз қамчин аспоҳиҳ-ашатра билан, беш юз қамчин саравушу-чарана билан саваланади!»¹

Аждодларимиз белгилаган қоидага кўра, итлар ва одамлар ўлган заминда бир йилга қадар ҳеч нарса экилмаган. «Бирор-бир маздапараст то бир йилга довур итлар ва одамлар ўлган замин парчасига на дон сепа оладилар, на сув қуядилар. Бироқ ўлик замин парчасидан бошқа қисмига дон сочишлари ва сув қуйишлари мумкин.

- Итлар ва одамлар ўлган заминда бир йил тўлмайдон сочиб, сув қуйган кимсанинг гуноҳи ўликни сувга, тупроққа ва гиёҳлар юзига ташлаган кимсанинг ёзуғи билан баробардир»².

Бобокалонларимиз сувни исроф қилиш, ҳавони заҳарлаш мумкин эмаслигини доно ўғитлари, ҳикматли сўзлари орқали кишилар онгига етказганлар, сувнинг оби-кавсарлиги, сувсиз жойда ҳаёт тугаб, тараққиёт барбод бўлиши ҳақида бундан уч-тўрт минг йиллар олдин башорат қилиб, келгуси авлодларни огоҳлантирганлар. «Авесто»да «шахс ҳар куни экинни икки марта суғориш мумкинлиги, ҳар бир экин экувчи бир белкурак кенглик ва чуқурлигидаги ариққа сиғадиган сув олишга ҳақли эканлиги, сувни тақсимлаш билан қоҳинлар шуғулланиши, сувни ифлослантирмаслик лозимлиги ҳақидаги

таҳририяти, 2001, 112-113-бетлар.

¹ Ўша асар, 115-бет.

² Ўша асар, 128-бет.

қоидалар битилган. Бу қоидаларни бузган шахсларга нисбатан мажбурий меҳнатга жалб қилиш жазоси белгиланган»¹.

«Авесто» - сув бор ерда ҳаёт борлигини, сув ва ҳаво барча жонли организмлар мавжудлигининг асоси, уларсиз замину коинотга, набототу ҳайвонот дунёсига ва одамзотга ўнглаб бўлмас путур етиши муқаррар эканлиги хусусида таълим-тарбия, ҳаётий сабоқ берувчи қомусий асардир. У наинки аждодлар, ота-боболар учун кадрли бўлган, балки ҳозирги ва бўлғуси авлодлар учун ҳам қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Битмас-туганмас жавоҳирлар кони, жамики ноз-неъматлар хазинаси ҳисобланган, эғнимизни бут, қорнимизни тўқ қиладиган ерни, тупроқни севиш зарурлиги ҳақидаги маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий ўғитлар, йўл-йўриқлар аждодларимиздан ҳозирги авлод кишиларига қолиб келаётган бебаҳо мерос, миллий маънавий қадрият, бебаҳо маънавий бойлик, ҳикматлар хазинасидир.

Ўзбекистон Президенти томонидан таъкидлаганидек, «Ер, ҳаво, сув ва олов (Қуёш) Ўрта Осиёда қадимдан эъзозланиб келинган, аждодларимизнинг зардуштийликдан тортиб то Исломгача бўлган барча динлари томонидан муносиб қадрланиб келинган»².

Инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, инсонни азиз ва муқаррам, барча мавжудотларнинг тожи ва фазилат эгаси сифатида эъзозлаш, Яратувчи олдида барча инсонларнинг тенглиги ва эркинлигини таъминлаш **Ислом таълимотида**, унинг муқаддас китоблари - Қуръон ва Ҳадисларда устуворлик қилади. Қуръони Карим Аллоҳ томонидан ўз пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга вассаламга йигирма уч йил мобайнида пешма-пеш туширилган ваҳий бўлиб, унинг 114 катта-кичик суралари, 6210 оят, 77474тадан иборат сўзларида инсонлар учун зарур бўлган йўл-йўриқлар, ахлоқий қоидалар, ҳикматлар ўз ифодасини топган³.

Қуръони Карим — Исломнинг Асосий Қонунидир. Унинг турган-битгани

¹ А.Саидов, А.Жузжоний. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. Т., «Ижтимоий фикр», 1998, 27-бет.

² Ислом Каримов. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. Т.: «Ўзбекистон», 1997, 145-бет.

³ Қаранг: Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги, Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. «Тошкент ислом университети» нашриёти 2002, 64-бет

мўъжизадир. У — илоҳий таълимотдир. Қуръоннинг энг муҳим ҳикмати — ундаги ҳар бир сўз, ҳар бир ҳикмат, қоида ва таълимотнинг инсонлар учун ўта зарур ва муҳимлигидир. Аллоҳ Каломида таъкидланишича, одоб-ахлоқ охираат неъматларига етказувчи асосий омилларидан биридир.

Инсонни яхшилик-эзгуликка бошлайдиган ҳамда уни разолатга элтадиган хулқлар мавжуд. Ўзаро душманлик ва келишмовчилик — тараққиёт душмани. Фитна ва фасод, тўқнашув ва олишув, қон тўқишлар жамият ва инсонлар учун қони зарардир. Ғийбат ва фисқу-фасод, беҳуда сўз айтиш, гап тарқатиш, номаъқул сўзлар сўзлаш, айирмачилик, ғавғо кўтариш, бир мусулмоннинг бошқасини кўролмаслиги, мусулмон-мусулмоннинг умрини хазон қилиши гуноҳи азимдир.

Каломи Аллоҳда эҳсонли, қўли очик, бағри кенг, мурувватли, кенг феълли, саховатли бўлиш, эртадан оқшомгача, уйдан иш жойигача, бешиқдан қабргача инсоннинг ҳар бир лаҳзаси иймонли бўлишга ҳаракат қилиши чинакам эзгуликдир, деб қаралади. Кимда-ким одамлардан ҳиммати, мурувватини аямаса, саховат эшигини бекитмаса, бундан энг аввало унинг ўзи катта наф кўради, маънавий қониқиш ҳосил қилади, руҳи кўтарилади. Қуръонда эҳсоннинг фойдаси эҳсон қилувчининг ўзига бўлиши айтилган. Унда айтилишича, агар эҳсон қилсаларингиз ҳам, ёмонлик қилсаларингиз ҳам ўзингиз учун.

Аллоҳ Каломида эзгулик қилиш, эл-юртга фойда келтириш, ёмонларни нотўғри йўлдан қайтариб, тўғри йўлга солиш юксак маънавий фазилат, ҳуқуқий, одоб-ахлоқлилиқ белгиси сифатида эъзозланади. Эзгу ниятли, қалби пок, хулқи гўзал, иймони бутун одамлар яхшилик қилишни ўзи учун энг катта мақсад, олижаноблик деб билади. «Кимки бир яхшилик қилса, унга ўша яхшилиги ўн баробар қилиб берилади». Инсон эзгулик ишларини қанча кўп қилса Яратганнинг ўзи уни бало қазолардан асрайди, унга куч-қудрат ато этади, йўлини очиб беради. Бу масалада Президентимизнинг мана шу фикрлари катта илмий, таълим-тарбиявий аҳамиятга эга: «Савоб — улуғ инсоний фазилат, юксак миллий қадриятлардан биридир. Менинг қомил ишончим шуки, савоб ишни ҳар

ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак.

Савобли амаллар қилиш эса халқимизга хос азалий хислатдир.

Савобли ишларни қилган одамга унинг элу юртига албатта Аллоҳнинг раҳматлари ёғилади. Муқаддас Қуръоний оятда таъкидланганидек, яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир.

Биз эзгу ишларни қанча кўп қилсак, улуғ аждодларимизнинг иззат-икромини жойига қўйсак, уларнинг табаррук номларини бутун дунёга тараннум этсак Яратганнинг ўзи бизни бало қазолардан асрайди, бизга куч-қудрат ато этади, йўлимизни очиб беради»¹.

Қуръонда инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ғояси етакчилик қилади. Унда ота-оналарнинг фарзандлар тарбияси масаласи бўйича бурчлари, масъулиятлари нималардан иборатлиги белгиланган. Таъкидланишича, «ота-оналик ҳуқуқини қозониш учун бола туғулишининг ўзи кифоя қилмай, балки уларга таълим-тарбия бериш энг муҳим шартлардан биридир. Фарзандга одоб-ахлоқ ўргатиш, уни касб-ҳунарли қилиб тарбиялаш, балоғатга етганда ўғил бўлса уйлантириш, қиз бола бўлса турмушга чиқариш, уларни моддий ва маънавий таъминлаб туриш каби сермашаққат вазифалар ҳам ота-оналар зиммасидадир»².

Қуръони Каримда фарзандларнинг ота-оналар олдидаги вазифалари ҳам баён этилган. Бу ҳақда унинг Ал-Исро сураси, 23-оятда шундай дейилган: «Парвардигорингиз, ёлғиз Унинг ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг (ота-онангизнинг) бирови ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб «уф» тортма ва уларнинг (сўзларини) қайтарма! Уларга доимо яхши сўз айт...!»

Қуръони Каримда инсонни улуғлаш лозимлигига оид қоидалар бўйича муҳим кўрсатмалар мавжуд. Унда қуйидагилар марҳамат қилинади:

¹ Ислон Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. 7-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 183-184-бетлар.

² О.Хусанов, О.Каримова, Ҳ.Азизов, Ҳ.Тўйчиева, З.Каримов. Инсон ҳуқуқлари. Т.: «Шарқ», 1997, 20-бет.

«Бандаларимга айтингки, улар энг гўзал сўзлардан сўзлашсинлар», «Биз одам болаларини азиз—мукаррам қилдик, уларга ҳалол-пок нарсалардан риску-рўз бердик ва уларни ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қўйдик», «Ер юзида кибр-ҳаво билан юрмагин! Чунки сен ҳаргиз ерни тешиб кетолмайсан ва бўй-бастда тоғларга етолмайсан», «Эй мўминлар, сизларга ризк қилиб берганимиз - покиза нарсалардан енглар», «Одамларни алдаб фитнага солиш ўлдиришдан ёмонроқдир», «Аллоҳ зулм қилувчиларни севмайди», «Зинога яқинлашманглар! Чунки (бу) бузукликдир - энг ёмон йўлдир».

Қуръон одамларни ҳақ йўлдан боришга, ноҳақликни тарк этишга даъват этади. «Эй мўминлар, молларингизни ўрталарингизда ноҳақ (яъни ўғирлик, қароқчилик, судхўрлик, порахўрлик, қимор каби) йўллар билан емангиз! Балки ўзаро ризолик билан бўлган савдо-сотик орқали мол-дунё касб қилингиз..! (Нисо сураси, 29-оят), - деб таъкидланган.

Бахиллик йўлини ташлаб саҳийлик томон юз ўтирганлар Аллоҳ Каломидан нажот топгувчилар, дейилган. «Кимки бахиллик ва зикналикдан сақланган бўлса, ундай кишилар нажот топгувчилардир».

Ислон дини, унинг илоҳий манбаи ҳисобланган Қуръон ҳар ишда ростликка, омонатни сақлашга, кўни-қўшнилари ҳақини билишга буюради. Зулм-хиёнат қилишни, уруш-талаш, ноҳақ қон тўкишларни, ёлғон сўзлаш, тухмат қилишларни, бузукчиликлару ҳаром ишларни, етим-есирлар молини ейишни, инсонлар ҳақиға кўз олайтиришни қоралайди. Макр-ҳийла, зулм-хиёнат, ҳасад, бузукчилик, жаҳолатда яшаш, ҳаром-ҳалолни фарқиға бормай ейиш, қароқчилик қилишларни таъқиқлайди. Уларнинг ҳаммаси ғайри исломий, ғайри инсоний, ғайри ахлоқий, ғайри қонуний иллатлар сифатида қораланади.

Қуръоннинг аксарият суралари ва оятларида инсонларнинг билим олиши, маърифатли бўлиши қайта-қайта уқтирилган, билимлилар билан билимсизларни тенглаштириб бўлмаслиги айтилган. Унинг оятларидан бирида, Аллоҳ таоло сизларнинг орангиздаги иймон келтирганларни ва илмни юксалтирганларни бу дунёда ёрлақаб, мартабасини улуғ қилгайдир, охиратда жаннатга кирмоқликни насиб этгусидир, Аллоҳ таоло қилаётган ишларингиздан

хабардор, дейилган. «Алак» сурасининг учинчи-бешинчи оятларида, «Ўқинг! Сизнинг Парвардигорингиз (инсониятга) қаламни (яъни қаламни, хатни) ўргатган ўта карамли Зотдир. У Зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатади», дейилган. Қуръонда «илм» сўзи турли ҳолларда бир неча марта такрорланган. Ана шунинг ўзи ҳам илм, маданият, маънавият, маърифат ҳақидаги ғоялар Қуръони Каримнинг бутун руҳи, мазмуни, мағиз-мағизигача чуқур сингдириб юборилганлигини кўрсатади. Қуръонда илк нозил бўлган оят ҳам «ИкрО», яъни «Ўқи» сўзидир.

Қуръони Каримда маънавий-маърифий, диний-ахлоқий масалалар билан бир каторда ҳуқуқий йўл-йўриқлар ҳам ўз ифодасини топган. Фикҳий-ҳуқуқий масалалар бўйича Қуръонда жуда кўплаб оятлар мавжуд. Буни бу илоҳий китобда амалий ибодатлар бўйича 140 оятлар, шахсий ҳуқуқ (оила, талоқ, васият ва бошқалар) бўйича 70 оят, фуқаролик ҳуқуқи (олти-сотди, ижара, гаров, қарз, ширкат) бўйича 70 оят, жиноят ва жазо бўйича 30 оят, суд, суд жараёни, гувоҳлик масалалари бўйича 20 оят, давлат ҳуқуқи соҳасида 3 оят, ҳаммаси бўлиб 333 оят борлигидан билиб олса бўлади. Кўриниб турганидек, Қуръон фақатгина ақидавий-ғоявий манбагина эмас, балки қонун ва ахлоқ ҳамдир. Бу Қуръоннинг буюк мўъжизаси ҳисобланади¹.

Қуръони каримда ўғирлик, босқинчилик, қасддан одам ўлдириш, тан жароҳати етказиш, порахўрлик, зино, тухмат, жосуслик, исён, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, ота-онанинг қасддан ўз фарзандини ўлдириши, судхўрлик жиноятнинг оғир турлари сифатида қайд этилиб, уни содир этганлар жазога мустаҳиқлиги таъкидланган. Ҳар бир жиноятчи ўз жиноий қилмишига яраша жазоланиши, бошқача айтганда, пайғамбаримизнинг «Ал қасосу минал ҳақ» - «қасос ҳақдир», яъни жиноят жазога сазовордир, деган ҳадисларига асосан иш тутиш ғояси илгари сурилган. «Моида» сурасининг 33-оятида, «Албатта, Аллоҳ ва пайғамбарларига қарши урушадиган ва ерда бузғунчилик қилиш ҳаракатида юрадиган кимсаларнинг жазоси ўлдириш ёки дорга осилиш ёки оёқ-қўллари тескарисига (яъни ўнг қўл ва чап оёқ ёки чап қўл билан ўнг

¹ Қаранг: Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Кўрсатилган асар, 64-65-бетлар.

оёқ) кесилиши ёхуд ўз ерларидан сургун қилинишларидир. Бу жазо улар учун бу дунёда расволик-шармандалик бўлур. Охиратда эса улар учун улуғ азоб бордир», дейилади. Ўша суранинг 38-оятда, «ўғри эркакни ҳам, ўғри аёлни ҳам қилмишларига жазо бўлсин учун, Аллоҳ томонидан азоб бўлсин учун қўлларини кесинглар», - дейилган бўлса; 45-оятда эса, «... жонга жон, кўзга кўз, бурунга бурун, кулоққа кулоқ, тишга тиш ва (яна бошқа барча) жароҳатларга ҳам қасос олинади, деб ёзиб қўйдик», - деб қайд этилган.

Каломи Аллоҳнинг «Нур» сураси 2-оятда, «Зинокор аёл ва зинокор эркак – улардан ҳар бирини юз даррадан уринглар. Агар сизлар Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмоқчи бўлсангизлар, Аллоҳнинг (бу) ҳукмида (яъни зинокорларни, дарралашда) сизларни уларга нисбатан раҳм-шафқат (туйғулари) тутмасин! Уларнинг азобланишига бир тоифа мўминлар гувоҳ бўлсинлар», - деб кўрсатилган. 4-оятда «Покиза аёлларни (зинокор деб) бадном қилиб, сўнгра (бу даъволарига тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсалар(ни) - уларни саксон дарра уринглар ва ҳеч қачон уларнинг гувоҳликларини қабул қилманглар! Улар фосиқ-итоатсиз кимсалардир», - деб тухмат жинояти учун жазо белгиланган.

Қуръонда диндан қайтиш, босқинчилик, зино, тухмат, одам ўлдириш, тан жароҳати етказиш жиноятлари учун жазо чоралари белгиланган. Судхўрлик қораланган, қарзларни вақтида тўлаш зарурлиги айтилган, ҳаром йўллар билан емангиз, дейилган. Гийбат қилиш, жосуслик, маст қиладиган ичимликлар ичиш, савдо-сотикда бирон нарсани ўлчаганда, тарозида нарса тортганда фирромчилик қилиш таъқиқланган. «Моида» сурасининг 32-оятда айтилишича, «... кимки бирон жонни ўлдирмаган ва ерда бузғунчилик қилиб юрмаган одамларни ўлдирса, демак, гўё барча одамни ўлдирибди ва кимки унга ҳаёт ато этса (яъни ўлдиришдан бош тортса), демак, гўё барча одамларга ҳаёт берибди».

Қуръони Каримнинг ҳар бир сураси ва оятидаги сўзлар, ўғитлар, йўл-йўриқлар одамзот учун доимий қўлланмадир. Бунга унинг «Бақара» сураси 179-оятдаги «Сизлар учун қасосда ҳаёт бор, эй аҳли донишмандлар! Шояд жиноятлардан сақлансангизлар», дейилган Аллоҳ Каломини мисол сифатида эслатиб ўтса бўлади.

Пайғамбаримизнинг ҳикматли сўзлари йиғиндисидан иборат бўлган Ҳадислар Қуръони Каримдан кейин Ислом дини ва шариатнинг иккинчи асоси сифатида мусулмон дунёсида эътироф этилган. Ҳадислар айрим бир масалаларнигина ўзида акс эттирган ғоялар, таълимотлар йиғиндиси эмас. Ҳадисларни қомуслар қомуси, ҳикматлар ҳикмати, инсоният ақл-идроқи, тафаккури ва фалсафий фикрларининг дурдонаси, гавҳари деб олий даражада таърифланишининг боиси, уларда Сарвари Коинотнинг сифатлари ва гўзал одоб-ахлоқларининг фавқулодда теран ва мукаммал ифодаланлигидир.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг мулойимликлар, бағри кенгликлар, кечиримликлар, шарм-ҳаёликлар, ўч олиш ўрнига авф этишлари, қийинчиликларни чидам билан енгишлари, адолатпарварликлар, сахийликлари ва шижоатлари, хулласи калом, барча олижаноб инсоний фазилатлари Ҳадисларда чуқур ва ихчам ифодаланган.

Ҳадисларда инсон маънавий-ахлоқий камолотининг асосий йўллари ва мезонлари ҳам белгилаб берилган. Буни ул муборак Зотнинг куйидаги ҳикматларидан аниқ-равшан кўриш мумкин:

- Ҳамма мусулмонларнинг жони бирдур. Уларнинг энг тубани ҳам бировларни асраш куйида юради, душманга қарши (туришда) уюшқоқ бўлади.

- Инсонларнинг ҳаммаси тароқнинг тишларидек баробардир.

- Сен бировга раво кўрганни у сенга раво кўрмаса, бундай суҳбатдошликда хосият йўқ.

- Ҳар қандай шароитда Аллоҳга тақводор бўл, ёмонлик қилсанг уни яхшилик билан юв. Одамларга хушмуомалали бўл.

- Ҳар қандай ишнинг яхшиси - ўртачасидир.

- Инсон ҳаётига зарур ҳисобланган айрим нарсаларнинг оз бўлиши фазилатдир. Масалан: овқат билан уйқунинг ками шу жумлага киради. Кўп ейиш, кўп ичиш очкўзлик, шаҳватпарастлик нишонасидир.¹

Ҳадисларда диний эътиқодлар турли-туманлигига асосланиб кишиларни бир-бирига душман қилиб кўрсатиш, камситиш, ҳақорат қилиш катта гуноҳ

¹ Муҳаммад Хузарий. Нур — ул яқий. Т., «Чўлпон»- «Камалак». 1992, 259-бет.

экани кўрсатилган. Буни жаноби Расули Акрамнинг Вадо ҳажидаги видолашув нутқларидан билиб олса бўлади. «Эй одамлар! Яратган худойинглар бирдир. Барчанглар бир Аллоҳнинг бандаларидирсиз. Отанглар бирдур. Ҳаммангизлар Одамдан тарқалдинглар, одам тупроқдан яратилди. Ким такволи бўлса, Худо олдида кадрлик шудир. Арабнинг Ажамдан ортиқлиги йўқдир. Ким такволик эрса, шу ортиқдир. Шунини яхши билингки, ҳар мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Айни (тенг) ҳақларга эгадирлар. Дин биродарларингизга оид бўлган ҳар қандай бир халққа тажовуз этиш, кўнгил ризоси бўлмагунча, бошқа биров учун ҳалол бўлмас. Ҳақсизлик қилманг! Ҳақсизликка бўйин ҳам эгманг! Одамларнинг ҳақларини еманг! Мендан зинҳор кейин кофирларга ўхшаб бир-бирингиз билан бўғишманг!»

Ҳадисларда миллатлараро можаролар, қонли тўқнашувлар, миллат ажратишлар қораланган. Ҳар хил миллат вакилларини, гарчи динлари ва диний эътиқодлари ўзаро фарқ қилса-да, бир-бирларининг тиллари, тарихлари, маданиятлари, миллий урф-одатлари ва қадриятларини билиш ва ҳурматлашга, ўзаро тотув бўлиб яшашга даъват этилган.

Исломда айтилганидек, юртда осойишталикни сақлаш, урушганларни яраштириб қўйиш, одамларнинг ўртасини бузмаслик савоблиги жиҳатидан нафл (қўшимча) рўза тутиш, намоз ўқиш, садақа қилишдан ҳам афзалдир.

Ҳадисларда бошқа динларга мансуб бўлган кишиларга тазйиқ ўтказиш, қоралаш катта гуноҳ экани айтилган: «Кимки мусулмон мамлакатада яшовчи бошқа динга мансуб кишини ҳақорат қилса, қиёмат куни ўтдан ясалган қамчи билан саваланади», «Кими сулҳ битими билан яшаётган ғайридинни ўлдирса, у жаннатнинг бўйини ҳам ҳидламайди», «Қора танли халқларни ҳам дўст тутаверинглар, зеро, улардан учтаси жаннат аҳлининг улуғларидан бўлувлар: Луқмони Ҳаким, Нажоший, муаззин Билол Ҳабаший».

Ҳалоллик, поклик, ҳаромдан ҳазар, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмаслик, меҳнат қилиб нон ейиш, таъмагир бўлмаслик, пора олмаслик Ислом таълимотидаги ахлоқий қонун-қоидаларнинг муҳим тамойилларидандир. Ҳадисларда айтилишича, «ҳалол ризқ ҳар бир мўмин учун вожибдир», «Поклик

- иймондандир», «Ҳаром нарсалардан сақланинг — одамлар ичида ибодат-лироғи бўласиз. Аллоҳнинг тақсим қилган ризқига рози бўлинг – одамларнинг бойроғи бўласиз», «Аллоҳ Таоло покдир, покизаликни яхши кўради, у сахийдирки, сахийликни яхши кўради, ҳовли, сахн ва турар жойларингизни тоза тутинглар....», «Пора берувчи ҳам, уни олувчи ҳам дўзахга маҳкумдир», «Одамларнинг кўлидаги нарсадан умид қилманглар, таъмагирликдан сақланинглар, у нақд фақирликдир».

Ислом таълимотида адолатли подшоҳлар, элу юрт ташвишида куйиб-ёнадиган, эл ғамини ўз ғами деб биладиган юртбошиларни эъзозлаш, белгилаб берган йўл-йўриқларига қатъий амал қилиш зарурлиги хақида қимматли фикрлар, қоидалар баён этилган. Ҳадисларда баён этилган мана бу ақидалар бунга яққол мисол бўлади: «Подшоҳ бамисоли Аллоҳнинг ердаги соясидир. Кимки уни иззат-икром қилса, Аллоҳ таолони иззат-икром қилган бўлади. Агар кимки уни хорласа, гўё Аллоҳни хорлаган бўлади», «Подшоҳларингиз яхши одамлардан, бойларингиз сахий ва ишларингиз эркаклар билан бамаслаҳат бўлса, сизлар учун ернинг остидан кўра усти афзалдир. Акс ҳолда ерни устидан ости афзалдир», «Қиёмат куни қаттиқ жазоланадиган одамлардан бири - бу золим подшоҳдир».

Ҳадисларда жоҳилият даврининг чиркин одати – фоизчилик таъқиқланган, судхўрлик гуноҳ ҳисобланган. Қарздорлар қарз берган кишиларга фақат улардан олган пулинигина тўлайдилар, кимнинг ёнида бир омонат бўлса, уни эгасига қайтариб берсин, ҳадяларга ҳадя ила жавоб берилур, дейилган.

Табиатга меҳр-муҳаббат, теварак-атрофни, сувни, ҳавони, тупроқни, ҳайвоноту набототни покиза сақлаш ҳадислардаги асосий ғоялардан бўлиб ҳисобланади.

Табиатни, курраи заминни обод ва гўзал қилиш, ер юзидаги барча ноз-неъматларнинг қадрига етиш ҳар бир одамзотнинг инсоний бурчидир. Қуръондаги оят ва сураларда, Ҳадисларда ҳайвонот ва наботот оламини, табиат ва табиий муҳитни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш, мувозанатини бузмаслик, исроф қилмаслик тўғрисида шундай зарур кўрсатмалар, фалсафий таълимотлар мавжудки, уларнинг маъноси ва моҳияти билан танишсак, гўё улар бундан

қарийб ўн беш аср муқаддам бугунги кунларни назарда тутиб айтилганлигига тўла ишонч ҳосил қиламиз.

Исломда баъзи турдаги ҳайвонларни ов қилиш, дарахтларни кесиш, ўсимликларни нобуд қилиш ман қилинган. Шунингдек, унда ким ов қилиб, қасддан ҳайвонларни ўлдирса, унга ўлдирилган жонзод учун жазо берилади ёки жарима солинади, дейилган.

Ҳадисларда таъкидланишича, қайси бир мўмин биронта экин экса ёки мевали дарахт ўтказса-ю, улардан қушлар, одамлар ёки ҳайвонлар баҳраманд бўлса, бу унинг садақаси ҳукмида бўлади.

Соясидан халқ фойдаланиб турган дарахни кесиб юборган одам, Ҳадиси Шариф ҳукми бўйича дўзахга маҳкум этилади. Ҳадислардаги «Экмак ниятида қўлингизда кўчат турган пайтда беҳосдан қиёмат қоим бўлиб қолиши аниқ бўлганда ҳам, улгурсангиз уни экиб қўяверинг», деб уқтирилган фикрнинг қанчалик муҳим ва зарурлигини айтиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Ислом аёлга унинг табиий ҳақ-ҳуқуқларини олиб берди, тириклайин кўмиладиган қизалоқларга ҳаёт берди, тарихда биринчи бор аёлнинг мавқеини кўтарди. «Ва яхши ҳолатларда улар, яъни аёллар учун эрлари олдидаги бурчлари баробарида ҳуқуқлари ҳам бор», дейилади Қуръонда.

Расули Акрам Вадо ҳажида айтган хутбаларида (632 йил): «Эй, инсонлар! Аёллар борасида Аллоҳдан кўрқингиз! Сизнинг хотинлар устида ҳақларингиз бўлганидек, уларнинг ҳам сизнинг устингизда ҳақлари бордир!» дея марҳамат қилганлар. «Аёлларингиз билан яхши яшанглар!» деб эркакларни огоҳлантирганлар. «Чунки, сиз уларни Аллоҳнинг омонати ила олдингиз. Аллоҳнинг калимаси ила жуфти ҳалол бўлдингиз, яхшилик билан уларнинг ризқ-рўзи ва кийим боши сизга вожибдир».

Ислом хотин-қизларга катта ҳақ-ҳуқуқлар берди, тенгсизликни тугатди. Уни юксак даражада эъзозлади. Ҳадислардаги «Кимнинг учта қизи бўлса, тарбиясини яхши қилса, Аллоҳ таоло уни қиёмат кунида жаннатга киритади», деган ажойиб сўзлар бор. Қизларни парваришlash, кийинтириш, тарбияlash, вояга етказиш ота-онанинг, аканинг бурчи эканлиги таъкидланган. Оналарни

хурмат қилиш фарзандларнинг бурчи эканлиги ҳақида Ҳадисларда бот-бот айтиб ўтилган. Пайғамбаримиздан бир йигит, мен онамними ёки отамни хурмат қилай, деб сўраганда у Зоти муборак, «Аввало онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилик қил», деб жавоб берганлар.

Ислом эркакларга ўз аҳли аёлларини ҳар доим хурмат қилишга, дилларини ранжитмасликка даъват этади. Ҳадисларда бу ҳақда қуйидаги фикрлар айтилган: «Сизларнинг яхшиларингиз ўз аҳлу аёлига яхши муносабатда бўлганларингиздир. Мен сизлардан кўра ҳам ўз аҳлу аёлимга яхшиман.

Хотинларни фақат яхши одамларгина иззат-икром қилур, аҳлу аёлларни фақат ёмон одамларгина хор-зор қилур».

Ислом жаннат оналарнинг оёқлари остида, деб таълим беради. Бу онангни ризосини олсанг, онангни эҳтиром қилсанг, унга иззат кўрсатсанг жаннатга киришинг муқаррар, деган маънони англатади. Ана шундай юксак ахлоқий мезонни, ижтимоий кадр-қиммат ва маънавиятни аёлларга Ислом келтирди.

Ҳадисларда жамиятнинг мустаҳкамлиги оилага, аёлларга, уларнинг иймон-этиқодига, вафодорлигига, фарзанд тарбиясига боғлиқлиги алоҳида таъкидланган. Бу ҳақда шундай дейилади: «Аёл диёнати, молу дунёси ёхуд жамоли учун никоҳ қилинади. Сен диёнатлигини танлагин, барака топкур». Бу ўринда диёнат каби етук ахлоқий фазилатлар яхши оила қуришнинг энг асосий мезони деб кўрсатилган.

Ислом таълимотида умуман инсонларнинг, хусусан аёллар, қизларнинг одоб-ахлоқи, камтарлиги, шарм-ҳаёси, иффат, ор-номуси масалаларига ҳам алоҳида аҳамият берилган. Унда ҳаё — иймондадир, ҳаё доимо яхшилик келтиради, деб таъкидланган.

Исломий қадриятларнинг энг муҳим томонларидан бири – ота-онага иззат-хурмат ва садоқат кўрсатиш фарзандларнинг инсоний бурчлари эканлигини таъкидлашдир. Ҳадисларда бу ҳақда шундай ажойиб маъноларни учратиш мумкин: «Отага итоат қилиш – Аллоҳга итоат қилишдир, унга гуноҳкор бўлиш Аллоҳга гуноҳкор бўлиш билан баробардир». Демак, фарзанднинг муқаддас бурчи волидаи қиблагоҳини эъзозлаш, унинг хизматига доимо шай туриш, рози

қилишдир. «Ота-оналарнинг кексалик вақтида ҳар иккиси ёки бири бўлмаганида, бошқасини рози қилиб, жаннати бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин».

Бизларни дунёга келтириб, таълим-тарбия бериб, эъзозлаган буюк зотлар - ота билан онанинг бир умр хизматида бўлиш фарзандларнинг қарзи, асосий инсоний бурчи эканлигини Ҳадислардаги мана бу мисолдан ҳам билиб олиш мумкин: «Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар: Бир одам Набий саллоллоҳу алайҳи васалламга: «Жиход қилмоқчиман» - деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Отананг борми?», дедилар. У «Ҳа», деб айтди. Жаноб Расулуллоҳ. «(Аввал) отанангни хизматини қилиб, розилигини олгин, сўнг жиход қилгин!» - дедилар»¹.

Умуминсоний, дунёвий қадрият бўлган ислом таълимотида бошқа динларга, мазҳабларга мансуб кишиларнигина эмас, ҳатто золимларни, бузуқларни ҳам сабр-тоқат билан тарбиялаб, тўғри йўлга солиш энг савобли, эзгу ишлар сифатида уқтирилган. «Расули Акрам (с.а.в.): «Биродарларингиз хоҳ золим, хоҳ мазлум бўлсин, уларга ёрдам беринглар», деганларида саҳобалар «мазлумгаку ёрдам берамиз, золимга ёрдам беришлик қандай бўлади?» деб сўрашди: золимни зулм қилишдан тўхтатиб қолсангиз, шу унга берган ёрдамнингиз бўлади», деб жавоб берган эканлар.

Ҳадиси Шарифдаги «Ўғирлик қилма», «Пора олма», «Ёлғон сўзлама», «Зино қилма», «Ўзингга раво кўрганни бошқаларга ҳам раво кўр», «Очларга овқат беринг, беморларни бориб кўринг ва ҳожатмандни ҳожатини чиқаринг», «Нонни эъзозланг», деб зикр этилган ҳикматлар умумбашарий ахлоқий қадрият сифатида жаҳондаги жамики халқлар, элатлар, миллатларга тааллуқлидир.

Маърифатпарварлик ғоялари жаҳондаги барча динларда бўлгани каби Исломда ҳам устуворлик қилади. Буни айниқса, унинг илмга муносабати масаласида яққол кўриш мумкин. Илм билан шуғулланишни, уни ривожлантириш, олимларни ҳурмат қилишни Расулуллоҳ жуда кўп таъкидлаганлар. Ҳадиси Шарифда бу ҳақда қуйидаги ибратомуз фикрлар баён этилган: «Илм эгалланг!

¹ Имом ал-Бухорий. Эр ва асл бурчи. Сайланма ҳадислар. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат нашриёти, Т., 1998, 7-бет.

Илм - саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғизлик дамларида - йўлдош, бахтиёр дақиқаларда - раҳбар, қайғули онларда - мадаккор, одамлар орасида зебу зийнат, душманларга қарши курашда - қуролдир», «Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир», «Бешикдан то қабрга киргунларингизча илм излангиз»; «Илму ҳунарни Хитойдан бориб бўлса ҳам ўрганинглари», «Олимнинг сиёҳи шаҳид қонидан афзалроқдир», «Илмни мушриклар оғзидан бўлса ҳам ўрганинглари», «Ер юзидаги уламолар бамисоли осмондаги юлдузлар кабидир. Ерда ҳам, сувда ҳам уларга қараб йўл топилади. Юлдузлар ботса йўловчилар ададиши мумкин», «Ёшлиқда олинган илм тошга ўйилган нақш кабидир».

Маънавиятли-маърифатли инсоннинг, илмга амал қиладиган олиму фузалоларнинг жамият тараққиётига кўрсатадиган таъсири катта эканлиги ислом таълимотида алоҳида таъкидланган. Пайғамбаримиз кўпгина ҳадисларида мўминларни ўқиш-ёзишга, илм ўрганишга ва ўргатишга чақирганлар «Илм ўрганмоқ Аллоҳ ҳузурида нафл (қўшимча) намоз, рўза, садақа, ҳаж ва Азизу Жалил Аллоҳ йўлида жанг қилишдан ҳам афзалдир».

Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифга асосланган Ислом таълимоти, исломий кадриятлар, ислом ҳуқуқшунослиги Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, шайхулислом Бурҳониддин Марғиноний, Маҳмуд Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрори Валий, Фаробий, Абу Али ибн Сино, Беруний, Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Фасиҳ Ҳавофий, Муҳаммад Ғаззолий сингари сиймоларнинг дурдона асарларида ижодий ривожлантирилди.

Туронзамин нафақат мусулмон олами, балки бутун дунё эътироф этган, Аллоҳ таоло берган ақл-заковати билан Ислом ҳуқуқшунослиги илмида ўзига хос мактаб яратган буюк алломалар юртидир. Ана шулар орасида буюк фақиҳчи-муҳаддис **Имом Бухорий ҳазратлари муҳим ўрин тутди.**

Фиқҳ-муҳаддислар ичида энг машҳури, Ислом оламининг ифтихори, улуғ ватандошимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил Бухорий (810-870)дир. Нафақат ўзбек халқининг, балки бутун мусулмон оламининг ҳам фахр-

ифтихори ҳисобланган Имом ал-Бухорий ҳазратлари ўз даври илм-фани, айниқса диний илмларни ҳар томонлама ўрганганлар. Илмларини чуқурлаштириш ниятида юртма-юрт кезганлар. Ҳижози Шарифда қирқ йилдан кўпроқ яшаб «Ал-Жомий ас-Саҳиҳ» номли олти жилд ҳадис тўплами битганлар. Бу ҳақда Имом ал-Бухорий: «Китобимни ёзиш учун Шошга, Мисрга ва Жазоирга икки марта, Басрага тўрт марта бордим. У ерда беш йил, Ҳижозда олти йил турдим. Куфа билан Бағдодга муҳаддислар билан биргаликда неча марта борганимни ҳисобламаганман. Агар ёдимдан чиқмаган бўлса Бағдодга етти марта бордим. Бундан ташқари Хуросон ва унинг шаҳарлари Марв, Балх, Ҳирот, Нишопур, Машҳад, Рай, Жиболу, Хуросон, Ар-Фиёд, Қоҳира, Фарабр каби бир қанча шаҳарларда бўлиб, у ердаги аллома шайхлардан, олимлардан, таниқли муҳаддислардан ҳадис ёзиб олдим ва шуларнинг исноди асосида китобимни битдим»¹, - деганлар.

Буюк аллома ана шу илм марказларида бўлиб, машҳур олимлардан фикҳ илмидан, ҳадислардан таълим оладилар, йирик олимлар даврасида илмий баҳслар, мунозараларда қатнашадилар. Макка ва Мадинада, Ироқ шаҳарларининг барчасида бўлиб ҳадис ёзиб оладилар. Бу хусусда у кишининг ўзлари бундай деб айтганлар: «Мен бир минг саксонга уламодан ҳадис ёзиб олдим, уларнинг орасида ҳадис илмини билмайдиган биронта ҳам шахс йўқдир». Айни замонда ўзлари ҳам кўплаб шогирд етиштирганлар.

Илмий-тарих манбаларда у зоти муборокнинг етук ақлу заковати, ўткир зеҳн, кучли ҳофиза қувватини ёшлиқданоқ намоён этганлари қайд этилган. Аллоҳ таоло Имом ал-Бухорийга беҳад кенг ва зийрак қалб, кучли хотира ҳамда ўткир зеҳн ато этган. Ўн ёшларига қадар анчагина ҳадисларни ва кўплаб уламолар китобларини ёд олиб бўлганлар.

Қувваи ҳофиза ва хотираларининг ақл бовар қилмас даражада кучлилиги жиҳатидан ул кишига ўз давларида ҳеч кимса тенг келолмаган. Имом Бухорий илмга оид ҳар қандай китобни бир марта ўқигандаёқ ёдлаб олганлар. 600 минг

¹ Қудратилло Ҳайдар Нуротой. Бухоридан таралган нур. (Имом ал-Бухорий ҳақида). Самарқанд, «Сугдиён» нашриёти, 1999, 117-бет.

ҳадисни ёд билиш учун қандай ақл, билим кераклигини кўз олдимишга келтирсак ҳайрону лол бўлиб қоламиз. Ана шу жиҳатдан Имом ал-Бухорийни Аллоҳнинг ердаги мўъжизаларидан бири деб ёзганлар. Айтишларича, Имом ал-Бухорий болалик чоғларидаёқ етмиш минг ҳадисни ёддан билганлар, ҳар қандай ҳажмдаги китобни бир марта ўқибоқ ёдлаб олганлар¹. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳазратлари ҳали ўн ёшга етар-етмас пайтларида Қуръони Каримни ёд олиб, яна бир неча юзлаб ҳадисларни барча далил-далили билан хотираларида сақлаб юрганлар. Ўн икки ёшга кирганда тенгқурларидан ўзиб кетиб дарс берувчи атоқли мударрислар билан баҳс- мунозараларга бориб, уларнинг олқишларига сазовор бўлганлар.

Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий «Амирул мўминин» («Ҳадис илмида мўминларининг амири»), «Шайхул-ислом» («Мусулмонлар устози»), «Имомуд дунё» («Дунёдаги барча мўмин ва мусулмонлар имоми»), деган шарафли номга сазовор бўлган алломадир.

Атоқли олим Нажмиддин Комиловнинг таъкидлашича, «олим бутун ҳаётини ҳадис жамлашга бағишлади. Жуда кўп ҳадис йиғди. Баъзи тадқиқотчилар Имом Бухорий йиққан ва хотирасида сақлаб юрган ҳадисларнинг сони 700 мингдан ортиқ дейдилар. Муҳими шундаки, ул киши шунча ҳадисни неча такрорда (вариантда) борлиги, кимдан бошлаб кимга бориб тақалиши, яъни нечта ровий (айтувчи)дан кейин Пайғамбарга бориб етишини ҳам барча тафсилотлари билан хотирада сақлаган. Истаган пайтда биров савол берса, дарҳол қаторлаштириб, исботлаб бера олган. Бу, албатта, бир мўъжиза, Парвардигор ато этган улуғ қобилиятдир. Аммо Имом Бухорий бу миқдордаги ҳадисни фақат хотирада сақлаш ва қоғозга тушуриб жамлаш билангина кифояланмай, балки уларни чоғиштириб, тўғриси ни нотўғрисидан, ишончлисини шубҳалисидан ажратган. қийин ишонарли ҳадисларни мавзулар бўйича бобларга, китобларга тақсимлаган»².

¹ Имом ал-Бухорий-муҳаддислар султони. Нашрга тайёрловчилар Усмонхон хожи Темурхон ўғли ва Бахтиёр Набихон ўғли. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат нашриёти. Т., 1998, 31-бет.

² Нажмиддин Комилов. Маънавиятимиз сарчашмаси. - «Жаҳон адабиёти» журналы, 1997, 2-сон, 199-бет.

Имом ал-Бухорийдан авлодларга ниҳоятда бой ва қимматли илмий мерос қолган. Маълумотларга қараганда, у киши йигирмадан ортиқ асар ёзганлар. Мисол сифатида «Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ», «Ал-Адаб ал-Муфрад», «Ат-Таърих ал-Кабийр», «Ал-Мабсут», «Ал-Илал», «Ал-Куна», «А-Фавоид», «Казойос-саҳоба» каби асарларни келтириш мумкин. Улардан бир нечасигина бизгача етиб келган бўлиб, қолганлари ҳозирча номаълум.

Имом ал-Бухорийнинг номлари зикр этиб ўтилган буюк асарлари орасида энг буюги, шубҳасиз, унинг шоҳ асари «Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ»дир. Юртбошимиз таъбирлари билан айтсак, «Буюк ватандошимиз башариятга тенгсиз маънавий мерос қолдириб кетди. Бу мероснинг гултожи – энг ишончли ҳадислар тўплами – «Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ» Ислом динида Қуръони Каримдан кейин эъзозланадиган иккинчи манбадир. Бутун дунё мусулмонларининг эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғидир»¹.

«Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ» - узоқ йиллар давомида олиб борилган машаққатли ва ўта масъулиятли меҳнатнинг буюк самараси, йирик тадқиқотдир. Бу ҳақда Имом ал-Бухорийнинг ўзлари бундай деган эканлар: «Мен «Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳни» олти юз минг ҳадисдан ўн олти йилда тасниф этдим ва уни ўзим билан Аллоҳ таоло ўртасидаги аҳду паймонга вафо қилғонимнинг далили қилдим»².

Имом Бухорий ўзларининг ана шу асарларида 600 минг ҳадисдан фақат 7275 тасини киритганлари ҳақида шундай деганлар: «Ушбу китобимга фақат саҳиҳнигина киритдим ва бунга киритганларимдан (кўра) ташлаб юборган ҳадисларим кўп эди».

Олтмиш икки китоб ва бир неча юз боб ва саҳифалардан ташкил топган тўрт жилдли «Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ» битмас-туганмас маънавий хазиналар кони, ҳикматлар ҳикматидир. Буюк ватандошимиз Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий

¹ Ислом Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. 7-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1999, 185-бет.

² Имом Ал-Бухорий – муҳаддислар султони. Ўзбекистон миллий, «Энциклопедия» давлат илмий нашриёти. Т., 1998, 56-57-бетлар.

ҳазратларига пайғамбаримиз ҳадисларини тўплаб, ушбу табаррук китобни ёзиш насиб этди.

Дунёнинг энг улуғ диний уламолари «Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ» китобига ўз вақтида юксак баҳо беришган. Йирик ҳадисшунос Аҳмад ибн Ҳанбал «Шу пайтгача Хуросонда имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдек буюк аллома етишиб чиққан эмас! Ул кишининг китоби Қуръони Каримдан кейин турадиган бебаҳо асардир», - деган бўлса, Мовароуннаҳрлик кўзга кўринган муҳаддис Абу Закариё Яҳё ибн Жаъфар ибн Аъйон ал-Бухорий ал-Пойкандий эса, «Агар менинг ўз умримдан олиб имом Муҳаммад Исмоил ал-Бухорийнинг умрига қўшиш имконим бўлганида эди, мен ҳеч бир ўйламасдан шундай қилардим. Агар мен вафот этсам, оддий бир одам вафот этган бўлади, аммо Муҳаммад ибн Исмоилга бир гап бўлса, Аллоҳ ул кишининг умрини дароз қилсину, илму урфон барҳам топади. Ул зот яратган китобнинг баҳоси йўқдир»¹, - деб таъкидлаган.

Ислом дунёсининг буюк уламози Ал-Касталоний Имом Бухорийнинг «Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ»и ҳақида ўзининг дил сўзларини қуйидагича ифодалаган эди: «Унинг афзалликлари хусусига келсак, у бу борада яратилган китоблар ичида энг саҳиҳи ва ҳар бир замон уламолари томонидан кучоқ очиб қабул қилинган асардир. У барча илм-фан ва унинг соҳалари бўйича яратилган ҳар қандай асарлардан беқиёс даражада устун бўлиб, ўзининг афзалликлари ва аҳамияти жиҳатидан Ислом илмига доир китоблар орасида юлдузлар ичра қуёш янглиғ алоҳида ажралиб туради. Унга энг даҳо уламолар ҳам юксак баҳо берганлар, унинг фойдаси ҳисобсиз бўлиб, сира саноғига етолмайсан»².

«Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ» ҳам диний, ҳам дунёвий аҳамиятга молик асардир. У ҳар бир инсон дини ва мазҳабидан қатъи назар иймон-эътиқодли бўлишга, ҳалоллик, поклик, ростгўйлик сингари фазилатларни қалбига сингдиришга, ҳаётни эзгулик, савоб ишларга бағишлашга, ўзидан яхши ном қолдиришга даъват этади. Оила, фарзанд тарбияси, ота-оналар ҳурматини жойига қўйиш,

¹ Ўша асар, 60-61-бетлар.

² Ўша асар, 62-63-бетлар.

илм-маърифатли бўлиш, ватанни севиш хусусида у шундай ажойиб ғоялар ва таълимотларга бойки, улар ўз аҳамиятига кўра умумбашарий қимматга эгадир. Унда диний масалалар билан бир қаторда дунёвий масалалар, кундалик турмуш муаммолари, одоб-ахлоқ, кийиниш, муомала, расм-русумлар, савдо-тижорат сингари инсон боласи ҳар кун дуч келадиган, жамиятни юксалтиришга кўмаклашадиган масалалар ифодаланган.

Асарда ўз ифодасини топган масалалар наинки узок ўтмиш учун, айти пайтда ҳозирги давр, келажак учун ҳам аҳамиятлидир. Имом ал-Бухорий китобларида «Молнинг баҳосини сунъий оширувчи одам судхўр, алдамчи бўлиб, топгани ҳалол эмас», «Бирор нарса сотсангиз, ўлчаб берсангиз ва бирор нарса сотиб олсангиз ўлчаб олингиз», «Агар сотувчи ўз молининг айбини яширмаса ҳамда олувчи ҳам пул беришда ғирромлик қилмаса, бундай савдода барака бўлур. Агар ҳар иккала томон ҳам бир-бирига ғирромлик қилса, бундай савдода барака бўлмас!», «Одам боласи, икки водий тўла мол-дунёси бўлса ҳам, мол-дунё тўла учинчи водийни орзу қилгайдир. Унинг қорнини фақат тупроқ тўйдира олгайдир», маъносидаги ҳадислар беҳад-беҳисобдир.

Ал -Бухорийнинг «Ал-Жомий ас-Саҳиҳ» асарида жиноят ҳуқуқига оид жиноят ва жазо масалаларини ўзида акс эттирган ишонарли ҳадисалар ниҳоятда кўп. Асарнинг 3 ва 4-жилдларида жиноят турлари ва уларга бериладиган жазолар ҳақида жуда кўплаб ҳадислар келтирилган. Ана шулардан бири ичимликлар ҳақидадир: «Дарҳақиқат, маст қилувчи ичимликлар, қимор, бутлар ва қуръа ўқлари – булар ҳаммаси нопок бўлиб, шайтон ишларидандур, бас улардан сақланингизлар, шояд нажот топсангизлар!.. Мўмин зино қилмайди, зино қилаётган вақтида эрса мўмин бўлиб қололмайди. Мўмин (маст қилувчи) ичимлик ичмайди, ичаётган вақтида эрса мўмин бўлиб қололмайди. Мўмин ўғирлик қилмайди, ўғирлик қилаётган вақтида эрса мўмин бўлиб қололмайди...»¹.

Исмоил Бухорий ҳазратлари китобларида зикр этилишича, ичкилик ичган бир одам Расулуллоҳ томонидан хурмо новдаси ҳамда ковуш билан уриб

¹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорий. 3-жилд. Т., Қомуслар Бош таҳририяти, 1994, 583-539-бетлар.

калтакланган, кейинчалик халифа Абу Бакр эса ичкилик истеъмол қилишда айбланган шахсни дарра уришга ҳукм қилган¹.

Зино қилаётган одамнинг қалбидан иймон нури маҳв қилинади. Пайғамбар «Зинокор айни вақтда мўмин бўлолмайди, чунки ул зино қилаётганида иймонидан ажрагайдир, (маст қилувчи) ичимлик ичувчи айни вақтда мўмин бўлолмайди, чунки ул ичаётганида иймонидан ажрагайдир, ўғри айни вақтда мўмин бўлолмайди, чунки у ўғирлик қилаётганида иймонидан ажрагайдир ҳам-да қароқчи айни вақтда мўмин бўлолмайди, чунким ул одамларни бақрайтириб қўйиб талончилик қилаётганида иймонидан ажрагайдир»².

Исмоил Бухорий ҳазратлари Аллоҳ таолонинг, солиҳ бандалар зино қилмайдилар, зинога яқин юрмангизлар, дарҳақиқат, зино фақат ёмон йўлдир, - деган каломини ўз асарида эслатган. Шу билан бирга у хотини бўла туриб зино қилган кишини тошбўрон қилиб ўлдириш ҳақида ҳадислардан бирини батафсил баён қилган.

«Ал-адаб ал-муфрад» («Адаб дурдоналари») - имом ал-Бухорийнинг одоб-ахлоқ масалаларига доир ҳадисларни ўзида жо қилган энг нодир асарларидан ҳисобланади. У икки юз олтмиш етти бобдан иборат анчайин салмоқдор асардир. Китобда одоб-ахлоқнинг деярли барча масалалари тўла қамраб олинганлигини унинг «Онани рози қилиш ҳақида», «Ота-онага мулойим гапириш ҳақида», «Қўшни ҳақи тўғрисида васият», «Солиҳ қўшни ҳақида», «Етим болага ўз отасидек марҳаматли бўл», «Кишининг ўз биродарига ёрдам бериши ҳақида», «Яхши хулқли бўлиш ҳақида», «Бахиллик ҳақида», «Мақтаниш ҳақида», «Зулм қилмоқ ва ҳаддан ошмоқнинг жазоси ҳақида», «Ҳаё, уятчанлик ҳақида» деб номланган бобларидан ҳам билиб олиш мумкин.

Имом ал-Бухорийнинг «Ал-адаб ал-муфрад» асарида одоб-ахлоқ борасида ривоят қилинган ҳадислар барча давр халқлари ва миллатлари учун зарур бўлган таълимотдир. Асарнинг 588-ҳадисида айтилишича, «Фаразан бир тоғ иккинчи тоққа зулм қилса, бу зулм қилувчи тоғ албатта майда-майда қилиб юборилади». Яъни зулм шундай ёмон хулқки, у асло кечирилмайди. Бу

¹ Қаранг: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий. 4-жилд. Қомуслар Бош таҳририяти, 1992, 290-бет.

² Ўша жойда 290-бет.

инсонлар ва ҳайвонлар учунгина эмас, ҳатто тоғ каби жамодот (неорганик жисмлар) бир-бирига ҳужум қилса, албатта ўчи олиб берилади»¹.

Агар мазкур китобнинг барча ҳадислари синчиклаб ўқиб ўрганилса, бу ҳадислар инсонни маданий-маънавий камолотга, маърифатли бўлишга даъват этаётганлиги аниқ-равшан бўлади. Китобнинг 597-ҳадисидаги қуйидаги сўзлар нақадар ҳаётийдир: «Абу Масъуд Ақоба ибн Амр ал-Ансорий айтдилар. Расулulloҳ: «Сен Худодан ва бандалардан уялмасанг, хоҳлаган ишингни қилавер, дейилган сўз ўтмиш пайғамбарлардан мерос бўлиб келган ва кейинги кишилар ҳам уни ўзларига дастурул амал қилиб олган бир насихатдир», - дейдилар.

Имом ал-Бухорий диний ва дунёвий эътиқоди темирдек мустаҳкам, илм-маърифат нури билан инсониятга эзгулик қилган буюк алломадир. У ўз илмини хорлаб амиру султонлар эшигига олиб бормаган.

Имом ал-Бухорий ҳазратларига уломаларнинг уломалари, шоҳу султонлар юксак эҳтиромла муносабатда бўлганлар. «Олти буюк муҳаддиснинг иккинчиси ҳисобланган Имом Муслимнинг ал-Бухорийга қарата: «Эй, устозларнинг устози, муҳаддисларнинг султони, ҳадисларнинг табиби! Пойингизни ўпишга ижозат беринг!» дея қилган хитоби аҳли исломнинг улуг бобомизга ҳурмат ва эътирофи нақадар юксаклигини кўрсатади».²

Имом ал-Бухорий қолдириб кетган мерос ўн икки асрдан бери миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва эзгулик йўлига чорлаб келмоқда, онгу тафаккурини равшан этмоқда.

Имом ал-Бухорий ўзидан кейинги авлодларга қолдирган мерос нафақат диний, балки илмий-фалсафий аҳамиятга ҳам эгадир. Унинг ҳадислар китобида айтилишича, иймонли киши яхши кўрган мол-мулкини қариндошларига, етим-есирларга, мискину фақирларга, мусофиру тиламчиларга сарфлаган ҳамда етишмовчиликларга қаноат қилган ҳамда бошига кулфат тушганда бардош берган кишилардир. Мана шундай сифатларга эга бўлганлар динига содиқ одамлар бўлиб, ёмон хулқлардан ўзларини эҳтиётлагайлар ва ўзларида етук инсоний

¹ Имом ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-Муфрад. Т., «Ўзбекистон», 1990, 172-бет.

² Ислом Каримов. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. 7- жилд. Т., «Ўзбекистон», 1999, 185-бет.

фазилатларни мужассам қилгайдирлар, деб айтилган. Ана шу ҳадис мазмунидан диёнат муқаддас эътиқод бўлиб, у маънавиятнинг энг муҳим омилларидан биридир, деган хулоса келиб чиқади. Зеро, ҳадислардан бирида, одамларнинг яхшиси одамларга манфаат келтирганидир, деб бежиз айтилмаган.¹

Алломанинг асарларида ўз ифодасини топган меҳр-оқибат, саҳийлик, очик кўнгиллик, ота-она ва катталарга ҳурмат, етим-есирларга мурувват, Ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, турли халқ ва миллатларнинг ўзаро дўст, тинч-тотув яшашлари ҳақидаги ўлмас таълимоти ҳар бир ватандошимиз қалбига сингиб, онгу тафаккурини равшан этмоқда. Қалбларимизни иймон нури ва меҳр-оқибат туйғулари билан ёритмоқда.

Ҳадис илмининг султони, буюк ватандошимиз Имом ал-Бухорийнинг мустабид-тоталитар тузум, коммунистик мафкура зуғуми билан тақиқлаб қўйилган асарлари, бебаҳо таълимоти Ўзбекистон давлат мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ катта қизиқиш билан ўрганила бошланди, у кишининг хотираларини абадийлаштириш борасида бир қанча хайрли ишлар қилинди. Президент Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси ва раҳнамолиги билан Имом ал-Бухорий ҳазратларининг шаън-шавкатларига муносиб қутлуғ зиёратгоҳ, улкан мажмуа қуриб битказилди. 1998 йилнинг октябрида Аллоҳ назари тушган Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими бўлиб, унга дунёнинг қирқдан ортиқ мамлакатларидан меҳмонлар ташриф буюрди. Президент Ислом Каримов ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган анжуманда сўзлаган нутқида «Имом ал-Бухорий нафақат ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламининг фахр-ифтихоридир. Ул табаррук зотнинг ҳаёти том маънодаги илмий ва инсоний жасорат, букилмас ирода, сўнмас эътиқод тимсолидир», - деди. Унинг муборак номи абадул-абад инсоният хотирасида қолади.

Ҳадис илми учун олтин давр ҳисобланган IX асрда Ислом оламидаги

¹ Ф.Низомов, Ш.Усмонов. Имом ал-Бухорий дунёқарашида умуминсоний қадриятлар муаммоси. - «Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни» мавзуидаги халқаро конференция материаллари. Т., «Фан», 1998, 70—бет.

машхур мухаддислардан бири **Абу Исо Мухаммад ибн Исо Термизий** ҳам яшаб ижод қилди. У 824 йилда Термиз яқинидаги Буг қишлоғи (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани)да камбағал бир оилада таваллуд топган. 892 йилда Термизда вафот этган.

Имом Термизий ёшлигиданок илм-фанга ўта чанқоқ бўлган. Ғоятда тиришқоқлиги, зеҳни ўткирлиги ва ёдлаш қобилиятининг кучлилиги, идрокли ва закийлиги билан ўз тенгдошларидан батамом ажралиб турган. Ёшлик пайтларидан бошлаб Термиз, Самарқанд, Марв ва Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарларида бўлиб илмини оширган, машхур уламолар ва мухаддислар асарларини ўқиб таълим-тарбия, сабоқ олган. У шунингдек, Макка ва Мадина, Ироқ ва Хуросонда бўлганида ҳадис илмидан ташқари илм ал-қироат, ал-баён, фикҳ, тарих ва фаннинг бошқа соҳаларидан ҳам билимини чуқурлаштирган. Натижада мусулмон оламида машхур олим бўлиб шаклланган. Унинг илмий камолотида Имом Бухорийнинг устод ва сафдош сифатида хизматлари беқиёсдир.

Туронзамин илмда, тақвода ва зуҳдда Имом Бухорийдан кейин Абу Исо Термизийга тенг келадиган улуғ зотни кўрган эмас. Замондошлари унга ал-ҳаким деб ном беришган.

Туронзаминнинг буюк фарзанди Имом Термизийдан авлодларига жуда катта илмий мерос қолди. Унинг «Ал-Жомеъ», «Аш-шамойил ан-набавия», «Китоб Илал», «Китоб ат-тарих», «Сунани Термизий» номли асарлари Ислом назариётчилари томонидан энг кўп эслатиладиган китоблардир.

Абу Исо Термизийнинг шоҳ асари бўлмиш «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» ҳадис илмида катта аҳамиятга эга бўлган манбалар жумласидандир. Асар таҳорат ва намоз, закот, рўза, ҳаж, жаноза, никоҳ, савдо-сотик, қозилик аҳкомлари, товон тўлаш, қурбонлик қилиш, назр-ниёз, эзгулик, гувоҳлик, ақиқа, хун, ҳукмлар ҳақидаги махсус боблардан иборат бўлиб, ҳар бир масала бўйича ҳадислар келтирилган.

Имом Термизий келтирган ҳадислар орасида одамларни қон тўкмасликка даъват этадиганлари кўпчиликни ташкил этади. Ана шундай даъватлар жумласига

Расули Худонинг қуйидаги дурдона сўзларини келтириш мумкин: «Мабодо еру осмон аҳлининг барчаси бир мўмин қонининг ноҳақ тўкилишида иштирок этсалар, Аллоҳ таоло уларнинг ҳаммасини дўзахга маҳкум этган бўлар эди», «Аллоҳ таолонинг наздида бир мусулмон кишининг ноҳақ қатл этилишидан кўра ёруғ дунёнинг барбод бўлиб кетиши енгилроқдир», «Қиёмат куни бандалардан сўраладиган савол-жавобнинг биринчиси ноҳақ қон тўғрисида бўлур», «Нафл(қўшимча), рўза, намоз ва садақанинг даражаларидан ҳам улуғ даража - бу ўртани яраштиришдир. Зеро, орани бузилиши қирғин келтиради».

«Ал-жомиъ ас-саҳиҳ»да эзгулик ва қардошлик инсон маънавий етуклигининг муҳим белгиларидан бири эканлиги алоҳида таъкидланган. Эзгулик йўлида нима яхши, нима ёмон, нимани қилиш, нимадан ўзни тийиш кераклиги ҳақида йўл-йўриқлар, панду насихатлар ўз ифодасини топган. Отанани ҳурмат қилиш зарурлиги ҳақида пайғамбаримиз ҳадисларидан кўплаб мисоллар келтирилган.

Абу Исо Термизий асарида Расулуллоҳнинг энг катта гуноҳ Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш, ёлғон гувоҳлик бериш, ёлғон ва бўҳтон сўзлашдан иборатлиги тўғрисидаги таълимотларига алоҳида эътибор берган.

Асарда Расулу Акрамнинг «Бир-бирингизнинг орангизни узманг, бир-бирингизни ёмон кўрманг, бир-бирингизга ҳасад қилманг. Аллоҳнинг яхши оғани бандалари бўлинг. Мусулмон киши ўз мусулмон биродарини уч кундан ортиқ тарк этмаслиги керак», «Мўмин кишига қасддан зарар келтирган ва унга фириб берган киши малъундир», «Ҳеч бир ота яхши одатдан ва гўзал ахлоқдан кўра яхши нарсани ўз фарзандига ҳадя қилолмайди», «Бир биродарингнинг юзига кулиб боқининг сен учун садақадур...», «Сахий киши Аллоҳга, жаннатга ва одамларга яқиндур ва дўзахдан узоқдур», «Бахил киши Аллоҳдан, жаннатдан ва одамлардан узоқдур ва дўзахга яқиндур. Саводсиз сахий киши серибодат(кўп ибодат қилувчи) кишидан кўра Аллоҳ таолога суюклироқдур»¹, деган доно сўзлари келтирилганки, уларнинг наинки ўтмиш авлодларимиз, балки ҳозирги

¹ Қаранг: Абу Исо Термизий. Саҳиҳи Термизий. Танланган ҳадислар. Араб тилидан Абдуғани Абдулло таржимаси. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993, 42-43-бетлар.

давр кишилари ва бўлғуси насл-насабларимиз учун ҳам дастуруламал бўлиб хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

Абу Исо Термизийнинг энг машҳур асарларидан яна бири «Аш-шамойил ан-набавия» бўлиб, унда пайғамбар алайҳиссаломнинг шахсий ҳаётлари, сурат ва сийратлари, ажойиб хислат ва фазилатлари илмий манбалар асосида ёритилган. Асарда қайд этилишича, Саййиди Оламнинг одоб-ахлоқлари тамоми оламга машҳурдир. Ул зоти муборакнинг хулку одобларини дўстлар ҳам, душманлар ҳам эътироф этишган. Масалан, китобда Имом Хусайн розийаллоху анху қилган мана бу ривоятга диққат қилинг: «Жаноб Расули Акрам саллоллоху алайҳи вассалам ҳамиша чеҳралари кулиб турган хушмижоз бир зот эдилар. На қаттиқ сўзлик ва на тошдиллик ва на ҳаёсиз ва на айблагувчи ва манман ва адоватлик бир зот эдилар. Номуносиб сўз ва феъл бўлиб қолса, андин бепарво бўлар эрдилар. Лекин ўзлари мувафақат бўлмас эрдилар ва ўзларидан бирор одам нарсага умидвор бўлса, маъюс ўтмас эрдилар. Уч нарсадан ўзларини алоҳида қилиб олган эрдилар. Биринчи ношаръий жанжалдан. Иккинчи ўзларини улуғлашдан ёки сўзни кўп қилишдан. Учинчиси, бекор сўз, бекор ишдан. Ва уч нарсадан хулқини ҳам алоҳида қилиб олган эрдилар. Биринчи, ҳеч кимни юзига ёмонламас эрдилар. Иккинчи, ҳеч кимни орқасидан ҳам айбламас эрдилар. Учинчи, ҳеч кимнинг айбини топмак учун тажассус этмас эрдилар. Ва қачон сўз қилсалар савобин умид этган нарса учун сўз қилур эрдилар. Ва қачон сўз гавҳарларини мажлисда сочсалар, хизматларида ҳозир зотлар ҳаммалари бошида қуш ўлтирган одамдек, одоб ва эҳтиёж ила ўлтуруар эрдилар».¹

Абу Исо Термизий ҳазратлари қолдириб кетган «Аш-шамойил ан-набавия» - «Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари» номли беназир китоблари асрлар оша башарият қалбини иймон, маънавият ва маърифат нури билан мунаввар этиб рушду ҳидоят йўлларига бошлаб келмоқда. Бу қимматбаҳо манбада пайғамбаримизнинг хислат ва фазилатлари хусусида келтирилган мисоллар ҳар томонлама етук, комил инсонларни тарбиялашдек ўта муҳим ва ғоятда

¹Абу Исо ат-Термизий. Аш-шамойил ан-набавия. Таржима ва кириш сўз муаллифи Убайдулла Уватов. Т. Чўлпон, 1992, 95-бет.

олижаноб мақсадга хизмат қилиб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ватандошимиз Имом Термизийнинг илмий мероси ва таълимоти халқимизни, жамики аҳли исломни, дунёвий илм соҳибларини хайрли ва савобли ишларга чорламоқда.

Президентимиз томонидан Ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуман иштирокчиларига юборилган табрикда шундай оташин сўзлар мавжуд: «Бугунги кунда Термизийнинг маънавий мерослари нафақат аҳли дин орасида, балки дунёвий илм соҳиблари, кенг миқёсдаги аҳли жамоа орасида ҳам ўз қадрини топаётир. У кишининг шох асарларидан «Китоб ал-жомеъ ас-саҳиҳ» ҳозирга қадар ҳадис илмининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Алломанинг асрлар давомида фозилу фузалоларга дастур бўлиб келган ақлу одоб, инсофу диёнат, адолату инсонпарварликни тарғиб этувчи ғоялари сердолға давримизнинг мураккаб ва зиддиятли ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишда замонавий аҳамият касб этади».¹

Кўҳна Туронзаминдан етишиб чиққан буюк ватандошимиз **Абул Қосим ибн Муҳаммад аз-Замаҳшарий** жаҳон фани ва маданияти тараққиётига мислсиз ҳисса қўшган беназир инсон, улуғ аллома сифатида маълум ва машҳурдир. Хоразм заминининг Замаҳшар қишлоғи маърифатпарвар донишманд бобомизнинг туғилган юртидир. Бу улуғ зот 1075 йилнинг 19 мартада ўша қишлоқда таваллуд топган ва бениҳоя бой илмий мерос қолдирган. У тилшунослик, луғатшунослик, адабиёт, тафсир, ҳадис, фикҳга оид эллиқдан ортиқ асар яратган. «Ал-Кашшоф», «Ал-Муфассал», «Муқаддимат ул-адаб», «Асос ал-балоға», «Атвоқ уз-заҳаб» каби ва бошқа асарлар унинг тафаккури маҳсуллари дир.

«Ал-Кашшоф» аз-Замаҳшарий ижодининг гултожидир. У Қуръон тафсирига бағишланган асарлар ичида энг сарасидир. Шунинг учун ҳам бу асар ҳозирги вақтгача араб мамлакатларида кўплаб мусулмон аҳли, айниқса олимлар учун зарурий китоблардан бўлиб ҳисобланади»².

Аз-Замаҳшарий «Ал-Кашшоф»ни Маккаи Мукаррамадаги Каъба

¹ И.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1994, 105-бет.

² Қаранг: Абул Қосим Маҳмуд аз-Замаҳшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон Убайдулла Уватов. Т., «Камалак», 1992, 42-44-бетлар.

рўбарасидаги хужрада ўтириб ёзганликлари сабабли «Жоруллох» - «Аллоҳнинг қўшниси» лақабини олган.

Мусулмон оламида Замахшарийнинг номини билмаган ва ҳурмат қилмайдиган бирор араб олими, мударриси топилмаса керак. Уни «Устоз уд-дунё», («Бутун дунёнинг устози»), «Устоз ул-араб вал-ажам» («Араблар ва ғайри араблар устози»), «Фахру Хоразм» («Хоразм фаҳри») каби шарафли номлар билан атаганлар»¹.

Неча-неча асрлардан бери Ислом ҳуқуқшунослиги илмида номи тилларда дoston бўлиб келаётган буюк алломалардан яна бири-юртдошимиз шайхул-ислом **Бурҳониддин Марғиновичдир.**

Башарият маънавий тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк фақиҳ Бурҳониддин Марғинович хазратлари кўп-кўп мумтоз зотларнинг она юрти бўлган, не-не авлиё, алломаю фозиллар қадами теккан қадимий Фарғона водийсининг Риштон қишлоғида ҳижрий 515 йилнинг 12-ражаб ойида шанба куни (милодий 1123 йил 23 сентябрда) таваллуд топган. Йирик ҳуқуқшунос олим А.Саидов томонидан таъкидланишича, Бурҳониддин Марғинович дастлаб Риштон, Марғилон, Самарқанд ва Мовароуннахрнинг ўша даврдаги диний ва маърифий марказларидаги машхур ва атоқли алломалардан ҳадис, тафсири ва фикҳ илмини ўрганганлар. Ул зот олий истеъдод, ўткир тафаккур эгаси ва илму фан шайдоси бўлган. Бурҳониддин Марғинович ёшлик чоғларидаёқ Қуръони Каримни ёд олиб, ҳадисларни чуқур ўрганганлар ва 544 (1149) йилда муқаддас ҳаж сафарига борганлар. Фанга қизиқиш Бурҳониддин Марғиновични узоқ сафарларга бориб, ўша даврнинг асосий фанларини чуқур ўзлаштириш учун имкон яратиб берган. У бутун умри давомида илм ўрганган ва Ислом оламининг ҳанафий мазҳаби бўйича буюк фақиҳ ва ҳуқуқшунос алломаси даражасига кўтарилган».²

Бурҳониддин Марғинович Қуръони Карим ва ҳадис илмларини мукаммал эгаллаб, фикҳ — Ислом ҳуқуқшунослиги борасида ўндан ортиқ нодир асарлар

¹ Ўша асар, 45-бет.

² А.Х.Саидов. Бурҳониддин Марғиновичнинг таржимаи ҳоллари ва ижодлари. — Бурҳониддин Ал-Марғинович, 1-жилд. Т., «Адолат», 2000, 7-бет.

яратган. «Ул зот ўз асарларида ўша замонларда мўмин-мусулмонларга дуч келадиган долзарб ҳаётий масалалар, жумладан оилавий ва ижтимоий муносабатлар, мулкчилик, савдо-сотик, жиноят ва жазо, инсоннинг бурч ва масъулиятларига тааллуқли кўп-кўп мураккаб муаммоларни исломий ҳуқуқ нуқтаи назаридан ҳал этиб берган.

Шу сабабли аллома нафақат уламолар, балки оддий халқ орасида ҳам «Ҳидоят йўлининг сарбони» дея катта ҳурмат-эътибор топган»¹.

Эллик етти китобдан иборат бўлган «Ҳидоя» Бурҳониддин Марғинонийнинг номини олам узра ёйган ва абадийлаштирган шоҳ асардир.

«Ҳидоя» - «Тўғри йўл» деб аталган китоб, мана, саккиз асардирки, ҳуқуқий манба сифатида маърифатли дунёни ҳайрону лол қолдириб келмоқда.

«Ҳидоя»да Ислом ҳуқуқшунослигининг эътибордан четда қолган биронта ҳам масаласи йўқ, деб бемалол айтиш мумкин. «Ҳидоя»нинг «Таҳорат китоби», «Намоз китоби», «Закот китоби», «Рўза китоби», «Ҳаж китоби», «Никоҳ китоби», «Талоқ китоби» номли бўлимларини ўқиб чиққан киши бунга ишонч ҳосил қилади.

Аллома Марғиноийнинг адолат, ҳуқуқий-ахлоқий мезонлар асосида яшаш, ўзгаларнинг мол-мулкига кўз олайтирмаслик, ҳаромдан ҳазар қилиш, инсоф ва диёнат, меҳр-оқибат ҳақидаги таълимоти умумбашарий аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам унинг бебаҳо меросини жаҳондаги кўплаб буюк алломалар зўр ҳурматла ўрганганлар ва ўрганмоқдалар.

Президент Ислом Каримов айтганларидек, «Куч - адолатдадир» деган ғояни ўз ҳаётининг мазмуни деб билган Амир Темур бобомиздек улуғ аждодларимизнинг камол топишида ҳам «Ҳидоя» сингари қомусий асарларнинг таъсири ва аҳамияти беқиёс бўлган.

¹ Ўша асар, 117-бет

4. «Темур тузуклари» - ҳуқуқий билимлар ва ҳуқуқий маданият ифодаси

Амир Темур — туркнинг бош бўғинида дунёга келган, Туркистон давлатининг амири, Туркистон мулкани ягона марказлашган давлатга бирлаштирган ва йигирма етти мамлакатнинг соҳибқирони деб эътироф этилган буюк зотдир.

Оламни тебратган улуғ бобокалонимизнинг номи ва амалга оширган ишлари курраи заминнинг, етти иқлимнинг ҳамма жойларида маълуму машҳурдир. У инсониятнинг энг улуғ даҳоларидан биридир.

Бундай улуғ зотлар, оламшумул саркарда ва буюк давлат арбоблари жаҳон тарихида ноёб ҳодисадир. Ҳазрат соҳибқирон бобомиз абадиятга дахлдор. Тарихда ўтган улуғ даҳолар сафида Амур Темур ҳам бор. У Искандар Зулқарнайн, Юлий Цезар, Хорун ар-Рашид ва Маъмун сингари тарихда ўчмас из қолдирган.

«Ҳаммамиз яхши биламизки, - дейди Ўзбекистон Президенти, -тарихда машҳур жаҳонгирлар кўп ўтган. Лекин айтинг, дунёнинг қайси ерида, қайси замонда Амур Темурдек буюк давлат арбоби, Амир Темурдек илм-фан, маънавият ва руҳият ҳомийси бўлган»¹.

Амур Темурнинг улкан давлат ва сиёсат арбоби сифатидаги тўла қонли сиймосини, бетакрор шахс сифатидаги ноёб иқтидорини, буюк маърифатпарвар эканлигини мамлакат маданий-маънавий, сиёсий-ҳуқуқий ҳаёти ривожига алоҳида ғамхўрлик қилганлиги мисолида кўрса бўлади.

Амир Темур улуғ давлат арбоби бўлиш билан бирга замонасининг яктоси, комилу фозил, беназир даҳоси, Яратганнинг назари тушган мислсиз қобилият ва истеъдод эгаси, илм-фан ва маданиятнинг ноёб ҳомийси эди.

Буюк бобокалонимиз ёшлик кезларидан бошлаб Шарқ тарихи ва фалсафасига, адабиёт ва санъатга, ислом дини ва унинг одоб-ахлоққа оид муқаддас таълимотига иймон-этикод билан қараган. Қуръони Карим аввалдан охирига ва охиридан аввалига қараб ёддан ўқиш малакасига эга бўлган. Унинг

¹ Ислон Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби, 5-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1997, 167-бет.

Аллоҳ Каломи оятлари ва сураларига ихлоси ғоят даражада кучли бўлган. Ҳар бир хайрли ишга, ўта мураккаб ва мушкул вазифаларга Қуръондан фол очиб, ундан рухий қувват олиб киришган. Диний эътиқоди ўта кучли бўлган. У Ҳандаса, фалакиёт, мантиқ, илоҳиёт, фикҳ, фалсафа, тарих, ахлоқшунослик, жуғрофия, тиббиёт, адабиёт ва санъат илмларини теран ўзлаштирган. Замонасининг расмий уч тили — туркча, форсча ва арабчани чуқур ва мукаммал билган. Амир Темурнинг шижоатли руҳида илм ва илм аҳлига ҳурмату эъзози фавқуллода кучли бўлган. «Тарағай Баҳодир ўғли Амир Темур ёшлик чоғида мард, довюрак, ғурурли, ўткир зехн ва ақлу идрок эгаси бўлиб ўсди. Турли дунёвий илмларни, ҳарбий санъатни эгаллади. Қуръони Каримни ёд олди, ҳадис илмини ўрганди. Имону-эътиқодли, ҳалол-поқ инсон бўлиб етишди. Унинг замонида маданият, илму-фан, меъморчилик, тасвирий санъат, шеърят беҳад ривож топди, халқимизнинг кўп анъаналари ривож топди. Амир Темурнинг дин аҳлларига кўрғазган чексиз меҳр-муруввати айниқса ибратлидир... Инсоф-иймон туйғуси, диёнат мезони Амир Темур ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Оламнинг қарийб ярмига жаҳонгир эрса-да, у куч-қудрат зўрлик, зўравонликда эмас, аксинча, адолатда эканини теран англади¹.

Амир Темур улуғлигининг заминида унинг маънавий сифатлари туради. Соҳибқирон бобомиз маънавият, диний-ахлоқий, ижтимоий-фалсафий қарашлари марказида Ислом таълимоти, Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф, тавҳид, тафсир, фикҳ, тасаввуф илми ва фалсафаси турганлигини алоҳида таъкидлашга тўғри келади.

Амир Темур Хўжа Шамсуддин Кулол, Саййид Амир Кулол, Мавлоно Зайнуддин Абу Бакр Тойбодий, Мир Саййид Барака сингари улуғ диний алломаларни ўзига пир деб билган, уларнинг маънавий-рухий мададларидан, таълимотларидан доимо мислсиз куч-қувват олган, буюк давлат тизимини яратиш ва мустаҳкамлашда фойдаланган.

Илмий манбаларда ёзилишича, Амир Темур ҳар доим салтанатда эришган

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура, 1-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996, 360-361-бетлар.

жамики ютуқларим ва мустаҳкам маконларни фатҳ қилишим — булар ҳаммаси Шайх Шамсуддин Ал-Фахурийнинг дуоси, Шайх Зайнуддин Ал-Ҳавофийнинг ҳикмати туфайли ва барча топган баракатларим эса Саййид Барака ёрдамида бўлган, дер экан.

Амир Темур Ислом раҳнамолари - саййидлар, шайхлар, хўжаларга самимият билан муносабатда бўлган. Буюк жаҳонгирнинг Ислом динига муносабати ва тасаввуф аҳлига эътиқоди унинг «Тузуқлар»и ва унга нисбатан берилган «Таржимаи ҳол» деб номланган асарларида, Низомиддин Шомий ва Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи» номли китоблари ва бошқа илмий манбааларда ўз ифодасини топган.

Ҳар қандай салтанат қайси даврда, қайси ҳолатда бўлмасин, маълум қонун-қоида, ҳуқуқий тартибот асосида бошқарилган. Буни соҳибқирон Амир Темур барпо этган қудратли давлатни «Тузуқ»лар асосида бошқарилганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин. «Яна тажрибамда кўриб билдимки, - дейди Амир Темур, - давлат агар дину айн асосида қурилмас экан, тўра — тузуққа боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади.

Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса, назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги тўсиғи йўқ уйга ўхшайди. Шунинг учун мен ўз салтанатим биносини дини Ислом, тўра ва тузуқ асосида мустаҳкамладим...Ўз салтанатимни шарият билан безадим»¹.

Амир Темур саййидларга меҳрибонлик қилиб, уларни ўзига яқин тутган. Уламо ва фозилларга иззат-ҳурмат кўрсатиб, уларни бошқалардан устун ва улуғ деб билган. Диний арбоблар, уламо ва шайхлар билан мазмунли бахслар юритган, мартабаларини ҳар доим ошириб, совға-саломлар инъом этиб турган. «Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб шарият ақидалари ва ислом дини илмлари: тафсир, ҳадис, фикҳдан дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва муддаррислар тайин қилдим. Турли мамлакатлардаги садрлар ва қозиларга шариятнинг асосий талаблари қандай бажарилаётганлиги хусусида

¹ Темур тузуқлари. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991, 57-бет.

менга хабар қилиб туришни буюрдим. Шунга ўхшаш ҳар эл ва ҳар шаҳарда сипоҳ ва раият орасида урф-одатларга оид жанжаллашишлар ҳақида менга маълумот бериб турсин, деб адолат амрини тайинладим. Шу тариқа динни ривожлантириб, шариатни мусулмон мамлакатларига ёйдим»¹.

Мустақил Туркистон давлати ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишда соҳибқирон бобомиз Қуръон ва Ҳадис талабларига қатий амал қилган, уларга зид иш қилишга зинҳор йўл бермаган. У Ислом динини, шариат қонун-қоидаларини хурофот, бидъат, мутаассиблик, жоҳиллик, разолат, шаккоклик, диёнатсизлик каби иллатлардан астойдил туриб ҳимоя қилган.

Амир Темур диний илмлар билан бир қаторда дунёвий илмларни ҳам мукамал ўзлаштирган. Илм-фан ва маданиятнинг у хабардор бўлмаган бирон-бир соҳаси бўлмаганлигига унинг кенг қамровли, мазмунан ниҳоятда чуқур «Тузуқлари» гувоҳдир.

Илмий, фалсафий, тарихий манбаларда, ҳозирги замон муаррихларининг асарлари, илмий-тадқиқотларида Амир Темурнинг Мовароуннаҳр, Хуросоннинг бир неча минг йиллик илм-фани, маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналари, миллий қадриятларини чуқур билганлиги ва астойдил ҳурмат қилганлиги ҳақида аниқ маълумотлар берилган. У ўз Ватани тарихини, айниқса, қадимий Турон ва Туркистон халқлари давлатчилиги масаласида кенг билим ва маълумотга эга бўлган.

Амир Темур мислсиз ёрқин тарихий шахс сифатида ўзини тарбиялаган, ўзига маънавий озиқ берган, буюк ишларга чорлаган эл-юртининг илмий-фалсафий таълимотларига катта қизиқиш билан қараган. Шарқ донишмандлари-Ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний сингари буюк мутафаккирларнинг табиий-илмий, ижтимоий-сиёсий, фалсафий таълимотларидан тўла хабардорлиги бугун ҳеч ким учун сир эмас.

Соҳибқирон ҳазратлари Шарқона анъаналарга содиқ қолиб вақти-вақти билан олимлар, файласуфлар, ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар, муҳаддислар, амирлар, вазирлар, донгдор санъат намоёндалари, касб-ҳунар эгалари билан

¹ Ўша асар, 58-бет.

кенгашиб, уларнинг маслаҳатини олиб иш юритган. Низомиддин Шомий «Зафарнома» асарида Эрон имомларининг улуғлари ва Турон соҳиби ихтиёрларининг фозилларидан бўлмиш номдор уламолар ва фозилу фузалолар билан Амир Темур ўтказган кенгаш ҳақида ҳикоя қилган. Унда Амир Темур, «ўтган асрлардаги уламолар султонларга яхшилик ва адолат бобида йўл кўрсатганлар, сизлар эса менга раҳнамолик қилмайсизлар ва мен бажаришим вожиб ва лозим бўлган нарсаларни менга айтмайсизлар... Менга таҳсин айтиш ва менинг миждимга мувофиқ гапиришингиз менга хуш келмайди, вазифа шуки, сизлар ҳар тоифа ҳар томондан келгансизлар, у томоннинг яхши ҳам ёмон аҳволу авзойини менга айтинглари ва ҳеч нимани мандан яширманглари. Мен бу сўзни сизлар менга ишонч билдиринглари ёки ундан менинг мулкимга бирор фойда етсин, деб айтаётганим йўқ»¹, дейди.

Ана шу фикрларнинг ўзи ҳам Амир Темур ўз давлатини фақат ҳарбий кучга суяниб эмас, балки ақл-заковат, дину диёнат, ижтимоий адолат қоидаларига асосланиб идора этганлигини исботлаб турибди. Адолат кучда эмас, куч-адолатдир, деган шиор Амир Темур салтанатининг илмий-фалсафий, сиёсий, ахлоқий-маънавий мезони бўлиб хизмат қилган.

Шахсан Амир Темурнинг ўзи одоб-ахлоқ, иймон-эътиқод, таълим тарбия, маданият, маънавият ва маърифат бобида юксакликка, мукамалликка эришган сиймолардан биридир. Унинг салтанати юксак маънавият ва олий даражадаги маданият йўғрилган салтанат эди.

Маънавият ва маърифат, дин, одоб-ахлоқ ҳақидаги Амир Темур таълимотининг моҳиятини чуқур ва мукамалроқ билиб олиш учун бобомизнинг ўзлари томонидан яратилган одоб-ахлоққа оид дастурлар, панд-насихатларни ҳамда бошқа олимларнинг у ҳақда ёзган асарларини кўздан кечириш кифоядир.

Соҳибқироннинг маънавият ва маърифат ҳақидаги таълимоти асослари, мураккаб ва серқирра ҳаёти ва ижтимоий сиёсий фаолияти унинг «Таржимаи ҳоли»да ва «Тузуқлари»да чуқур баён этилган.

Амир Темурнинг инсонпарварлиги, миллатсеварлиги, адолатпарварлиги,

¹ Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 550-бет.

маънавият ва маърифатнинг жонкуяр ҳомийси сифатидаги инсоний фазилатларини унинг фарзандларига қолдирган васият сўзларида яққолроқ намоён этилган. «Ўғилларим, миллатнинг улуғ мартабасини, саодатин сақламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва «Тузуклар»имни яхши ўқинг, асло унутманг ва татбиқ этинг.

Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиз. Заифларни кўринг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз ўлсин. Мен каби узун салтанат сурмак истасангиз қиличингизни яхши ўйлаб чекингиз. Бир дафъа чекканда, сўнгра-да уни усталикла қўллангиз. Орангизда нифоқ тухумлари экилмаслиги учун кўп диққат бўлинг. Баъзи нодимларингиз ва душманларингиз нифоқ тухумлари сочмакка, бундан фойдаланмоққа чалишажақдурлар. Фақат васиятимда сизга идора шаклини, унинг илқуларини кўрсатдим. Буларга содиқ қолсангиз тош бошингизга тушмас»¹.

Амир Темурнинг фарзандлари-ю набираларига қилган ўғитлари ва йўл-йўриқларига унинг ўзи умрбод қатъий амал қилган. Жамиятда ижтимоий адолат тантанаси учун курашда иккиланиш, чекиниш нималигини асло билмаган.

Келинг, аниқ мисолларга мурожаат қилайлик:

Амир Темур жаҳонгир эрса-да, у куч-кудрат зўрлик зўравонликда эмас, аксинча, адолатда эканини чуқур англаб етди. Адолатни куч билан, кучни эса адолат билан уйғунлаштирди. Темур тамғасининг нақши «Рости-русти» бўлиб, бу «Ҳақгўй бўлсанг—нажот топасан», демакдир.

Буюк салтанат соҳиби «Куч—адолатдадир», деган шиорга қатъий амал қилиб давлатни бошқарган, жабр-ситам йўлини беркитган, ўз даврида ҳеч бир давлатда бўлмаган ва тарихда камдан-кам учрайдиган «Адолат амири» лавозимини таъсис этган.

Адолат Амир Темурнинг юрак дарди, ҳаётининг мазмунига айланганлигига унинг ҳаёт дастури бўлмиш «Тузуклар» гувоҳлик беради. «Энди менинг номдор бахтиёр фарзандларим ва мамлакатларни забт этувчи иқтидорли

¹ Қаранг: Амур Темур васияти. Т., Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991, 4-бет; Амур Темур ўғитлари. Т., «Навруз», 1992.

набираларимга йўл-йўриғим шулки, мен ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим. Шу ўн икки нарса ёрдамида мамлакатларни забт этиб, салтанатимни бошқардим ва салтанат тахтига зебузийнат бердим. Улар ҳам ушбу тузукка амал қилсинлар. Давлату салтанатимни ва ўзларини эҳтиёт қилсинлар»¹.

Амир Темур умр бўйи амал қилган тамойиллардан **биринчиси**, ҳар ерда ва ҳар вақт Ислом динини қувватлаганлиги, **иккинчиси**, давлат ишларини мамлакатнинг устунларини ташкил қилган турли табақалар ва турли тоифалар билан қувватлаб, маслаҳатлашиб, кенгашиб олиб борганлигидир. **Учинчи** тамойил — Амир Темурнинг салтанат ишларини муроса-ю мадора, мурувват ва сабр-тоқат билан юргизганлиги, кўп нарсаларни билиб турса-да, ўзини билмасликка олганлиги, дўсту-душман билан муроса-мадора қилганлигидан иборат. **Тўртинчиси** давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига, тўра ва тузукка таяниб ва асосланиб бошқаришни ташкил этса, **бешинчиси** амирлар ва сипоҳийлар билан яхши муносабатда бўлиб, уларга иззат-ҳурмат кўрсатиб, мартабаларини улуғлаб, иш тутганлигидадир.

«Олтинчиси—адолат ва инсоф билан Аллоҳнинг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим,-дейди Амир Темур. - Гуноҳкорларга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Ҳайр-эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим. Фуқаро ва қўл остимдагиларга раҳмдиллик қилдим, сипоҳийларга инъомлар улашдим. Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим. Не ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим. Мартабаларини оширдим»¹.

«Тузуклар»да таъкидланишича, Амир Темур саидлар, уламою машойих, оқилу донолар, муҳаддислар, тарихчиларни эътиборли одамлар ҳисоблаб иззату ҳурматини жойига қўйган. Шижоатли кишиларни ўзига дўст тутган, улар билан доимо суҳбатда бўлган. Аксинча, бузуқи, оғзи шалоқ, ғийбатчи одамларни

¹ Темур Тузуклари. Т., Фофур.Фуллом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991, 53-бет.

мажлисига йўлатмаган, сўзларига амал қилмаган. Бирор кимсага тухмату ғийбат қилсалар кулоқ солмаган.

Соҳибқирон ҳазратларининг «Тузуқлари»да, бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам, бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунча ундан қўлимни тортмадим, ҳар неки деган бўлсам, унга амал қилдим, ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим, деган ўғитлари мавжуд.

Амир Темур ўзи кашф этиб амалда қўлланган тамойилларининг кейингиларида улуғларни оға қаторида, кичикларни фарзанд ўрнида кўрганлигини, яхшиларга яхшилик қилиб, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширганликларини, ким дўстлик қилган бўлса, дўстлиги кадрини унутмаганлигини таъкидлайди.

Амир Темур фарзандлар, қариндошлар, қўни-қўшнилар ва улар билан дўстлашган кимсаларни давлат мартабасига эришганда ҳам асло унутмаган, молу-мулк ва пул билан ҳақларини адо этган. Бу ҳақда у «Тузуқлари»да, «ўз фарзандларим, қавм-қариндошларимдан, қариндошлик меҳрини узмадим. Улардан нораво иш ўтган бўлса, дарҳол боғлаб, ўлдиришга буюрмадим. Ҳар кимни (туриш-турмушнинг пасту баландларида) турли йўллар билан синаб билиб олдим ва уларга шунга яраша муомала қилдим. Ҳаётнинг кўп иссиқ совуғини кўриб, улардан сабоқ олиб, тажрибамни оширдим. Шунинг учун дўсту душман билан келишиб яшадим»², - деб қайд этилган.

«Тузуқлар»да салтанатни бошқариш ва салтанат тахтига зебу-зийнат беришда Амир Темур қатъий амал қилган энг муҳим, асосий қоидалардан яна бири ҳақида шундай дейилган: «Ўн иккинчиси, - дўст-душманлигига қарамай, ҳар жойда сипоҳийларни ҳурмат қилдим, чунки улар боқий мато бўлган жонларини фоний дунё моли учун сотадилар. Ўзларини маърака-майдон, ҳалокатга отиб, жонларини қурбон қиладилар. Агар ғаним сипоҳидан бирор одам ўз вали неъматига сидқидилдан хизмат қилиб, уруш кунларида менга

¹ Ўша асар, 54-55-бет.

² Ўша асар, 56-бет.

қарши қилич кўтарган бўлса ҳам, ундай одамга нисбатан лутф-марҳаматлар кўрсатдим. Қошимга (паноҳ истаб) келганда, уни кадрлаб, ишончини қозондим, вафодорлиги ва ҳақиқат билан хизмат қилишига ишондим»¹.

Эслатиб ўтилган ўн икки тамойил Амир Темурнинг давлати ва уни идора қилишнинг асоси устувор йўналишлари бўлиб ҳисобланган.

«Тузуқлар»да Амир Темур томонидан амалга оширилган ҳар қандай иш ўзаро маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик асосида бажарилганлиги ҳақида ҳам кенг маълумотлар берилган. Доимий равишда ўтказилиб туриладиган кенгаш ва маслаҳатлар Амир Темур муваффақиятини таъминлаган энг муҳим омиллардан биридир. Соҳибқирон бобомизнинг бу ҳақда номи зикр этилган асарида шундай деган: «Ўзга мамлакатларни забт этиш, уларни идора қилиш, ғаним лашкарларини синдириш, душманни тузоққа тушириш, муҳолифларни (кўнглини овлаб) дўстга айлантириш, дўст-душман орасида муомала, мураса-ю мадора қилиш хусусида ушбу тадбир ва кенгашларни қўлладим»².

Амир Темур ҳам дунёга машҳур жаҳонгирлар, жумладан, Искандар Зулқарнайн каби ўзининг устозлари-пирлари маслаҳатлари-ю йўл-йўриқларига таяниб фаолият кўрсатган. Соҳибқирон ҳазратлари ҳар гал бирор-бир мамлакатга юриш қилишдан олдин пири Зайнуддин Абубакир Тойбодий билан маслаҳатлашиб, у берган йўл-йўриққа амал қилган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди: «Пирим-Зайнуддин Абубакр Тойбодий менга ёзмишларким, Абулмансур Темур салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилган, яъни: 1) кенгаш; 2) машварату маслаҳат; 3) қатъий қарор, тадбиркорлик ва хушёрлик; 4) эҳтиёткорлик. Чунки кенгаш ва машваратсиз салтанатни барча қилган ишлари ва айтган гаплари, нотўғри бўлган жоҳил одамга қиёслаш мумкин; унинг сўзлари ва қилмишлари бошга пушаймонлик ва надомат келтиргай. Шундай экан, салтанатни бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбир билан иш юритгин, токи оқибатда надомат чекиб пушаймон бўлмайсан. Яна шуни ҳам билгилким, салтанат ишларининг бир қисми сабру-тоқат билан бўлғай, яна бир қисми эса

¹ Ўша асар, 56-бет.

² Ўша асар, 14-бет.

билиб-билмасликка солиш билан битур. (Хуллас) тадбирлардан огох қилингандан кейин шуни айтиш жоиздирким, қатъийлик, сабр, чидамлилик, ҳушёрлик, эҳтиёткорлик ва шижоат билан барча ишлар амалга оширилгай. Вассалом»¹.

Зайнуддин Абубакр Тойбодийнинг юқоридаги қимматли ўғитлари Амир Темурнинг салтанат ишларида қўлланма бўлиб хизмат қилган. У умрининг охиригача давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини эса қилич билан бажо келтирганини «Тузуқлари»да эслатади.

Соҳибқирон ҳазратлари таъкидлашларича, агар ақли расолик билан иш тутилса, эҳтиёткорлик қўлдан берилмаса, оз лашкар билан ғанимнинг кўп лашкарини бемалол енгса бўлади. Бунинг учун, - дейди Амир Темур, - ақли расо ва хушёр киши мулоҳазакорлик, тадбир ва кенгашга таяниши лозим.

Бирор-бир ўта муҳим масалани қандай қилиб ҳал этиш хусусида маслаҳат ва кенгаш ўтказганда ишларнинг яхши-ёмон, фойда-ю зиён томонларини обдон ўйлаш зарурлиги ҳақида ҳам «Тузуқлар»да қимматли йўл-йўриқлар берилган. Агар маслаҳатлашиш, ўзаро фикрлашиш жараёнида амалга оширилмоқчи бўлган иш оқибатида фойдадан кўра зарар кўпроқ бўлиши тахмин қилинса, ундан воз кечишга қарор қилинган.

Амир Темурнинг таълим бериб айтишича, маслаҳату машваратни ҳар қандай киши билан эмас, балки шу ишга ақли етадиган, масаланинг яхши-ёмон томонларини чуқур мулоҳаза этадиган одамлар билан қилиш, ҳар бир фикр ва ғояни тошу-тарозига солиб кўриш керак. «Яна тажрибамдан ўтказдимки, -деб ёзади Амир Темур «Тузуқлар»ида,-кенгаш эгалари бирлик, иттифоқлик билан сўзда собит, ишда чидамли бўлишлари шартдир. Қилмоқчи бўлган ишларни қилмасдан қолдирмасинлар. Агар бирор ишни қилмасликка сўз берар эканлар, унинг яқинига ҳам йўламасинлар.

Тажрибамдан маълум бўлдики, кенгаш икки турли бўлур. Бири тил учида айтилгани, иккинчиси—юракдан чиққани. Тил учида айтилганини (шунчаки)

¹ Ўша асар, 14-15-бет.

эшитардим. Юракдан айтилган маслахатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим»¹.

Амир Темур сипоҳни иккилантирадиган, кишилар кўнглига ташвишу ғулғула уйғотадиган кенгашни эшитишдан ўзини тийган. Кенгаш аҳлидан кимки, куйиниб маслахат берса, оқилона сўзлардан сўзласа унга эътибор берган, қулоқ солган, уни диққат билан эшитган. Айтилган ҳар бир маслахатнинг яхши-ёмон тарафлари ҳақида ўйлаб кўргач, тўғри ва фойдалисини танлаб олиб амалга оширган.

Амир Темур кўр-кўрона эмас, балки вазият тақозосига қараб, вақт, шароит ва имкониятни назарда тутиб донишмандларча сиёсат юргизган. Бу ҳақда «Тузуқлар»ида кўплаб мисоллар келтирилган. Маълумки, Чингизхон авлодидан бўлмиш Туғлуқ Темурхон Мовароуннаҳр мулкини босиб олиш қасдида кўшин тортиб, Хўжанд сувидан ўтиб Амир Темурга, Амир Хожи Барлос ва амир Боязид Жалойирга ёрлиқ юбориб, хузурига боришини талаб қилган.

Амир Темур маслаҳатига қулоқ солмай ҳар иккала амир Туғлуқ Темурхон хузурига бормай эл-юрти билан кўчиб Хуросон томонга кетадилар. Хуросон томон кетиш керакми ёки Туғлуқ Темурхон қошига бориш-бормаслигини билмай, иккиланиб қолган Амур Темур пири Тойбодийдан маслаҳат сўраб хат ёзади. Унга шундай жавоб келади: «Тўртинчи халифа (ҳазрати Али ибн Абу Толиб)дан, унга Тангрининг карому марҳамати бўлсин, бир киши сўрабдики, осмон - комон, ер-камон ипи, ҳодисалар ўқ бўлса, инсонлар ул ўққа нишон бўлса, отғучи (эса) -Худойи таоло бўлса, унинг қудрати яна ҳам улуғ бўлсин, одамлар қаерга ҳам қочадилар?» Халифа жавоб қилиб: «Одамлар Тангрининг қошига қочсинлар», дебдилар. Шунга ўхшаш сен ҳам ҳозир Туғлуқ Темурхоннинг олдига қочғил ва қўлидаги ўқ-ёйини тортиб олғил».

Ана шундай тўғри ва оқилона жавоб олгач, Амир Темурнинг кўнгли кўтарилиб,ундан юраги қувват олиб Туғлуқ Темурхон қошига боришга аҳд қилади.

Амир Темур ўз давлатини барпо этиш ва уни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш

¹ Ўша асар, 16-бет.

борасида бир неча бор кенгаш ўтказган. Ҳар бир кенгашда мамлакат ва халқ тақдирида туб бурилиш ясайдиган ўта долзарб масалалар атрофлича муҳокама этилиб қатъий бир хулосага келинган. «Тузуқлар» муаллифининг сўзларига кўра, «юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин экан».

Давлат қуриш олдидан қилган иккинчи кенгашим шундан иборат бўлдики, - дейди Амир Темур «Тузуқлар»ида, - «Туғлуқ Темурхон мен билан тузган аҳду қарорини бузиб, иккинчи бор Мовароуннаҳр мамлакатига қўшин тортиб келди ва ҳукуматни мендан тортиб олиб, ўғли Илёсхўжага топширди. Мени эса унга бош қўмондон (сипоҳсолар) ва маслаҳатчи қилиб тайинлади. Менга Қочувли баҳодир ва Қобулхон томонидан битилган аҳдномани У кўрсатди. Бу, ишга ортиқча рўйхушлик билдирмаётганимни кўриб, бобом Қочувли баҳодир ва ўзининг бобоси Қобулхон томонидан битилган аҳдномани кўрсатди. Пулат тахтага ёзилган-аҳномада хонлик Қобулхон авлодининг қўлида, сипоҳсоларлик эса Қочувли Баҳодир болаларида бўлсин, улар бир-бири билан ёвлашмасин», деган сўзлар битилган экан. Буни ўқиб кўргач, улуғлар аҳдига вафодорлик қилиш юзасидан сипоҳсоларликни қабул қилдим»¹.

Амир Темур Мовароуннаҳрда ҳокимиятни қўлга киритиш йўлида жуда кўплаб тадбир ва кенгашлар, маслаҳатлар ўтказган.

Кенгашда қабул қилинган қарорга мувофиқ иш юритиб муддоасига эришган. Бунга Жете ва Илёсхўжа лашкарларига шикаст етказиш ҳақида қилган ўн учунчи кенгашини мисол сифатида айтиш мумкин. Кенгаш қарорига мувофиқ кўрилган тадбирлар душман жангчилари кўнглига ғулғула солган. «Тузуқларда» айтилишича, Амир Темур оз аскарлари билан кўп сонли Илёсхўжа қўшини турган жойга тўсатдан келиб, тунда тоғ тепалигини эгаллаб, атрофга кўплаб гулханлар ёқишга амр қилади. Душман қўшинлари тоғдаги кўп гулханларни кўриб кўркувдан саросимага тушиб қолади. Ўша тунни Илёсхўжа қўшини, унинг «жангга ҳозирланинг» буйруғини кутиб (уйқусизликда) ўтказди. Тонг отгач, Илёсхўжа ўз лашкарлари билан фавж-фавж бўлиб кета

¹ Ўша асар, 19-20-бетлар.

бошлайди. Амир Темур амирлари ва сипоҳийлари душман кетидан кувишга буйруқ беришни илтимос қиладилар. Амир Темур душманнинг мақсади маълум бўлгунча таъқиб этишни бироз кечиктиришни амр қилади. Душманнинг мақсади Амир Темур кўшинларини тоғдан тушуриб, яланг ерда жанг қилиб янчиб ташлаш эканлиги кейинчалик маълум бўлади. «Бу пайт мен уларнинг фикридан вакиф бўлганим ва тоғдан тушмаётганлигимни кўриб, - деган эди бобомиз, - орқаларига қайтаришга ва менга хужум қилишга мажбурдирлар. Мен фавжларимни тоғ этагида сафга тизиб, жангга киришга мўлжалладим. Жете лашкари тоғ этагига етиб келиб, нима қилишини билмай хайрон бўлиб турганда, баҳодирларимга ёв устига қалин ўқ ёғдиришни буюрдим. Душманнинг кўпини ярадор қилдилар. Кеч кириб қоронғу тушганда, кўлларидан бир нима келмаслигини кўришгач, тоғ этакларини гир айлантириб жойлашдилар. Ўша кеча лашкаримни тўрт фавжга бўлиб, ўзим бош бўлиб, тунда ғаним устига тўсатдан босқин қилиш фикрига келдим. Менинг бу кенгашим амирларимнинг ҳам дилига ўтиргач, тонгга яқин отландим ва тун панасида тўрт томондан ғаним устига ҳамла қилдим. Жете лашкарлари ўзини йиғиб, тартибга келтиргунча баҳодир йигитларим уларни тузғитиб ташладилар. Жете лашкари урушда енгилганига иқрор бўлганидан кейин иккинчи бор жанг қилишга ботинолмади»¹.

Амир Темур томонидан салтанатнинг мустақиллиги ва мустаҳкамлиги борасида ҳам кенгашлар ўтказилган. Ана шундай кенгашлардан бири ўзини шавкатли буюк амир ҳисоблаётган амирларни итоат эттириб, бўйсундиришга қаратилганди. «Тузукларда» бу ҳақда шундай дейилади: «Биринчи навбатда Мовароуннаҳрда салтанат байроғини кўтарган амир Қозоғонгнинг набираси Амир Хусайнни давлатимга шерик деб (элга) эшиттирдим ва у билан муросаюмадора қилдим. Гарчи у ташқи кўринишдан менга дўстлик билдирса ҳам, аммо ичидан ҳамиша ҳасад ва нифоқ мақомида турди. Унинг ўзи Мовароуннаҳр салтанати тахтига ўтиришни орзу этарди. Унга ишончим йўқлиги туфайли Хожа Шамсиддин (Кулол) мозорига бошлаб бориб, дўстлик изҳор қилиб қасам

¹ Ўша асар, 33-34-бет.

ичдим. У ҳам дўстликка хилоф бирон иш қолмаслик ҳақида аҳду паймон қилди. Шундан кейин яна уч бор Қуръони Мажидни қўлига олиб, дўстлик ҳақида онт ичди. Аҳдига вафо қилмагани учун охири менинг (жазойимга) гирифтор бўлди»¹.

Амир Ҳусайн, «менинг дўстлик ва қариндошликни риоя қилишдан бошқа ниятим йўқ», деб Қуръон тутиб қасам ичгач, -Амир Темурга карата, «Агар сенга айтган гапларимга хилоф бир иш тутиш ниятим бўлса ва ўртадаги аҳд-паймонимни бузиб, сенга ёмонлик қилсам, шу ушлаган Қуръон–Худонинг китоби мени урсин «деб айтган бўлса-да, барибир, аҳду-паймонига хиёнат қилади. У хийлакорлик, маккорлик ишлатиб Амир Темурни қўлга тушириб, йўқотмоқчи бўлади. Лекин у ўзининг шум ниятларига ета олмайди, алал-оқибат ўзи қазиган чоҳга қулайди.

«Тузуклар»да Туронзаминни душманлардан тозалаш, Хуросон пойтахтини олиш, Сеистон, Қандаҳор ва Афғанистон мамлакатларини забт этиш, Ўрисхонни бартараф қилиш, Тўхтамишхонга шикаст етказиш ва йўқотиш, Ҳиндистонни забт этиш борасида ўтказилган кенгашлар ва амалга оширилган тадбирлар ҳақида ҳам кенг маълумотлар берилган.

Хуросон мамлакати бўйсундирилгандан кейин Амир Темурга амирлари унга Сеистон, Қандаҳор ва Афғонистон мамлакатларига лашкар юборайлик, деб маслаҳат берадилар. Лекин Амир Темур бу маслаҳатга рўйхушлик бермай, бошқа бир йўлни танлайди. Ўша диёрлар ҳокимларини ўзига оғдириб олиш учун лашкар ўрнига қуйидаги мазмундаги мактубини юборади: «Агар менга қўшилсанглар (кутуласизлар), курашсанглар йиқиласизлар. У ҳолда тақдирингизда нима бўлса ўшани кўрасизлар». «Бу тадбирим, -дейди Амир Темур,- тақдирга тўғри келди. Ёрлиғларим уларга етиши биланоқ итоат бошларини бўйсуниш мақомига қўйдилар».²

Ҳиндистонни забт этиш учун қилинган кенгаш ҳам эътиборга моликдир. Амир Темур фарзандлари ва амирларидан қуйидаги маслаҳатни эшитади:

¹ Ўша асар, 34-бет.

² Ўша асар, 41-бет.

Амирзода Пирмухаммад Жаҳонгир (Темурнинг набираси): «Агар Ҳиндистонни олсак, унинг олтинлари билан бутун ер юзини эгаллаймиз», - дейди. Амирзода Муҳаммад Султон Темурнинг набираси эса, «Ҳиндистонни оламиз-у, бироқ (бунга) тўсиқлар бор: биринчиси–дарёлар, иккинчиси–ўрмону тўқайлар, учинчиси–тўлиқ қуролланган сипоҳийлар ва одамга ов қилувчи қутурган филлари кўп», - деди. Амир Темурнинг яна бир набираси Султон Ҳусайн: «Агар Ҳиндистонни қўлга кирита олсак, тўрт иқлимга ҳукмрон бўлурмиз», - деди.¹

Амир Темир набиралари, фарзандлари, амирларининг фикр-мулоҳазаларини тинглаб, маслаҳатларини эшитиб, Қуръони Мажиддан фол очишга ва ана шу фолнинг натижасига биноан иш тутажагини айтади. Унинг бу таклифини ҳамма маъқуллайди. Қуръондан фол очишса, ушбу улуғ оят чиқади: «Эй пайғамбар, кофирларга ва мунофиқларга қарши жаҳд қилгил». Уламо мазкур оятнинг мазмунини амирларга тушунтириб бергандан кейин, бошларини эгиб, жим бўлиб қоладилар.

Амир Темур кўпчилик амирларнинг Ҳиндистонга юришга розилик бермаётганликларини сезиб дили ранжийди. «Тузуқлар»ида у бу ҳақда шундай дейди: «Ўз-ўзимга кенгашиб, Ҳиндистонни забт этишга розилик бермаётган амирларни мансабларидан олиб, қўшинларини кутволларга топширмақчи бўлдим. Лекин ўзим тарбиялаган кишилар бўлганликлари учун, уларни хароб қилишни истамадим. Гарчи улар юрагимни ҳар қанча қон қилган бўлсалар ҳам, уларга юмшоқлик-мулойимлик қилдим. Лекин охир-оқибатда менинг фикримга қўшилганларида, кўнглимда уларга нисбатан ғубор қолмади. Сўнгра қайтадан кенгаш чақириб, иқболимиз хонаси–Ҳиндистонга қарата қўл кўтариб, зафару фатх фотиҳасини ўқидим».²

«Темур тузуқлари»да давлат тузуми ва ундаги турли лавозимларнинг вазифалари, уларга муносабат, давлат арбоблари билан раият ўртасидаги муносабат, қўшин тузилиши ва моддий таъминоти сингари ўта муҳим

¹ Ўша асар, 46-бет.

² Ўша асар, 47-бет.

масалаларга ҳам алоҳида эътибор берилган. «Салтанатим ишларини, - дейди бу ҳақда «Тузуқлар»ида, -қонун-қоида ва интизомга солиб, салтанатим мартабасига зебу-зийнат бердим. Салтанатимни ўн икки тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда иш юргиздим. Салтанатим қонун-қоидаларини ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим. Бу ўн икки тоифани салтанатим фалакининг ўн икки буржи ва давлатим корхонасининг ўн икки ойи деб ҳисобладим».¹

Ана шу ўн икки тоифа қуйидагилардан иборат: 1. Саййидлар, уламолар, шайхлар, фозиллар. 2. Ақлли кишилар ва кенгаш соҳиблари, эҳтиёткор арбоблар ва кейинини ўйлаб, олисни кўриб иш юритувчи кекса ва тажрибали кишилар. 3. Дуоғўй кишилар. 4. Амирлар, сарҳанглар, сипоҳсолорлар. 5. Сипоҳ ва раиятдан чиққан баҳодирлар, довюрақлар. 6. Яширин ишларни-махфий сирларни очиб кенгаш қилишга лойиқ бўлган ақлли, тажрибали, энг ишонарли кишилар. 7. Вазирлар, бош котиблар, девон муншийлари. 8. Ҳақимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандислар. 9. Муҳаддислар, пайғамбар, унинг авлодлари ва саҳобалари ҳақида ривоятлар нақл қилувчилар, тарихчилар, қиссахонлар. 10. Машойихлар, сўфийлар, Худони таниган орифлар. 11. Касбу-ҳунар эгалари. 12. Ҳар мамлакат ва диёрдан келган саёҳатчилару мусофирлар, савдогарлар ва карвонбошилар.²

Соҳибқирон бу табақалар ва тоифадаги кишилар билан доимий кенгашиб, маслаҳатлашиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиб, кераклисини қабул қилиб, салтанат ишларини олиб борган, давлатнинг энг муҳим ишларини ижро этган.

Амир Темур биринчи тоифадан диний, ҳуқуқий, ақлий масалаларни ўрганади. Саййидлар, уламо ва шайхлар унинг саройига доимо келиб-кетиб, мажлисларини безаб туришган. Иккинчи тоифа кишиларини хос мажлисларига киритиб, суҳбатларидан, ишларидан наф олиб, тажриба ҳосил қилган. Учинчи тоифадагилар билан хилватда суҳбат қуриб, мажлисларда, базмларда, жанг майдонларида улардан кўп баракотлар топган. Сипоҳгарчилик ишларида

¹ Ўша асар, 64-бет.

² Ўша асар, 54-бет.

тўртинчи тоифага кирадиган амирлар, сарҳанглар, сопиҳсолорларга таяниб, улардан кенгаш тилаган, маслаҳатларини олган.

Соҳибқирон ҳазратлари бешинчи тоифага кирган сипоҳ ва раиятнинг ҳар иккисига, бир кўз билан қараб тожу тахтнинг асосий суянчиғи деб билган, мартабаларини ҳар доим кўтариб турган, совға-саломлар бериб, хизматларидан фойдаланган. «Сипоҳийларимни ҳамиша жангга тайёр ҳолда тутдим, ойлик ҳақларини сўраттирмай вақтида бердирдим. Сипоҳ ва раиятни шундай тутдимки, биронтаси иккинчисидан устунлик қилиб, қаттиқ гапиролмас эди. Бошқа сипоҳийларни ўз мартабаларига ва даражаларига қараб шундай сақладимки, ҳаддидан ташқари бирон қадам кўёлмас эди. Уларнинг мартабаларини кўтариб, ҳовлиқтирмадим ва кўп тушуриб юбориб, кўнгилларини чўктирмадим»,¹-дейди Амир Темур.

Олтинчи тоифадагиларни ақлли, тажрибали, энг ишончли кишилар ҳисоблаб, Амир Темур улар билан сирдошлик қилиб, яширин ишлар, махфий масалаларни ўшаларга топширган.

Амир Темур ҳазратлари вазирлар, бош котиблар, девон муншийларини салтанат саройини безатувчилар деб эъзозлаган. Улар эл орасида ва мамлакатда бўлаётган кундалик воқеаларни, сипоҳ ва раият туриш-турмушини Амир Темурга билдириб турганлар. Булар давлат хазинаси, сипоҳ ва раиятга оид ишларни тартибга солиб юритадилар. Салтанат мулкига тушган раҳналарни бекитишнинг лойиқ чора-тадбирларини кўрдилар», - дейилади «Тузуқлар»да.

Саккизинчи тоифага кирувчилар Амир Темур таъбири билан айтганда, салтанат корхонасига ривож берувчилардир. У ҳақимлар ва табибларни ўз атрофига тўплаб, беморларни даволаттирган. Муҳандислар билан маслаҳатлашиб олий иморатлар барпо этиб, боғу-бўстонларнинг лойиҳа-тархини чиздирган.

Ҳазрат бобомиз тўққизинчи тоифадагилар ҳақида фикр юритиб, «Пайғамбарлар ва авлиёлар ҳақидаги қиссаларни, ўтган подшолар тўғрисидаги хабарларни, уларнинг салтанат тахтига қандай етишганликларини, давлат-

¹ Ўша асар, 65-бет.

ларнинг қандай сабабларга кўра завоқ топганлигини булардан сўраб билардим», - дейди.

Машойхлар, сўфийлар, худони таниган ўнинчи тоифадагилардан Амир Темур Тангри таолонинг сўзларини эшитиб, кароматлар кўрган, уларнинг суҳбатларидан роҳатланиб, ҳузур қилган.

Ўн биринчи тоифа–касбу ҳунар эгаларидан ҳазрат бобомиз сафарда бўлган ва уруш пайтларида сипоҳ учун керакли яроқларни ҳозирлатган.

Ўн иккинчи тоифага кирган кишилар Амир Темурга Хитой, Хўтан, Чину Мочин, Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Миср, Шом, Рум, Жазоир, Фарангистон (Европа) ҳақида ҳар хил хабарлар етказиб туришган.

Амир Темурнинг буюклиги шундаки, у ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмаган, тузини татиб, ёмонлик қилганларни Парвардигори оламга топширган. Софдил кишилар, олим ва фозилларга даргоҳи очиқ бўлган, кўнгли бузук кимсаларни эса ўзига яқинлаштирмаган. Ҳар кимнинг қадр-қимматини амалий фаолияти, одоб-ахлоқи, иймон-эътиқодига қараб ўлчаган.

Ана шу тариқа соҳибқирон бобомиз адолат, қадр-қиммат, ор-номус, бурч, масъулият, виждон, иймон-эътиқод, ҳалоллик, фидойилик сингари маънавий-ахлоқий қадриятлар ҳақида неча-неча авлоду аждодларга дастур ва йўл-йўриқ бўлиб хизмат қиладиган таълимотлар яратган ва ҳаётга шахсан ўзи жорий этган. Унинг, «Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим», «Адоват эмас, адолат енгади», «Адлу эҳсон билан жаҳон обод бўлади», «Бошсиз мамлакат жонсиз танага ўхшайди», «Бир кунлик адолат юз кунлик нафл тоат-ибодатдан афзал», «Ҳар неки деган бўлсам унга амал қилдим», «Ҳеч бир ишда танглик қилмадим», «Ҳар бир диёр аҳолисининг аҳволидан огоҳ бўлиб турдим», «Яхшиларга-яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим», «Ўз салтанатимни шариат билан безадим», «Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим», «Иш кўрган, синалган, шижоатли эр-йигитларни қошимда тутдим» , «Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқ бўлишга интилдим»,¹ деган доно сўзлари шарқона маънавият ва

¹ Ўша асар, 56-57-бетлар.

маърифат ҳақидаги таълимотлар ривожланишига кўшилган буюк ҳиссадир.

Амир Темур «Тузуқлари»да «Ҳар мамлакатга шайхулислом юбордим, токи мусулмонларни гуноҳ ишлардан қайтариб, уларни яхши ва савоб ишларга ундасин», «Қонни қон билан эмас, сув билан ювишни ўрган», «Номуссиз хиёнатдан номусли ўлим яхши» каби кишиларга ўрнак ва сабоқ бўладиган сиёсий, ҳуқуқий, диний-ахлоқий, фалсафий ўғитлар-ҳикматлар беҳисобдир.

Амир Темурнинг давлат тизими ва бошқаруви ҳақидаги таълимоти маърифатпарвар инсоният учун қўлланма бўлиб хизмат қилди. «Темур тузуқлари»да илмий асослаб берилган ғоялар ўз аҳамиятини ҳали-ҳамон тўлалигича сақлаб келмоқда. Буни соҳибқирон хазратларининг подшоҳларда қандай хислат ва фазилатлар бўлиши кераклиги хусусида билдирган қуйидаги дастурий йўл-йўриқларидан билиб олса бўлади: «Подшоҳ ҳар ишда, ўзи ҳукм чиқарсин, ҳеч ким унинг ҳукмига аралашиб, ўзгартира олмасин», «Подшоҳ ҳар ишда қарорида қатъий бўлсин, яъни ҳар қандай ишни қилишга қасд қилар экан, то битирмагунча ундан қўл тортмасин», «Подшоҳ ҳукми жорий этилиши даркор. Бирон кимса гарчи ҳукмни зарарли деб билган бўлса ҳам, унга монелик қилолмасин», «Подшоҳ ишларини тамоман бошқага топшириб, эркни унга бериб қўймасинким, дунё хиёнатчи хотин сингари, унинг хуштори кўпдир. Агар шундай қилар экан, ўзганинг нафси тез орада подшоҳ бўлишни тилаб, салтанат тахтини ўзи эгаллашга киришади», «Подшоҳ салтанат ишларида ҳар кимнинг сўзини эшитсин, ҳар кимдан фикр олсин. Қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгил хазинасида сақлаб, вақтида ишлатсин».¹

Темурнинг улуғлиги, донишмандлиги шундаки, у давлатни, мамлакатни қўшинга, зўрликка эмас, балки биринчи навбатда оммага, халққа, мамлакат устунларини ташкил қилган табақалар ва тоифаларга, вазиру вузаролар, амиру бекларга таяниб бошқарди, ҳар қандай давлат ўз фаолиятида маълум ижтимоий гуруҳга таянади. Темур ва темурийлар давлати ҳам бундан мустасно эмас. Амир Темур давлат ва ҳокимиятни бошқаришда бир ёки икки табақага эмас,

¹ Амир Темур ўғитлари. Т., «Наврўз», 1992, 23-24-бетлар.

балки аҳолининг барча табақаларига суянди. Шунинг учун ҳам у давлатнинг таянчлари, устунлари масаласига биринчи даражали аҳамият берди.

«Тузуклар»да Амир Темурнинг вазирлар танлашга нақадар эътибор берганлиги чуқур баён этилган. Давлат ҳокимияти тизими ва бошқарувида вазирлик иши ўта масъулиятли, нозик ва мураккаб соҳа ҳисобланади. Мамлакат ва жамиятнинг турмуши, тожу тахт ва салтанат тақдири кўп жиҳатдан вазирларнинг фаросат, саъй ҳаракати ва ғайратига боғлиқ. Мамлакатни идора қилишда вазирлар танлаш, уларни жой-жойларига қўйиш масаласига жиддий эътибор бериш зарурлигини назарда тутиб Амир Темур ҳазратлари «Тузуклари»нинг «Вазир тутиш тузуги» бобида бу ҳақда ўзининг қимматли фикр-мулоҳазалари, дастурий йўл-йўриқларини баён этган. Унинг фикрига кўра, вазир бўлишга даъвогар шахс тўрт сифатга эга бўлган кишилардан бўлишлари лозим. Биринчиси–асиллик, тоза наслик; иккинчиси–ақл-фаросатлилик; учинчиси–сипоҳу раият аҳлидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалада бўлишлик; тўртинчиси–сабр-чидамлилиқ ва тинчликсеварлик.

«Тузуклар»да белгилаб қўйилганидек, кимки шу тўрт сифатга эга бўлса, ундай одамни вазирлик мартабасига лойиқ деб ҳисобланиб, мамлакат ишларини, сопиҳ ва раият ихтиёрини унга топширса бўлади. Ҳукмдор томондан, -дейлади асарда,-бундай вазирга тўрт имтиёз–ишонч, эътироф, ихтиёр ва иқтидор берилсин.

Қандай вазирни камолотга эришган деб ҳисоблаш мумкин? Бу саволга Амир Темур ҳазратларининг жавоблари қуйидагичадир: «Камолотга эришган вазир улким, давлат муаммоларини тартибга келтириб, мулкӣ ва молиявий ишларни тўғрилиқ билан, асли-насли тозалигини кўрсатиб, ажойиб тарзда бажаради. Олгулик жойидан олиб, бергулик ерга беради. Рухсат этувчи ва таъқиқловчи буйруқларида унинг асиллиги ва тоза наслиги кўриниб турсин. Душманлик ва жабр-зулм қилмайди. Хоҳ сипоҳдан, хоҳ раиятдан бўлсин, ҳар кимнинг номини яхши сўзлар билан тилга олади. Бировлардан ёмонлик ахтармайди, айтсалар эшитмайди. Агар бировдан ёмонлик кўрган бўлса, унга нисбатан шундай муомала қиладики, у шахс (охири) ёмонлигидан қайтади, ўзига ёмонлик

қилган одамга нисбатан шундай яхшилик қиладики, у олдига бош эгиб келади».¹

«Тузуклар»да ғийбат ишларни айтган, уйдирма гапларга қулоқ солган, жабр-зулм қилган, ўзига ёқмаган кишиларни йўқотиш пайига тушган вазирни мартабасидан тушири лозим, дейилади. Насли-ю зоти ёмон, ҳасадчи, гина-кек сақловчи, қора кўнгилли кишиларга зинҳор вазирлик лавозими берилмаслиги уқтирилган. Дарҳақиқат, бузуқи, қора ният, зоти паст одам вазирлик қилса, давлату салтанат тез орада қулайди. Тарихда бунга истагунча мисоллар топилади.

Вазирлик мансабидагиларнинг ҳаммаси ҳам бир хил бўлмаслиги турган гап. Улардан айримлари инсофу диёнатли, ҳалол, халқпарвар бўлса, бошқа бирови эса, бунинг аксича, нафси ёмон, порахўр, бузуқи, ғирром бўлиши мумкин. «Қайси вазир софлиқ ишига киришиб, давлатнинг молия-мулкия ишларини диёнат, савоб билан, нафси бузуклик қилмай, омонатга хиёнат этмай бажарар экан, - дейилади. «Тузуклар»да, - ундай вазирни энг олий мартабаларга етказсинлар. Қайси вазир бузуклик қилиб, ёмонлик йўли билан мамлакат ишларини юргизар экан, кўп ўтмай ундай салтанатдан хайру барокат кўтарилади».²

Амир Темур мамлакатнинг ободу фаровонлиги, раиятнинг тинчлиги-осудалиги, давлатнинг куч-қудрати вазирнинг доною донишмандлиги, халқпарварлиги ҳаёти мазмунини хайрли ва савобли ишларга бағишлай олишига бевосита боғлиқдир, деб таълим берган эди. «Доно вазир шулдирки,- деб ҳисоблайди соҳибқирон ҳазратлари, - ўз ўрнига қараб гоҳ қаттиқ қўллик, гоҳида эса мулойимлик билан иш юритади. Бундай вазир ортиқча қаттиқ қўллик ҳам қилмайди, кўп мулойимлик билан юмшаб ҳам кетмайди. Агар кўп мулойимлик қилса, дунёталаб, таъмагир одамлар уни ютиб юборадилар. Агар ортиқча қаттиқлик ишлатса, ундан қочадилар ва унга бошқа мурожаат қилмайдилар. Демак, доно вазир шулдирки, салтанат корхонасининг ишларини энг тўғри чораю тадбирлар қўллаб, яхши англаган ҳолда амалга ошириб,

¹ Темур тузуклари. Т., Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991, 75-бет.

² Ўша асар, 75-76 бетлар.

давлатни тартиб-интизомга келтиради. Салтанат ишларини сабр-тоқат, чидам билан адо этади. Салтанат муаммоларини ўз ўрнида қаттиқ қўллик, ўз ўрнида мулойимлик билан ҳал қилади. Бу хилдаги вазирни давлат шериги деб билсинлар....»¹.

«Тузуқлар»да Амир Темур кишилар эътиборини яна бир масалага жалб этган. Унинг уқтиришича, давлату салтанат уч нарса—мулк, хазина ва лашкар билан тирикдир. Тарихда бирон давлат хазинасиз ва қўшинсиз яшай олмаган, ҳозирда ҳам шундай, бундан кейин ҳам шундай бўлади.

Давлату салтанат тириклигининг асослари бўлган мулк ва хазинани ҳамда мамлакат хавфсизлигини таъминлайдиган лашкарни қай тарика сақлашда вазирнинг хизмати ниҳоятда катта. Асар муаллифининг мана бу доно ўғитлари бизларнинг фикримизча, ҳозирги пайтда ҳам ўз аҳамиятини тўлалигича сақлаб келмоқда: «Доно вазир буларнинг ҳар учаласини тадбиркорлик билан яхши аҳволда, саранжом тутди. Жами яхши хулқлар соҳиби бўлган вазир азият етганда ҳам ҳеч кимга кўнглида гина-адоват сақламайди. Агар гина-ю кек сақлаб, душманлик қиларкан, бундай вазир мунофиқдир. Ундай вазирдан эҳтиёт бўлиш керак, чунки давлат душманлари билан тил бириктириб, хазинани ва лашкарни хароб қилади. Ақлли вазир улки, бир қўли билан раиятни, иккинчи қўли билан сипоҳни тутди. Олгулик жойдан олиб бергулик жойга беради. Сергаклик ва эҳтиёткорликни қўлдан бермайди. Тўғрилик ва ростлик билан муомалада бўлиб, ҳар ишнинг оқибатини ўйлаб иш тутди. Давлат фойдасини кўзлагани учун, бировга душманлик қилишни кўнглига келтирмайди. Тажрибали, ишбилармон ва билимдон вазир шундай бўладики, мамлакат ободлигини, раият ва сипоҳнинг тинч-фаровонлигини, хазина бойлигини доимо кўзда тутди. Давлату салтанатга фойда келтирадиган ишларни бажаришга тиришиб ҳаракат қилади. Салтанатга зарар етказадиган хатарли ишларни бартараф қилишда молу жонини аямайди. Сипоҳу раиятга тегишли муҳим ишларни яхшилик йўли билан, тўғри тадбир ишлатиб амалга оширади. Яхши хулқли вазир шулки, унинг эзгу ишлари ёмон феъл-атворидан

¹ Ўша асар, 76-бет.

устунлик қилади»¹.

Амир Темур ақлли, билимдон ва хушёр, адолатли вазирларнинг фаолиятига юксак даражада баҳо беради. Унинг фикрича, ақлли вазир бир тўғри тадбир қўллаб ғаним қўшинини пароканда қилиб юбора олади, мураса-ю мадора, хушмуомалалик билан сипоҳни бирлаштириб, душман лашкарларини ўзига ром қилади. Бундай вазир валинеъматининг соқчиси бўлиб, подшосининг бошига тушган муҳим ва мушкул ишларни тадбиркорлик ва узоқни кўра билиши билан осонлаштиради. Агар салтанат ишларида жумбоқ учраса, ақлу фаросатини ишлатиб уни ечиб юборади.

Вазирнинг ақлли, хушёр, билимдон, адолатпарвар, сахий, меҳр-мурувватли бўлиши мамлакат ҳаёти ва раият тақдирида муҳим аҳамият касб этади. «Агар подшоҳ золим бўлиб, вазири одил бўлса,-дейди Амир Темур «Тузуқлар»да, - подшоҳнинг жабр-зулмини (тўхтатиш) чора-тадбирини кўради. Лекин вазир золим бўлса салтанат ишлари тез муддатда парокандаликка учрайди»².

Амир Темур тузган марказий давлат тизимида ҳар бир вазир томонидан бажариладиган вазифа аниқ-равшан белгилаб берилган, бирининг ишига бошқаси аралашмаган.

Биринчиси, вазири аъзам—бош вазир ҳисобланиб, кундалик жорий ишлар, раиятнинг ҳол-аҳволи, вилоят ва ўлкалардан олиб туриладиган ҳосил, солиқ, қирим-чиқим ишларини бошқариш каби муҳим ишлар унинг зиммасида бўлган. У фақат подшоҳ—олий ҳукмдор олдида масъул бўлган.

Иккинчиси сипоҳ вазири деб аталиб, сипоҳийларнинг маошлари ва танҳоларини тасарруф этган. Бошқача қилиб айтганда, сипоҳнинг таъминоти ва унинг умумий аҳволини назорат қилиб турган.

Эгасиз қолган, ўлиб кетган ва қочганларга тегишли молларни, келиб-кетаётган савдогарлар мол-мулкидан закот ва божларни ва бошқа йиғилган даромадларни омонат тарзида сақловчи учинчи вазир ҳам бўлган.

«Тўртинчиси-салтанат ишларини юритувчи вазир. У бутун салтанат

¹ Ўша асар, 76-бет.

² Ўша асар, 77-бет.

идораларининг кирим-чиқимлари, хазинадан сарф қилинган тамом харажатлар, (хатто) отхона ва (саройдаги) бошқа жонзотларга қилинган харажатларгача огоҳ бўлиши керак»¹, -дейди Амир Темур «Тузуқлар»да.

Амир Темурнинг вазир тутиш ва вазирларнинг хизмат қилишлари ҳақидаги йўл-йўриқлари ва таълимоти ўтмишда бўлгани сингари ҳозирги даврда ҳам ўта муҳим ва зарурдир.

«Темур тузуқлари»—жаҳонга машҳур қомусий асар. Унда илм-фаннинг барча соҳалари мужассамлаштирилган. Диний илм ҳам, фалсафий, сиёсий-ҳуқуқий илмлар ҳам, ҳарбий, иқтисодий илмлар ҳам, шаҳар қурилиши, чорвачилик, дехқончилик, боғдорчилик, савдогарчиликка оид масалалар ҳам, маданият, маънавият, маърифатга дахлдор масалалар ҳам асар муаллифи эътиборидан четда қолган эмас.

«Темур тузуқлари»—қомуслар қомуси, ҳикматлар хазинаси, донолик-донишмандлик илмидир. Унда шундай ажойиб ғоялар, таълимотлар, фалсафий ҳикматлар беҳад-беҳисобки, улар алоҳида бир давр одамлари учунгина эмас, барча даврлар, замонлар, жумлаи жаҳон учун ҳам кони фойда, дастуриламалдир. Буни Амир Темурнинг куйидаги, ҳикматларидан кўрса бўлади: «Миллатнинг дардларига дармон бўл...», «Бир ишга киришмай туриб, ундан кутилиб чиқиш йўлларини мўлжаллаб қўй», «Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин», «Худо битта, унинг шериги йўқдир. Шундай бўлгач, Аллоҳ таолонинг муқаддас мулки—ер юзига эгалик қиладиган (кад худо) киши ҳам битта бўлиши керак», «Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди», «Ҳеч кимга ғазаб билан муомала қилмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим, токи Тангри таолонинг ғазабига дучор бўлмайин ва ишимни бузиб, ҳолимни танг айламасин деб», «Яхшиларга-яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим».

Юқорида келтирилган мисоллар Амир Темурнинг ақл-идрок ва тафаккурда

¹ Ўша асар, 85-бет.

Аллоҳ таоло назари тушган буюк зот бўлганлигига яққол далилдир. Унинг ҳар бир сўзи ақл-идрок кони, ўнлаб китоблардан топиб бўлмайдиган мислсиз тафаккур бойлигидир. Соҳибқирон ҳазратларининг «Тузуқлари»да ўз ифодасини топган қимматли ўғитлари, фалсафий ҳикматлари билан танишиб, мағзини чакқан киши жуда кўп нарсаларни билиб, чуқур англаб олади, яхшини ёмондан, дўстни душмандан фарқлайдиган, пок ва садоқатли кишиларни қадрлайдиган, халқ ғамини ўз ғами деб биладиган, ватани озодлиги, мустақиллиги билан фахрланадиган бўлади. Амир Темурнинг ҳикматларга бой сўзлари, фикр мулоҳазалари, ғоялари унинг авлодларига, бўлғуси насл-насабларига, инсониятга қолдирган бебаҳо маънавий бойлигидир.

Ҳазрат соҳибқиронда шундай катта ақл-идрок ва илоҳий кудрат бор эдики, шулар туфайли хавф-хатарли, ўта оғир ва мушкул пайтларда жасур ва садоқатли кишиларни орқасидан эргаштира билди, халқ оммасини эзгуликка чорлади, адолатга томон бошлади, неча-неча бор ўлим билан юзма-юз келганда ҳам заррача бўлса-да чўчимайди, саросимага тушмайди, ғоясидан воз кечмайди, олға томон интилишдан тўхтамайди, юрт озодлиги ва мустақиллиги учун бошлаган ҳаракатларини, олий мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида фидойилик кўрсатди.

Амир Темур – сўзи билан иши муштарак бўлган, бошлаган ишини қиёмига етказмасдан қўймайдиган, берган ваъдасини устидан чиқадиган, иймон-этиқодига хиёнат қилмаган, дўстларга дўстона қўлини узатиб меҳр-мурувват кўрсатишни бир умр қанда қилмаган олижаноб зот, Аллоҳнинг суюкли бандасидир.

Амир Темурнинг буюклиги, беназир инсон, жаҳоншумул шахс, қомусий аллома, улуғ зот эканлиги эслатиб ўтганимиз «Тузуқлари»да ўз ифодасини топган.

Амир Темур «Тузуқлари» энг нодир асар. Унда ҳазрат бобокалонимиз томонидан баён этилган ҳар бир сўз, ҳар бир танбех, ҳар бир танқидий фикр-мулоҳаза хоҳ катта, хоҳ кичикдир инсон зотига сув билан ҳаводек зарур. Амир Темур ўғитлари, сиёсий-ҳуқуқий, фалсафий таълимотлари инсонни фақат ва

фақат тўғри йўлга бошлайди, эзгуликка, саховатга, савоб ишларга даъват этади, хатоликлардан, хавф-хатарлардан асрайди. Узоққа бормасдан соҳибқирон бобомизнинг умумбашарий аҳамиятига эга бўлган қуйидаги доно ўғитларига бир эътибор берайлик: «Фарзандларим ва невараларим, шуни билиб қўйингким, барча подшоҳлар ва султонларнинг офат-балоси маишатга берилиш ва чиройли аёлларга ўзларини топширишдир. Душман қўлида нобуд бўлган кўп султонлар ва амирлар маишатпарастликнинг қурбони бўлганлар».

Амир Темур бобомизнинг бу пурҳикмат сўзлари барча давр, барча халқ ва миллат фарзандлари учун мангу чақирик, энг кучли огоҳлантиришдир.

Ҳазрат соқибқирон бобомизнинг мана бу сўзлари ҳам ҳар бир инсон зоти учун дуру гавҳардан-да қимматлироқ ва бебаҳодир: «Мен, инсон тақдирини белгилаш унинг ўз иродасига боғлиқ, деб биламан. Негаки, Тангри инсонга ўз ихтиёрини бермаганда, уни оқил қилиб яратмасди. Тангри ўз тақдири жиловини ўз қўлига олиш учун уни оқил қилиб яратди».

«Темур тузуклари» дунёга келган пайтдан бошлаб жаҳон халқларининг қўлдан қўймай севиб-ардоқлаб ўқиб-ўрганадиган асарларидан бирига айланиб қолди. Бу шоҳасарни неча-неча асрлардан бери жаҳондаги улкан сиёсатдонлар, давлат арбоблари, ҳарбий саркардалар, вазирлар, дипломатлар, олиму фузалолар излаб топиб, ўз тилларига ўғиртириб, мутолаа қилиб, ундан муҳим йўл-йўриқ, сабоқ олиб, илмий-амалий фаолиятларида унумли фойдаланиб келмоқдалар.

«Темур тузуклари» шоҳлар, амиру беклар, вазирлар билан бир қаторда тарихчилар, ҳуқуқшунослар, сиёсатчиларнинг сеvimли асари сифатида диққат-эътиборни ўзига жалб қилиб келди ва келмоқда. «Бу китобнинг машҳурлиги, дунёга ёйилишининг боиси, унда давлатнинг идора қилиш тамойиллари, усуллари, айниқса, сипоҳни ташкил қилиш ва жангларда ғолиб чиқиш каби қатор сиёсий-ҳуқуқий ва ҳарбий ғояларнинг бўлишидир. Китоб кўпроқ сиёсатчилар, шоҳлар ва шахзодалар учун зарур эди. Шунинг учун ҳам кўпгина машҳур шоҳлар китобнинг ўз кутубхоналарида асраб, ундан давлатларни идора

қилиш санъатини ўрганганлар»¹.

«Темур тузуклари»даги ғоялар, сиёсий-ҳуқуқий, фалсафий таълимотлар, маънавият ва маърифатга, инсон таълим-тарбиясига оид фикр-мулоҳазалар, қоида ва йўл-йўриқлар ўта муҳим ва қимматли бўлиб бугунги кунда мустақил Ўзбекистон давлатини бошқаришда ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Фахримиз, ғуруримиз, халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзи ҳисобланмиш Амир Темур бобомизнинг қолдирган мероси, панду ўғитлари, сиёсий-ҳуқуқий таълимоти бугунги кунда мустақил Ўзбекистон олдида турган улкан муаммоларни ҳал этишда, давлат мустақиллигини мустаҳкамлашда, барқарорликни таъминлаш, шаҳарларимизни обод ва кўркем, жаннатмакон, бозорларимизни тўқис, халқимизни фаровон этишда ўзига хос дастурул амалдир.

Шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов Амир Темур таълимотига, унинг «Тузуклари» ва «Ўғитлари»га тез-тез мурожаат қилиб турадилар. «Амир Темур даврини бошқатдан ўрганишимиз лозим, - дейди Президент республикамиз бир гуруҳ ёзувчилари билан ўтказган учрашувида. - Нега деганда, Амир Темур тузукларини ўқисам, худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандек бўламан. Шунинг учун стратегияни жуда пухта ўйлаш керак. Балки ота-боболаримиз қолдирган меросдан фойдаланиб, ўзимизга хос, ўзимизга мос стратегияни ишлаб чиқиш керак бўлади»².

Амир Темурдек соҳибқирон насл-насабидан бўлганлигимиз учун фахр-ланиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга маънан тўла ҳақлимиз. Халқларимиз, миллатимиз унинг номи ва амалга оширган ишларини, яратиб кетган таълимотини ҳеч қачон унутмайди. **«Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак»**³.

¹ Ҳалимбой Бобоев. Амир Темур ва темурийлар салтанати. Т., «Камалак» 1996, 71-бет.

² Ислон Каримов. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 198-бет.

³ Ислон Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш—давр талаби. 5-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1997, 177-бет.

Буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темурнинг муборак номи, илмий, маънавий, маърифий мероси ва таълимоти, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган бебаҳо ҳиссаси ҳозирги даврда бутун дунёга маълум. Ана шу хайрли ишларнинг ҳаммасига Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ташаббускор бўлди. Юртбошимиз раҳнамолигида Амир Темурнинг бой илмий мероси ҳамда маънавият-маърифатга оид мазмунан чуқур ва кўп қиррали таълимотини ҳар томонлама ўрганиш имкониятига эга бўлдик.

3-БОБ ЖАМИЯТ ҲАЁТИ РИВОЖИДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

1. Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, уларнинг моҳияти, инсон маънавиятидаги ўрни

Биз демократик жамият куришни олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, комил инсонни тарбиялаб вояга етказиш масаласи олдимизда турган зарур ва муҳим вазифадир. Бошқача айтганда, ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндошадиган, айна замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳақсизликлару адолатсизликларга мурасасиз бўлган, элим деб, юртим деб яшайдиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаб вояга етказиш ҳозирги пайтда давлатимиз сиёсатининг устувор соҳасидир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий онга эга бўлиш ҳар бир фуқаро, ҳар инсон учун биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги уқтириб келинмоқда. Унинг барча асарларида, нутқларида, Олий Мажлиснинг сессияларида, вилоятлар кенгашларидаги маърузаларида бу масаланинг долзарблиги қайта-қайта таъкидланаяпти. «Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон, - дейди бу ҳақда у, - ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. **Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт.** Токи жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётининг эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислоҳот, янгилашни ҳақидаги барча сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади»¹.

Инсон жамият белгилаган, давлат қабул қилган қонунларни, мавжуд ҳуқуқий мезонларни билмасдан туриб, маънавий-ахлоқий етукликка эриша

¹ Ислом Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз 7-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 245-бет.

олмайди. Ҳуқуқий билим, ҳуқуқий онг ва маданият миллат етуклиги ва инсон баркамоллигининг энг муҳим, асосий омилларидан биридир.

Ҳуқуқшунос олимларнинг илмий асарлари, рисолалари, назарий мақолаларида ўринли таъкидланиб келинаётганидек, ҳуқуқий онг ижтимоий онгнинг алоҳида шаклидир¹.

Ҳуқуқий онг ўзининг айрича томонлари, хусусиятларига эга. Ана шу жиҳатлари билан у ижтимоий онгнинг диний, ахлоқий, фалсафий, бадиий ва бошқа шаклларида жиддий равишда фарқ қилади.

Республикамизнинг атоқли ҳуқуқшуносларидан А.Саидов ва У.Тожионов ҳуқуқий онг ижтимоий турмушда мавжуд бўлган, жамиятимизга хос турли-туман ҳолатлар йиғиндисини ўзида мужассамлаштириши ҳақида фикр юритиб шундай дейдилар: «**Ҳуқуқий онг-ҳуқуқий** ҳиссиётлар, туйғулар, ғоялар, қарашлар, баҳолар, йўл-йўриқлар, тасаввурлар ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасига муносабатини кўрсатувчи, бу муносабат эса амалдаги ҳуқуққа, ҳуқуқий амалиётга, фуқаролар ҳуқуқлари ва бурчларига нисбатан, шунингдек, бошқа орзу қилинган ҳуқуқларга нисбатан бўлиши лозим ҳолатлар тизимидир»².

Ижтимоий турмушни ҳуқуқий бошқаришнинг зарур тартиби тўғрисидаги тушунчалар, тасаввурлар, ғоялар, қарашлар тизими бўлган ҳуқуқий онг ҳуқуқ билан диалектик бирликдадир. «Ҳуқуқий онг - ҳуқуқни англаш демакдир, одамларнинг ҳам амалдаги ҳуқуқ, ҳам уларнинг ўзлари истаган ҳуқуққа муносабатини ифода этадиган тасаввурлар ва ҳис-туйғуларининг мужассамидир. У табиатан ҳуқуқ билан муштаракдир ва шу сабабли мавжуд иқтисодий муносабатларга нисбатан иккиламчидир. Ҳуқуқий онг жамиятнинг, турли ижтимоий гуруҳларнинг объектив равишда келиб чиққан эҳтиёжлари ва манфаатларининг бевоста таъсирида шаклланади, ўзгариб турадиган объектив шароитлар ва жараёнлар таъсири остида доимий ривожланиб боради. Ҳуқуқий

¹ Қаранг: Р.К.Қаюмов, М.М.Мирхамидов, А.Т.Тўлаганов, О.Т.Хусанов, У.Ж.Ҳотамов. Ўзбекистон Республикаси Конституцияни ўрганиш курси. Т., «Ўзбекистон», 2001, 9-бет.

² А.Саидов., У.Тожионов. Давлат ва ҳақиқат назарияси. Икки жилдли. 2-жилд. Т., «Адолат», 2001, 324-325-бетлар.

онг ижтимоий онгнинг бир қисмидир ва шу сабабли унга фалсафий ва сиёсий қарашлар таъсир этиб туради»¹.

Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим ва тасаввурлар кишиларда ўз-ўзидан ёки тасодифий равишда пайдо бўлмайди. Уни инсоннинг туғма хусусияти дейиш ҳам тўғри эмас. Инсон онадан доно-донишманд бўлиб туғилмайди. Кишилардаги ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тушунча ва тасаввурлар, энг аввало, ижтимоий, сиёсий шарт-шароитлар ва жараёнлар таъсири остида, ташқи муҳит таъсирида остида шаклланиб ва ривожланиб боради. Инсон атрофида содир бўлган воқеа ва ҳодисалардан ўзи учун тегишли хулосалар чиқармасдан, уларга ўзининг муносабатини билдирмасдан, баҳо бермасдан яшай олмайди. Ҳуқуқий масалаларга оид ҳодиса ва жараёнлар уни кўрган, билган кишилар онгида ўз изини, таъсирини қолдириши турган гап.

Ҳуқуқий онг, шунингдек, жамият тараққиёти асосида юзага келган ва доимий равишда ўзгариб, ривожланиб турадиган объектив талаб ва эҳтиёжлар, мавжуд имкониятлар, шарт-шароитлар асосида ҳам шаклланади.

Ҳуқуқий билимлар ва ҳуқуқий онгнинг юзага келиши, доимий равишда ривожланиб, такомиллашиб бориши чексиз жараёндир.

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий билимлар ҳосил бўлиши ва ривожланишда ўқиш-ўрганишнинг, амалий фаолиятнинг, аждодлар илмий мероси ва қадриятларининг, оилада, болалар боғчасида, жамоат жойларида, мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида, институтлар ва университетларда бериладиган ҳуқуқий таълим-тарбиянинг аҳамияти беқиёсдир.

Ҳуқуқий тарбия–фуқароларга, ҳар бир алоҳида инсонга, ҳар бир мактаб ўқувчиси ва институт, университет талабасига ҳуқуқий билимларни секин-асталик билан сингдириш ва миясига қуйишнинг энг муҳим, тарих синовидан ўтиб исботини топган ижтимоий воситадир.

Ҳуқуқий тарбия мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, уни бир маъноли қилиб таърифлаб бўлмайди. Ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларича, «**ҳуқуқий**

¹ Э.Х.Халилов. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгнинг ўрни. Т., «Ўзбекистон», 1997, 12-бет.

тарбия-шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуқий онгига кўрсатиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган, ташкиллаштирилган, бошқариладиган, олдиндан режалаштирилган ва махсус ишлаб чиқарилган ҳуқуқий тарбия усуллари воситасида амалга ошириладиган педагогик таъсир жараёнидир»¹.

А.Саидов ва Тажиханов ҳуқуқий тарбия жараёнида одамлар онгига ҳуқуқий билимлар ва эътиқодлар сингдирилишини алоҳида таъкидлаб яна шундай дейдилар: «Демак, ҳуқуқий тарбия–фуқароларнинг онги ва руҳиятига таъсир қилишга қаратилган, режалаштирилган, бошқариладиган, уюштирилган, тизимли, мақсадга йўналтирилган, ҳозирги замон ҳуқуқшунослиги тасарруфида мавжуд бўлган турли хил ҳуқуқий тарбия шакллари, воситалари ва услубларидан фойдаланиб, фуқаролар онгида чуқур ва барқарор ҳуқуқий билимлар, эътиқодлар, эҳтиёжлар, қадриятлар, қонунга мос феъл-автор, одатларни шакллантириш жараёнидир».²

Ҳуқуқий тарбия жараёнида тарбияланувчиларга маълум миқдордаги ҳуқуқий билимлар, кўникмалар ва малакалар берилса, иккинчидан, уларга ҳуқуқий ғоялар, ҳиссиётлар, эътиқодлар шакллантирилади.

Ҳуқуқий тарбиянинг вазифаси одамларнинг онгида ҳуқуқнинг аҳамиятини, мақсадини тушунишни таъминлаш, уларга онгли равишда риоя қилиш зарурлигини шакллантиришдан иборат.

Ҳуқуқий таълим-тарбияда оила, оила тарбиясининг роли ва аҳамияти беқиёсдир дейилса, бизнинг фикримизча, ҳеч қандай муболага бўлмайди. Оила шундай бир олий даражадаги маънавий қадрият, инсон қалбининг гавхаридирки, унда эндигина дунёга келган фарзандлар қалби, вужуд-вужудига одоб-ахлоқ, ҳуқуқий қонун-қоидалар асослари ҳақидаги илк тасаввур ва тушунчалар аста-секинлик билан сингдирила боради.

Боланинг табиати, феъл-автори, дунёқараши гўдаклиги-мурғаклигидан бошлаб оилада шакллана бошлайди, ниш уради. Чинакам инсоний хислат ва фазилатлар, одобийлик ва одамийлик асослари унинг вужудига она сути билан

¹ А. Саидов, У.Тажиханов. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Икки жилд. «Адолат», 2001, 340-бет.

² Ўша асар, 341-бет.

киради, ота-онаси, бобо ва бувилари, хеш-ақраболари, қариндош-уруғлари таъсири ва тарбиясида шаклланиб ва ривожлана боради. «Бола туғилган кундан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади».¹

Оила жамиятнинг бирламчи, асосий бўғинидир. Жамиятнинг негизи бўлган оила инсонларнинг турмуш кечириш ва ҳаёт давомийлигини таъминлайди. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади. Оила ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади. Оилада демократик негизларга асос солинади. Унда одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Оиланинг жамият олдидаги нуфузи, эътибори ва аҳамияти бениҳоя юксак. Ана шулар назарда тутилиб Конституциямиз 63-моддасининг биринчи бандида, «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», - деб белгилаб қўйилган.

Оиланинг тарбия соҳасидаги хизматлари айниқса муҳимроқдир. Инсоннинг келажаги, жамиятда тутадиган мавқеи, обрў-мартабаси, бахтиёр ҳаёт кечириши унга оиласида қандай тарбия берилганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Оилада берилган ибратли тарбия, ҳалоллик ва покликка, мулойимликка, ширин сўзликка, ўзбекона, шарқона одоб-ахлоққа, ўзидан катталарни ҳурмат қилишга ўргатиш—бу фарзандларга бахт йўлини кўрсатишдир. Ана шундай йўлни ёшлик кезларидан бошлаб танлаб олган фарзандлар келажакда қоқилмайди, ҳаёт сўқмоқларидан уринмай-суринмай, довдираб қолмай бемалол ўта олади, жамиятда ўз урнини топади, халқи ва миллатининг, Ватанининг ардоқли, зукко, севимли ўғлони, оқила қизи бўлиб етишади, доврўқ таратади. Бундай бахт-омад ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Мамлакатимиз Президенти оиланинг жамият тараққиёти ва истиқболи, Ватан куч-қудрати, инсон камолоти ва бахти учун нақадар муҳимлиги ва муқаддаслигини илмий-назарий асослаб Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллигига бағишланган мажлисдаги табрик сўзида шундай

¹ Ислон Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1998, 324-бет.

дейди: «Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор.

Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжихатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла — юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Зеро, оила фаровонлиги—миллий фаровонлик асосидир.

Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму-ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланган»¹.

Айтилганлардан англашилиб турганидек, оила тарбияси оқибатида эндигина бу ёруғ оламга келган норасиданинг жисми-жонида миллий урф-одатларимизни эъзозлаш, катталарга ҳурмат ва кичикларга ғамхўрлик, одамийлик, олийжаноблик сингари асл инсоний фазилатлар илдиз отабошлайди. Булар энг катта миллий маънавий бойлик, ҳуқуқий қадриятлардир. Оила гўдакларга инсонийлигини англатадиган, бу ҳақда сабоқ берадиган, оқ билан қорани, яхши билан ёмонни, ҳалол билан ҳаромни, ҳалоллик билан нопокликни фарқиға боришни англатадиган муқаддас маскан, энг катта тарбия ўчоғидир.

Оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омил - Она, аҳли аёлнинг покизалилиги, оқилалиги, меҳру муруввати, садоқати ва вафодорлигидир. Оналарнинг, аёлларнинг оилада тутган ўрни беқиёс. Аёл, сийнасидан оқ сут бериш билан жигарбандига маънавият, одоб-ахлоқ, яшаш қонун-қоидалари, йўл-йўриқларининг асосларини сингдиради, унинг қалбини меҳр-мурувват, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар этади. Фарзанд таълим-тарбияни, ҳаёт сабоқларини уни дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараган, емай-едирган, ичмай-ичдирган буюк зот - Онасидан ўрганади. Онанинг олтиндан қиммат панду-

¹ Ўша асар, 400-401-бет.

насихатлари, бебаҳо ўғит ва йўл-йўриқлари бола қалбида умрбод муҳрланиб қолади.

Она сийнасида оқ сут бериш ва бешик қучиб алла айтиш орқали фарзанди вужудига инсоний хислат ва фазилатларни, миллий дунёқараш асосларини сингдиради. «Табийки, - дейди бу ҳақда Ўзбекистон Президенти, - она алласи фақат чақалоқнинг ором олиши учунгина айтилмайди, балки унинг воситасида боланинг кўнгил дунёсига миллий руҳ киради. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар гўдакнинг жисму жонида илдиз қолдиради».¹

Ота билан она ўз насл-насаблари, солиҳ ва солиҳа фарзандларини тарбиялаб эл-юрт учун муносиб инсонлар қилиб вояга етказишни ўзлари учун олижаноб вазифа деб биладилар. Фарзандлар оила бағрида туриб ота билан онани, кексаларни, кўни-кўшинларни ҳурмат қилишга, жамият қонун-қоидаларига, тартиб-интизомига қатъий риоя этишга ўргатилади. Болалар отанинг, онанинг номини баланд тутиш, ўзларини улардан баланд тутмаслик, улар гапини ерда қолдирмаслик, падари бузруквори, волидаи меҳрибонларидан хизматларини ҳеч вақт аямаслик ўзларининг фарзандлик бурчлари ва масъулияти эканини оила тарбиясидан билиб оладилар.

Ёшлар оила ва ота-оналари тарбияси шарофати билан гўдаклик чоғлариданоқ одоб-ахлоқимизга, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизга, ҳуқуқий қадриятларимизга, Конституциямиз ва қонунларимизга зид бўлган хатти-ҳаракатларни қилмасликка одатлана бошлайдилар. Бунинг болаларнинг келажак-ги, мустақил ҳаёт кечирishi, билим савиясининг ўсиб, амалий фаолиятини жадаллашиши учун аҳамияти шак-шубҳасиз.

Боболар билан бувиларнинг, ота билан онанинг оиладаги ана шу мўътабар зотларнинг ҳақиқатга чорловчи, тўғри йўлга бошловчи ўғитлари, панду насихатлари фарзандларга ҳикматлар хазинаси бўлиб хизмат қилади. Оиланинг ёши улуг кишилари, ҳаётнинг аччиқ-чучигини татиб кўрган бобо ва бувилар набираларга доимо: «Ундай қилма ёмон бўлади», «Катталарга салом бармасанг айб бўлади», «Яхши бола доимо юз-қўлини ювиб озода юради, ёлғон

¹ Ўша асар, 401-бет.

гапирмайди», «Кўп ўқиган-кўп билади», «Вақтинг кетди–бахтинг кетди», «Она юртинг–олтин бешигинг», «Нон ҳам нон, нон ушоғи ҳам нон», «Кўчада юрсанг ҳам қараб юр», «Сиз ҳам, сен ҳам бир оғиздан чиқади», «Ерни сев, тупроқни эъзозла, сув ва ҳавони ифлосланторма, дарахтга тош отма, шохини синдирма, қушлару жониворларга озор берма, ардоқла», деб насиҳат қилишади. Демак, ота-боболарнинг болаларни одобли, меҳнатсевар, тўғрисиўз, ҳалол, ростгўй, раҳмдил, камтар, инсофли, диёнатли, оташин меҳр-муҳаббатли бўлишига даъват этадиган насиҳатлари, йўл-йўриқлари, танбеҳ ва танқидлари, йиллар ва давр синовидан ўтган одоб ва одобномалари туфайли болаларнинг мурғак қалбига ҳуқуқий тарбия, қонун-қоида асослари ва қонунчилик талаблари оздан, аста-секин сингий бошлади.

Болаларнинг эндигина кўз очиб, катта ҳаётга илк бора қадам қўя бошлаган пайтидан эшитган панду насиҳатлари, ота-оналарининг сўзлари-ҳикматлари, оқил ва оқила мураббийларининг боғча ва мактабда берган ҳуқуқий билим ва сабоқлари бир умрга хотирасига сақланиб қолади. Кимда-ким ёшлигидан бошлаб катталарнинг насиҳатлари, маслаҳат ва йўл-йўриғи мағзини чақиб, дил-дилидан унга амал қилса, оқибати жуда хайрли бўлади. Борди-ю, бунинг аксини қилиб, ўзбилармон бўлса, ота-боболари пандига қулоқ осмаса, манманлик, ялқовлик, ўжарлик, қайсарлик, такаббурликни одат қилса, китобни, меҳнатни қадрламаса, ишёқмаслик йўлига кирса, унинг оқибати вой бўлиши турган гап. Бундай фарзанд ўзи оғир аҳволга тушубгина қолмасдан, ота-онасига, жамоасига, дўстларига ҳам иснод келтиради.

Ҳуқуқий онглилик, ҳуқуқий саводхонлик ёшларнинг ҳуқуқбузарликлар, ноахлоқий хатти-ҳаракатлар, майда безориликлар, ўзгаларнинг нарсасини олиш, жанжаллашиш, жамоат тартибини бузиш қандай оқибатларга олиб келишини тушуниб олишларига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Ҳуқуқнинг жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиб туришдаги роли ва аҳамияти ўз-ўзидан тушунарлидир. «Демократик ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш соҳаси кенгайиб, ижтимоий бошқарувда ҳуқуқий асослар чуқурлашиб, ҳуқуқнинг нуфузи ортиб бораётган

ҳозирги вақтда бу алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳуқуқ инсон турмушининг ҳамма жиҳатларига тегишли бўлиб, унинг бутун ҳаёти давомида, у билан ҳаммаша ёнма-ён юради, ҳуқуқ никоҳ-оила муносабатларини, таълим, меҳнат, дам олиш, соғлиқни сақлаш, уй-жойлардан фойдаланиш, ерлардан, сув, бошқа табиат бойликларидан фойдаланиш, турли товарларни сотиб олиш, буюмларни ижарага олиш, фуқароларнинг ўзларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва яна кўплаб бошқа нарсаларни тартибга солиб туради»¹.

Ҳуқуқий давлат ва ҳуқуқий онг ўзаро боғлиқ ижтимоий ҳодисалардир. Ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий онг ривож топмаган жамиятда ҳуқуқий давлат, демак, давлат, фуқаролик жамияти шаклланмайди. Чунки, ҳуқуқий онг, биринчидан, ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг зарурлигини, ундан оқилона фойдаланиш зарурлигини англаш, иккинчидан, амалдаги қонун ҳужжатларининг мавжуд ижтимоий муносабатларга мос келиш-келмаслигини аниқлаш ва баҳо бера олиш, учинчидан, ҳуқуқий қоидаларни ўрнатиш ва амалда татбиқ этишнинг давлатга алоқадор вазифа эканлиги англашдан иборатдир.

Ҳуқуқий онг–ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий фаоллик маҳсули. Ҳуқуқий фаолликнинг ички манбаи–ижтимоий ҳуқуқий кўрсатмадир, яъни унинг жамият маданияти қадриятларига йўналтирилгани ҳисобланади. Ҳуқуққа ҳурмат-бу ижобий ижтимоий-ҳуқуқий кўрсатмадир.

Афсуски, буни ҳамма ҳам тушунавермайди. Шу сабаб айрим ҳолларда инсон турмушининг барча жиҳатларига нисбатан аянчли, ҳатто, хавфли ҳаракат ҳам касб этиши ҳеч гап эмас. Илмда ҳуқуқий инфантилизм, ҳуқуқий нигилизм, бузилган ҳуқуқий онг деган ҳуқуқий тушунчалар ана шу хавфли ҳодисалардир. Хўш, булар нима ўзи?

Ҳуқуқий инфантилизм, бу–ҳуқуқий онг палағдалигининг шакли. Бу–ҳуқуқий билим ва кўрсатмаларнинг шаклланмаганлиги, тўлиқ яхлит эмаслиги билан боғлиқ. Бошқача айтганда, «**ҳуқуқий инфантилизм** – ҳуқуқий онг

¹ У. Таджиханов, А. А. Саидов. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998, 205-206-бет.

бузилишининг энгил шакли, унда ҳуқуқий билимлар, йўл-йўриқлар шаклланмаган, оз бўлади. Фуқаролар ҳуқуқий билими етишмовчилигидан ташқари, асосан, ҳуқуқий билимлар яхлит тизими орасидан унинг муҳим элементлари, аввало, қонунга, бошқа ҳуқуқий кадриятларга нисбатан ижобий муносабатлар тушиб қолмоқда»¹.

Ҳуқуқий нигилизм, бу–манқуртлик дегани. Унинг моҳияти–ҳуқуққа, қонунларга, меъёрий тартибларга салбий, беҳурмат муносабатда бўлишдир. Сабаблари юридик жиҳатдан ғофилликда, қолоқликда аҳолининг ҳуқуқий тартибсизлигида намоён бўлади. «**Ҳуқуқий нигилизм-қонун талабларини онгли равишда рад этиш, аммо жиной мақсаднинг йўқлиги...** Қонун талабларини инкор этиш яширин, очик кўринишларда кечиши ва ҳар бири алоҳида ҳолда турлича сабаблар билан изоҳланиши мумкин»².

Бузилган ҳуқуқий онг-онг палағдалигининг энг ёмон кўринишидир. «Ҳуқуқий онг бузилишининг энг оғир кўриниши фавқулодда инсон онгининг бузилишидир»³. Бу–ўта ижтимоий хавфлидир.

Яширишнинг ҳожати йўқ. Ҳаётимизда уларнинг ҳаммаси билан ҳам у ёки бу тарзда рўбарў келиб турибмиз. Бундай иллатларга қарши курашда бизга фақат ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий мафкура ёрдамга кела олади, холос.

Ҳуқуқий онг ҳуқуқни такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг муҳим омилидир. «Ҳуқуқий онг ҳуқуқни нафақат яратади, балки ривожлантиради ҳам... ҳуқуқий онг даражасида шахснинг ўзининг ҳуқуқий билимлари кўлами ҳам, ҳуқуқни қабул қилиш ҳолати ҳам, маънавий ўсганлиги ҳам шаксиз кўзга ташланади. Ҳуқуқий онгга фақатгина юқорида санаб ўтганларимиз таъсир этиб қолмай, яна бошқа кўп омил (жумладан, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маиший) лар ҳам ўз таъсирини ўтказади. Одамларнинг бир-бирилари билан ўзаро таъсири ва муносабати, муҳити, тарбияси, ахлоқий даражаси ҳам кам таъсир қилмайди. Ижтимоий-ҳуқуқий йўл-йўриқ ҳуқуқни баҳолаш, унинг

¹А.Саидов, У.Тожихонов. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Икки жилдли. 2-жилд, Т., «Адолат», 2001, 330-бет.

² Ўша асар, 333-бет.

³ Ўша асар, 333-бет.

талабларига муносабат, ўта хилма-хил омиллар мажмуининг таъсирига боғлиқ ҳолда онгда шаклланади».

Ҳуқуқий онг ижтимоий онгнинг таркибий қисми сифатида ижтимоий ҳаёт ривожига катта таъсир кўрсатиш хусусиятига ҳам эгадир. Ҳуқуқий ҳиссиётлар, туйғулар, қарашлар, ҳуқуқий таълимотлар, ҳуқуқий мафкуралар жамият ҳаётида, ижтимоий турмушда рўй берган ўзгаришларни акс эттириш билан чекланиб-чегараланиб қолмай, балки жамият ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаёти ўзгариши ва ривожланишига, одамларнинг хулқ-атвориغا, хатти-ҳаракатларига мафкуравий ва руҳий-психологик таъсир ҳам этади. Буни фалсафада, ҳуқуқшунослик илмида ҳуқуқий онгнинг нисбий мустақиллиги дейилади.

Ҳуқуқий онг инсонга вазиятни ҳар тарафлама мушоҳада қилишга, ўзининг хатти-ҳаракатлари ва қилмишларини жамиятдаги қонун-қоидаларга мос келиш-келмаслигини, юриш-туриши, феъл-атворини ҳуқуқий жиҳатдан баҳолашида ёрдамлашади. Шахснинг ҳуқуқий онглилик талаблари асосида қадам қўйиши, фаолият кўрсатиши, қонунни ҳурмат қилиши жамият тараққиёти ва шахс камолоти учун қониқ фойдадир.

Юксак ҳуқуқий онг, қонунларнинг руҳи ва талабларини билиш, муайян ҳуқуқий билим ва тасаввурларга эга бўлишнинг ўзиёқ одамларнинг маълум тарзда ўзларини идора қилишга ундайди. «Ҳуқуқий онгнинг ижтимоий турмушга нисбий мустақиллиги яна шунда намоён бўладики, кўпинча ҳуқуқнинг ўзи одамларнинг хулқ-атвориغا айнан уларнинг хатти-ҳаракатларини бевосита белгилайдиган ҳуқуқий онг орқали тартибга солувчи таъсир кўрсатади. У ёки бу ҳуқуқ нормалари одамларга маълум бўлганида, уларнинг тўғри хулқ-атвори ҳамма вақт ҳам ҳуқуқий нормаларнинг санкцияларини қўллашга ва ҳатто қўллаш билан таҳдид қилишга асосланавермайди. Яъни ҳуқуқий онгнинг бошқа муҳим томони-бу шахснинг ҳуқуққа ва уни қўллаш амалиётига муносабати, унинг ҳуқуқий нуқтаи назари ва мақсадларидир. Индивид ҳуқуқий маданиятига хос ушбу элементнинг муҳимлиги қонунбузарлар билан ҳуқуқ нормаларига риоя этувчи фуқароларнинг ҳуқуқий онгини

таққослаб ўрганиш жараёнида таққосланади»¹.

Жамият ва давлат тараққиётини, халқ ва миллат камолотини, шахсни ҳар томонлама ривожланишини юксак ҳуқуқий маданиятсиз амалга ошириб бўлмайди.

Ҳуқуқий билим ва маданият халқ ва миллат етуқлигининг муҳим кўрсаткичидир. Мамлакатнинг куч-қудрати фақат унинг табиий бойликлари, ҳудудининг катта-кичиклиги, иқтисодий ва ҳарбий куч-қудратига қараб эмас, балки халқнинг интеллектуал салоҳияти, маънавияти ва маърифати, айниқса, ҳуқуқий билимдонлик даражаси ва ҳуқуқий маданиятининг нақадар юксаклиги, уларга қанчалик амал қилинаётганлигига қараб ҳам белгиланади ва баҳоланади.

Ҳуқуқий билими ва маданияти ўсган халқ ва миллат ўзини англаб етади, кучи ва имкониятларига ҳолисона баҳо беради, қийинчиликлар олдида довдираб қолмайди, келажакка, порлоқ истиқбол томон дадил, астойдил интилади, умидсизликка тушмайди, сафини бўшаштирмайди, миллий ҳамкорлик, миллий ҳамжиҳатлик, миллий тотувлик-иноқликни кучайтиради ва тобора мустақамлайди, дунёдаги илғор халқлар, миллатлар ва мамлакатлар қаторидан ўрин олишга азму-қарор қилади.

Жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, бурчи ва масъулиятини қанчалик пухта, аниқ ва равшан билса, уларни муҳим ҳаётий эҳтиёж сифатида англаса, ўшанда демократик ислоҳотларни амалга ошириш жараёни беҳад жадаллашди.

Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг муҳим омилидир. Фуқаролар, мансабдор шахслар, ижтимоий гуруҳларнинг ва бутун жамиятнинг ҳуқуқий маданияти юқори даражада бўлишига эришмай туриб, демократик ҳуқуқий давлат тўғрисида гапирмаса бўлади. **«Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳими иш ҳисобланади».**²

Демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодаси

¹ Э.Х.Халилов. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгнинг ўрни. Т.: «Ўзбекистон», 1997, 19-бет.

² Ислон Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура 1-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996, 322-бет.

бўлган ҳуқуқий маданият бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга. Республика Олий Мажлисининг 1997 йил 27 августда тасдиқланган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури»да айтилишича, «юксак ҳуқуқий маданият–демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуклигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ҳамда мустаҳкамловчи омилдир. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданият–умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми. Инсонлар онгида шундай ишонч қарор топиши керакки, ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб ҳисобланиши мумкин»¹.

Ҳуқуқий маданият фуқароларнинг етуклиги ва онгилигини кўрсатувчи меъёрдир. Ҳуқуқий маданият умуминсоний маданиятнинг ажралмас таркибий қисми. Ҳуқуқий маданият умуминсоний маданиятнинг шунчаки бир қисмигина эмас, балки унинг ўзаги, негизи, бошқача айтганда, асосидир.

Ҳуқуқий маданият ниҳоятда кенг маъноли, серқиррадир. Ҳуқуқий маданият, бу, энг аввало, амалдаги қонунларни билиш, қонунга ҳурмат, қонунларга итоаткорлик, шунингдек, ҳуқуқий меъёрлар талабларига мувофиқ ҳаракат қилиш, ҳуқуққа эҳтиромла муносабатда бўлиш, ўзгаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари, қадр-қимматларини ҳурматлаш демақдир.

Ўз халқининг тарихи, тили, кўп асрлик маданияти, маънавияти, аجدодларнинг бой қадимий мероси, қадриятларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, улардан оқилона ижодий фойдаланиш ҳам ҳуқуқий маданиятдир.

Ҳуқуқий маданиятга Ўзбекистон Республикасида, жонажон диёримизда узоқ вақтлардан бери бирга яшаб, тақдири тақдиримиз билан, тарихи тарихимиз билан яқинлашиб, оға-ини, қон-қардош, дўст-биродор бўлиб кетган тожиклар

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. Т., 1997, 9-сон, 23-бет.

ва туркманлар, қозоқлар ва қирғизлар, қорақалпоқ ва уйғурлар, руслар, украин ва белоруслар, бошқа қардош халқлар, элатлар ва миллатларнинг тиллари, урф-одатлари, анъаналари, моддий-маънавий, тарихий қадриятларини ҳурмат қилиш ҳам киради.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов асарлари, нутқлари ва маърузаларида ҳуқуқий маданиятнинг ўзига хос жиҳатлари, жамият тараққиётидаги аҳамияти илмий асослаб берилган. Унинг «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» асарида ҳуқуқий маданиятнинг чуқур маъноли мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган. Бу ҳақда асарда шундай дейилган; **«Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У–қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир. У одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳуқуқий маданият дегани турли можароларни ҳал қилишда қонунга хилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир»**

Президент сўзларидан кўриниб турганидек, ҳуқуқий маданият инсон манфаатлари учун хизмат қиладиган қонунларни тил учидан эмас, дилдан, қалбдан, бутун вужуди билан ҳурмат қилиш, уни эъзозлаш, муқаддас деб билишдир.

Қонунлар ва ҳуқуқий меъёрларга юзаки муносабатда бўлиш бу шахснинг ҳуқуқий маданиятлигини билдирмайди. Ҳуқуқий маданият қонунга ҳурмат, унинг одиллигига ишонч қаноат ҳосил қилишдир. Ҳуқуқий маданият қонунларни кўр-кўрона ҳурмат қилиш эмас, балки унинг халқпарварлик, инсонпарварлик, адолатпарварлик мазмун-моҳиятига тўла тушуниб етиш, бунга шак-шубҳасиз ишонч ҳосил қилишдир. Сўзда эмас, амалда қонунларнинг инсонпарварлигига ишонч ҳисол қилган одамлар, фуқаролар уларга итоат этишни ўзлари учун бурч ва масъулият, мажбурият деб биладилар. «Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлиги, авваламбор, Конституция ва қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлишини таъминлайди. Бу-ҳуқуқий нормаларга юзаки муносабатда бўлиш фикрининг ўзи бўлмаслиги кераклигини

ифодалайди. Қонунга ҳурмат ҳар бир инсоннинг қалбидаги чуқур эътиқоди бўлмоғи лозим. У инсоннинг ёшлигидан бошлаб онгига сингиб, мустаҳкамланиб борилиши керак. Бу ота-оналар, мактабгача тарбия муассасалари, мактабларда, барча жамоат уюшмалари ва давлат ташкилотлари, бутун жамиятнинг улкан, сермашаққат ишидир. Нима мумкину, нима мумкин эмаслиги ҳақидаги ҳуқуқий нормалар барчага маълум. Қонунни бузиш мумкин эмаслигини тушуниш юридик дунёқарашнинг «қалб кўзи» бўлмоғи даркор»¹.

Етарлича ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлган инсон қонун ўзининг ҳимоячиси эканлигини биледи ва шунинг учун ҳам у қонун томонидан белгиланган чегаралардан чиқмайди, унга зид ҳаракат қилмайди. Одамларнинг қонун талабларига қатъий амал қилишлари улар учун олижаноб фазилат ҳисобланади.

Қонунга итоат этиш алоҳида кишилар, оддий фуқароларгагина дахлдор бўлмай, ҳамма учун мажбурийдир. «Қонунларни давлатнинг мансабдор шахслари ҳам, фуқаролар ҳам билиши шарт, - деб таъкидлайди, - У. Тожихонов ва А. Саидов. - Ҳуқуқий билимдонликнинг советча тушунчаси амалда қонунларнинг омма томонидан чуқур билишларини кўзда тутмас эди. Чунки бу маъмурлар ва автаритар бошқарув учун хавфли эди. Ҳамма жойда қонунга риоя этмаслик туфайлигина улар ҳукмронлик қилардилар. Давлатда ҳуқуқнинг аҳамиятини инкор этиш ижтимоий онгга салбий таъсир кўрсатди. Бугунги кунда кўп саъй-ҳаракатлар туфайлигина ҳуқуқнинг устуворлиги, қонунларга ҳалол риоя этиш зарурати тушуниб етилмоқда»².

Қонунларнинг адолат посбони эканини кўриш, билиш, амалда ҳис этиш, унга ишонч қосил қилиш кишиларнинг қонунларга бўлган ҳурмати ва эътиқоди шаклланиши ва мустаҳкамланишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Оддий кишилардан бошлаб мансабдор шахсларгача барча кишилар қонунга бир хил итоат этишлари мажбурийдир. «Амир Темур таъкидлаб ўтганидек, оддий кишиларга нисбатан қилинган адолатсизлик қонунга ва давлат нуфузига» катта

¹ У.Таджиханов, А. Саидов. Ҳуқуқий маданият назарияси. Икки жилдли, 1-том. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998, 57-бет.

² Ўша асар, 251-бет.

зиён етказди. Қонунийлик инсон қандай ҳуқуқларга эгаллигини, давлатнинг шу ҳуқуқларни ҳаётга татбиқ этиши учун нима қилиши кераклигини кўрсатиб беради. Қонунда фуқароларнинг аниқ мажбуриятларини белгилаб қўйишдан хавфсираш демократияга эмас, балки қарамликка кўмаклашади. Давлат фуқаролардан бурчларини адо этишга ҳақли бўлиб, фуқаролар ҳам давлатдан муайян шарт-шароитларни талаб этишлари мумкин. Ана шу ўзаро масъулият ҳисси қонунийлик кафолатидир. Конституциямизда давлат ва шахс ҳуқуқларининг адолатли муносиблиги ўрнатилган»¹.

Ҳуқуқий маданиятнинг энг муҳим жиҳати қонунларни билиш, ҳуқуқий меъёрлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас, балки қонунларга итоат этиш, бўйсунуш, уларга қатъиян амал қилиш, ўз фаолиятини қонунлар асосида юргизишдир.

Одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судга мурожаат қилиш, уни ўзи учун ҳимоячи деб билиш ва унга эътиқод қилишни ҳам ҳуқуқий маданият деб ҳисобласа бўлади.

Кишиларнинг эскича қарашлари ва тасаввурлари тамомила ўзгариб, янгилашиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида кишиларнинг, халқ оммасининг, аҳоли барча қатламларининг судлар ҳақида тоталитар тузум даврида шаклланиб, ривожланиб онги, тафаккури, миёсида узоқ йиллар давомида сингиб, чуқур илдиз отиб кетган эскича қарашлар ва тасаввурлар тубдан ўзгариб, улар ўрнида судларга нисбатан янгича қарашлар, ишонч ва эътиқодлар пайдо бўлиб, мустаҳкамланиб бормоқда.

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлисининг қатор сессияларидаги маърузаларида, кўпчилик асарларида суд фақатгина жазоловчи орган сифатида танилмасдан, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи мустақил органга, адолат посбонига айланиши, судга ҳамма ҳурмат билан қараши лозимлигини таъкидлаб келмоқда.

Суд бўлди, деса кимдир жазо олди, дебгина эмас, суд бўлди деганда,

¹ Ўша асар, 252-бет.

одамлар ҳимоя қилинди, ҳақ жойида қарор топди, деган тушунчанинг кишилар онгида шаклланиши, суд ҳокмиятига нисбатан бўлган муносабатларни жиддий равишда ўзгариши жуда муҳимдир. Ана шуларни заруран эътиборга олиб Ислом Каримов одамлар онгида чуқур ўрнашиб қолган судга бўлган эскича муносабатлар, кўникмалар, психологияни асос-асоси билан ўзгартириш энг долзарб вазифа эканлигини доимий равишда таъкидлаб келмоқда. «Очиқ тан олиш керак, суд органлари ва суднинг ўзи оддий фуқаро кўз ўнгида жазоловчи, қораловчи, озодликдан маҳрум этувчи идора сифатида гавдаланади. Эҳтимол, бу қўпол туюлиши мумкин, лекин бор гап шу.

Судга бундай муносабат илдизлари тоталитар тизим ўз сиёсатини суд қарорлари орқали юритган, ягона мафкура ҳукмронлиги ўрнатган замонларга бориб тақалади.

Булар барчаси одамлар онгида чуқур ўрнашиб қолган. Бизнинг вазифамиз ушбу кўникмаларни, психологияни синдириш, одамларнинг судларга муносабатини тубдан ўзгартиришдан иборат. **Халқ судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган деб эмас, аксинча, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган деб билиши керак.**

Бу ўта муҳим. Яна қайтараман, одамлар суд органларини ўзларининг ҳимоячиси, адолат посбони деб билиши керак»¹.

Одамлар онгида ўтмиш жамият даврида чуқур ўрнашиб қолган судлар ҳақидаги қарашлар, кўникмалар, психологияни синдириш ва судлар фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоячиси эканлигини ҳар бир фуқарога етказиш айтишга осону, аслида анчагина мураккаб жараёндир.

Бунинг учун давлат номидан иш кўрувчи мансабдорларнинг ўзлари қонунларнинг бузилишига асло йўл қўймасликлари талаб этилади. Давлат хизматчиларида, қонун ижрочиларида гап билан иш бир-бирига зид бўлса, бунинг оқибатида қонунларнинг ўзи обрўсизланади, қонунларни назарга илмаслик илллати пайдо бўлади, давлатнинг маънавий асосларига путур етади. Давлат номидан иш кўрувчи мансабдорларнинг ўзлари қонунларни қандай

¹ Ислом Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996, 185-186-бет.

қилиб бузаётганликларини аниқ-равшан кўриб турган оддий фуқаронинг бундан ҳафсаласи пир бўлади, давлатга ишонч қолмайди. «Сир эмаски, - дейди Президент, - оддий фуқаро, аввало, давлат номидан иш кўрувчи мансабдорларнинг ўзлари қонунларни қандай бажараётганига эътибор беради.

Агар шундай бўлмаса, агар ўша органлар, ёки мансабдор шахсларнинг ўзлари қонунларни оёқости қилса, қонунларнинг ўзи обрўсизланади, яна ҳам тўғрироғи, жамиятнинг асосларига путур етади.

Бундай вазиятда қонунларни менсимаслик илллати бутун жамиятни захарлайди, давлат томирлари емирилади, чирий бошлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, жамиятимизда шунга ўхшаш ҳолатларга барҳам берадиган давлат хизмати ва давлат хизматчилари тўғрисида қонун қабул қилиш фурсати етди, деб айтиш мумкин»¹.

Халқимиз, миллатимизнинг ишончини тўла оқлаш, ҳақиқатни қарор топтириш учун судьяларимиз фуқарога жабр ўтказмайдиган, чуқур билимли ва маданиятли, ҳалол бўлиши, ҳар бир судья давлат ва фуқаро олдидаги ўз масъулиятини чуқур ҳис этган ҳолда фаолият кўрсатиши лозим. Буларнинг ҳаммаси халқимизнинг судга бўлган ишончини мустаҳкамлашда катта ўрин тутаяди.

Ўзбек халқи неча-неча асрлардан бери адолатсизликни, бировларнинг ҳақиға хиёнат қилишни, молимардўмхўрликни қоралаб, ҳалолликни эса маданиятлик, диёнатлик, иймонлик мезони сифатида улуғлаб келди. Бунга кўҳна тарихимиздан кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Масалан, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршаҳийнинг 943-944 йилларда битилган «Бухоро тарихи» асарида, «Мен Абдуллоҳ Муборакдан эшитдимки, Себавайҳ Бухорода қозилик қилганида халқнинг икки дирҳамига ҳам хиёнат қилмади, икки дирҳам кўплик қилади, у тариқча ҳам жабр ўтказмади,»- деб ёзади. Мазкур асарда яна шундай сатрлар бор: «Ғанжар деб машҳур бўлган раҳматли Исо ибн Мусо ат-Таймийга қозиликни берган эдилар, у қабул қилмади. Султон унга, агар қозилик қилмасанг бирор кишини танлагин, биз ўшанга берайлик,

¹ Ўша асар, 184-185-бетлар.

деган эди, буни ҳам қабул қилмади. Султон қозилликка лойиқ кишилар номини унинг олдида бир-бир айтинглари, деб буюрди; шундай қилдилар, аммо унинг олдида кимнингдир номини атамасинлар, у «лойиқ эмас» дея берди ва, ниҳоят, Ҳасан ибн Усмон Ҳамадонийнинг номини тилга олганларида сукут қилди. Унинг сукути розилигидир дедилар-да, қозиликни Ҳасан ибн Усмон Ҳамадонийга бердилар. Бунинг замонида Хуросон шаҳарларида илмда ва тақводорликка унга тенглашадиган ҳеч бир кишини кўрсата олмаганлар¹».

Республикамиз ҳуқуқшуносларидан бири Убайдулла Мингбоевнинг номи зикр этиб ўтилган «Суд шундай ҳокимиятки...» асарида барча судлар судьялари ва суд ходимларини кўйидаги ажойиб инсоний фазилатлар соҳиблари бўлишига даъват этишни ўз бурчим деб ҳисоблайман, дейди.

Асар муаллифининг сўзлари чуқур маъноли, ҳуқуқий, фалсафий, ахлоқий ҳикматларга бойлиги, ўта таъсирчанлиги ва, энг муҳими, мавзумизга бевосита дахлдор эканлигини эътиборга олиб уларнинг жузъий қисқартиришлар асосида айнан келтиришни мақсадга мувофиқ деб билдик.

«-Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини муқаддас билинг ва уларга доимо, ҳар бир ишда қатъий риоя этинг;

-ўзингизда ватанпарварлик туйғусини тарбияланг;

-Ватанга ва халққа бўлган садоқатингиз ҳар бир ҳаракатингизда намоён бўлсин;

-Президентимизнинг «Халқ очликка, қийинчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди»,-деган сўзларини асло унутманг;

-фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларини муҳофаза қилишни тўлиқ таъминлашни энг асосий бурчингиз деб билинг ҳамда бу ишда фидоийлик кўрсатинг;

-хизматда ҳам, шахсий ҳаётда ҳам қонунни тўғри, тўла ва адолатли қўллашга эришинг, фақат қонунни қурол қилиб, ўзгаларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилинг, шунингдек зарурат туғилганда

¹ Қаранг: Убайдулла Мингбоев. Суд шундай ҳокимиятки... Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1999, 23-24-бетлар.

ўзингиз ҳам қонун ҳимоясида бўлиш лаёқатига эга бўлинг;

-фуқаролар, давлат ва жамият олдадаги масъулиятингизни юрак-юракдан ҳис қилинг;

-судьялик қасамёди ва этикаси қоидаларига содиқ қолинг, уларни бузишдан қўрқинг, бузганлардан эса ҳазар қилинг;

-ҳамма вақт ва ҳар ишда, энг аввало хизмат фаолиятингиз билан боғлиқ муносабатларда сабр-тоқатли, метин иродали бўлинг;

-ҳар қандай қонун бузилишига нисбатан мурасасиз бўлинг, уларга қонун номидан яшиндай шиддатли, шамширдай кескир муносабат билдиринг;

-ҳалол ва адолатли бўлинг, ўз ваколатларингиз-вазифаларингизни қонун доирасида виждонан, холисона, беғараз бажаринг, адолат фақат беғараз қарор топтирилгандагина адолат саналишини ўз шиорингиз деб билинг;

-суд ишларида бирор-бир тарзда ошна-оғайнигарчилик, жўрабозлик, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, миллатчилик каби иллатларнинг бўлиши мутлақо мумкин эмаслигини унутманг...

-кимки нафс дардига гирифтор бўлган бўлса, унга бошқа душманнинг кераги ҳам йўқ, бу бало уни ўз домига тортиб, ҳалок этиши муқаррар;

-муборак ҳадиси шарифда «Амирнинг совға олиши ҳаром ва қозининг пора олиши диндан чиқишидир», - дейилган. Бунга шак келтиришдан жаҳаннам азобидан қўрққандек қўрқинглар....

-барча билан мулоқотда самимий бўлинглар. Самимият сўзни кам талаб қилади, сохта самимият эса битмас-туганмас эзмаликлардан иборатдир....

-ҳар қанадай қийин ва машаққатли ҳолатда ҳам ҳақ йўлни тутиш ва машаққатли ҳолатларда ҳам ҳақ йўлини тутиш ва ҳақиқатни қарор топтириш шартлиги тамойилидан оғишманг. Ундан четга чиқишни судьялик қасамёдига ҳамда касбига нисбатан хиёнат ва ваколатини бажармасликка ифодаланувчи жиноят деб билинг...

-кибру ҳавога, манманликка, шахсиятпарастликка берилиш, ўзини ўзгалардан устун қуйиш судья ва суд ходимига мутлақо ёт хислатлар бўлиши шарт;

-хушомад вақтинча тиз чўкиб турган тажовуздир. Хушомадгўйдан қочинг,

унинг хушомадида ғараз мақсад ниқобланганлигини унутманг...

-суд ишида кимнингдир ишончини оқлаш учун эмас, балки ваколатни тўла амалга ошириш, қонунийлик ва адолатни таъминлаш учун ишламоқ керак-лигини бурчингиз деб билинг;

-илмли, маърифатли бўлинг, маънавий кашшоқликдан ортиқроқ жаҳолат йўқдир, чунки инсоннинг зийнати унинг илмидадир, Кайкавус таъкидлаганидек, «Қозига яхши ҳунар—илм ва мулойимлиқдир...»;

-касб маданиятига нафақат хизматда, балки ҳамма муносабатларда қатъий риоя этинг, ишда ҳам, кўча-кўйда ҳам, оилада ҳам судьялик салоҳиятини бир хилда сақланг...

-маиший жиҳатдан пок, камтар бўлинг, қийин иш, турар жой, юриш-туриш маданиятини сақланг, ўзгалар эътиборини тортадиган ясан-тусандан йироқ юринг....

«-ўзингга раво кўрганни ўзгага ҳам раво бил ва аксинча раво кўрмаганингни раво билма....» ҳикматидан келиб чиқиб, бирор-бир суд иши юзасидан ажрим қилишдан, яъни ҳукм, ҳал қилувчи қарор, ажрим, қарор чиқариш, хулоса ва жавоб тайёрлашдан аввал судланувчи, жабрланувчи, даъвогар, жавобгар ва умуман ҳақ-ҳуқуқлари ҳал қилинаётганларнинг ҳар бирининг ўрнида ўзингизни бирма-бир фараз қилиб кўринг, умуминсоний қадриятларни эъзозланг, инсон ҳаёти ва тақдирига ўта масъулиятли бўлинг...

-оиланинг қонуний ва ҳалол даромадлари эвазига яшашни ўрганинг, фарзандларни ҳаром луқма ҳисобига боқиш уларга заҳар бериш билан баробар эканлигига ва бу шаксиз кулфат келтиришига ҳечам шубҳаланманг...

Эл-юртнинг ҳурмату назаридан қолмасликка ҳаракат қилинг, зеро халқ назари қудратли ва унда иззатда бўлиш олий садоқатдир»¹.

Президент Ислом Каримов томонидан белгилаб берилганидек, турли можароларни ҳал қилишда қонунга хилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш қонун олдида ҳамманинг баробарлигини эътироф этиш ҳам ҳуқуқий

¹ Убайдулла Мингбоев. Суд шундай ҳокимиятки.... Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1999, 83-88-бетлар.

маданиятдир.

Жамиятнинг қонуни унинг маданияти даражасини белгилайди. Қонун маданият даражасидан устун бўлолмайди. Негаки, қонун жамият маданиятининг кўзгусидир. Жамият ҳуқуқий маданиятининг етуклик даражаси унинг қонунларининг инсонпарварлик моҳиятига, адолат посбони эканлигига қараб белгиланади. «Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий онгнинг, қонунийликнинг, қонунларни такомиллаштиришнинг ва ҳуқуқий тажрибанинг муайян даражасини акс эттирадиган ҳамда инсоният ҳуқуқ соҳасида яратган хизматдан фойдаланиш, билим олиш, илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ва бошқа қатор шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга эга эканлигини билиб олади ва улар билан фахрланиб юради.

Асосий Қонунимизнинг–Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар»га доир VII боби 26-моддасида ўз ифодасини топган ғоялар инсонни олий қадрият сифатида эъзозлаш зарур ва муҳимлигини аниқ-равшан кўрсатиб турибди. Унда шундай дейилган; «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас».

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси Конституциямиз ва қонунларимизда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга эга.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқий мақоми фақат ҳуқуқлар ва эркинликлардагина иборат эмас. Бошқача айтганда, турли-туман ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси бўлган инсон (фуқаро) фақат ҳуқуқ ва имтиёزلардан фойдаланиб қолмасдан, жамият, давлат ҳамда бошқа

фуқаролар олдида муайян мажбуриятларни, маълум бурчларни ҳам бажаришга мажбур. Ҳуқуқлар, эркинликлар ҳақида гапирилса-ю, мажбуриятлар, масъулиятлар, бурчлар ҳақида ломмим дейилмаса, адолатдан бўлмайди. Президент Ислом Каримов фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчларининг ўзаро боғлиқлигини ниҳоятда аниқ ва мукаммал ифодалаб «Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати» асарида қуйидагиларни таъкидлайди; **«Демократик жамият қуриш учун, демократик тамойилларни тўла қарор топтириш учун, энг аввало, шу мўътабар заминда таваллуд ва тарбия топган шахс, ўзини айнан шу юрт фарзанди деб билувчи инсон ўз давлати, ўз халқи олдидаги, уни катта умидлар билан тарбия этган, вояга етказган жамият олдидаги бурчини адо этиши керак.** Бу гап менга ҳам, сизга ҳам—барчамизга бирдай тегишлидир.

Содда қилиб айтганда, ҳар қайси фуқаро, ҳар биримиз; **«Шу давлат, шу жамият менга нима берди?»** -деб эмас, балки: «Мен ўзим Ватанимга, элу юртимга нима бердим?» деб ўйлашимиз ва шу ақида билан яшашимиз керак»¹.

Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бўлмаса, унинг мажбуриятлари, бурчлари ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Шахснинг қобилияти ва истейдоди унга жамият яратиб берган шарт-шароит ва имкониятлар асосида юзага чиқар экан, демак унинг ўзи ҳам жамияти, халқи олдида бир умр бурчлидир. Бутун бойликларни қамраб оладиган ижтимоий маданиятнинг бир тури сифатида кўрилади... Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти шахс эркинлигини ва хавфсизлиги, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, унинг ҳуқуқий ҳимоя этилишини ва ижтимоий фаоллигини кафолатлаш учун замин бўлиб ҳисобланади»².

Ҳуқуқий маданият жамият тараққиётига, инсон камолотига, шахснинг ҳуқуқий ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Сиёсий онги етук, чуқур ҳуқуқий билимли ва маданиятли, иймон-эътиқоди мустаҳкам одамни ҳар хил олди-қочди гаплар билан алдаб, йўлдан уриб, ҳар

¹ Ислом Каримов. Биздан озод иа обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: «Ўзбекистон, 1996, 110-бет.

² А.Саидов, У Таджиханов. Давлат иа ҳуқуқ назарияси. Икки жилдли. 2-жилд. Т.: «Адолат», 353-354-бетлар.

хил ақидалар таъсирига олиб, чалғитиб бўлмайди. Ундай одам ҳар бир нарсани ақл-идрок, мантиқ, тафаккур тарозисига солиб кўради, мустаҳкам, ўзгармас иймон-эътиқодига эга бўлади.

Ҳуқуқий билими ва маданияти юксак бўлган одам ўзининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб қўйилган яшаш ҳуқуқи (24-моддада), эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи (25-модда), ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқи (27-модда), мамлакат ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, республикага келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқи (28-модда), ҳар ким фикрлаш, сўз ва виждон эркинлиги ҳуқуқи (29-модда), мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, ишсизликдан ҳимояланиш, дам олиш, ижтимоий таъминот олиш, малакали тиббий кўриқдан ўтказиш ҳуқуқларидан фойдаланади.

Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликлари билан бир қаторда бурчларини ҳам билишлари, уларга онгли муносабатда бўлишлари демократик ҳуқуқий давлат қурилишининг асосий шартларидан бири, ҳуқуқий билимли ва маданиятлилигининг белгиларидан бўлиб ҳисобланади.

Фуқароларнинг асосий бурчлари нималардан иборатлиги, уларнинг мазмун-моҳияти, қонуний асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6 та моддадан иборат бўлган XI бобида белгилаб қўйилган. Асосий Қонунимизнинг 47-52-моддаларида айтилганидек, Конституция ва қонунларга тўла риоя этиш, қонунларни оғишмай бажариш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр қимматини ҳурмат қилиш, Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асраш, маданият ёдгорликларини муҳофаза этиш, атроф муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш, Ўзбекистон Республикасини–Ватанимизни ҳимоя қилиш қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташ ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Ўзбекистон фуқароларининг қонунларимизнинг ҳурмат қилишлари, ижтимоий бурчларини ҳалол ва виждонан бажаришлари, жамият, давлат ва

халқ манфаатларига зид хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари, Ўзбекистон қонунларини бузувчиларга нисбатан мурасасиз бўлишлари, давлат, жамоат, шахсий мулкни кўз қорачиғидек сақлаш, кўпайтиришга ҳаракат қилишлари-буларнинг ҳаммаси ҳуқуқий билимдонлик ва маданиятлиликларининг намоён бўлиш шаклларида бўлиб ҳисобланади.

Кишиларнинг онги ва тафаккурида Асосий Қонунимизнинг 50 ва 55-моддаларидаги «атроф муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш», «Ер, ерости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликларидир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидир», деган конституциявий қондани сингдиришнинг сиёсий-ҳуқуқий, маънавий, маърифий, таълим-тарбиявий аҳамияти жуда катта. Чунки, инсон ҳаёти табиат, табиий бойликлар билан бевосита боғлиқдир.

У табиат билан алоқа ва муносабатда бўлмасдан туриб яшай олмайди. Инсон ҳаётини табиатдан, табиий бойликлардан айрича тасаввур этиш мумкин эмас.

Табиат оламида инсон ҳаёти ва жамият тараққиёти учун зарур бўлмаган ва муҳим аҳамият касб этмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Иссиқ ва совуқ ҳам, қор ва ёмғир ҳам, сув ва ҳаво ҳам, ўт-ўланлару, парранда-ю даррандалару ҳайвонлар ҳам, дашту саҳролар, қир-адирлар, тоғу-тошлар ва биёбонлар ҳам, дарёлар, кўллар, сойлар ва булоқлар ҳам, хулласи калом, ана шу ва бошқа табиий бойликлар, табиий манбаларнинг ҳаммаси тирикчилигимиз учун ўта зарур ва муҳимдир. Нафас олинадиган ҳаво, ичиладиган сув, саноат ва қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган табиий захиралар–нефть, газ, ёқилғи, ҳар хил маъданлар бўлмаса, инсоният ҳалок бўлади. Ишлаб чиқариш қуролларини яратиш, моддий ва маънавий бойликларни барпо этиш, илм-фан, маънавият ва маърифатни юксалтириш учун керак бўладиган жамики табиий бойликларни одамзот табиатдан олади. Табиат-инсон учун табиий бойликлар манбаидир.

Табиат инсоният учун моддий бойликларнинг биринчи манбаи сифатида ҳам, сиҳат-саломатлик, шод-хуррамлик, маънавий-руҳий баркамолликнинг асоси сифатида ҳам ўзининг ғоят зўр аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди.

Айтилганларга асосланиб, инсон табиат билан тирик, дейиш мумкин. Ана шу маънода олганда Юртбошимиз Ислом Каримовнинг: **«Она заминимиз - бойлигимизнинг, мустақиллигимизнинг ва гўзал келажакка ишончимизнинг асосий манбаидир»¹**, - деган сўзларида жуда катта илмий-фалсафий мазмун бор.

Инсон она табиат фарзандидир. Фарзанд ўзини дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараган, таълим-тарбия берган ота-онасиз униб-ўсмагани сингари инсон ҳам бамисоли онаси сингари азиз ва меҳрибон бўлган Ердан-заминдан айрича ҳолда яшай олмайди. Инсон дунёга келибдики, табиат бағрида яшайди. У заминдан-ердан ҳам моддий, ҳам рухий куч-қувват олади. Одам табиатдан, заминдан қанча узоқлашса, шунча ғариблашади.

Табиат бағри инсон учун ҳамиша очиқ. У саховатини, ноз-неъматини инсондан асло аямайди. Бундай қараганда, табиат, ер инсон учун гўёки бир бешик, бамисоли она қучоғидир.

Ер жамики бойликларнинг, ноз-неъматнинг манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам одамзод уни бениҳоя улуғлаб, эъзозлаб, она-замин деб таърифлайди.

Табиатни севиш, сув, тупроқ, олов ва ҳавони эъзозлаш, дунёдаги жамики эзгу амалларни пок ва бус-бутун сақлашга даъват этиш, инсон ўзи ўсиб-улғайган заминни, атроф-муҳитни юксак эътиқодла ардоқлашга бурчли эканлигига ундаш-ҳозирги авлодларга ўтмиш аждодлардан қолган меросдир. **«Ер, ҳаво , сув ва олов (Қуёш) Марказий Осиёда қадимдан эъзозлаб келинган, аждодларимизнинг зардўштликдан тортиб, то Исломгача бўлган барча динлар томонидан муносиб қадрлаб келинган»²**.

Табиатни эъзозлаш, атроф муҳитни муҳофаза этиш ҳақидаги йўл-йўриқлар аждодларимизга неча-неча замонлар оша қўлланма ва илҳом манбаи бўлиб келди. Аждодларимиз таълимоти бўйича табиатни эъзозлаш, ҳайвонот ва табобат оламига раҳмдил муносабатда бўлиш ҳар бир инсон зоти учун

¹ Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. 1996, 277-бет.

² Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 145-бет.

муқаддас вазифадир. Таъкидланганидек, табиатга меҳр кўрсатмаган, ундан ҳимматини, меҳр-мурувватини дориг этган, ерни, хавони, оловни илоҳий неъмат сифатида эъзозламаган одамнинг, халқ ва миллатнинг истиқболи порлоқ бўлмайди.

Ер сув билан, одам эса табиат билан тирик. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Табиатга меҳр одам дунёга келган пайтдан, гўдаклик чоғидан бошлаб унинг қалбига синга бошлайди. Бу жараён умрбод давом этади. Табиатга меҳри кучли бўлган одамнинг эл-улусга, Ватанига бўлган меҳр-муҳаббати ҳам юксак бўлади. Қалбида меҳр-шафқат, раҳмдиллик сингари юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар устуворлик қиладиган одамлар табиатдаги ҳар бир нарса ва ҳодисага оқилона муносабатда бўлади. Ўсиб турган дарахт шохини синдирмайди, ахлат ташлаб сувни ифлос қилмайди, хавонинг булғанишига йўл қўймайди, ям-яшил майса-гиёҳларни пайҳон қилмайди, башарти битта дарахтни кесгудек бўлса, ўрнига ўнтасини ўтқазади, боғу бўстон яратади, ободончиликка, тўкин-сочинликка сабаб бўлади, меҳнати, ақл-идрок ва тафаккурини эзгуликка, савоб ишларга бағишлайди.

Аждодларидан, ота-боболаридан рисоладагидек йўл-йўриқ, таълим-тарбия олган кишиларда табиатга меҳр-муҳаббат тамомила бошқача бўлади.

Табиатга меҳри ёшлигиданоқ кучли бўлган одам она заминга ўзгача кўз билан қарайди, меҳнат қилиб, ерга ишлов беришдан, дарахт ўтқазиб мевасидан ўзи ва ўзгалар баҳраманд бўлишдан, асалдек ширин, тилни ёрадиган қовун-тарвузларни етиштириб, чексиз завқ олади.

Таълим-тарбияда, айниқса, табиатни эъзозлаш ҳақидаги шарқона, ўзбекона тарбияда ҳикмат кўп. Бир пайтлар ота-боболаримиз оилада ўғил фарзанд туғилганда, унга атаб яхши ният билан мевали дарахтлар ўтқазиб, боғ-роғ яратганлар, ҳовлилари атрофида, ариқ бўйларида иморатбоп дарахтзорлар барпо этганлар. Бу ҳам иқтисодий, ҳам таълим-тарбиявий аҳамият касб этган. Дарахт экиб парвариш қилишни, ҳосилга киритишни ёш болалар оталари ва боболаридан ўрганишган, гўдаклик давридан бошлаб, уларнинг кўзлари пишиб, зеҳнлари ўсиб, дунёқарашлари кенгайиб, тасаввур-тушунчалари бойиб,

чуқурлашиб борган. Табиатга меҳр-муҳаббат борасида берилган таълим-тарбия фарзандлар қалбида муҳрланиб қолган.

Табиатни эъзозлаш, она-заминимизнинг ҳар бир ховуч тупроғини муқаддас билиб кўзга суртиш зарур ва муҳимлиги ҳақидаги шарқона, ўзбекона таълим-тарбия ҳозирги даврда айниқса долзарб, ўта аҳамиятлидир.

Экологик таълим-тарбияга оид бўлган аجدодларимиз асрий тажрибаларини, бой анъаналарини замонавий мезонлар асосида давом эттириш давр талабидир.

Ҳуқуқий жиҳатдан билимли-маърифатли, маданиятли бўлган одам миллий масъулият ва фуқаролик масъулиятини чуқур ҳис этади.

«Ҳар бир миллатнинг балоғатга етган онгли аъзоси ўша ўзи мансуб миллатнинг олдида масъулиятли бўлади. Миллатнинг моддий, иқтисодий, маданий, ахлоқий, маърифий, маънавий тараққий эта бориши, Ер юзидаги бошқа халқлардан орқада қолиб кетмаслиги учун биринчи навбатда шу халққа мансуб киши жавобгарлик туйғусини тутиши лозим. Оила ва жамиятдаги ҳар бир ҳаракатида, босган ҳар бир қадамида шу миллатнинг умум манфаатини ҳам унутмаслиги керак. Бу кишининг сиёсий онглилиги ва маънавий етуқлиги даражаси билан белгиланади. Ана шу нарсага миллий масъулият дейилади»¹.

Ўзбекистоннинг ҳар бир балоғатга етган онгли фуқароси қайси миллат вакили бўлишидан қатъий назар республика Конституциясида белгиланган кафолатланган ҳуқуқлардан фойдаланар экан, -дейди А.Иброҳимов, - шунга жавобан фуқаролик масъулиятини ҳам ҳис этиши керак. Бу деган сўз шуки, ҳар бир фуқаро мамлакат Конституциясига, Олий Мажлис қабул қилган барча қонунларга, Вазирлар Маҳкамаси чиқарган қарорларга риоя этиши ва ҳурмат қилиши, уларнинг амалга ошиши учун масъулият сезиши лозим. Қабул қилинаётган қонунлар ўзбекларга қанчалик тегишли бўлса, республикамизнинг бошқа миллат ва элатга мансуб бўлган ҳамма фуқароларига ҳам шунчалик тааллуқлидир. Қонун-қоидаларга риоя этишда истисно бўлмайди. Қонун барчага бир хил тегишли, фуқаро сифатида бир хил мақомга эгадир. Ана шуни

¹ Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Бизким, ўзбеклар... Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош тахририяти, 1999, 177-бет.

фукаролик масъулияти дейилади¹.

Айтилганлардан кўриниб турганидек, ҳуқуқий жиҳатдан етук, сиёсий онгли киши фуқаро сифатида мамлакатда, ходим сифатида корхона ёки муассасада, шахс сифатида жамиятда ўз ҳақ-ҳуқуқини билади, ўзига нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатлар бўлишига, кадр-қиммати ва ғурури поймол этилишига йўл қўймайди.

Ҳуқуқий билим ва маданияти юксак бўлган одам маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчиликка асосланиб иш тутиш энг катта ижтимоий офат ва фожеаларга сабаб бўлишини англаб етади.

¹ Қаранг: Ўша асар, 177-178-бетлар.

2. Қонун устуворлиги ва жиной жазоларни эркинлаштириш сиёсати

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов асарларида илмий-назарий асослаб берилганидек, бизда барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлатнинг ўзига хос хусусиятларидан бири қонуннинг олий ҳукмронлиги, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берилишидир.

Ҳуқуқий давлатда ҳамма нарса, ҳар қандай масала қонунлар, ҳуқуқий меъёрлар асосида адолатли йўл билан ҳал этилади. Қонун жамият ва давлат ҳаётидаги энг муҳим муносабатларни тартибга солиб туради. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса ҳуқуқий давлатни тасарруф этиб бўлмайди.

Ҳуқуқий давлатнинг негизи, унинг пойдевори–қонун, қонунийликдир. Ҳуқуқий давлат қонун асосида фаолият кўрсатадиган, қонун асосида яшайдиган, қонун белгилаб берган чизиқ-чегарадан ҳар қандай ҳолат ва вазиятда ҳам чиқмайдиган давлатдир.

Ҳуқуқий давлатнинг энг олий сўзи ҳам, қалби, тан-жони ҳам, хулласи калом, тириклиги ҳам қонун ҳазрати олийларидир.

Президентимиз Ислон Каримов таъбирлари билан айтганда, ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам, қалқони ҳам қонундир.

Қонун устуворлиги кенг маъноли сиёсий, ҳуқуқий, илмий-фалсафий тушунча бўлиб, унинг моҳияти, ўзига хос жиҳатлари, тамойиллари, намоён бўлиш шакллари, амалга оширилиш йўллари Асосий Қонунимиз ҳамда Президент Ислон Каримов асарлари, нутқлари ва маърузаларида ўз ифодасини топган.

Юртбошимиз ўзининг «Ўзбекистон–бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарида қонун ҳуқуқий давлатнинг пойдевори, қонунийлик унинг асосий тамойили, шарти эканлиги ҳақида шундай дейди: **«Қонуннинг устуворлиги-ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. У ҳаётнинг барча**

соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутати. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи ва ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсунмиш мажбуриятдан халос бўлиши мумкин эмас. **Қонун олдида ҳамма баробардир.** Қонуннинг устуворлиги шуни билдирадики, асосий ижтимоий, энг аввало, иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинадики, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгар бўлади»¹.

Қонун устуворлиги ҳақидаги Президент таълимоти жуда чуқур ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий маънога эга. Унинг моҳиятини бир-икки жумла билан баён этиб бўлмайди. Қонун устуворлиги ҳақидаги таълимот моҳиятини бизнинг фикримизча, қуйидагича изоҳласа бўлади;

-Қонуннинг устуворлиги барча жорий қонунлар ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши зарурлигини англатади;

-бу тамойил ҳуқуқий давлатда, жамиятда ижтимоий, энг аввало, иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинишини билдиради. Кимда-ким бу қоидага амал қилмаса жавобгар бўлади;

-Қонуннинг устуворлигини билиш, эътироф этиш-ижтимоий адолат қарор топишининг асосидир. Соҳибқирон Амир Темур айтганларидек, «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади. Шунинг учун ҳам у куч-қудрат зўрлик-зўравонликда эмас, аксинча, адолатда эканини қайта-қайта уқтирган.

-Қонун устуворлигига қатъий риоя қилиш ҳуқуқий давлатнинг асосидир. Ўзбекистондаги ҳуқуқий давлатда биринчи ўринда ҳуқуқни, иккинчи ўринда давлатнинг қўйилиши бежиз эмас, албатта.

-Қонуннинг устуворлиги ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойилидир. У ҳаётнинг барча жабҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутати. Қонунларни менсимасликка, уларга риоя қилмасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 184-бет.

-хаёт шундан далолат берадики, жамиятда қабул қилинган қонунлар, ахлоқий меъёрлар бузиладиган давлат ҳуқуқий давлат бўла олмайди. «Албатта, фуқаролари қонунни писанд қилмайдиган давлат ҳуқуқий давлат бўла олмайди»¹.

Қонун ҳуқуқий давлатда халқ иродаси ифодасидир. Шунинг учун ҳам у муқаддас ҳисобланади. Уни бузган кимса халқни беҳурмат қилган ҳисобланади.

-яна такрор ва такрор айтадиган бўлсак, бизнинг жамиятимиз ва давлатимизда қонун, тағин бир бор қонун катгаю кичик, жинси, миллати, эътиқоди ва мансабидан қатъи назар, барча учун устувордир. Асосий Қонунда белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистоннинг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. **Қонун олдида ҳамма баробар.** Қонун бирорта кишига ҳам алоҳида имтиёз бермайди.

-Қонун устуворлигига хилоф иш қилиш ва унга менсимай қараш, мансабдор шахслар, қонунларни ҳаётга татбиқ этиши лозим бўлган ва бошқа кишилар томонидан қонунлардан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланиш қонунларни обрўсизлантиради, путур етказди, халқнинг норозилигига ва ҳаққоний эътирозларига сабаб бўлади. «Бундай вазиятда қонунларни менсимаслик иллати, -дейди Ислоом Каримов, -бутун жамиятни захарлайди, давлат томирлари емирилади, чирий бошлайди»².

Қонун устуворлиги ҳақидаги конституциявий қоида, Президент Ислоом Каримов таълимоти фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, қадр-қиммати, эркинлигини ҳимоя қилишга, ижтимоий адолатни қарор топшириш ва мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Қонун устуворлиги, қонунга итоаткорлик ҳақидаги Президент Ислоом Каримов таълимоти мустаҳкам таянчларга эга эканлигини, илдизлари ниҳоятда чуқур ва қадимийлигини алоҳида таъкидлашга тўғри келади. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Қонун- қоидаларни, ахлоқий нормаларни ҳурмат қилиш,

¹ Ислоом Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 184-бет.

² Ўша асар, 184-бет.

гуноҳ ишлардан ўзини тийиш, ўғирлик, порахўрлик, фирибгарлик, товламачилик, адолатсизликка йўл қўймаслик ҳақидаги ғоялар, карашлар, ҳикматлар Шарқда, ўлкамизда кунни-кеча пайдо бўлган эмас. Унинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи бир неча минг йилларга бориб тақалади. «Адолат» сўзи минг йиллар давомида инсонга ҳамроҳ бўлиб келган. Асрлар давомида кишилар адолат учун курашган, мислсиз қурбонлар берган... Одил ҳукмдор, адолатли раҳбар ғояси Фаробийдан тортиб Алишер Навоийгача ва яна бошқа кўп-кўп мутафаккирларимизнинг улуғ маънавий идеали бўлиб келган».¹

Қонунга итоаткорлик Шарқда, Турону Туркистонда азалдан кишиларнинг ахлоқ қонидаси, виждон амири бўлган. Қонунларни ҳаётга жорий этиш, кишиларни қонун-қоидаларга асосланиб фаолият кўрсатишга ўргатиш осон эмас.

Йирик ҳуқуқшунос аллома Абу Носир Фаробийнинг эътироф этишича, қонунларни ҳаётга жорий этиш уларни қабул қилишдан кўра мураккаб жараёндир².

Шарқда қадимдан машҳур бўлиб келган «Сиёсатнома»да подшоҳ, ҳоким, амир ва беклар, қози-ю кузотнинг бош вазифаси адолат истаб келганларни, ҳожатмандларни ҳожатини чиқариш, зулм кўрганларни ҳимоя қилиш, раиятнинг оҳ-додига қулоқ солиш, ҳаром қўлларни кесиб, ер юзини ёмонлик қилувчилардан тозалаш, жаҳонни адолат ва осойишталик билан обод қилишдан иборатдир, деб кўрсатилган. Низомулмулкнинг «Сиёсатнома»сида шундай бир ҳикоят бор. Нақл қилишларича, кунлардан бир кун бир савдогар Султон Маҳмуд ҳузурига кириб, шаҳзода Масъуд устидан шикоят қилибди: «Мен бир савдогар одамман. Кўпдан бери бу ерда сарсон қолиб кетдим. Ўз юртимга кетолмай юрибман. Чунки Сизнинг ўғлингиз мендан олтмиш минг динорлик молимни харид қилди-ю, аммо пулини бермаётир. Сиздан илтимос, орани очиқ қилиш учун амир Масъудни мен билан қозининг олдига юборсангиз». Бу хабарни эшитган Султон Маҳмуд жуда хафа бўлибди ва ўғлига қуйидаги

¹ Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 239-бет.

² Қаранг: Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1991, 201-204-бетлар.

мазмунда нома йўллабди: «Савдогарнинг ҳақини дарҳол бергин. Йўқса, унинг олдига тушиб, шариат қозиси ҳузурига боргин, улар қандай ҳукм чиқарса, ўшани тутгин».

Шундан сўнг, хабарчи Масъуд уйига, савдогар эса, қозихонага қараб йўл олишибди. Хизматкор шаҳзода хонадонига келиб, отасининг номасини етказибди. Қийин аҳволга тушиб қолган Масъуд бир хизматчисига бориб хазинани қарачи, қанча пул бор, дебди. Хазиначи йигирма минг динор пул борлигини айтганида, у: «Дарров олиб, савдогарга бериб кел ва қолганини тўлаш учун уч кун муҳлат сўрагин», деб топшириқ бергач, Султон элчисига қарата дейди: «Бориб Султонга маълум қилгин, ҳозир йигирма минг динор тўланди, қолган ҳамма маблағ уч кун ичида берилади. Мен кийимларимни кийиб, белимни боғлаб, этигимни кийиб турибман. Қозихонага борайми ёки қолган маблағни тўлайми? Султон нима фармон бераркан?». Масъуднинг сўзларини Султон Маҳмудга етказишибди. Шунда, «Шуни билиб қўйки, савдогарнинг пулини охиригача бермасанг, менга рўпара келма!», деб жавоб қилади Султон. Буни эшитган Масъуд тўрт томонга одам юбориб, дўстларидан қарз олиб, аср намозигача савдогарнинг олтмиш минг динорини элтиб берибди. Бу хабар бутун оламга тарқалади. Султоннинг адолатпешалигини эшитган савдогарлар Чин, Хўтан, Миср, Адан ва Басрадан Ғазнингга мол олиб кела бошлайдилар. Ғазнин бозори ҳар хил қимматбаҳо ва ажойиб нарсаларга тўлиб кетади».

Амир Темур асос солган буюк давлат қонун устуворлигига, адолат меъёрларига амал қилганлиги билан барча олам аҳолининг диққатини ўзига тортиб, бугунга қадар ҳам ўз тарихий аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Соҳибқирон бобомиз давлати куч-қудрати ва енгилмаслигининг асосий сабабларидан бири-унинг қонун устуворлиги ва адолатга таянганлигидир. Низомиддин Шомий бобомиз Амир Темурнинг қонун-қоидаларга амал қилиш ҳамма учун бир хил мажбурий эканлигини таъминлаганлиги ва бу қандай оқибатларга олиб келганлиги ҳақида шундай ёзган эди: «Ҳар бир кишини фазли ва донишмандлиги даражасига лойиқ мақомга қўяди. Машойихлар ва солих

бандаларини улуғлайди, улар билан ҳамсухбат ва ҳаммажлис бўлишга рағбат кўрсатади. Ожиз кишилару раиятларни, савдогару деҳқонларни муҳофаза этишда қонунларга риоя қилиб, адолат расмини бажо келтиради. Асрлар мобайнида бирор талабгарнинг ақлу никоҳига кирмаган икки бўй етган гўзалдек бўлмиш Эрону Турон мамлакатларини Амир соҳибқирон тўла забт этиш ва адолатли сиёсат юритиш орқали шундай бошқармоқдаки, у ерларнинг донишмандлари ҳайрон қолмоқда. Унинг адолатию сиёсати ўрнатилган кунларда Мовароуннахрнинг энг чекка жойларидагина эмас, балки Хитой ва Хўтан чегарасидан Деҳли ва Канбойит атрофларигача, Бобул-Абвобдан то Миср ва Рум худудигача бўлган ерлардан савдогарлар у ёқда турсин, болалар-у бева хотинлар ҳам ипакли матолар, олтин-кумуш ва энг зариф тижорат молларини келтирадилар ва олиб кетадилар. Ҳеч бир кимса уларнинг бир донига ҳам кўз олайтира олмайди ва бир дирҳамига ҳам зиён етказмайди. Бу чексиз неъмат ва поёнсиз марҳаматлар Амир Соҳибқироннинг сиёсати ва адолати натижасидандир»¹.

Бундай улкан ютуққа, яъни шундай бепоён худуднинг бирон-бир мамлакатада «савдогарлар у ёқда турсин, болалару бева хотинлар ҳам ипакли матолар, олтин-кумуш ва энг зариф тижорат молларини» келтирган ва олиб кетганларида, «ҳеч бир кимса уларнинг «донига ҳам кўз олайтирмай»диган ва «зиён етказа олмай»диган бўлишига Амир Темур ҳазратлари қандай қилиб эришган, деган савол албатта пайдо бўлади. Бу саволга жуда аниқ-равшан жавобни ўз вақтида соҳибқироннинг ўзлари берганлар.

Давлат тузилмаларидан тортиб, мансабдор шахслару оддий фуқароларгача, барча одамларнинг қонунга бир хил риоя қилишига мажбурлиги туфайли улкан давлат Амир Темур даврида адолатли равишда бошқарилган. Амир Темурнинг таъкидлашича, оддий одамларга нисбатан қилинадиган қонунсизликдек қонун ва давлат нуфузини туширадиган бирон-бир нарса йўқ².

Соҳибқирон Амир Темур ўзининг барча сиёсий ва амалий фаолиятини

¹ Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т., «Ўзбекистон», 1996, 20-21-бет.

² Қаранг: Амир Темур. Зафар йўли. Т., 1993, 9-бет.

шариат қонун-қоидаларига, «Тузуқлари»га таяниб юритган. «Тузуқлар» ўз даврининг қонуни, Конституциясидир. Амир Темурнинг қонун устуворлигига қатъий амал қилганлиги бу асарда аниқ баён этилган. У бу ҳақда қуйидагиларни таъкидлаган эди; «Мен ўз салтанатимни бошқаришда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тузуқ асосида бажардим. Шариат қонунларига итоат қилиш, урф-одатга эътибор бориш мен учун катта аҳамиятга эга эди, ҳозирча ҳам шундай аҳамиятга эгадир. Менимча, модомики, бир ҳукмдор бир умри давомида от устида ўтириб, ўзига тегишли бўлган катта иқлимнинг ҳар томонида ҳаракатда бўлиб, бир нуқтада туриб қолмас экан, ўзининг кенг қаламрави (мамлақати) ундан итоат қилишига амин бўлиши керак. Бундай ишончга фақат шариат қонунлари ва урф-одат қоидаларини амалга ошириш орқали муяссар бўла олади. Менинг мамлакатимда турли соҳаларда қонунга қатъий амал қилинадиган бўлса, мен ўзимни ўша ерда ҳозир тургандай сезардим. Шариат ва урф-одат қонунларини назарда тутган ҳолдагина, одамлар сенинг ишларингга ишонади ва уни жону дил билан бажаради. Ҳамиша аскарларимни қонунга итоат қилиш руҳида тарбия қилдим, қонун бузувчиларни жазосиз қолдирмадим».¹

Амир Темурнинг амалий фаолияти ҳар доим адолат ва инсоф меъёрлари, қонун устуворлиги билан ҳамоҳанг бўлган, ҳаммага бир хил жиддий ва одил қараган. Ҳеч бир кишини бошқасидан фарқ қилмаган, бойни камбағалдан устун ҳисобламаган.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида жинойтга қўл урган барча кишилар кимлигидан қатъий назар, қонун олдида ҳеч қандай имтиёзсиз жавобгарликка тортилган. Шахсан унинг ўзи қонун-қоидаларга, «Тузуқлари»га, шариат аҳкомларига бир умр қатъий амал қилган. Қўл остидагилардан ҳам шуни талаб қилган.

Амир Темур нафақат ўзига бўйсунувчи вазирлар, ҳокимлар, валийлар, амирлар, эл-юрт улуғлари, садрлар, акобирлар, таниқли мансабдорлардан, ҳаттоки

¹ Қаранг: А.Саидов, А.Жузжоний. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. Т., «Ижтимоий фикр» маркази, 1998, 134-135-бетлар.

ўзининг суюқли фарзандлари-ю набираларидан ҳам раиятнинг аҳволидан доимий равишда бохабар бўлиб, тинчлигини таъминлаб туришни, раиятпарвар бўлишни, эъзозлашни, жинойтчилар ва қароқчиларни ҳамда шариатга хилоф ишлар қилувчиларни қонун-қоидалар асосида таг-туғи билан йўқотишни зарур ва лозим деб ҳисобланган. Шундагина мамлакат ишлари бир текис боради, салтанат мавқеи ва тўғри йўл-йўриқ барқарор бўлади, деб таълим берган.

Қонун-қоидаларга итоат этиш бошқалар қатори Амир Темур фарзандлари учун ҳам мажбурий бўлганлиги, қонун олдида ҳеч ким алоҳида имтиёзга эга бўлмаганлиги, жинойтга қўл урган барча кишилар кимлигидан қатъий назар жазоланганлиги хусусида бир мисол келтирмоқчимиз. Бу - 1393 йилда Шимолий Эрон, Ироқ, Закавказиядек улкан мамлакат (пойтахти Султония)га Амир Темур томонидан ҳукмдор этиб тайинланган шахзода Мираншоҳ Мирзо қисмати ҳақида. «Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, кейинги вақтларда Мироншоҳ айшу ишратга берилиб кетиб, давлат ишларига қарамай қўяди. У шаръий ва ношаърий хотинлар олишни кўпайтиради. Узлуксиз давом этган базмлар ва ҳар хил кўнгиш очар ўйинлар хазинага сезиларли равишда зарба беради. Бундан ташқари, у Султония шахрида энг чиройли ва ҳашаматли бинолардан бирини буздиради. Шунингдек, Табриз шахридаги машҳур тарихчи Рашидиддиннинг мақбарасини буздириб, мархумнинг суякларини йиғдириб, шахардаги яхудийлар қабристонига олиб бориб кўмишни буюради... Мироншоҳ ўз ҳарамидида хотинларига ҳам ҳар хил туҳмат ва буҳтонлар килиб жабр-зулмни ҳаддан оширади. Ниҳоят, 1399 йилда Мироншоҳнинг қатта хотини Хонзода бегим эридан яширинча Самарқандга қайнотаси Темурнинг ҳузурига бориб, Мироншоҳнинг кирдикорларидан шикоят қилади. Темур севиқли келинидан бу аҳволни эшитиб, қаттиқ изтиробга тушади. Ўша давр тарихчиларининг ёзишича, Темур бир ҳафта давомида йиғлаб, ҳеч кимга кўриниш бермаган. Ниҳоят, Темур машҳур етти йиллик юришга бел боғлаб, йўл-йўлакай, қўққисдан Озарбайжонга бостириб киради. Темур Султонияга киргач, дарҳол Мироншоҳ ва унинг ҳамтовоқлари-аркони давлатини тутдириб, зиндонга ташлади»¹.

¹ Турғун Файзиев. Темурийлар шажараси. Т., «Ёзувчи» нашриёти-«Хазина», 1995, 168-бет.

Амир Темур ўғли Мироншоҳ ва уни бу йўлга солган барча амалдорларга ўлим жазоси бериб, уларнинг барча мол-мулки мусодара қилинсин, деб буюради. Бундай қатъий ҳукмдан даҳшатга тушган унинг пири муршиди Сайид Барака бошлиқ барча амир ва беклар ҳамда шахзодалар ўртага тушиб ҳукмнинг ижросини тўхтатишни илтимос қилишади. Амир Темур барча илтимосларни рад этади. Жаллодлар бошқалар қатори Мироншоҳни ҳам жазо тахтасига ётқизиб бошини кесмоқчи бўлади. Сайид Барака Амир Темурга, мазкур ҳукм амалга оширилса, temuрийлар авлодида ўғлини ўлдириш анъана тусини олиш хавфи борлигини уқтиради. Ўшандагина Амир Темур Мироншоҳ ва унинг бошқа ҳукмдорлари устидан чиқарган ўлим ҳукмини бекор қилади¹.

Амир Темур ўзининг «Тузуқлари»да ишлаб чиққан адолат ҳақидаги ғояларини амалга оширишда қатъийлик кўрсатади. У «ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим», деган эди. Унинг «Адли эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади», «Зарурий тартибот ва қонунларга риоя қилиш тақдирим ва муваффақиятларим негизи бўлди», - деган дона сўзлари умумбашарий аҳамиятга эга.

Қонуннинг устуворлиги ҳар қандай давлат ва жамият ҳаётининг муқаддас тамойилларидан биридир. «Қонунга оғишмай итоат этилган жамиятдагина демократия қарор топади ва мустаҳкам бўлади. Қолаверса, барча демократик институтлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонун воситаси билан жорий этилади»².

Қонунда халқнинг иродаси, хоҳиш ва истаклари, манфаат ва интилишлари ўзининг мужассам ифодасини топади.

Энг яхши қонун ҳам қабул қилиниши билан ўз-ўзидан ҳаётга кириб бормайди. Бунинг учун уни ҳаётга татбиқ этиш, оқилона қўллаш лозим бўлади.

Қонунга итоаткорлик—бу юксак маданиятлилиқ, маънавиятлилиқ, маърифатлилиқ белгисидир.

¹ Қаранг: А.Саидов, А.Жузжоний. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. Т., «Ижтимоий фикр» жамоатчилиқ маркази, 1998, 138-бет.

² У.Таджиханов, Ҳ.Одилқориев, А.Саидов. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Т., «Шарқ», нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2001, 286-бет.

Қонунга итоаткорликни инсоннинг унга кўр-кўрона бўйсунуши маъносида тушунмаслик керак. Қонуннинг мақсад ва вазифаларини, маъноси-ю инсонпарварлик моҳиятини онгли равишда тушуниб олиш унга ихтиёрий риоя қилишга ва унинг асосида фаолият юритишга ёрдам беради. Бошқача қилиб айтганда, **«Қонунга итоаткорлик, энг аввало, қонунларни пухта билишни ва уларга риоя қилиб яшашни тақозо этади. Қонунларни бундай билиш давлатга ҳам, фуқароларга ҳам бирдай хос ва фойдали фазилат бўлиши лозим».**¹

Қонунга қатъий риоя этиш жинойтчиликни олдини олишнинг, қонун бузилишига йўл қўймасликнинг зарур шартларидан бўлиб ҳисобланади.

Очиғини айтганда, қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоаткорлик маданиятининг етарли даражада эмаслиги жамиятда адолат мезонларининг бузилишига, вазифани суиистеъмол қилишларга олиб келмоқда. Қонунларни қўллашнинг бузилишига жойлардаги у ижроия ҳокимиятининг, ундан сўнг ҳуқуқ-тартибот ходимларининг ҳуқуқий маданияти ночорлиги ҳам ўз таъсирини маълум даражада кўрсатмоқда. «Қонун бузилишининг манбаи—ғаразли мақсадлар, касбий ва ишга оид малакасизлик, хизмат бурчига риоя қилмаслик, давлат тузуми ва жамиятга душманлик муносабати, ҳуқуқий, саводсизлик, безорилик ва ахлоқсизликка асосланган турмуш тарзи, халқ ва давлат маблағи ҳисобидан бировларга хотамтойлик кўрсатишдадир. Аксарият ҳолларда қонунни бузишнинг илк қадамлари умумий саводсизлик ва маданиятсизлик билан боғлиқ, яъни баъзиларнинг соддалиги ёки жазоланмасликка умидворлиги қонуннинг бузилишига олиб келиши мумкин»².

Республикамизда қонунни бузишга, унга риоя этмасликка ҳеч кимнинг, ҳеч бир мансабдорнинг, на бирор бир ташкилоту корхона, муассасанинг ҳақи йўқ. Қонунни бузган, менсимаган одам халқнинг юзига оёқ қўйган, жамият ва давлатни ҳурмат қилмаган маданиятсиз, маънавиятсиз, калтабин кишидир.

Давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган

¹ У. Таджиханов, А.Саидов. ҳуқуқий маданият назарияси. Икки томли. 2-том. Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998, 62-бет.

² А.Саидов, У.Таджиханов. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Икки жилдли. Иккинчи жилд. Т., «Адолат», 2001, 375-бет.

Қомусномамиз–Конституциямизда давлат, унинг барча органлари қонунга итоат этишлари мажбурийлиги белгилаб қўйилган. Асосий Қонуннинг 15-моддасида таъкидланишича, «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар». Конституциянинг ана шу қонунда олам-олам маъно-мазмун бор.

Белгилаб қўйилганидек, Конституция ва қонун олдида барча бирдай масъулдир. Мамлакат қонунларига жами фуқаролар баробар бўйсунмоғи ҳам фарз, ҳам қарз. Ҳеч ким, ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс, тадбиркор ёки бошқа бирор фуқаро қонунга бўйсунмиш ва унга сўзсиз риоя этиш мажбуриятидан холи бўлиши мумкин эмас. Чинакам демократик жамиятда ҳаммаша шундай бўлади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар, деган фикрни тоталитар тузум даврида ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтира олмас эди.

Шўро тузуми даврида, кечаги ҳаётимизда қонунга муносабат қандай бўлганлигини ҳали унутган эмасмиз. Мустабид тузум замида қонунга ҳамма бир хил итоат этмасди. Оддий фуқаролар Конституция ва қонунларга итоат қилишга мажбур қилинган бўлса, коммунистлар ўз уставларига амал қилишган. Эски тузум давридаги конституцияларда инсон манфаатларидан давлат манфаатларининг устунлиги қонунлаштириб қўйилган эди. Маълумки, Шўро қонунчилигида давлатга иқтисодий зарар етказиш ҳолларига ўта оғир жиноят сифатида қаралган ва бунга йўл қўйган шахсларнинг, айниқса, оддий фуқароларнинг мол-мулки мусодара қилиниб, шафқатсизлик билан жазоланган. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги «Адолат–қонун устуворлигида» маърузасида айтилишича, «Бундан кўзланган мақсад битта: яъни одамни бутунлай синдириш, руҳан эзиш, уйдан, рўзғоридан айириш ва яна энг номақбули, оиласи, фарзандларининг асосий тирикчилик манбаидан маҳрум

этиш эди. Ана шу кезларда одамларнинг мол-мулкини рўйхатга олиш каби таҳқирловчи, ғайриинсоний хатти-ҳаракатлар кўплаб содир этилди. Судланувчининг хотинлари, бола-чакалари бамисоли кўчага ҳайдалиб, турли хўрлаш ва камситишларга дучор этилди.»

Яқин ўтмиш тарихимизда, эски тузум даврида судлар ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли тарзда қўриқлаш ва ҳимоя қилиш, қонун устуворлигига асосланиб фаолият юритиш учун эмас, балки ҳукмрон коммунистик тизимнинг қатағон ва жазолаш аппарати вазифасини, марказнинг ҳар қандай, гарчи қонунга зид кўргазмаси бўлса-да, кўр-кўрона бажарган. Ўша машъум замонларда, суд бўлди, дейилса кимдир жазо олди, ўлимга ҳукм қилинди, деб тушунилди.

Ҳақ ва ҳақиқат, ижтимоий адолат оёқости қилиниб, қонунлар мансабдорлар, олий даражадаги раҳбарлар, ҳукмдорлар томонидан суиистеъмол қилинган даврлар бизлар учун эндиликда орқага асло қайтмас ўтмиш бўлиб қолди.

Ҳозирги давр, яъни миллий истиқлол бугунги авлод учун ривожланишнинг янги тарихий босқичидир. Ҳозирги давр инсон қадриятлари, шаъни, ғурури, ҳаёти, ҳақ-ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, давлат томонидан ҳимоя қилинадиган палладир. Мустақиллик—бу ҳуқуқ демакдир. Мустақиллик қонун устуворлиги ва адолат ҳукмронлиги, қонунга ҳамманинг бирдек итоат қилишини ҳаётга татбиқ этиш, реал воқеликка айланишини таъминлашдир.

Қонуннинг кучи, обрўси, таъсири, амалий аҳамияти ҳаётда уни ҳалол, ҳаққоний, одилона татбиқ этилишидадир. Агар қонун ижрочилари бурчлари ва масъулиятларига холисона, одилона ёндашиб, тўғри йўлдан тоймай, фирромлик қилмай, эл-юрт, Ватан, давлат манфаати ва тақдирини ўзлари учун олий мақсад деб ҳисоблаб қонунларни турмушга адолатли қўлласалар, бундан давлат ва жамият ҳам, халқ ҳам энг кўп наф кўради.

Президентимиз таълимотича, чиқариладиган ҳар бир ҳукм тўғри ва адолатли бўлмоғи лозим. Шундай қилинса, фирромлик, ижтимоий адолатсизлик, порахўрлик, давлат ва халқ мулкини талаш, таниш-билишчилик,

уруғ-аймоқчилик, мансаб лавозимларидан шахсий бойлик орттириш йўлида фойдаланишга уринишларнинг олди олинадиди, пайи қирқилади, ҳақ жойида қарор топади. Шундай қилинса, халқнинг руҳи кўтарилади, унинг жамиятимиз, давлатимиз ва қонунларимизга бўлган ишончи мустаҳкамланади, миллий истиқлолимизга меҳр-муҳаббати кучаяди.

Агар мабодо қонун ноҳолисона қўлланиб, қонун ижрочисининг оёғи тўғри йўлдан четга тойса, Гдиян ва Иванов, уларнинг ҳамтовоқлари даврида бўлганидек, ўғри қолиб тўғри, гуноҳкор қолиб бегуноҳ жазоланса, одамларнинг бурни ноҳақдан-ноҳақ қонаса, бундай ноҳақлик, адолатсизликдан халқ беҳад жабр-ситам кўради, бунинг оқибатида давлатимиз обрўсига путур ета бошлайди, жамиятимиз негизлари заифлаша боради.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида қонунларни ижро этишда ўн ва юз қарра ҳалоллик ва адолат асосида иш юритиш мутасаддилар учун асосий мақсад, жамият, халқ ва Ватан олдидаги буюк инсоний бурч, юксак масъулият бўлмоғи лозим.

Бизнинг фикримизча, буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ҳазратларининг Ислом қонуншунослари – муфтиларга қарата айтган қуйидаги доно сўзлари ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини тўлалигача сақлаб келмоқда: «Унинг кўнгли ҳеч нарсага оғмаслиги, ривоятлари тўғри, ёзганлари устозларнинг сўзларига мувофиқ бўлмоғи лозим. Муфти ичкиликбозлардек фосиқ-ахлоқсиз, жоҳил одамлардек бадқирдор ва шафқатсиз бўлмаслиги, бир танга учун юз ҳақни ноҳақ ва озгина марҳамат учун «йўқни» «бор» деб битувчи бўлмаслиги керак. Бир сават узум учун бир боғнинг куйиб кетишидан ғам чекмайдиган ва бир ботмон буғдой учун бир хирмоннинг совурилишидан ташвишланмайдиган бўлмаслиги лозим. Муфти ҳийлагарлик билан ёлғон фатво (хукм) ёзар экан, у қаламнинг учи билан шариат юзини қора қилган бўлади: шу қилган иши учун ҳақ олиб, ўз молига қўшса динини дунёга сотган бўлади. Бундай муфти- одам ўлдирувчи табибдир. Бирига Ислом динини ўлдириш, иккинчисига мусулмонларни ўлдириш касбдир»¹.

¹ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983,

Алишер Навоий таълимотича, шариат қонун-қоидаларини ҳаётга адолатли равишда қўллашда қозиларнинг роли ҳам беқиёсдир. Бу ҳақда яхшиси мутафаккир бобомизнинг «Махбуб ул-қулуб» асарларидаги қуйидаги доно сўзларини яна бир бор эслатиб ўтайлик: «Қози мусулмонлик биносининг таянчидир ва мусулмонларнинг яхши ва ёмон ишлари юзасидан ҳукм чиқарувчидир. Қозининг кўнгли дин илми билан тўла, дунёвий билимлардан хоотири хабардор бўлиши керак. Хамирида шахсий манфаатга майл бўлмаслиги, соф кўнгли иккиюзламачилик иллатидан холи бўлиши лозим. Қозининг маҳкамаси шариат илмининг хазинаси бўлмоғи; у ҳукм вақтида ошнога ҳам, бегонага ҳам бир савияда қарамоғи лозим. Унинг билимдонлигидан ва қалби поклигидан кишилар кўнглида унга ҳурмат ва шукуҳ; ишга диққат-эътибор ва фаросат билан муносабатда бўлишидан бедиёнат-виждонсизларнинг юрагида ғам-андух; кўнгли ҳақ каломлари билан кучли; ҳукмлари ҳадисларга асосланган. У шаръий ҳийлаларни ўз кўнглига, ҳуқуқшуносларнинг шубҳали алдовларини эса замирига йўлатмаслиги керак; порахўр муфтилар унинг қошида тубан ва хор; ҳийлагар вакиллар унинг қаршисида айбдор бўлмоғи зарур.

Агар илмсиз қози ичкиликхўр бўлса, уни ўлдирмоқ керак ва дўзах ўтига етмасданоқ куйдирмоқ керак. Агар қози порахўр бўлса; Ислом дини кўрғонига раҳна солувчи бўлади; агар у ўзи пора бериб, қозилик мансабига ўтирган бўлса, пора эвазига шариат қонунини буза олади.

Қози қонун йўлидан бир қадам тоймаслиги, тўғри йўлдан чиқмаслиги лозим. Ахир, тўғри чизиқ ағдарилса, эгри бўлади. Чолғу асбобининг тори созланмаган бўлса, овози бузилади. Модомики, ҳукми элнинг моли ва жонига тааллуқли экан, қозининг шиори тўғрилиқ ва адолат бўлмоғи лозим.

Қозининг оёғи тўғрилиқ кўпригидан четга тояр экан, жони жаҳаннам тубида бўлади. Қозилик ишини қандай хоҳламасин шундай қиламан дейиш ҳаёсизлик ва ёлғончиликдир»¹.

Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ янги

¹ Ўша асар, 23-24-бетлар.

одил, инсонпарвар қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича катта ишлар қилинди ва бу борадаги халқаро ҳуқуқ нормалари ўрганилди, улардан унумли, ижодий фойдаланилди. Бунинг натижасида тарихан қисқа давр мабойнида тўрт мингдан ортиқ қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганлигининг дастлабки кезлариданоқ суд-ҳуқуқ ислоҳотларига катта эътибор берилди. Қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятдан суд алоҳида ҳокимият сифатида эътироф этилди. Ана шунга асосан Республикамизда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари Конституциямизга биноан босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотларнинг биринчи босқичи 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган даврдан бошланди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг навбатдаги босқичи 1993 йилдан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисидаги қонуни асосида бошланиб, унга асосан суд тизими конституциявий суд, умумий судлар ва хўжалик судларига бўлинди. 1994 йилда Ўзбекистон Республикасининг жиноят, жиноят процессуал ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, 1995-1997 йилларда фуқаролик, фуқаролик процессуал ва хўжалик процессуал кодекслари ва бир қатор жуда муҳим қонулар қабул қилинди.

Бугунги кунда эса суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш жараёни кечмоқда, бу учинчи босқич бўлиб, унда бир қанча жиддий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жиноий жазоларнинг либераллаштириши-эркинлаштирилиши муносабати билан Жиноят, Жиноят процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Бунинг натижасида мамлакатимизда замонавий демократия талабларига жавоб бера оладиган суд тизими шаклланди. «Суд бугунги кунда аввалгидек ҳукмрон коммунистик тизимнинг қатағон ва жазолаш аппарати эмас, - дейди Президент Ислам Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги «Адолат-қонун устуворлигида» маърузасида, - балки у ҳар бир инсон ва фуқаронинг

ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли тарзда қўриқлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланмоқда. Фуқароларнинг судга ишончи мустаҳкамланиб бормоқда».

«Судлар тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуннинг қабул қилиниши суд тизимини ислоҳ қилишда янги босқич бўлди. Унда судларнинг том маънодаги мустақиллиги ва фақат қонун олдида бўйсунитиши белгилаб қўйилди. Судьялик лавозимларига номзодларни тавсия этиш, уларнинг ваколатларини тўхтатиш ва муддатидан илгари тугатиш ҳақида тақдимномалар киритиш ваколатлари Адлия вазирлиги тасарруфидан чиқарилиб, бу ваколатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида тузилган Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси зиммасига юкланди. Янги қонунга мувофиқ фуқароларга суд қарорлари устидан апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш йўли билан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули, танлаш имконияти берилди. Ўзбекистонда судларнинг ваколоти йил сайин кучайиб бормоқда. Бу энг адолатли сиёсатдир.

Суд-ҳуқуқ соҳасида мустақиллик йилларида эришилган ижобий натижаларга қарамай, бу соҳада ҳамон эски тизимининг асоратлари сезилмоқда.

Ислон Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги маърузасида бу ҳақда шундай дейди: **«Афсуски, судьялар, прокуратура ва тергов органлари ходимлари, бир сўз билан айтганда, қабул қилинган янги қонунларни ҳаётга татбиқ этиши лозим бўлган кишиларнинг дунёқарашини ва тафаккури анча қийинчилик билан ўзгаряпти. Буни очик тан олиш керак. Бизнинг бош вазифамиз – ўтмиш асоратларидан имкон борича тезроқ қутилишдир. Лекин шуни афсусланиб тан олишимиз керакки, ҳали-бери қонунчилигимизда ҳам, қонунни қўллаш фаолиятимизда ҳам ўтмиш замоннинг иллатларидан ҳамон қутила олмаяпмиз. Суд-тергов тажрибасида баъзан умуман тоқат қилиб бўлмайдиган мантиқсизликларга йўл қўйишмоқда».**

Президент Ислон Каримов томонидан таъкидланганидек, одамлар тақдирига бепарволик, номақбул иш усуллари оқибатида оддий, умуман олганда, қонунга итоат этувчи, лекин қонундан биров чекинган фуқароларни

нотўғри жазолаб, улардан ҳокимиятга ҳам, қонунга ҳам ишонмайдиган норози одамлар тоифасини ўз қўлимиз билан яратамиз. Сир эмас, бунинг оқибатида фуқароларнинг айнан ана шундай қатламидан, айниқса ёшлардан ашаддий жиноятчиларнинг пайдо бўлишига ўзимиз сабабчи бўламиз.

Ана шундай ўта салбий ҳодисаларни олдин олиш, фуқароларни ҳокимиятга қонунга ишончини мустаҳкамлаш учун ҳуқуқбузарлик ва жазо тизимини замон талабларига жавоб берадиган мезонлар асосида қайта кўриб чиқиш зарурияти туғилди. Шу ўринда жиноий жазоларни инсонпарварлик, ижтимоий адолат тамойиллари ва фуқаролик жамияти мезонларига мувофиқ равишда эркинлаштириш ғоясини илгари сурган, уни илмий асослаб, ҳаётга жорий этиш йўл-йўриқларини белгилаб берган улуғ инсон-Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов эканлигини алоҳида таъкидлашга тўғри келади¹.

Ислам Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги маърузасида оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликни олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсизлигини алоҳида таъкидлади. Бу ҳақда у шундай дейди: «Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки, биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазони муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ. Жазонинг муқаррарлиги жиноятчиликни олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади. Бугун жиноят учун жазо тайинлаш борасида юқорида келтирилган ёндашувларни тубдан қайта кўриб чиқиш вақти етди»².

Маълумки қонунлар бир жойда қотиб қолган эмас, улар ҳаёт, жамият талабига кўра ўзгариб, такомиллашиб, ривожланиб боради. Мамлакатимиз халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида кенг қўламдаги халқаро

¹ аранг: Мавжуда Ражабова. Жиноий жазоларни либераллаштириш: илмий ва амалий таълил. Т., «Адолат», 2005, 11, 20-22-бетлар.

² Адолат-қонун устуворлигида. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги маърузаси.- Ўзбекистон овози, 2001 йил. 30 август.

шартномалар, конвенциялар, баённомаларга қўшилган, ратификация қилган ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган. Бу эса жамиятимизда, республикамизда қонунларимиз ривожланишининг асосий омиллари бўлиб, булар давр талаблари, шарт-шароитлар, халқаро нормалар талабларидан келиб чиққандир. Тарихан қисқа давр мабойнида Жиноят Кодексига бир неча марта ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши бунинг ёрқин мисолидир.

Жиноят Кодекси қабул қилинганидан кейин уни жиддий қайта кўриб чиқишга, қўшимчалар қилишга нима учун зарурат туғилди? Жиноят Кодексини ишлаб чиқишда, уни назарий илмий-амалий асосларини шакллантиришда бизлар хатоликларга йўл қўйдикми? Ёки мамлакатимиздаги шарт-шароитлар кескин ўзгардимми?

Энг аввало шуни таъкидлашни истар эдикки, 1994 йилда қабул қилинган ва Жиноят Кодексини ишлаб чиқишда унинг амалий асослари тўғри белгиланган эди. Ушбу Жиноят кодекси собиқ СССР давридаги жиноят кодексларидан фарқли ўлароқ, мамлакатимиз олдида демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятни барпо этиш, бозор муносабатлари тизимини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш вазифасидан келиб чиққан ҳолда адолат, одиллик, инсонпарварлик, демократик, қонунийлик тамойиллари билан суғорилган нормалар мужассамланган эди ва шу маънода унинг моҳияти тўғри белгиланган эди. Бироқ «беайб–парвардигор», деганларидек, ушбу кодекс яқин ўтмишимиз бўлган тоталитар тузумдан мерос бўлиб қолган айрим камчиликлардан холи эмас эди. Бундай камчиликлар нималардан иборатлиги Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг VI сессиясида қилган маърузасида очиб берилди. Бу, энг аввало, жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум этиш ҳолларини кенг қўламда қўллаш, айбланувчи билан жабрланувчи ўртасидаги муносабатларда айбланувчининг ўз ҳаракатларидан пушаймонлиги, ундан келиб чиққан зарарни бартараф этганлиги ва жабрланувчи уни кечирганлигини ҳисобга олмаслик ҳолатини, мол-мулкни мусодара қилиш каби ноўрин ва адолатсиз жазони саклаб қолганлиги ва бошқа шу кабиларда

ифодаланар эди. Аммо давр, замон бу нуқсонларни тузатишни талаб этарди.

Маълумки, 1994 йилда, Жиноят Кодексни ишлаб чиқиш даврида биз тараққиётимизнинг бошланғич нуқтасида тургандик. У пайтларда кўп назарий ва амалий муаммолар ҳақида умумий тасаввурларгина мавжуд эди, холос. Баъзи бир олимларимизнинг, фуқароларимизнинг фикрлашларида ҳам ўтмиш даврларнинг, мустабидлик тузумининг салбий таъсири сақланиб қолган эди.

Вақт «олий ҳакам»,-дейди халқимиз. Вақт ўтган сари биз янги давлат ва жамият қиёфасини, зарур қонунлар ва нормалар моҳиятини англаб аниқроқ, равшанроқ тушуна бордик. Бу борада Президентимиз И.А.Каримовнинг асарлари, маърузаларидаги ғоялар, ечимлар, қўйилган талаблар, вазифалар биз учун йўналтирувчи куч, илмий-назарий манба, йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилмоқда, деб айта оламиз.

Бизлар ўзбек тили бўйича мутахассис эмасмиз, лекин либераллаштириш иборасининг она тилимизда қўлланиши бўйича баъзи фикр-мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз. Бу сўз баъзи ҳолларда эркинлаштириш, енгиллаштириш, одиллаштириш, мўътадиллаштириш иборалари билан ҳам ифодаланади. Лекин бу иборалар либераллатиришни фақат муайян қирраларини, мазмунинигина очиб беради, холос. Ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш, жиноят қонунчилиги сиёсатини мўътадиллаштириш, жазо чораларини енгиллаштириш кабиларни бунга мисол сифатида айтса бўлади. Айтилганларнинг ҳаммасини ўзида мужассам этувчи, яхлитлаштирувчи ибора-либераллаштиришдир.

Тилимиз шу маънода янги сўз, юридик атама билан бойиди ва уни бегона, ёт ибора сифатида қабул қилишни ноўрин деб ҳисоблаймиз¹.

Шулардан келиб чиқиб жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан қонунларга киритилган айрим ўзгаришлар ва қўшимчаларга тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ушбу қўшимчаларга асосан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар доираси кенгайтирилди. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар илгариги Жиноят Кодексида жами 460 жиноят таркибидан 86 тасини ёки бошқача айтганда, 18,7

¹ аранг: М.Ҳ. Рустамбоев. Жиноят ³у⁰и (Махсус ⁰исм). Т., «Ў⁰итувчи», 2003, 3-12-бетлар.

фоизини ташкил этарди¹.

Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ еттинчи сессиясида жиноят қонунчилигини эркинлаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш мақсадида яна 110 турдаги унча оғир бўлмаган жиноятларни ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказиш таклиф этилди. Шундай қилиб, Жиноят Кодексидаги жиноятлар таркибининг 48,2 фоизи ижтимоий хавф туғдирмайдиган жиноятлар ҳисобланади. «Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасининг кўпайиши тергов ва суд органларининг қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқий чеклашлардан фойдаланиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради», - дейди Ислон Каримов «Адолат-қонун устуворлигида» маърузасида.

12 турдаги жиноятнинг оғир тоифадан унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига, 7 турини эса ўта оғир жиноятлар тоифасидан оғир жиноятлар тоифасига ўтказилди. Булар шубҳасиз жазони ўташ режимида таъсир кўрсатади. Жазони енгилроғи билан алмаштириш, жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилиш тартибини қўллаш мумкин бўлган маҳкумлар тақдирини анча енгиллаштиради.

Тасдиқлаш учун таклиф этилган ўзгаришлар жиноятлар таркибининг 73,1 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ва фақат чорак қисмигина оғир ва ўта оғир жиноятлар тоифасига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида иқтисодий соҳада жиноят содир этган, яъни оддий зарар ёки зиён етказган шахсларга нисбатан иқтисодий таъсир чораларини қўллаш, озодликдан маҳрум қилиш ўрнига жазонинг жарима ундириш тартиби белгиланган. Жазонинг жарима турини қўллаш, энг аввало етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган таъсир чораларидан фойдаланишнинг ўзиёқ қонунни бузган шахсни ўзи учун тегишли хулосалар чиқариб олиши учун кифоя қилса керак.

Жариманинг миқдори Жиноят Кодексида энг кам ойлик иш ҳақининг беш

¹ Ўша асар, 15-58-бетлар.

бараваридан олти юз бараваригача микдорда белгиланди ва бу унинг 44-моддасида акс этди.

Жиноий жазо тизимдан мол-мулкни мусодара қилиш жазоси чиқарилди. Бирон-бир МДХ мамлакатларида бундай ўзгартириш бўлмаган. Юртбошимиз кўрсатганларидек, мол-мулкнинг мусодара қилиниши шўролар давридаги мустабид тузумнинг қолдиғи сифатида шахсни маънавий ва руҳан эзишга, камситишга қаратилган жазо эканлиги назарда тутилган эди. Айбдор содир этилган жинояти натижасида етказилган зарарни тўла қопласа, нима учун унинг умр бўйи йикқан мол-мулки мусодара қилиниши керак? Шўролар давридаги мустабид тузим даврида мол-мулкни мусодара қилишдан мақсад битта: яъни, одамни бутунлай синдириш, руҳан эзиш, уйдан, рўзғоридан айириш ва яна энг ачирнарлиси, оиласи, фарзандларини тирикчилик манбаидан маҳрум этиш.

Шундай экан, бу қонунга киритилган ўзгартириш инсоннинг шаъни, кадр-қиммати ва обрўйини кўтариш нуқтаи назаридан олға қўйилган қадамдир.

Табийки, жиноий йўл билан ортирилган мол-мулк ва бойликларни мусодара қилиш ва етказилган зарарни мол-мулк ҳисобидан ундирилишига доир қонун нормалари ўз кучида қолади.

Бирок, қонунни бузган оила бошлиғининг қилмиши учун унинг хотини, бола-чақаси азият чекмаслиги ва жавоб бермаслиги керак. «Инсон ҳуқуқининг моҳияти ҳам, авваламбор, мана шундадир... Яъни агар бирор бир оила бошлиғи қонунни бузишда айбланадиган бўлса, унинг бутун оиласи ва яқинлари ҳам жиноят тамғаси ва шармисорлик азобини кўтариб юришига қаршимиз. Биз отанинг номуносиб хулқи учун оила аъзолари, энг аввало, ҳаётга ёруғ ният ва катта умидлар билан эндигина қадам қўяётган ёшларнинг жамиятдан узилиб қолишига асло йўл қўймаслигимиз керак. Бу-бизнинг бош мақсадимиздир,»- дейди Ислоҳ Каримов.¹

Яна бир ўзгартириш ҳақида шуни айтиш жоизки, ижтимоий хавфи катта

¹ Ўзбекистон овози, 2001 йил, 30 август.

бўлмаган, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган, унча оғир бўлмаган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларнинг жазони манзил колонияларида ўташлари назарда тутилди (ЖК 50-модда). «Манзил колониясида жазони ўтаётган маҳкумларнинг яшаш тарзи озодликдаги фуқароларнинг яшаш тарзига максимал даражада яқинлаштирилган бўлади. Колониянинг атрофи баланд девор ва сим тўсиқлар билан ўралмаган, атрофни қуролланган соқчилар қўриқламайди, улар оддий шароитдаги кийим бош кийиб юрадилар, озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзларини-ўзлари таъминлайдилар, қўлларида чекланмаган пуллари бўлиши мумкин, қариндош-уруғлари билан учрашувлар чекланмаган ва хоказо»¹.

Манзил колонияларида жазони ўташ шароитлари озодликдаги шахсларнинг шароитларга максимал даражада яқинлаштирилган бўлиб, маҳкумнинг жамият, оиласи ва дўстлари билан алоқаси узилмайди. Бу эса унинг жазони ўтаб чиққанидан сўнг ҳаётга мослашувини осонлаштиради.

Жиноят қонунчилигидаги энг асосий қўшимча ва ўзгартириш—бу одам ўлдириш тариқасида ўлим жазоси қўлланиладиган қилмишлар янада камайтирилганлигидир. Дастлабки, яъни 1994 йилиги Жиноят Кодекси қабул қилинган вақтда 13 та жиноят таркибини содир этганлик учун ўлим жазоси назарда тутилган бўлса, кейинроқ 1998 йилда ушбу жазо чораси 8 та жиноятлар учун қолдирилди. Ҳозирги вақтга келиб, бу жазо тури жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модда, 2 қисми), агрессия (1561-модда, 2 қисми), геноцид (153-модда), терроризм (155-модда 3-қисми) учун қолдирилди, холос².

Бу ниҳоятда ўз вақтида амалга оширилган иш бўлди. Чунки ўлим жазосини қўллашнинг мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида сўровлар ўтказилганида, сўровларга жавоб берувчилар, «ўлим жазосини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас», «инсонга ҳаёт бир марта берилади», «унга ўлим жазоси қўлланилганидан кейин, хато қилинганлиги аниқланса, шахсга

¹ Фарзод Тоъиров. Эркинлаштириш, у инсон ҳуқуқларини кафолатига хизмат қилади. – Инсон ва о'нун. 2001 йил, 30 октябрь.

² аранг: М. Х. Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. (Махсус о'исм). Т., «Ўитувчи», 2003, 15-64 бетлар.

унинг ҳаётини қайтариб бўлмайди», деб кўрсатадилар. Шундай экан, биз ўлим жазосини қўллашда жуда эҳтиёт бўлишимиз зарур.

Ислом Каримов томонидан огоҳлантирилганидек, «Бир ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак: инсон ҳаёти Худо томонидан ато этилган неъмат экан, демак, оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одамни ҳаётдан маҳрум этиш ўлим жазосига лойиқдир.»

«Жиноятларнинг олдини олиш, унга қарши курашнинг самарадорлиги жазони оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки жиноятни содир этган шахснинг жазонинг муқаррарлигини англашига боғлиқдир», - дейди Президент.

Яна бир муҳим ўзгариш шундан иборатки, Жиноят Кодексининг 51-моддасига яна бир қўшимча киритилди. Унга кўра олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан ўлим жазоси қўлланилмайдиган бўлди. Чунки, 60 ёшдан ошган, умрининг асосий қисмини яшаб қўйган, ёши улуғ шахсни оила аъзолари, қариндош-уруғ, маҳалла аҳли олдида ўлим жазосига ҳукм қилиш адолатдан бўлмайди. Бу ҳақда Ислом Каримов «Адолат–қонун устуворлигида» маърузасида шундай дейди: «Нега деганда, фарзандлари, неваралари бор, соч-соқоли оппоқ қарияни ҳаётдан маҳрум этиш бизнинг миллий анъаналаримизга мутлақо тўғри келмайди. Кексаларни эъзозлаш, уларга мурувват кўрсатиш ва ғамхўрлик қилиш халқимизнинг ўзига хос бетакрор ва бебаҳо инсоний фазилатларидан ҳисобланади.

Ёши бир жойга борганида жиноятга қўл урганлар, майли, яхшиси, Аллоҳни ёдга олиб, унга илтижо қилсин, яқин орада Яратганнинг ҳузурида ўз қилмишларига яраша ҳисоб бериши муқаррарлиги ҳақида ўйласин. Майли, хоҳ тўғри, хоҳ нотўғри ишлари учун улар вақти-соати келиб, неvara-чеваралари, келгуси авлодлари олдида жавоб бериши лозимлиги ҳақида ўйласин».

Жиноят Кодексининг 85-моддаси вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазоси тайинланмайди, деган 4-қисм билан тўлдирилди.

Бу қўшимча ҳам Президентимиз томонидан вояга етмаган фуқароларга алоҳида эътибор берилаётганлигининг далолатидир. Ундан ташқари вояга

етмаганларга нисбатан ижтимоий хавфи катта жиноятни содир этганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш жазосининг қўлланмаслиги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи бирорта давлатнинг жиноят қонунида мавжуд эмас.

Қонунга кўра вояга етмаганлар дейилганда, ўн саккиз ёшгача бўлган ўсмирлар тушунилади. Агар ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар юқорида санаб ўтилган жиноятни содир этсалар, уларга озодликдан маҳрум қилиш жазосидан бошқа енгилроқ жазо чоралари қўлланилади.

Ислом Каримов айтганларидек, жинойий жазони ўташ колонияларида ишлар қанчалик яхши ташкил этилмасин, барибир, у ёшларни тарбиялайдиган жой эмас. Шундай экан, айбдорларга озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазонинг тайинланиши, жариманинг миқдори ва қўлланиш доираси кенгайтирилганлиги айбдорларнинг тузалиш йўлига киришига ёрдам беради.

Жиноят Кодекси «ярашганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод қилиш» деб номланувчи янги 66-модда билан тўлдирилди. Ушбу моддада кўрсатилган 26 та жиноятлар биринчи марта содир этилган бўлса, айбдор ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчи билан айбдор ярашса ва етказилган зарар қопланса, шахс жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин. Булар қуйидагилардан иборат: 105-модданинг биринчи қисми (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш), 106-модданинг (кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш), 107 модданинг (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга шикаст етказиш), 108-модданинг (ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш), 109-модданинг (қасддан баданга енгил шикаст етказиш), 110-модданинг биринчи қисмида (қийнаш), 111-модданинг (эхтиётсизлик орқасидан баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш), 116-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида (қасб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик), 117-модданинг биринчи қисмида (хавф остида қолдириш), 122-модданинг (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 123-модданинг (ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 136-

модданинг (аёлни эрга беришга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш), 139-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида (туҳмат), 140-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида (ҳақорат қилиш), 149-модданинг (муаалифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш), 167-модданинг биринчи қисмида (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш), 168-модданинг биринчи қисмида (фирибгарлик), 169-модданинг биринчи қисмида (ўғирлик), 170-модданинг биринчи қисмида (алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулккий зарар етказиш), 172-модданинг (мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш), 173-модданинг биринчи қисмида (мулкни қасддан nobud қилиш ёки унга зарар етказиш), 192-модданинг (рақобатчини обрўсизлантириш), 260-модданинг биринчи қисмида (темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспорти ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 266-модданинг биринчи қисми (транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 268-модданинг биринчи қисмида (транспортнинг хавфсиз ишларини таъминлашга доир қоидаларни бузиш), 298-модданинг биринчи қисми (машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларни бузиш). Бу жиноятларни биринчи марта содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин¹.

Маълумки, жиноят қонунининг асосий вазифаси жиноят содир этган шахсдан ўч олиш эмас, балки ушбу қонун билан муҳофаза қилинадиган, бузилган муносабатларни тиклашдир. Айбдор шахс биринчи марта жабрланувчининг мулкига, соғлигига зарар етказган бўлса-ю, етказилган зарарни тўла қопласа, жабрланувчи билан ярашса, нима учун биз уни яна жиноий жавобгарликка тортишимиз керак?

Жиноят Кодексининг 167, 168, 169-моддаларида назарда тутилган оғирлаштирувчи ҳолатлар енгиллаштирилди. Бу моддаларнинг барчаси етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум

¹ аранг: Фар³од То³иров. Эркинлаштириш, у инсон ³у³уларини кафолатига хизмат °илади. Инсон ва °онун. 2001 йил, 30 октябрь.

қилиш тариқасида жазо қўлланилмаслиги тўғрисидаги рағбатлантирувчи норма билан тўлдирилди. Бундай ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида анча гапириш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, умуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи чақириқ VI сессиясида жиноят кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар жиноий жазони одиллаштириш сари қўйилган қадамдир. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахслар ҳам республикаимиз фуқароси, биримизнинг ака-укаимиз, яна биримизнинг яқин қариндошимиздир. Жиноятни содир этган шахсларга қилмишига яраша одил жазонинг тайинланиши уларнинг тузалишида алоҳида аҳамият касб этади.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган асосий йўналишни бизга кўрсатиб бердилар. Бу ҳуқуқ фанлари учун ҳам, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари учун ҳам ўзига хос муҳим йўл-йўриқдир.

Биз ҳуқуқшунос, файласуф олимлар либераллаштириш жараёнини, унинг моҳиятини илмий таҳлил этишимиз лозим. Илмий таҳлил жараёнида эса, либерализация жараёнини янада чуқурлаштириш бўйича ғоялар, тавсиялар ишлаб чиқилади. Шу муносабат билан бизлар ўзимизнинг баъзи фикр мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз¹.

Биринчидан, жавобгарликни дифференциациялаштириш ва индивидуаллаштириш мақсадида жиноий жазо тизимини қайта кўриб чиқиб, унинг турлари сонини кўпайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Масалан, жазолар тизимига жамоат ишларига жалб этишни жазо сифатида киритиш ўринли бўлур эди. Ушбу жазо ташқи жиҳатдан ахлоқ тузатиш ишига ўхшаса ҳам, ундан фарқ қилиши лозим. Масалан, ахлоқ тузатиш иши ҳақ тўланадиган меҳнатга жалб этиш ҳисобланади. Жамоат ишлари эса маҳкумни асосий иш ёки ўқиш жойидан ажратмаган ҳолда турли жамоат ишларига жалб этишда намоён бўлади.

Иккинчидан, Жиноят Кодексига тугалланмаган жиноятлар учун жиноий жазонинг камайтирилиши умумий қоидаларни белгиловчи норма киритилиши

¹ аранг: М. Х. Рустамбоев. Жиноий жазоларнинг либераллаштириши – давр талаби ва истиқболда такомиллаштириш муаммолари. Ҳаёт ва оғун. 2001 йил, 2-сон, 17-23- бетлар.

лозим. Бунда шахс жиноятдан ихтиёрий равишда қайтиши эмас, балки жиноий ҳаракатни охирига етказа олмаганлиги назарда тутилади. Яъни, объектив ёки субъектив сабабларга кўра тўлиқ ижтимоий хавфли оқибат вужудга келмайди. Ҳолбуки тергов ва суд жараёнида жиноят қилган шахс нимага қўл урганини, унинг оқибатлари нимага олиб келишини англаб етади, пушаймон бўлади. Олимларимиз шу ҳолатни синчиклаб ўрганиб, уни муайян қоидалар сифатида шакллантиришлари лозим.

Учинчидан, Жиноят Кодексининг Махсус қисмидаги барча моддаларнинг жазо тайинланган қисмида альтернатив санкцияларни кўпайтириш лозим деб ҳисоблаймиз. Иложи борича, ҳар бир жиноят учун судлар ихтиёрида жазо тайинлашда кенг ҳажмдаги танлаш имконияти бўлиши лозим. Ушбу таклифимиз жазо турларини кўпайтириш ҳақидаги биринчи таклифимиз билан узвий боғлиқ. Судларга жазо тайинлашда танлаш имконини бериш жазо турларининг ҳар хиллиги етарли миқдорда бўлган ҳолдагина жазони индивидуаллаштиришни амалга ошириш мумкин. Эҳтимол, бу ўринда изза, уй қамоғи каби ота-боболаримиз даврида қўлланилган жазолар ва бошқа давлатлар тажрибасидан фойдаланиш ўринли бўлар. Энг асосийси янги жазо тури инсонни хўрламаган, қийноққа солмаган, уни кадр-қимматини сақлаган ҳолда тузалишига ёрдам берадиган бўлмоғи лозим.

Тўртинчидан, Жиноят Кодекси Махсус қисми моддаларининг кўпчилигига шахсни жиноий оқибатларини бартараф этишга имкон берувчи, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда тузалишини таъминловчи нормаларни киритиш лозим, деб ўйлаймиз. Буни одиллик, инсонийликни рағбатлантирувчи, уни амалга ошишига, рўёбга чиқишига рағбатлантирувчи нормалар деб айтган бўлур эдик. Бундай рағбатлантирувчи нормалар жумласига моддий зарар қоплангандан кейин озодликдан маҳрум этиш жазосини, ҳуқуқбузар билан жабрланувчини ярашуви натижасида жиноий жавобгарликни қўлламаслик каби нормаларни киритган бўлур эдик.

Бешинчидан, Жиноят Кодексида жиноят сифатида назарда тутилган, ижтимоий жиҳатдан унчалик хавфли бўлмаган қилмишлар декриминализация-

лаштирилиши, яъни жиноий қилмиш сифатида эмас, балки маъмурий ҳуқуқ-бузарлик сифатида баҳоланилиши қонунда ўз ифодасини топиши лозим. Бундай қилмишлар Жиноят Кодексидан чиқарилиши ва тегишли равишда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилиши ўринли бўлур эди. Ушбу масала ҳам илмий жиҳатдан ишлаб чиқилиши давр талаби ҳисобланади.

Яна бир масала—бу ҳуқуқ тизимида ва жиноят қонунчилигида бир хиллик ва уйғунликни вужудга келтириш унификация ҳисобланади.

Албатта, ҳар бир ҳуқуқ тармоғида ўзига хос тушунчалар, таърифлар, тамойиллар мавжудки, ҳар бир ҳуқуқ тармоғини, соҳасини, ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг барчаси учун хос бўлган тушунчалар ва тамойилларни тегишли кодексларда, қонунларда ягона мазмунда, жиддий зиддиятларсиз ифодалаш лозимлиги ҳам муҳим вазифа ҳисобланади.

Юқорида Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида конвенциялар иштирокчиси эканлиги кўрсатилган эди. Бундай конвенцияларнинг баъзилари айрим турдаги жиноятларга қарши кураш бўйича қоидаларни мужассамлаштиради. Бугунги кунда халқаро терроризм, диний экстремизм, нарқобизнесга қарши кураш долзарб аҳамиятга эга. Шулардан келиб чиқиб жиноят қонунчилиги халқаро конвенциялар талабларини ҳисобга олмоғи лозим.

Қонунларимизни инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар талабларига мослаштириш муваффақиятли амалга оширилмоқда. Келгусида ҳам бу борада ишлар давом этади. Маълумки, либераллаштириш бу жиноятчиликка қарши кураш олиб боришни тўхтатиш дегани эмас. Аксинча, унинг асосий хусусиятларидан бири—ҳар бир жиноий қилмиш учун жазонинг муқарралигидир.

Замон шиддат ва шитоб билан илгарилаб кетмоқда. Илмий-техника тараққиёти ҳаётимизга ижобий ютуқлар, янгиликлар билан бирга айрим муаммоларни ҳам олиб келмоқда. Бошқача айтганда, жиноятларнинг янги турлари ҳам вужудга келмоқда. Шу сабабли ҳуқуқшунос олимлар доимо сергак, ҳушёр туришлари шарт. Биз ўз воқелигимизни диққат билан кузатиб боришдан ташқари, халқаро конвенцияларни, хусусан ривожланган давлат тажрибасини

Ўрганиб боришимиз лозим. Мамлакатимиз очик, демократик жамият. У дунёдаги давлатлар билан Хитой девори орқали ажратиб ташланган эмас. Бошқа мамлакатлар, халқлар билан интеграция жараёнлари кетмоқда. Афсуски, жиноятчилик соҳасида ҳам «ўзига хос интеграция» мавжуд, улар ҳам бир-бири билан боғланиб, бир-биридан ўрганиб, ҳамкорлик қилишади. Шу маънода уларга қарши кураш олиб боришда халқаро конвенциялар, бошқа давлатлар қонунлари тажрибасидан фойдаланиш, энг асосийси, бошқа мамлакатлар қонунларидаги жиноят қонунчилиги сиёсати бўйича либераллаштирилишига хос бўлган ҳар қандай хусусиятни диққат билан ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Жиноят Қонунчилиги ва жиноий жазоларни либераллаштириш-инсонпарварликнинг, инсонга меҳрибонлик қилишнинг, уни энг олий қадрият сифатида эъзозлаш ва муқаррам зот деб улуғлашнинг ажойиб намунасидир. Ҳурматли Президентимизнинг ажойиб сўзлари бор: «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, ҳар куни қилиши керак».

Либераллаштириш – бу ўз моҳиятига кўра жиноят қонунларига инсонийликни, раҳм-шафқатни, адолатни, одилликни сингдириш ҳисобланади. Демак, бу борадаги олимларнинг тадқиқотлари, амалиётчи ходимларнинг фаолиятлари Аллоҳга ҳам хуш келадиган, одамларга ҳам маъқул келадиган савобли ва хайрли ишдир.

3. Юксак ҳуқуқий саводхонлик ва маданиятлилик жиноятчиликни олдини олишнинг муҳим омилларидан бири

Президент Ислон Каримов асарларида илмий асослаб берилганидек, одамларни замон талабларига жавоб берадиган юксак ҳуқуқий билимлар, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият билан қуроллантириш жамиятни тўғри, демократик йўлдан ривожлантиришнинг, ҳуқуқий давлат қуришнинг зарур шартларидан бўлиб ҳисобланади. Аҳоли кенг қатламига чуқур ҳуқуқий билим беришни йўлга қўйиш, шу йўл билан ҳуқуқий, маданиятнинг юксалишига эришиш, бошқача айтганда, том маънодаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш оқ билан қорани, яхшилик билан ёмонликни, ўғирлик билан тўғрилиқни, ҳалоллик билан нопокликни фарқлайдиган, жамият, давлат, халқ ва миллат манфаатларига катта зарар келтирадиган маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик, ошна-оғайничилик, вазифани суиистеъмол қилиш, порахўрлик каби ҳуқуққа, қонун-қоидаларга, одоб-ахлоққа зид хатти-ҳаракатларга, салбий ҳодисаларга муросасиз бўлган кишиларни тарбиялаб вояга етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий маданиятлиликнинг роли ва аҳамияти айтилганлардангина иборат эмас. Аҳамияти яна шу қадар каттаки, унинг ёрдамида инсон ножўя ишлардан, жамият, халқ ва миллат манфаатларига хилоф ҳаракатлардан, ҳар хил жиноятлардан ўзини тияди. Ана шундай йўл тутиш зарур ва муҳимлигини бошқалардан ҳам талаб қилади.

Инсон учун қонун-қоидаларни, қонуний актлар ва меъёрларни шунчаки билиб олишнинг ўзи етарли эмас. Бу ҳали унинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият эгаси бўлганидан далолат бермайди. Бу масалада энг асосий нарса ҳуқуқий билим ва маданиятга, қонун-қоидаларга, Конституцияга қатъий амал қилишдир. Ҳаётда биз ҳуқуқий соҳада чуқур билимга эга бўлса-да, лекин амалда қонунларнинг бузилишига йўл қўйган, билатуриб қонунларни четлаб ўтган, қонунлардан, эгаллаб турган мансабидан ўз манфаати йўлида фойдаланган, натижада қонун олдида жавоб берган раҳбарлар ҳам

мавжудлигини кўриб турибмиз.

Президент Ислон Каримов Самарқанд, Навоий, Тошкент, Хоразм ва бошқа вилоятлар халқ депутатлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқларида манаман деган, оқ-қорани таниган, чуқур иқтисодий, ҳуқуқий билимга эга бўлган, мутахассислиги ҳуқуқшунос, прокуратура, суд, адлия соҳаларида, маъмурий органларда катта-катта лавозимларда кўп йиллар ишлаган туппа-тузук одамларнинг эл-юрт, давлат ишониб топширган ваколатларини суистеъмол қилишига, инсофини йўқотишига, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, порахўрлик, товламачилик, калондимоғлик каби иллатлар домига тортилишига нималар сабаб бўлди, уларнинг манбалари, томирлари, негизи қаерда, деган саволларга аниқ-равшан жавоб берди. Ҳаётимизга, тараққиётимизга хавф соладиган, жамият танасига ёпишган порахўрлик, ўғрилик, товламачилик каби офат ва ёвузликнинг Президент томонидан таъкидланганидек, миллати ҳам, насл-насаби ҳам йўқ. Инсон табиатига тамомила номаъқул бўлган бу эски асоратларнинг ҳанузгача сақланиб келаётганлигини тасодифий ҳодиса деб бўлмайди.

Президент Ислон Каримов Ўзбекистон телерадио компанияси раиси саволларига берган жавобида бу ҳақда шундай дейди: «Биз бугун афсус-надомат билан фикр юритиб, бартараф этиш чораларини излаётган нохуш ҳолатни вужудга келтирувчи асосий сабаб шундан иборатки, кўп ҳолларда давлат ходими, давлат назоратчиси, яъни давлат ваколатидан фойдаланган амалдор шу ваколатни суистеъмол қилишга интилади. Нима учун? Чунки мансабдорнинг ўз хизмат вазифасини суистеъмол қилиши учун қутку соладиган омиллар кўп. Чунки унинг қўлида ваколат бор, куч бор. Ана шундай ҳолда нопок ходим давлатни ниқоб қилиб, моддий бойликларни тақсимлаш, ишлаб чиқариш соҳасига қўшилиш, кадрлар масаласини ҳал этиш каби нозик масалаларга аралаша бошлайди. Бундай муҳим масалаларда давлатнинг таъсири ва амалдорларнинг роли қанчалик кўп бўлса, у шунчалик аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин».

Бундай жирканч ҳодисалар ва қусурларнинг рўй беришига эски тизим

қонунлари ўз кучини йўқотиб, янги тизим, янги ча ҳаёт кечириш, ишлаб чиқаришни, ижтимоий турмуш соҳаларини бошқаришнинг янги қонунлари ҳали тўла кучга кирмагани, одамлар тафаккурида ўзгаришлар жуда секинлик билан рўй бераётгани каби салбий ҳолатлар ҳам сабаб бўлмоқда. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизга салбий таъсир этиб келаётган эскича иллатлар ва қусурлардан қутулиш, бартараф этиш учун нима қилиш керак? Президентимиз томонидан белгилаб берилганидек,¹ бунинг учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш лозим бўлади:

биринчидан, замоннинг илғор талабларига жавоб берадиган, ғайрат-шижоатли, инсоф-диёнатли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ҳал қилувчи вазифаларга келиши учун кенг йўл очиб бериш керак;

иккинчидан, жамоатчилик назоратини кучайтириш, жамиятда демократик тамойилларни мустаҳкамлаш, кенг жамоатчиликнинг ижтимоий ҳаётдаги таъсирини, ўрни ва ваколатини, ҳуқуқини кучайтириш лозим;

учинчидан, мулк масаласини ҳал этиш, яъни уни ўз эгасини топишига эришиш. Қачонки, хусусий мулк бошқа мулк шакллари орасида асосий устувор ўринни эгалласа, ана шу мақсад тўла амалга ошса, ўшанда давлат мулки ҳисобидан ўғрилиқ, талон-тарож қилиш, ундан нопок йўлда фойдаланиш каби бемаъни ишларга чек қўйилади. Ўшанда ҳеч ким, ҳеч қачон ўз мулкини ўғирламайди;

тўртинчидан, бунинг учун одамларни ҳуқуқий билим, ҳуқуқий маданият соҳиби бўлишларига эришиш зарурки, бу замон талабидир.

Ватандошларимизнинг сиёсий савияси, ижтимоий фаоллиги ва ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда маданиятини давр ўртага қўйган талаб ва эҳтиёжлар асосида кўтармасдан туриб жамиятимиз тараққиётига салбий таъсир этиб келаётган хилма-хил кўринишдаги жиноятчилик каби иллатларга қарши муваффақиятли равишда курашиб бўлмайди.

Тез-тез содир бўлиб турадиган жиноятчиликдан жамият, давлат, халқ, оддий

¹ аранг: Ислом Каримов. Адолат, ватан, халқ манфаатлари ҳар нарсадан улуғ. Т., «Ўзбекистон», 1998, 36-38, 56-60 бетлар.

фукарлар кўраётган моддий, маънавий зарарнинг қанчага тушаётганлигини аниқ айтиш, тўла ҳисоблаб чиқиш осон эмас. Жиноятчилик оқибатида одам ўлдирилади, мол-мулк ўғирлаб кетилади, моддий-маънавий бойликларга, табиатга, атроф муҳитга зарар етказилади. Жиноятнинг турлари шу қадар кўпки, уларнинг ҳаммасини бирма-бир санаб чиқиш, улар етказадиган зарарни аниқлаш амримаҳолдир. «Жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражага кўра: ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир жиноятларга бўлинади.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради...

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради...

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.¹

Жиноятчиликнинг хавfli оқибатларини аниқ-равшан билиб олиш, уларни бартараф этиш учун «жиноят тушунчаси», «жиноятларни таснифлаш», «жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари», «жавобгарчиликка тортилиши лозим бўлган шахслар», «айбнинг шакллари», «қасддан содир этилган жиноят», «эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят», «мураккаб айбли жиноят», «жиноятда иштирокчилик», «шахсга қарши жиноятлар», «тинчлик ва хавфсизликка қарши

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси (2001 йил 18 октябргача бўлган ўзгартиш ва кўшимчалар билан). Расмий нашр. Т., Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2001, 8-9-бетлар.

жиноятлар», «экология соҳасидаги жиноятлар», «жавобгарлик ва жазодан озод қилиш» сингари юридик илмий тушунча, атама ва ибораларнинг маъно-мазмунини билиш, маъзига етиб бориш, улар моҳиятини аҳоли кенг қатламлари, биринчи навбатда навқирон авлоднинг, талаба-ёшларнинг онгига сингдириш ҳозирги даврнинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Айбдор кишилар устидан жиноят ишини қўзғатиш, жиноят ишини судда қўриш, жиноят учун жавобгарлик ҳақида ёшларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий билим ва тасаввурларини, дунёқарашларини шакллантириш ва мустаҳкамлашда Асосий Қонунимизни, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунларни, Президент Ислом Каримов асарларини, республика Олий суди Пленуми қарорларини, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексини мунтазам равишда ўрганиш катта самара бериши шак-шубҳасиздир.

Жиноятга жавобгарлик асослари, жазо ва уни тайинлаш, ҳаётга ва соғлиққа, оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши ва бошқа кўплаб жиноятларнинг туб негизи-маъзига етиб боришда ҳуқуқий билимлар мажмуи тарзидаги қомуслар ва луғатлар, сиёсий-ҳуқуқий йўналишдаги адабиётлар, асар ва рисоалар, шунингдек, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларига мўлжалланган. «Жиноят ҳуқуқи», «Шахсга қарши жиноятлар ва уларнинг юридик таҳлили» номли ва бошқа қатор дарсликлар, ўқув қўлланмалар, бакалавриат тизимидаги ўқув юртларида ўтказиш кўзда тутилган махсус қисмлар ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим оладиган талабалар «Жиноят ҳуқуқи» фанини мутолаа қилиш жараёнида жиноят ва жазо тушунчаси, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар, судланганлик ҳолатлари, жазо ва уни тайинлаш, жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишнинг маъносини юридик таҳлил қилиш орқали ўрганиб, жиноятчиликка қарши курашда бу билимлардан самарали фойдаланишни билиб оладилар. Жиноятчиликка қарши курашиш учун «жиноят» тушунчасининг маъноси

нимадан иборатлигини билиб олишнинг аҳамияти катта.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 14-моддасига асосан, ЖК билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан содир этилган қилмиш жиноят деб топилади. Жиноят Кодекси билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий қилмиш деб аталади.

Жиноят ўзига хос жиҳатлари билан бошқа қоида бузарликлардан ажралиб туради. Бу қилмишнинг ижтимоий хавфлилигидир. Жиноят билан боғлиқ қилмиш натижасида жамият ва шахс учун ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказилади. Шунинг учун жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси жиноий оқибатида акс этади¹.

Жиноят учун жазо муқаррардир. Жиноят қилган одам кимлигидан қатъи назар қилган ножўя хатти-ҳаракатлари, қонунбузарлиги, бошқача айтганда, жиноятчи учун суд ҳукми билан жазоланади.

Жазо нима? Жиноят Кодексининг 42-моддасига асосан, «жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади».

Суд жиноят содир этган шахсни қонунга зид қилмишлари учун жазога тортади. Суд жазо тайинлашда Жиноят Кодексининг 54-моддасида белгилаб қуйилган қуйидаги тамойилларга асосланади: «Жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахс жазога тортилади. Суд ушбу Кодекс Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда

¹ Қаранг: Юридик энциклопедия. Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2001, 156-бет.

тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди.

Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади».

Жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 16-моддасида аниқ баён этилган. Унда шундай дейилади: «Жиноят учун жавобгарлик - жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланишда ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир.

Ушбу Кодексида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади».

Жиноят Кодексининг 20-моддаси бўйича, «ушбу Кодексида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этган шахс жиноят содир этилишда айбдор деб топилиши мумкин». Кўриниб турганидек, айбдорнинг икки шакли қасддан ёки эҳтиётсизлик билан қилинган айб қабилар мавжуд.

Белгилаб қўйилганидек, қасддан қилинган жиноят учун қаттиқ жазо берилади. Чунки қасддан жиноят содир этган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаган ва шундай қилмишни содир этишни истаб қасддан жиноят қилгани учун унга шундай жазо берилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексида белгилаб берилганидек, жиноятлар бир неча турларга бўлинади. Булар шахсга қарши жиноятлар, тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар, экология соҳасидаги жиноятлар, ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлардан иборат. Жиноятларнинг айтиб ўтилган йирик турларининг ҳар

бири ўз навбатида бир неча қисмларга бўлиниб кетади.

Маълумки, инсонни ҳаёти ва соғлиги шахснинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади ва унинг бу бойликлардан маҳрум этилиши ёки уларга шикаст етказилиши шахс учун фожа ҳисобланади. Инсон яшар экан, ҳаётдан, унинг неъматларидан баҳраманд бўлиб яшашга интилади. Ҳаётдан маҳрум қилинган шахснинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Инсоннинг соғлигига зарар етказилиши унга жисмоний, ахлоқий, руҳий азоблар бериб, унинг ҳаётий фаолиятини чеклаб қўяди. Жиноятчи томонидан инсоннинг бошқа ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши шахс учун ижтимоий хавфи ҳаётдан маҳрум этишдан кам бўлмаган хавфни туғдиради¹.

Шахсга қарши жиноятларнинг хавфлилик даражаси юқори эканлиги сабабли, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси Махсус қисми биринчи бўлими «Шахсга қарши жиноятлар» деб номланади.

Жиноят Кодекси Махсус қисмининг биринчи бўлимида шахсга қарши жиноятларнинг бир неча тури учун жавобгарлик кўзда тутилган бўлиб, улар бевосита объекти бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратилган: ҳаётга қарши жиноятлар, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар, жинсий эркинликка қарши жиноятлар, оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар, шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар².

Ҳаётга қарши жиноятларни одам ўлдириш ва ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш деб икки туркумга бўлиш мумкин. Одам ўлдириш-қасддан, ҳуқуққа хилоф равишда бошқа кишини ҳаётдан маҳрум қилишдир. Одам ўлдиришнинг объекти бошқа кишининг ҳаёти ҳисобланади.

Қасддан одам ўлдириш инсон ҳаётига қарши жиноятдир. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 97-моддаси бўйича ушбу жиноятларнинг квалификация белгилари қуйидагилардан иборат: а) икки ёки ундан ортиқ

¹ Қаранг: М.Ҳ.Рустамбоев, Ф.Тоҳиров, А.К.Эркаходжаев. Жиноят ҳуқуқи (Махсус қисм). Олий ўқув юрғларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун дарслик. Тошкент Давлат юридик институти, 2002, 11-бет.

² Ўша асар, 11-12-бетлар.

шахсни; б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлни; в) айбдорга аён бўлган ожиз аҳволдаги шахсни; г) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсни ёки унинг яқин қариндошларини; д) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда; е) оммавий тартибсизликлар жараёнида; ўта шафқатсизликлар билан; з) номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжини зўрлик ишлатиб ғайри табиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда; г) таъмагирлик ниятида; к) миллий ёки ирқий адоват замирида; л) безорилик оқибатида; м) диний таассублар замирида; н) киши аъзоларининг кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантант) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида; о) бошқа бирор жиноятни яшириш ёки унинг содир этилишини осонлаштириш мақсадида; п) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда; р) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; с) ўта хавфли рецидивист томонидан қасддан одам ўлдириш. Қасддан одам ўлдириш ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси билан жазоланади.

Одам ўлдириш қай тарзда, яъни қасддан ёки эҳтиётсизлик билан бўладими ёхуд фаол ҳаракатлар билан, баъзан ҳаракатсизлик туфайли содир бўлишидан қатъий назар, барибир, одам ўлдириш, деб тан олинади. Ёшидан, унинг соғлиғи ёки яшаш қобилиятидан қатъий назар, ҳар бир инсоннинг ҳаёти жамият қонуни билан жуда қаттиқ қўриқланади.

Номусга тегиш, ўлдириш билан қўрқитиб номусга тегиш, шахснинг ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда номусга тегиш, яқин қариндошнинг номусига тегиш, оммавий тартибсизликлар қатнашчиси томонидан содир этилган номусга тегиш, ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган номусга тегиш, ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахснинг номусига тегиш, жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайри табиий усулда қондириш, бесоқолбозлик, аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексида «Жинсий эркинликка қарши жиноятлар» деб ҳисобланиб айбдорлар турли муддатларда озодликдан маҳрум

қилиш билан жазоланади¹.

Вояга етмаган шахсни ғайри ижтимоий хатти-ҳаркатларга жалб этиш, порнографик нарсаларни тайёрлаш ва ёки тарқатиш, фоҳишона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш, тарих ёки маданият ёдгорликларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш, қабрни таҳқирлаш, оилага, ёшларга, халққа, миллий одоб-ахлоқ, урф-одат, маданият ва маънавиятимизга қарши жиноятлар эканини чуқур англаб етиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун қанчалик зарур ва муҳимлигини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади. Бу ўз-ўзидан тушунарлидир, албатта.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар нималардан иборатлигини, уларнинг турлари қандайлигини, рўй бериш сабаблари, амалга оширилиш йўллари, жамият, давлат ва халқ манфаатларига етказадиган зарари ва уларни бартараф этиш учун асосий эътиборни нималарга қаратиш зарур ва муҳимлигини одамлар мияларига қанчалик чуқурроқ сингдириб олсалар тараққиётимиз шунчалик тезлашади. Ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш, босқинчилик, товламачилик, талончилик, фирибгарлик, ўғирлик, қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш, чет эл валютасини яшириш, сохта тадбиркорлик ва банкротлик, солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, бюджет интизомини бузиш, сифатсиз маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш, харидор ёки буюртмачиларни алдаш каби салбий ҳодисалар бартараф этилмаса кўп нарсалар қўлдан бой бериб қўйилиши, халқнинг қонуний эътирозларига сабаб бўлиши ҳеч гап эмас. Президент Ислон Каримов таъбирлари билан айтганда, **халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди.**

Ўғирлик, товламачилик, фирибгарлик каби порахўрлик ҳам жиноятдир. Пора бериш ЎзР ЖКнинг 210-моддасида қайд этилганидек, мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеини суистеъимол қилиб, пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб, муайян ҳаракатни бажариши ёки бажармаслиги орқали

¹ аранг: Фар³од То³иров. Шахсга ³арши жиноятлар ва уларнинг юридик та³лили. Т., «Янги аср авлоди», 2001, 5-50-бетлар.

қонунга хилоф тарзда моддий бойликлар бериш ёки уни мулкый манфаатдор қилишдир.

Пора ҳар хил моддий бойликлар шаклида пул, чет эл валютаси, қимматбаҳо буюмлар, қимматбаҳо қоғозлар, озиқ-овқатлар, саноат товарлари шаклида бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 210-моддасида назарда тутилган жиноятлар пора беришдир. Унда айтилишича, «Пора олиш, яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиш ёхуд мулкый наф кўришидир».

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексида пора олганлик ёки берганлик учун, шунингдек, порада воситачилик қилганлик учун қаттиқ жавобгарлик белгиланган.

Порахўрлик, товламачилик, фирибгарлик, нафс балоси кишини эл-улус ўртасида расвои олам қилади. Қинғир ишни эл-юрт назаридан яшириб бўлмайди. Бундай одам бугун бўлмаса эртага шармандаи шармисор бўлиб, бир неча йил ишлаб, меҳнат қилиб топган обрў-эътиборини бир кунда йўқотиб қўйиши ҳеч гап эмас. «Ҳаёт фалсафасидан ва тажрибасидан айтиш мумкинки, дейди Ўзбекистон Президенти, - ким мўмай даромад, нопок йўл билан бойлик топса, у ҳамиша халқ нафратига учрайди. Ҳалол меҳнат, пешона тери эвазига эмас, ўғрилик билан топган маблағи ҳеч қачон татимайди. Жамиятга, эл-юртга наф келтирмайди»¹.

Табиатни эъзозлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, она заминимизнинг ҳар бир сиқим тупроғини муқаддас билиб кўзга суртиш ҳозирги даврда ўта долзарб муаммо бўлиб турибди.

Экологик муаммолар инсоният тарихининг бирон-бир босқичида ҳозирги

¹ Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1994, 216-бет.

даврдигдек долзарб бўлган эмас. Бу муаммо сўнгги йилларда янада кескинлашди. XX асрда бўлгани каби инсоният XXI асрга келиб ҳам кучли экологик инқирозларга дуч келиб турибди. Инсон билан табиат ўртасида мувозанат бузилиб экологик талофатлар кучайиб бормоқда. Оқибат-натижада сайёрамизнинг турли чеккаларида экологик таҳдид кучайди. Орол денгизини қуриши, иқлим ўзгариши, саҳролар кенгайиши, ер хароратинининг кўтарилиши, ичимлик сув етишмаслиги, ахлатлар, саноат чиқиндиларининг кўпайиши, тупроқ шўрланиши, тузли ёмғирлар, чанг-бўронлар—буларнинг ҳаммаси экологик муаммоларни юзага келтирди ва чуқурлаштириб юборди.

Инсониятга таҳдид солаётган хавф-хатарлар орасида экологик муаммолар алоҳида ўрин тутди. Экологик хавф-хатар ядровий хавф-хатардан кам эмас. Бундай дейилишида жуда катта маъно бор, чунки экологик муаммо ҳозирги даврда алоҳида халқлар, миллатлар ва минтақаларнигина эмас, балки бутун инсониятнинг келажак тақдирига таҳдид солмоқда. Бошқача айтганда, табиатни муҳофаза қилиш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш—асримизнинг энг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Табиатга ва унинг неъматларига истеъмомчилик, очофатлик, бугун кечагидан кўпроқ бойлик ундириб олиш, ернинг силласини қуриштириш, Ер ва ерости бойликларидан, жами табиий манбалардан ғаламисларча фойдаланиш, ер, сув, ҳавонинг заҳарланиши ва ифлосланишига бефарқ қараш, келажакни ўйламасдан иш юритиш—буларнинг ҳаммаси экологик фожиаларни авж олиб кетишига сабаб бўлади. Бу муаммо аллақачон миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланиб қолди. «Экологик хавфсизлик кишилиқ жамиятининг бугунги ва эртаси учун долзарблиги, жуда зарурлиги боис энг муҳим муаммолар жумласига киради. Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир».¹

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишни таъминлашга бўлган объектив талаб ва эҳтиёж экологик талабларни бузганлик учун жиноий жавобгарликни кучайтириш, бу соҳадаги жиноятларни олдини олиш заруриятини юзага келтирди.

Ана шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси Махсус қисмининг «Экология соҳасидаги жиноятлар» деб аталган тўртинчи бўлим ҳам иқтисодий-сиёсий, ҳам юридик, ҳам маданий-маънавий, маърифий, ҳам таълим-тарбиявий ва амалий аҳамиятга моликдир.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексини 2-моддасига мувофиқ, мазкур Кодекснинг мақсадларидан бири—табиий муҳитни жиноий тажовузлардан қўриқлашдир. Кодекснинг 193-204-, 229-моддаларида экологик жиноятлар учун жиноий жавобгарликлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 193-, 196-моддаларида атроф муҳитни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу жиноятлар таркиблари умумий экологик талабларни бузиш оқибатида вужудга келади. Ушбу жиноятлар барча табиий ресурсларни муҳофаза қилиш билан боғлиқдир. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексини экологик жиноятлар билан боғлиқ бўлган мазкур моддалари табиий ресурсларнинг ҳуқуқий ҳолатини бузганлик учун жиноий жавобгарликни белгилайди¹.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексида белгиланган экологик жиноятлар таркиби экологик ҳуқуқбузарлик натижасида оғир оқибатларнинг вужудга келиши билан боғлиқдир. Буларга инсоннинг ўлими, одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонларнинг қирилиб кетиши, кўп ёки анча миқдорда зарар етказилиши ва бошқа оғир оқибатлар киради. Мазкур моддаларда кўрсатилган бошқача оғир оқибатлар ҳар бири алоҳида ҳолда экологик ҳуқуқбузарликнинг оғирлигини инобатга олган ҳолда ҳуқуқни

тараккиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997. 115-бет.

¹ аранг: Экология зунуи. М. Усмонов, М. Рустамбоев, Ж. Холмўминов. Олий ҳув юртларининг зунуошунослик мутахассислиги бейча таълим олаётган талабалари учун дарслик. Т., 2001, 102-бет.

қўлловчи органлар томонидан белгиланиши лозим.

Экологик жиноятлар учун Кодекс энг кам иш ҳақининг юз бараварига жарима, уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, олти ойгача қамоқ, беш йилгача озодликдан маҳрум этиш, мол-мулкани мусодара этиш каби жазо чораларини назарда тутди¹.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексини 17-моддасига мувофиқ экологик жиноятлар учун 16 ёшга тўлган, ушбу Кодекснинг 193-196-моддаларида кўрсатилган жиноятлар учун эса 18 ёшга тўлган жисмоний шахслар жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 193-моддасида экология хавфсизлигига оид норма ва талабларни бузганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган. Ушбу жиноят саноат, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа объектларни лойиҳалаштириш, жойлаштириш, қуриш ва ишга тушириб фойдаланишда белгиланган экологик нормаларни бузишдан иборат. Мазкур экологик талабларга объектларни жойлаштиришда шамол оқими, санитар зоналарга оид талаблар, зарарли моддаларни чиқариб ташлашнинг йўл қўйиладиган доиралари, объектларни экологик экспертизадан ўтказиш ёки унинг салбий хулосаси бўлган тақдирда объектларнинг қурилиши ва ишга туширилишининг ман этилиши киради. Ушбу моддада объектларни ишга тушириш учун қабул қилиш қоидаларини бузганлик, яъни экологик талабларга жавоб бермайдиган объектларни ишга тушириш учун қабул қилиш учун ҳам жавобгарлик белгиланган. Экологик хавфсизлик қоидалари Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 41-моддасида, табиий ресурслар тўғрисидаги қонунларнинг тегишли моддаларида ҳамда қонуности актларида ўз аксини топган. Ушбу нормаларнинг моҳияти шундан иборатки, объектларни қуриш, лойиҳалаштириш, жойлаштириш, ишга тушириш фақат табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари кўзда тутилган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин. Ҳар бир турдаги объектлар учун аниқ экологик хавфсизлик талаби қурилиш меъёрлари ва қоидаларида, алоҳида

¹ Ўша асар, 102-бет.

объект учун эса, унинг куриш лойиҳаларида ўз аксини топади. Жиноят Кодексининг 193-моддасида кўзда тутилган жиноятнинг объекти бўлиб экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган қоидалар киради. Мазкур жиноятнинг субъекти бўлиб фақат мансабдор шахслар ҳисобланади. Уларнинг қаторига лойиҳани тасдиқловчи, маълум бир ишларга рухсат берувчи, юқорида кўрсатилган объектларни қабул қилиб олувчи ёки экологик хавфсизлик талабларининг бажарилишини ташкил этувчи ёхуд назорат қилувчи мансабдор шахслар кирадилар. Жиноятнинг субъектив томони бўлиб эҳтиётсизлик айби ҳисобланади. Жиноятнинг объектив томони мазкур мансабдор шахснинг айбли ҳаракати (ишга тушириш бўйича рухсат бериш, лойиҳа талабларини бузиб, уни амалга ошириш ва ҳоказо) ёки ҳаракатсизлиги (тозалаш ускуналарини таъмирламаслик, улардан фойдаланмаслик ва ҳоказо) кабиларда ифодаланади.

Атроф табиий муҳитни ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш учун жинойий жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 194-моддасида белгиланган. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ шундай маълумотларни тақдим этиш атроф табиий муҳитнинг ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланиш устидан кузатув, махсус ваколат берилган органлар, шунингдек, фаолияти атроф табиий муҳитнинг ҳолатини ёмонлаштириши мумкин бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан амалга оширилади. Ушбу кузатув маълумотларини тақдим этиш атроф муҳитнинг ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланиш устидан кузатув, махсус ваколат берилган органлар, шунингдек, фаолияти атроф табиий муҳитнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган ёки ёмонлаштириши мумкин бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан амалга оширилади. Ушбу кузатув маълумотларини, Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бошқа органларга берилиши шарт. Бундан ташқари «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 38-моддасига мувофиқ корхона, муассаса ва ташкилотлар фалокат ҳақида ва уни бартараф этиш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти

ва табиатни муҳофаза қилиш органларига дарҳол хабар беришлари шарт. «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари қаторида чиқариладиган чиқиндилар ҳамда физикавий омилларнинг ҳисобини юритиш ва белгиланган тартибда статистика ҳисоботини тақдим этиш ҳамда корхоналар ва транспорт коммуникацияларини таъсир доирасида атроф муҳитга ҳамда аҳолининг саломатлигига зарарли таъсир кўрсатилишини баҳолаш кўзда тутилган. Мазкур жиноят махсус ваколатга эга бўлган мансабдор шахс, яъни атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисида маълумотларни йиғадиган органларга тақдим этиш бўйича масъул шахс томонидан содир этилади. Ушбу моддада мазкур маълумотлар турлари аниқ қилиб берилган. Булар қаторига экологик ҳалокатлар ёки атроф муҳитни радиацион, кимёвий ва бактериологик ифлосланиш ёхуд аҳоли саломатлигининг ҳолатига доир маълумотлар киради. Мазкур жиноятнинг таркиби фақат атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни яшириш ёки бузиб кўрсатиш оқибатида аҳолининг оммавий касалланиши, ҳайвонларнинг қирилиб кетиши ёки бошқа оғир оқибатларни келиб чиқишига сабаб бўлган тақдирда вужудга келади. Мазкур жиноят фақат қасддан содир этилиши мумкин. Объектив томонидан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали содир этилади¹.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексини 195-моддасида атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик учун жавобгарлик белгиланган. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 47-моддаси олтинчи хатбошига мувофиқ атроф табиий муҳитни тиклаш, унга зарарли таъсир оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганликда айбдор бўлган шахсларнинг жавобгарликка тортилиши кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 95-моддасида табиий муҳитни тиклаш, табиий захираларни қайта ҳосил қилиш ва табиий муҳитга зарарли таъсир

¹ Уша асар, 104-бет.

кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексини 195-моддасида атроф табиий муҳит ифлосланган жойларни дезактивация қилиш ёки бошқача тарзда тиклаш чораларини кўрмаслик ёки бундай ишларни етарли даражада бажармаслик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Мазкур жиноятнинг таркиби, агар ушбу ҳуқуқбузарлик одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонларнинг қирилиб кетиши ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, ҳосил бўлади. Ушбу жиноятнинг объекти бўлиб атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш бўйича белгиланган тартиби ҳисобланади, унинг субъекти бўлиб эса, корхонанинг атроф табиий муҳитнинг муҳофаза қилиш мажбуриятини бажариш учун масъул бўлган мансабдор шахслар ҳисобланадилар. Объектив томондан, бу жиноят ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида содир этилади, субъектив томондан эса, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни 14-моддасига биноан, хўжалик фаолиятининг атроф муҳитга зарарли таъсири атроф табиий муҳит сифатида, аҳолининг экологик жиҳатдан хавфсизлиги, табиий ресурсларни тиклаш ва муҳофаза қилишни кафолатловчи нормативлар ҳамда стандартлар билан чекланиб кўйилади. Масалан, атмосфера ҳавосида ва сувларда ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларнинг инсон ва атроф табиий муҳит объектлари учун йўл қўйиладиган даражада тўпланиш нормативлари белгиланади. Ушбу нормативлардан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар чиқарувчи доимий манбалар (корхона, ташкилот, уларнинг объектлари) учун йўл қўйиладиган доирадаги нормативлари белгиланади. Бундан ташқари, атмосфера ва сув объектларига моддалар ва биологик организмларни чиқариш Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг рухсати асосида амалга оширилади. Демак, атроф табиий муҳитга зарарли моддалар ва биологик организмларни рухсатсиз чиқариш ёхуд белгиланган нормативлардан ортиқ чиқариш ноқонуний ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексининг 79-моддасига мувофиқ, ерларни муҳофаза қилиш мақсадида уларни ишлаб чиқариш, кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишидан, сув ва шамол эрозиясидан, шўрланишдан ва бошқа салбий тоифадаги бузилишлардан юридик ва жисмоний шахслар ҳимоя қилишлари шарт. 81-моддага мувофиқ, кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланиш натижасида экология ва санитария-гигиенага оид жавоб берадиган маҳсулот олиш таъминланаётган ер участкалари қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқарилиши ва консервация қилиниши лозим. Ерларни бузиш сифатида кейинчалик хўжалик учун фойдаланишга тўсқинлик қилувчи унинг фойдали хусусиятларини тўлиқ ёки қисман йўқотишга олиб келувчи ҳаракатлар тушунилиши лозим. Асосан, қишлоқ хўжалиги ерлари улардан нотўғри фойдаланиш (нотўғри суғориш, кимёвий моддаларни меъеридан ортиқ қўллаш ва бошқалар) натижасида бузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексини 196-моддасида кўзда тутилган жиноят объекти ер, сув ва атмосфера ҳавосининг ифлосланишидан муҳофаза қилиш тартиби белгиланган. Мазкур жиноятнинг субъекти бўлиб ҳам мансабдор шахслар, ҳам фуқаролар ҳисобланадилар. Жиноят эҳтиётсизлик ёки қасддан содир этилади. Жиноятнинг объектив томони айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси 197-моддаси ер, ерости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жавобгарликни белгилайди. Мазкур моддада белгиланган жиноятнинг объекти ердан ва ерости бойликларидан фойдаланиш тартиби ва шартларида намоён бўлиши айтилган. Ерлардан фойдаланиш шартлари Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодексида белгиланган. Ер Кодексининг 40-моддасида ер эгаси, ердан фойдаланувчи ва ижарачи ер участкасидан белгиланган мақсадларда оқилона фойдаланиши, тупроқ унумдорлигини ошириши, ишлаб чиқаришда табиатни муҳофаза қилувчи технологияларни қўллаши, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувиغا йўл қўймаслиги ва бошқа мажбуриятлар кўзда тутилган. Бундан ташқари шунга

ўхшаш бошқа мажбуриятлар мазкур кодекснинг 48,79 ва бошқа моддаларида мустаҳкамланган. Агар ушбу талабларни бажармаганлик натижасида оғир оқибатлар вужудга келса, мазкур моддада кўзда тутилган жиноят содир этилган деб ҳисобланади. Ердан фойдаланиш далаларнинг бузилиши натижасида одамларнинг касалланиши, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг нобуд бўлиши, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг кескин пасайиб кетиши оғир оқибатлар тоифасига киради¹.

Ерости бойликларидан фойдаланиш талаблари Ўзбекистон Республикасининг «Ерости бойликлари тўғрисида»ги Қонунининг 13-15, 18, 24-25, 29, 30-33, 36-38-моддаларида ўз аксини топган. Масалан, ерости бойликларидан фойдаланувчиларга ерости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларнинг беҳатар олиб борилиши, атроф табиий муҳитни, бинолар ва иншоотларни, ерости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш мажбуриятлари юклатилган. Агар ерости бойликларидан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши натижасида одамларнинг касалланишига, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг нобуд бўлиши-га, фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг тўхтатилишига ва бошқа оғир оқибатларга олиб келса, мазкур моддада кўрсатилган жиноят содир этилган деб ҳисобланиши лозим. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексини 197-моддасида белгиланган жиноятнинг субъекти мансабдор шахслар ва фуқаролар ҳисобланадилар. Мазкур жиноят қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин. Жиноятнинг объектив томони ҳаракат (ман этилган талабларни содир этиш) ёки ҳаракатсизлик (қонун ҳужжатларида белгиланган мажбуриятларни бажармаслик) билан тавсифланади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 198- моддасида экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ушбу модданинг биринчи қисмида оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш натижасида экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш

¹ Ўша асар, 105-106-бетлар.

натижасида кўп миқдорда зарар етказилса ёки бошқа бир оғир оқибатлар вужудга келса, жиноий жавобгарликка тортиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддасига мувофиқ ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш жойларида юридик ва жисмоний шахслар ёнғин хавфсизлигига риоя этишлари ва ёнишга қарши тадбирларни амалга оширишлари, ёнғин чикқан ҳолларда эса, уни ўчириш чора-тадбирларини кўришлари шарт. Худди шундай мажбурият Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги Қонунининг 30 ва 32-моддаларида мустаҳкамланган. Ушбу жиноятнинг объекти ўрмонларда ва ўсимлик дунёси жойлашган жойларда ёнғинга қарши хавфсизликнинг белгиланган талабларидир. Ушбу жиноятнинг субъекти фуқаро ва мансабдор шахслар бўлиши мумкин. Субъектив томондан бу жиноят фақат эҳтиётсизлик орқасида содир этилади. Объектив томондан, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатида содир этилади. Ушбу моддада кўрсатилган кўп миқдорда зарар етказиш деганда, энг кам иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдордаги зарар тушунилади. Бошқа оғир оқибатлар деганда, дов-дарахтларнинг катта майдонда тиклаб бўлмайдиган даражада нобуд қилиниши тушунилади. Ушбу модданинг иккинчи қисмида ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларни қонунга хилоф равишда кесиб, кўп миқдорда зарар етказганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Дарахтлар ва бошқа дов-дарахтларни, шу жумладан ўрмонлардан кесиш учун фойдаланиш, ўсимлик дунёсидан махсус фойдаланиш тоифасига киради ва бунинг учун ўрмон хўжалиги ёки табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишилган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рухсатига биноан амалга ошириш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексини мазкур моддасида дов-дарахтларни қонунга хилоф равишда кесиш деганда рухсатсиз ёки рухсати бўла туриб, унинг талабларини бузган ҳолда дов-дарахтларни кесиш тушунилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўзда тутилган жиноятнинг объекти ўрмон ва бошқа дов-дарахтларни кесишнинг белгиланган тартибидир. Субъектив томондан, қасддан ёки эҳтиётсизлик айби билан содир этилади.

Ушбу жиноят объектив томондан фақат ҳаракат орқали содир этилиши мумкин.

Мазкур модданинг учинчи қисмида экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-
дарахтларга шикаст етказиш, уларни пайҳон қилиш, нобуд қилиш учун жиноий
жавобгарлик белгиланган. Ушбу жиноят экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-
дарахтларга шикаст етказиш, уларни пайҳон қилиш, нобуд қилиш, ноқонуний
равишда мол боқиш ёки молларни ҳайдаб ўтиш, автомобиль ёки қишлоқ
хўжалиги ва бошқа техникани ҳайдаб ўтишда ёхуд экинзорларда қурилиш ва
бошқа ишларни амалга оширишда содир этилиши мумкин. Ушбу жиноятнинг
объекти ўрмонларда ва бошқа экинзорларда мол боқиш ва пичан ўриш,
дарахтларни ва бошқа экинзорларни муҳофаза қилишнинг белгиланган
тартибидир. Ушбу жиноятнинг субъекти фуқаролар ва мансабдор шахслар
ҳисобланади. Мазкур жиноят субъектив томондан қасддан ёки эҳтиётсизлик
орқасидан, объектив томондан эса ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан содир
этилади.

Мазкур моддада белгиланган жиноятлар оқибатида етказилган зарарни
аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 27
июндаги 293-сонли «Ўзбекистон Республикаси ўсимлик дунёсига етказилган
зиённи ундириш бўйича миқдорини ҳисоблаш учун таксаларни тасдиқлаш
тўғрисида»ги Қарори қўлланилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 199-моддасида
ўсимликлар касалликлари ва зараркунандалари билан курашиш талабларини
бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 42-моддасига
мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар кимёвий моддаларни сақлаш, ташиш,
қўллаш чоғида экология талабларига риоя қилишлари, уларни қўллашнинг
зарарли оқибатларини олдини олиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини
кўришлари шарт. Ўзбекистон Республикасида қўлланилиши рухсат этилган
кимёвий моддалар рўйхати Вазирлар Маҳкамаси қошидаги махсус у комиссия
томонидан тасдиқланади. Ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари
билан курашиш чора-тадбирлари амалга оширилганда, инсон саломатлигини

таъминловчи санитария ва гигиена қоидаларига ҳамда ўсимлик, ҳайвонот дунёси, шунингдек, атроф табиий муҳитнинг бошқа объектларини муҳофаза этиш талабларига риоя этилиши лозим. Хусусан, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»га Қонуннинг 24-моддасида, «ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг 33-моддасида ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва бошқа дориларни қўллаш пайтида ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси объектлари ўсадиган (яшайдиган) муҳитни муҳофаза қилиш талаблари ҳисобга олиниши тўғрисидаги қоидаларга риоя этиш мажбурияти мустаҳкамланган. Мазкур жинойтнинг объекти ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан курашиш бўйича белгиланган тартиб ҳисобланади. Ушбу жинойтнинг субъекти фуқаролар ва мансабдор шахслар ҳисобланади. Объектив томондан, ҳаракат билан содир қилинади. Субъектив омондан эса эҳтиётсизлик ёки қасддан содир этилиши мумкин. Ушбу моддада назарда тутилган оғир оқибатлар деб одамларнинг захарланиши натижасида касал бўлиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг кўп миқдорда нобуд бўлишини тушуниш лозим¹.

Ўзбекистон Республикасининг Жинойт Кодекси 200-моддасида ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш ҳайвон ёки паррандалар эпидемия (эпизоотия)сининг тарқалишига, уларни ялпи қирилиб кетишига ёки бошқа оқибатларни келиб чиқишига сабаб бўлганда жинойий жавобгарлик белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги «Ветеринария тўғрисида»ги Қонунининг 12 ва 18-моддаларида ветеринар хизмати ҳамда ҳайвонлар эгаларининг ветеринария бўйича мажбуриятлари белгиланган. Ветеринария ва зоотехника қоидалари ҳайвонларни юқумли касалликларининг олдини олиш ёки улар касалликка чалинган тақдирда касалланиш оқибатларини бартараф этиш ҳамда касаллик тарқалишига қарши чора-тадбирларни ўз ичига олади. Ҳайвонларнинг ялпи касалланиши оқибатида уларнинг маҳсулоти орқали инсонларнинг саломатлигига юқумли бўлган бурцеллёз, салмонеллёз ва бошқа юқумли касалликлар билан зарар етказилиши мумкин. Мазкур жинойтнинг

¹ Ўша асар, 107-111-бетлар.

объекти ветеринария ёки зоотехника ишларини амалга оширишнинг белгиланган тартибидир. Ушбу жиноятнинг оғир оқибатларига инсонларнинг юқумли касалликлар билан касалланиши, ҳайвон ва парранда маҳсулотларининг яроқсиз бўлиши, юқумли касалликларга қарши курашиш учун сарфланган харажатларни киритиш мумкин. Бу жиноят субъектив томондан, қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин. Объектив томондан эса, ушбу жиноят ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан содир этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 201-моддасида хўжалик фаолиятида ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари, минерал ўғит, ўсиш биостимулятори ёки бошқа кимёвий дориларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 42-моддасида кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, қўллаш чоғида экология талабларига, белгиланган норматив ва қоидаларга риоя қилиш, уларни қўллашнинг зарарли оқибатларини олдини олиш ва бартараф этиш чоратадбирларини кўриш бўйича юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг мажбурияти белгиланган. Мазкур моддада белгиланган жиноятнинг объекти хўжалик фаолиятида ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёки улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидалари ҳисобланади. Ушбу жиноятнинг субъекти бўлиб фуқаролар ва мансабдор шахслар ҳисобланадилар. Объектив томондан, бу жиноят ҳаракатсизлик ёки ҳаракат билан содир этилади. Ушбу жиноят субъектив томондан қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилади. Мазкур моддада кўзда тутилган оғир оқибатларга одамларнинг оммавий касалланиши, ҳайвонларнинг қирилиб кетиши, ҳосиллар ва экинларнинг нобуд бўлишини, ичимлик сувининг захарланишини киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 202-моддаси ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузганлик учун жиноий жавобгарликни белгилайди. Ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ

овчилик, балиқчилик, ноёб ҳайвонларнинг ёки шифобахш, озиқ-овқат ва декоратив ўсимликлардан ёхуд алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларда ҳайвонот ва ўсимликдан фойдаланиш тартиби ва шартларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Мазкур жиноят, агар анча миқдорда (энг кам иш ҳақининг ўттиздан юз бараваригача) зиён етказилса, тугалланган деб ҳисобланади. Мазкур моддада кўзда тутилган қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза этиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза этиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ўрмон тўғрисида»ги Қонунларида, Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 10 апрель 95-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов қилиш, овчилик-балиқ овлаш хўжалигини юритиш тўғрисида»ги Низомида, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси тасдиқлаган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов қилиш ва балиқ тутиш қоидалари»да ўз аксини топган. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланишнинг умумий талабларига рухсатнома асосида мақсадли ҳамда рухсатномада кўзда тутилган миқдор ва турларда фойдаланиш киради.

Агар ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланиш қоидаларини бузиб, Қизил китобга киритилган объектлардан фойдаланиш ёки катта миқдорда (энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача) зиён етказилса, ёхуд бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилса, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 202-моддаси иккинчи қисми билан квалификация қилиниши лозим. Қизил китобни юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 9 мартдаги 109-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби тўғрисида»ги қарори билан белгиланган.

Агар ов қилиш, балиқ тутиш ёхуд ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланишнинг бошқа қоидалари хавфли рецедивист томонидан шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб; ер, сув ёки ҳавода ишлатиладиган механизациялашган воситалардан фойдаланиб; портлаш қурилмалари, захарли кимёвий моддалар ёки бошқа ялли қириб юборадиган усулларни қўллаб, уюшган гуруҳ

томонидан, жуда кўп (энг кам иш ҳақининг уч юз баравардан ортиқ бўлган) миқдорда зарар етказиб содир этилса, бу жиноят мазкур модданинг учинчи қисми билан квалификация қилинади. Бу жиноятнинг объекти ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланишнинг белгиланган тартиби ҳисобланади. Бу жиноятлар фуқаро ва мансабдор шахслар томонидан содир этилиши мумкин. Ушбу жиноят қасдан содир этилади. Объектив томондан, ҳаракат билан тавсифланади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 203-моддасида сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Сув ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартлари «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасида, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг 12-15,17, 30, 35 ва бошқа моддаларида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 августдаги 385-сонли «Лимитланган сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қарорида кўзда тутилган. Сув ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш қоидаларини бузишга қуйидагилар киради: ўзбошимчалик билан сувдан фойдаланиш, лимитларга риоя қилмасдан сув олиш, сувларнинг ифлосланиши, булғаланиши ҳамда уларни зарарли таъсирининг олдини олувчи қурилма ва мосламаларсиз корхона ёки бошқа объектларни ишга тушириш, сувлардан хўжасизларча фойдаланиш, сув-хўжалик иншоотлари ва қурилмаларини бузиш ҳамда улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш ва бошқалар. Мазкур жиноятнинг объекти сув ва сув ҳавзаларидан фойдаланишнинг белгиланган тартиби. Унинг субъекти фуқаро ва мансабдор шахслар ҳисобланади. Субъектив томондан, бу жиноят қасдан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилади. Объектив томондан, бу жиноят ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқасида содир қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 204-моддасига мувофиқ, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий ҳолатини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонунда

ва ҳар бир кўриқхона, миллий, табиий боғлар, буюртмали кўриқхона, табиий ёдгорлик ва бошқа алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги низомларда акс эттирилган. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий ҳолати, уларда табиий ресурслардан фойдаланишнинг ман қилиниши ёки чекланиши ва уларни муҳофаза этишнинг каттароқ талаблари билан тавсифланади. Мазкур моддада кўзда тутилган жиноятнинг объекти алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ҳуқуқий ҳолати ҳисобланади. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жиноятлар кўп миқдорда (энг кам иш ҳақининг юздан уч юзгача бараварида) зиён етказилса ёки ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг турларининг камайиб кетиши, уларнинг табиий шароитларини ўзгариши каби оқибатлар вужудга келса, тугалланган ҳисобланади.

Жиноят Кодексининг 204-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларда табиий объектларни қасддан нобуд қилиб ёки шикастлантириб, кўп миқдорда зарар етказилса, ёхуд алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудуднинг ўз ноёб хусусияти ва қимматлилигини йўқотса ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келса, содир этилган ҳисобланади. Мазкур моддада кўрсатилган жиноятнинг субъекти фуқаролар ва мансабдор шахслар ҳисобланади. Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг ҳуқуқий ҳолатини бузиш ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатида, қасддан ёки эҳтиётсизлик билан содир этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 229-моддаси ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш учун жиноий жавобгарликни белгилайди. Агар айбдор шахс Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 60-моддаси бўйича ўзбошимчалик билан ер участкасини эгаллаб олиш учун жавобгарликка тортилган бўлиб, мазкур ҳуқуқбузарликни бир йил мобайнида такроран содир этса, у жиноят содир этган деб ҳисобланади. Мазкур жиноят субъекти фуқаролар ва мансабдор шахслар ҳисобланадилар. Жиноятнинг субъектив томони қасддан содир этилиши билан ифодаланади. Ушбу жиноятнинг объектив томони фақат ҳаракат билан содир этилиши мумкин.

«Табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик ва уни ифлослантириш натижасида атроф табиий муҳитга экологик ва иқтисодий зарар етказилади.

Иқтисодий зарар табиий объектларнинг нобуд бўлиши, бузилиши, йўқ бўлиб ёки камайиб кетиши ҳақида табиий ресурслардан фойдаланувчиларнинг хўжалик манфаатларига зиён етказилиши билан намоён бўлади. Масалан, сувларнинг ифлосланиши оқибатида сув ҳавзасида балиқлар нобуд бўлади, ушбу сув ичимлик ва қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолиши оқибатида бошқа сув манбаларидан фойдаланиш ёки сувларни тозалаш учун қўшимча сарф-харажатларни келтириб чиқаради.

Экологик зарар табиий шароитнинг ёмонлашуви, табиий объектларнинг сон ва сифат жиҳатдан салбий ўзгаришлари орқали намоён бўлиб, инсонларнинг тоза, соғлом ва қулай табиий муҳитга бўлган ҳуқуқлари бузилади. Масалан, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши оқибатида одамларнинг яшаш шароити ёмонлашиб, уларнинг соғлиғига зарар етказилиши мумкин. Экологик зарар инсонларнинг соғлиғига ҳамда келажак авлодлар саломатлиғига зиён етказиши мумкин»¹.

Юқорида қайд этиб ўтилган фикрларнинг ҳаммаси ҳуқуқий билим ва маданиятли бўлиш, қонунчилик асосларидан хабардорлик демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг зарур шартларидан бири эканлигини кўрсатиб турибди.

¹ Экология ҳуқуқи. М.Б.Усмонов, М.Ҳ.Рустамбоев, Ж.Т.Холмўминов. Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун дарслик. Т., Тошкент Давлат юридик институти 2001, 112-113-бетлар.

4. Маънавий ва ҳуқуқий баркамоллик–жамият тараққиёти кафолати

Илғор миллат ва ривожланган давлат бўлишнинг зарур шартларидан бири-ақлий ва жисмоний, маданий ва маънавий, ахлоқий, ғоявий-сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама етук, баркамол инсонларга эга бўлишдир.

Маънавий-маърифий жиҳатдан етук инсон, имон-иродаси мустаҳкам, эътиқоди юксак, виждон амри билан яшайдиган шахс, баркамол авлод ҳар қандай давлат, халқ ва миллатнинг энг катта бойлиги, қудратли салоҳият манбаидир.

Мамлакатимиз Президенти томонидан таъкидланиб келинаётганидек, **«ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ерости ва ерусти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир»¹.**

Одамлари, фуқаролари билимли-заковатли, уддабурон, ғоявий-сиёсий жиҳатдан зийрак ва ҳушёр, тадбиркор, ҳар томонлама етук бўлган жамият ҳар қандай ислохотларга қодир бўлади ва ҳар қандай муаммо ҳамда қийинчиликларни енга олади. Олий раҳбаримиз бу ҳақда шундай дейди: «Лўнда қилиб айтганда, бугунги кунда олдимизда қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири–буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз.

Шу билан бирга, ҳаммамиз яна бир ҳақиқатни англаб етмоқдамиз. Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, фидоийлик билан курашиши мумкин»².

¹ Ислом Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т.:«Ўзбекистон», 1998, 326-бет.
² Ўша асар, 325-бет.

Мустақил ва эркин фикрлайдиган, онгли яшайдиган, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, ўз кучи ва ақлига ишонадиган, маънавий-ахлоқий етук, баркамол бўлган авлодни, мустақил фикрлашга қодир, жасоратли, фидойи ва ташаббускор кишиларни тарбиялаб етказадиган халқ ва миллат келажакка очиқ кўз, катта ишонч, умид ва ихлос билан қарай олади. Фуқароларини ана шундай ноёб хислат ва фазилат соҳиблари қилиб шакллантирган давлатнинг истиқболи порлоқ бўлади.

Мамлакат куч-қудрати аҳолининг сони билан эмас, балки одамларнинг интеллектуал салоҳияти, замонавий билим асосларини, техника ва технологияларни, кўплаб хорижий тилларни эгаллаганлиги, ғоявий-сиёсий етуклиги, ҳуқуқий билимдонлик ва маданиятлилик даражаси, иродасини мустаҳкамлиги, иймон-эътиқодининг бутлиги, ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўра олиши, элим деб, юртим деб яшаши, фаолият кўрсатиши билан кучлидир. Ўзбекистон давлати ҳозирги пайтда ўз олдига ана шундай олий мақсадни қўйиб келажак сари интилоқда.

Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» асарида белгилаб берилганидек, «Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндошадиган, айна замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак»¹.

Инсон камолоти миллат ва мамлакат тараққиётига асос бўлади. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина Ўзбекистон давлат мустақиллиги барқарор бўлади, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади, олдимизда турган буюк мақсадларга эришамиз. «Олдимизда мустақил буюк давлат қуришдек мураккаб ва шарафли вазифа турган бир

1 Ислом Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 381-бет.

пайтда бу маънавий кадриятларнинг аҳамияти минг карра ортади. Нега деганда, ҳар қандай улуғ мақсадларга етишиш, янги жамият, фаровон турмуш қуриш, инсон зотига муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш, аввало, шу жамият аъзолари бўлган комил одамларга, келажак баркамол авлодига боғлиқдир»¹.

Камолотга эришган инсон деганда мукамал тарбияли, бошқаларга такаббурлик қилмайдиган, ҳеч кимга ҳақорат кўзи билан қарамайдиган, ёлғон сўзламайдиган, ростгўй, бағрикенг, саховатли, мурувватли одам кўз ўнгимизда гавдаланади.

Камолотга эришган инсон инсонлар ичра энг сараси, аъло хулқлиси, ўзидан катталарга ҳурмат-эътиборли, кичикларга шафқатли ва марҳаматли, кулар кўзли, ширин сўзли ва хушмуомалалисидир.

Камолотга эришган, маданиятли, маънавиятли инсон ваъдасига вафо қилади, омонатга хиёнат қилмайди, бировларни доғда қолдирмайди, сўзида собит туради, ифво, ғийбат, мунофиқликдан ўзини сақлайди, ёмон йўллардан, ярамас ишлардан, ножўя ҳаракатлардан ўзини тияди. Бундай инсон ота-онасининг ҳурматини бажо келтиради, уларни ўзидан рози қилишга саъй-ҳаракат қилади, фарзандлари, бутун оила аъзоларига меҳрибонлик кўрсатади, қариндош-уруғларидан алоқасини узмайди, маҳалла-кўйи, қишлоқдошлари, жамоаси, хулласи калом, теварак-атрофини ўраб олган жамики инсонлар фаровонлиги ҳақида қайғуради. Уларга меҳр-муҳаббатли бўлади, улардан хизматини аямайди, мурувватини таъна қилмайди, одамларга яхшилик қилиш, эзгулик кўрсатишни инсонийлик бурчи, вазифаси, масъулияти деб билади ва фахрланади.

Маънавий-ахлоқий баркамол инсон элим-юртим, халқим, миллатим деб куйиб-ёниб яшайди. Ватани тараққиёти ва истиқболи учун озми-кўпми ҳисса қўшишни фахр-ифтихор, шон-шараф, олий бахт деб чуқур ҳис этади. Ватанини саждагоҳ каби муқаддас деб билади, Ватан туйғуси, Ватан ишқи, Ватаний меҳр-муҳаббат билан тўлиб-тошиб яшайди.

¹ И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т.: «Ўзбекистон», 1994, 127-бет.

Ўзлигини англаб етган ҳар бир инсон миллий қадриятларни, анъаналарни ва урф-одатларни, бобокалонларининг дурдона сўзларини, диний, дунёвий, фалсафий таълимотларини, ҳикматларини оби-кавсардек эъзозлайди, улардан ўзи учун таълим-тарбия, муҳим ҳаётий сабоқ, йўл-йўриқ олади.

Ўз насл-насаби, кечмиш тарихи, бой маданий-маънавий мероси билан фахрланиш, миллий расм-русмларини, оилавий анъаналарини авайлаб сақлаш ва бойитиш, ота-боболарининг муборак номларига доғ туширмасликка интилиш, ўз меҳнати, ақл-идрок ва тафаккури, интеллектуал салоҳияти билан ажодлари обрўсини туширмасликка ҳаракат қилиш, одамларнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлиш инсоннинг камолотга етганлигининг муҳим белгиларидандир.

Маънавий баркамолликнинг маъно-мазмуни айтиб ўтилганлардангина иборат эмас. «Ўзбекистонга, унинг ери, табиатига, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини теран билиб олишга интилиш, республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш»¹ ҳам инсон маънавий камолотининг намоён бўлиш шаклларида бўлиб ҳисобланади.

Бунга яна Асосий Қонунимиз - Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ҳурмат қилиш ва унга садоқат намуналарини амалда кўрсатиш, шунингдек, мустақилликнинг муқаддас рамзлари—Давлат Герби, Давлат Байроғи, Давлат Мадҳиясини Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, маънавиятининг энг муҳим тимсоллари сифатида эъзозлаш ҳам киради.

Инсонпарварлик, халқпарварлик туйғуларини ўзида мужассам этиш, ўз халқини, миллатини бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида чуқур ҳис қилиш, унинг билан чексиз фахрланиш—булар инсонни камолотга эришганлигининг кўринишларидан биридир.

Маънавий баркамолликни сўзнинг кенг маъносида олганда яна инсон ижтимоий-маънавий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, ақлий ва жисмоний фаолият

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 83-бет.

соҳасидаги барча томонлари, қобилиятлари ва истеъдодларининг ривожланиши ва рўёбга чиқиши ҳам деб тушунмоқ лозим.

Ҳар томонлама ривожланиш, камолотга эришиш—инсоннинг ижодий кучлари, барча қобилият, иқтидор, истеъдод ва салоҳиятлари рўёбга чиқиши, гуллаб-яшнаши, ишга солинишидир. Маълумки, инсондаги қобилият ва салоҳиятдан тўла фойдаланилган тақдирдагина у ривожланади, камолотга эришади, шундагина жамият тараққий этади, миллат ўсади.

Инсон камолоти—бу ҳам ақлий ва жисмоний, ҳам ғоявий-сиёсий-ҳуқуқий, ҳам маданий-маънавий ривожланишнинг узвий бирлигидир. Уларнинг ҳар бири алоҳида олганда инсон баркамоллигининг муҳим бир жиҳатини ташкил этади.

Агар инсон фақат жисмоний жиҳатдан ривожланган бўлса-ю, аммо ақлий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, бадиий, ғоявий-сиёсий, маданий-маънавий жабҳаларда камолотга эришган бўлмаса, уни ҳар томонлама эмас, бир томонлама ривожланган дейиш мумкин. Ана шу жиҳатдан олганда Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлис биринчи сессиясида «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» маърузасидаги ушбу фикрлари алоҳида аҳамиятга эга: **«Биз соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз».**

Нафақат ўз халқи ва миллати, балки умуминсоният олдидаги бурчини англаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, умумбашарият бахтини ўз бахти деб билиш ҳам инсон маънавий камолотининг муҳим белгисидир.

Маънавий камолотга эришган инсон ўзининг савобли ишлари билан кечирган ҳаётдан рози кетади. Хуллас, «Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ асосида

қурган киши етук одам бўлади»¹.

Ислом Каримов асарларида баён этилган илмий-назарий қоидалар ва хулосаларга асосланиб айтадиган бўлсак, маънавий баркамол инсоннинг асосий белгилари инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик, билимдонлик, меҳнатсеварлик, оқилу-донолик, ҳалоллик, тўғрилик, халққа, Ватанга, инсонга муҳаббат ва садоқат, катталарга ҳурмат ва кичикларга шафқат, ота-онани ҳурматлаш, табиатни асраб-авайлаш, миллий ва умуминсоний кадриятларга содиқлик, элим, юртим деб қуйиб-ёниб яшаш ва фаоллик, ўзлигини англаш ва бошқа шунга ўхшашлардан иборат.

Маънавий баркамол инсон ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, ғоялар, таълимотлар, ижтимоий-сиёсий, фалсафий фикрлар тарихда куни кеча пайдо бўлган эмас. У ўзининг узоқ тарихи ва қадимий илдизларига эга. Дарҳақиқат, кишилик жамияти тарихининг бирон-бир босқичида инсоннинг тақдирига бефарқ қараган, унинг дардига дардкашлик, қайғусига ҳамдардлик қилмаган, бахт-истикболи ва камолоти учун жон қуйдирмаган биронта ҳам файласуфу ҳуқуқшунос, олиму уламо, давлат арбоби бўлган эмас.

Инсонни шарафлаш, ҳар замон ва ҳар лаҳзада улуғ ва муқаррамлигини унинг ўзига эслатиш, ёвуз, қабих ишлар ва ножўя қилиқлардан сақланиб туриш, шу тариқа комил инсоннинг ўзига хос ахлоқ кодексини—таълимотлар тизимини ишлаб чиқиш ва ўз асарларида акс эттириш борасида Шарқ мутафаккирлари бебаҳо ишларни амалга оширганлар.

Комил инсон ҳақидаги масала Шарқ фалсафасида азал-азалдан катта ўрин тутиб келганлигини Ислом Каримов Республика Олий Мажлисининг биринчи анжуманидаги маърузасида шундай ифодалайди: «Қадимги аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, Шарқона ахлоқ Кодексини ишлаб чиққанлар».

Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Исмоил Бухорий, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Бобур,

¹ Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 134-бет.

Абдулқодир Бедил сингари буюк алламоларнинг илмий-фалсафий, диний-ахлоқий меросларига назар ташласак, маънавий баркамол инсонлар, уларнинг хислатлари, фазилатлари ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуаси, Шарқона ахлоқ Кодекси ишлаб чиқилганлигини кўрамиз.

Инсон шунчалик улуғлиги, буюк ақл-заковати билан мўъжизалар яратишга қодир бўлгани ҳолда яна нима сабабдан тубан ишларга қўл уради, хирсу нафс домига тушиб ўзини хароб этади, деган саволлар Шарқ мутафаккирлари қалбини қадимдан безовта қилиб келган. Шунинг учун ҳам буюк тафаккур даҳолари инсоннинг ўзини-ўзи англаши, ўзини камол топтириши, тарбияланиб, ноқисликлар ва иллатлардан халос бўлиши масаласига ўз асарларида жиддий эътибор берганлар. «Шарқ мутафаккирлари наздида инсонда икки асос мавжуд: бир томондан, у–илоҳий, руҳий қудрат, иккинчи томондан, моддий, ҳайвоний қувват. Ҳайвоний қувват деганда олимларимиз табиатдаги тўрт унсурни, яъни: тупроқ, сув, ҳаво, оловни англаганлар. Бир-бирига зид бўлган бу тўрт унсур айни вақтда бир-бири билан мувофиқ келиб, барча биологик қувватларни ҳаракатга келтиради. Тирик мавжудотнинг бари шу тўрт унсур ҳикматидан иборат, аммо инсонда қолган тирик мавжудотлардан фарқли ўлароқ руҳи нотика, яъни илоҳий руҳ бор... Инсондаги ана шу илоҳий руҳ ҳамиша унинг табиий асоси, яъни тўрт унсурдан иборат жисми билан курашади. Руҳ қанча юксалса, у шунча мартабаларга эришаверади ва Мутлақ моҳият томон бораверади... Инсон руҳи Мутлақ руҳнинг бир қисми бўлганлиги боис у моддий тубанликни тарк этиши, Илоҳ сари парвоз қилиши керак. Бунинг учун инсон ўз Инсонлигини идрок этиб, ботиний оламини поклаб, маърифат нурларига тўлдириб бориши шарт»¹.

Шарқ фалсафасида, хусусан, тасаввуф таълимотида комил инсонлар ўзида одиллик, оқиллик, фозиллик, фақирлик, инсофу диёнатни жо қилган, пок еб, пок яшаган, ҳаром-ҳаришдан жирканган, барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, файзу кароматдан сероб, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим покиза

¹ Нажмиддин Комилов. Камолот илми.-Комил инсон ҳақида тўрт рисола. Т., «Маънавият», 1997, 4-бет.

зотлар сифатида эъзозланган.

Атоқли олим Н. Комилов комил инсон ҳақида тасаввуф таълимоти моҳияти устида фикр юритиб, унда тўрт малак–Жаброил, Макоил, Исрофил ва Азроил хислати, Хизрнинг пайғамбарлиги, офтобнинг саховати мавжуд деб тасаввур этадилар, дейди. У яна давом этиб шундай ёзади: «Комил инсон, шундай қилиб одамзод орзу қилган жамики эзгу хислатларнинг ифодачиси, у гўё Мутлақ илоҳ билан инсоният ўртасида восита бўлувчи муқаддас хилқат. Бундай мартабага мушарраф инсонларни валиуллоҳ, қибла, қутб, ғавс (мададкор), автод (устунлар), абдол (бадал қилинган) деб ҳам улуғлаганлар. Мўътабар китобларда нақл қиладиларким, дунё шундай зотлар туфайли барқарор ва осойиштадир... Дунёнинг тинчлиги ва фаровонлиги, инсоният бутунлиги ҳақиқатдан ҳам, доно ва оқил, пок ниятли одамлар фаолиятига боғлиқ. Яъни илоҳий поклик ва нафосат, эътиқод ва тафаккур бизни бало-қазолардан асрайди, ҳаётни авайлаб, сақлаб туради»¹.

Шу боисдан ҳам Шарқ мутафаккирлари комил инсон жамики инсонларнинг мукаммали, яъни одамийлар одамийси эканлиги ҳақидаги концепцияни ишлаб чиққанлар, инсоннинг камолот йўлини илмий ёритганлар. Буни буюк мутафаккир Абу Наср Фаробий таълимоти мисолида кўриш мумкин. Инсоннинг яшашдан асл мақсади завқли-лаzzатли, ҳузур-ҳаловатли, бахтли-саодатли умр кечиришдан иборатдир, деган ғоя унинг фалсафий таълимотида устуворлик қилади. Шу боис ул зот «Инсоннинг моҳияти ҳақиқий бахт-саодатга эришув экан, инсон бу мақсадни ўзининг олий ғояси ва истагига айлантриб, бу йўлда барча имкониятлардан фойдаланса, у бахт-саодатга эришади»², - деб уқтирган эди.

Фаробийнинг таъкидлашича, инсон, аввало, бахт-саодатнинг нима ва нималардан иборатлигини билиши, унга эришувни ўзига олий мақсад қилиб олиши, кейин унга олиб борадиган иш-амал ва воситалар нималардан иборатлигини билиши зарур. У инсонлар жамоасисиз одамлар бахтли-саодатли

¹ Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Биринчи китоб. Т., «Ёзувчи», 1996, 143-144-бетлар

² Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, 188-бет.

бўлиши мумкин эмаслигини бундан минг йил оша нарида туриб башорат қилган эди: «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни кўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирларига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди»¹.

Ҳар бир инсоннинг туғма табиатида, - алломанинг фикрича – ўзидан бошқа кишилар билан доимий равишда муносабатда бўлиш, ўзаро алоқа қилиш ҳиссиёти бор. Камолотга эришувда инсон бошқаларнинг кўмаклашувларига ва улар билан бирлашувга муҳтождир. Мана шу кўмаклашув ва бирлашув жараёнида инсон ўзининг мақсадига эришади, камолотга етади.

Фаробийнинг тасаввуридаги жамиятнинг ҳар бир аъзоси мансаби, тутган ўрни, яъни ким бўлишидан қатъи назар фозил-маънавиятли, маърифатли инсондир. Фозил инсон ўз давлатининг қонун - қоидаларини яхши билади, унга амал қилади, фикрлайди, лозим бўлганда Ватани учун жон фидо қилади. Унда шарқона назокат, меҳр-оқибат мужассамдир.

Комил инсон ҳақидаги фалсафий ғоялар Шарқнинг буюк мутаффакири Абу Али ибн Сино таълимотида ҳам катта ўрин эгаллайди. Унинг «Даволаш китоби», «Тиб қонунлари китоби», «Адолат китоби», «Донишнома», «Нажот», «Саламон ва Ибсол» номли нодир асарларида инсон камолотида илм асосларини эгаллашнинг, одамлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг, оила таълим-тарбиясининг, нафсни покиза тутишнинг, очкўзлик, ўғрилик, бўҳтон, тухмат, алдамчилик қилмасликнинг аҳамияти

¹ Ўша асар, 186-бет.

ҳақидаги фалсафий масалалар ўз ифодасини топган.

«Шифо» китобида айтишича, киши бошқаларнинг эҳтиёжини қондириш учун яшайди, меҳнат қилади, ўз навбатида бошқалар ҳам шундай фаолият кўрсатади. Биров кўчат ўтқазади, биров озиқ-овқат тайёрлайди, биров кийим-кечак, бошқа биров яна бошқа хил, кўпчилик учун зарур бўлган юмушни бажаради. Шундай қилиб, ҳар бир киши жамият аъзолари учун ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлади. Шу тариқа камолотга эриша бошлайди.

Абу Али Ибн Сино тўғри сўзлаш ва тўғри ишлашни, ҳалол, пок меҳнат қилишни, ҳаммага инсоф, адолат билан муомала қилишни, нафсга берилмасликни, олим-фозиллар билан суҳбатлашишни, катталарнинг иззат-ҳурматларини бажо келтиришни, чин ва самимий дўстликни, мухтожларга ёрдам бериш ва инъом эҳсон этишни унутмасликни ҳамма эзгуликларнинг манбаи, ҳақиқий инсонийлик белгисидир, деб айтган эди.

Комил инсон, унинг асосий хислат ва фазилатлари ҳақидаги масалалар XII-XIII асрлар давомида яшаган Фаридиддин Аттор, Султон Валлад, Азизиддин Насафий каби улуғ сиймолар асарларида ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

Азизиддин Насафий «Комил инсон» рисоласида инсонга қуйидагича таъриф беради: «Билгилки, комил инсон деб шариат, тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар, агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ифода билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф... Бу сифатлар билан зийнатланган одам ёлғон, риё ва бадкорликдан чекинади, ҳамма вақт эзгу ният билан эзгу ишларга тайёр туради... Кимки ўзида шу сифатларни камол топтирса, у камолотга эришади»¹.

Ҳазрат Алишер Навоий комил инсонлар ҳақидаги таълимотни ўз салафларига нисбатан анча ривожлантириб ва ижодий бойитиб, бу масалада ўзининг қимматли фикрларини баён этди. «Маҳбуб ул-қулуб» асарида «Одам икки дунёнинг энг азиз ва шарафли махлуқидир», деган сўзни келтиради. Унинг

¹ Қаранг: Нажмиддин Комилов. Кўрсатилган асар. 147-148-бетлар.

айтишича, Парвардигорнинг оламини яратишдан мақсади инсон эди.

Навоийда инсон олий мавжудот деб таърифланади. Инсон оламдаги жамики мавжудотлардан устун туради. Буюкликда унга тенг келадиган ҳеч нарса йўқ. Олам Парвардигор хусну жамоли учун кўзгу бўлса, Инсон бу кўзгунинг мазҳари-Тангри таоло қудрати мўъжизасидир.

Навоий асарларида ҳалоллик, ростгўйлик, иймон-эътиқодлилиқ, очик кўнгиллиқ, халқ ғамини ўз ғами деб қайғуришлиқ сингари инсонга ярашиқлик ахлоқий-маънавий фазилатлар эъзозланади, худбин, қора кўнгил, ҳасадчи, халққа нафи эмас, зарари тегадиганлар эса қораланади. Халқ бахт-саодати йўлида курашадиган, ўзи пок, сўзи пок, дили пок одамлар ҳақиқий Инсон, деб таърифланади.

Навоий илм-маърифатни улуғлайди. «Хайрат ул-аброр»да олиму уламоларни ҳурмат қилиш зарурлигини уқтириб, «бировки қилса олимларга таъзим, қилар гўёки пайғамбарга таъзим» деб таъкидлайди. Олимларни улуғликда пайғамбарларга ворис эканини шундай ифодалайди.

Алишер Навоий «Насойимул муҳаббат» асарида комил инсонга хос хусусиятлар, унинг шарқона ҳислат ва фазилатларини батафсил санаб ўтган. Бу хусусиятлар унинг фикрича, ҳалол луқма билан қаноатланиш, шариат қоидаларига риоя этиш, мулойим тилли, сахий бўлиш, садоқатли, вафоли бўлишдан иборат.

Шарқ мутафаккирлари комил инсон ҳақида ўзига хос ахлоқ кодексини ишлаб чиқиш асосида инсонпарварлик тўғрисидаги миллий ва умумбашарий қадриятлар ривожланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Уларнинг комил инсон ҳақидаги ғоялари, ўй-фикрлари ҳеч қачон ривожланишдан тўхтаган эмас, балки тиллардан тилларга кўчган, асрлардан асрларга ўтган.

Шундай қилиб, комил инсон ҳақидаги ғоялар, қарашлар ва таълимотлар халқимиз, миллатимизнинг қалбида, қонида бир неча минг йиллар давомида шаклланган, сайқал топган. Демак, баркамол авлод, комил инсон ҳақидаги ҳозирги тасаввур ва билимларимиз ўзининг чуқур маънавий асослари ва

қадимий тарихига эга.

Одамни рухан покланишга, қалбан уйғонишга, ички дунёсини, иймон-этиқодини бут қилишга хизмат қиладиган маънавийт-ижтимоий тараққиёт маҳсули бўлса ҳам, ўз навбатида жамият тараққиётига ниҳоятда катта таъсир кўрсатадиган муҳим омилдир. Инсон маданий-маънавий, ахлоқий, жисмоний, ғоявий, сиёсий жиҳатдан қанчалик баркамол бўлса, меҳнатсеварлик, халқпарварлик этиқоди кучли бўлса, у мансуб бўлган жамият, халқ ва миллатнинг истиқболи шунчалик нурафшон бўлади.

Тарихда маънавий баркамол инсонга эҳтиёж сезмаган жамият бўлган эмас ва бўлмаса ҳам керак. Маънавий баркамол инсонни тарбиялаб вояга етказишга бўлган заруриятнинг асосий сабаби ва моҳияти нималар билан белгиланади, деган савол туғилиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бу мустақиллик талаб-эҳтиёжи билан боғлиқ бўлган объектив заруриятдир.

Ҳар қандай улуғвор мақсадларга етишиш, инсон зотиға муносиб гўзал ҳаётни барпо этиш жамият аъзолари бўлган одамларға, яъни баркамол авлодға кўп жиҳатдан тааллуқлидир.

Комил инсонни, баркамол авлодни тарбиялаш—буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш демакдир. «Барчангиз яхши биласизки, - дейди Ислом Каримов, - келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришға интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир... Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан қурашиши мумкин»¹.

Маънавий баркамол инсонни тарбиялаб вояга етказиш ҳозирги давр талаблари асосида юзага келган, сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий тараққиётимиз тақдири билан узвий алоқадорликда бўлган улуғвор, масъулиятли, давлат аҳамиятиға эга бўлган вазифа эканлиги моҳиятини қуйидагича баён этиш

¹ Баркамол авлод орзуси. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти. Т.: 1999, 8-9-бетлар.

мумкин:

Биринчидан, миллий истиқлолимизнинг барқарорлигини, ижтимоий тараққиётимизнинг тезлашиб, жадаллашиб боришини, Ўзбекистоннинг буюк давлат бўлишини маданиятли, маънавиятли, юксак одоб-ахлоқли, ўз халқи, миллати, Ватанини бутун вужудила севиб ардоқлайдиган, аждодлари яратган бебаҳо илму ҳунар жавоҳирларини имкон қадар мукамалроқ эгаллаб олган, бутун инсониятга хос қадриятлардан баҳраманд, бохабар бўлган комил инсонларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Инсонни маънавий камолотга етказмасдан туриб халқ турмуш фаровонлиги ҳамда жамиятимиз тараққиётида улкан натижаларга эришиш амримаҳолдир. Юртбошимиз Ислом Каримов бу ҳақда «Келажақда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим. Мамлакатимизнинг мард, фидойи кишилар юртига, меҳру шафқат, муҳаббат барқарор бўлган, тафаккур ва ижод қайнаган муқаддас маконга айланишига аминман» - дейди¹.

Иккинчидан, модомики биз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қураётган эканмиз, бу улуғвор ва мураккаб вазифаларни ҳал этиш, энг аввало, инсон камолотига, таълим-тарбия, маънавият ва маърифат масалаларига бориб тақалади.

Бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган эркин, очиқ ҳуқуқий демократик давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бири–янгича, замонавий фикрловчи, иймон-эътиқоди мустаҳкам, мустақиллик йилларида шаклланган тафаккур ва дунёқарашга эга бўлган, мустақиллик маънавияти асосларини мукамал ўзлаштириб олган баркамол авлодни, камолотга эришган инсонларни шакллантиришдан иборатдир. Бу–ғоятда муҳим вазифадир.

Бир пайтлар, ҳамма нарса коммунистик мафкура қолипи билан ўлчанган,

¹ Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 42-бет.

ақлли одамлар қирғин-қатағонлар туфайли кўрқиб, юрагани олдириб қўйган, уларнинг онги ва қон-қонига ваҳима ҳисси сингиб кетган замонларда кишилар дилидагини тилига чиқара олмас, ичидаги ғам-ташвишларни расмий минбарлардан туриб ёки матбуотда очиқ-ойдин баён этолмас, ўзини коммунистик партияга, ҳукмрон мафкура ғоялари ва мавжуд тузумга садоқатли кўрсатишдан бошқа имкониятга эга эмасди. Сиёсий тазйиқ ва қатағонлар уларга ҳар дақиқа хавф солиб турарди, эркин фикрлашга йўл бермасди. Бунинг оқибатида кишиларнинг тили билан дили, ташқи фаолияти билан ички дунёси ўртасида номувофиқлик юзага келганди.

Мустақилликка эришилмаганда одамлар тили боғлиқлик, сиёсий-маънавий қарахтлик, фикрий қарамликдан қутила олмасди, мустақил фикрлаш ва тафаккурлаш имкониятидан маҳрумлигича қолаверарди. «Бугунги ҳаётимизнинг кечаги кунимиздан асосий фарқини топмоқчи бўлсак, - дейди Ўзбекистон Президенти, - бу аввало **одамларнинг тафаккури ўзгариб, аниқроғи, юксалиб бораётгани** билан белгиланади. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Аслида одамзот тафаккурининг чегараси йўқ. Ҳаёт ўзгариши билан, борлиқ дунё ўзгариши билан инсоннинг моддий ва маънавий муҳити, унинг дунёқараши ҳам ўзгариши қонуний ҳол, албатта. Агар тафаккурни атрофимиздаги ҳаёт тарзининг маҳсули сифатида қабул қилсак, унинг иккинчи жиҳати шундаки, ҳаётнинг ўзи ҳам, унинг ўзгаришлари ҳам одамзот тафаккурининг ўзгариши билан чамбарчас боғлиқ»¹.

Учинчидан, иқтидорли, билим савияси юқори ва чуқур, зукко, ишбилармон, ҳалол ва ижтимоий майдонларда собит турадиган маънавий баркамол инсонлар бозор муносабатларига ўтиш учун жуда муҳим ва зарурдир. Чинакам цивилизациялашган, шарқона бозор муносабатларини фақат юксак ахлоқлилик ва маънавият асосида барпо этиш мумкин.

Тўртинчидан, жамиятимиз тараққиётининг пойдевори бўлган баркамол авлод ва камолотга етган инсонлар порахўрлик, ўғирлик, товламачилик, фириб-

¹ Ислом Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 297-бет.

гарлик, маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, вазифани суиистеъмол қилишлик каби ярамас иллатларнинг олдини олиш, ижтимоий адолат қарор топишини таъминлашнинг муҳим ва зарур омилларидан бўлиб ҳисобланади.

Бешинчидан, одамларни, мамлакат фуқароларини ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниктирмасдан, ҳуқуқий саводхонлигини оширмасдан, мустақил фикрлашларига, мустақиллик ғояларига собит туришларига эришмасдан четдан туриб қилинаётган мафкуравий таҳдидларга, шунингдек, экстремизм ва ислом фундаментализми, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликка қарши мардонавор курашиб ҳамда уларни бартараф этиб бўлмайди.

Президент Ислом Каримов томонидан такрор ва такрор айтилиб, огоҳлантириб келинаётганидек, ҳозирги вақтда дунёда икки қарама-қарши қутб барҳам топган бўлса-да, аммо турли мақсад-манфаатларни, ғояларни ифода этувчи мафкуралар тортишуви, кураши тўхтагани йўқ. Аксинча, тобора кучайиб, авж олиб бормоқда. Ана шу курашлардан кўзда тутилган асосий мақсад–инсон, авваламбор, ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёхуд минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, сезги-туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилишдир. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра даҳшатлидир¹, - дейди Ислом Каримов.

Мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга бўлиб, ҳозирги пайтда кадрларнинг савиясига, иймон-эътиқоди, иродаси бутунлигига, қобилияти ва зеҳн-заковатига, мустақил ва эркин фикрлашига, уларнинг замон ва тараққиёт талабларига нечоғлик жавоб беришларига кўп нарса боғлиқ бўлиб қолди. Юртимизнинг эртанги ҳаёти ва тақдири, ислохотларнинг самараси авваламбор инсоннинг маънавий баркамоллигига бориб тақалишини ҳар бир одам чуқур англаб етмоғи лозим. «Демак, бугунги

¹ Ислом Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида, 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 401-бет.

кунда ғояни, фикрни тақик билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди. **Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши, фақат фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин.**

Ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро буни яхши тушуниб, мағиз-мағизига етиб олиши керак»¹.

Ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган соғлом, маънавий баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш олдимизда турган ниҳоятда муҳим, келажагимизни ҳал қиладиган вазифадир. Бу ўта долзарб ва мураккаб вазифани ҳал этиш, аввало, таълим-тарбия, маънавият ва маърифат масаласига бориб тақалади. Президент таъбири билан айтганда, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, келажак насллар қандай бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир.

Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллигига бағишланган мажлисдаги табрик сўзида Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналганини, агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришишни, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суришини алоҳида уқтириб шундай дейди: «Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, **энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, орномус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби фазилатлар энг аввало оилада шаклланади**».

Эндигина ёруғ дунёга келган норасиданинг қалби, жисму жонида миллий урф-одатларимизни эъзозлаш, катталарга ҳурмат ва кичикларга ғамхўрлик, одамийлик, ҳалоллик, олижаноблик, меҳр-оқибат сингари асл инсоний фазилатлар айнан оила муҳотида шаклланиб, чуқур илдиз ота бошлайди. Булар энг олий даражада маънавий-ахлоқий қадрият, инсон қалбининг гавхаридир.

Оила инсонга инсонийлигини англатадиган, унинг келгуси ҳаёти, истиқ-болига мустаҳкам замин яратадиган муқаддас маскан, таълим-тарбия ўчоғидир.

¹ Ўша асар, 88-89-бетлар.

Инсонни инсон қиладиган ҳам, олам узра машҳуру жаҳон қиладиган ҳам, тарихда номини абадул-абад қолдирадиган ҳам, шунингдек, майиб-мажруҳ, бахти қаро қиладиган ҳам оиладир, оила тарбиясидир. Йўлбошчимизнинг «Миллий истиклол мафкураси—халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир» асарида бу ҳақда шундай дейилади: «Юртимиздаги ҳар бир инсон учун Ватан тушунчаси, аввало, **оиладан бошланади**. Шу боис **оила ва мафкура тушунчалари чамбарчас боғлиқдир**. Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, кадр-қимматини англаб етмасдан, оилага миллат манфаати нуқтаи назаридан ёндошмасдан туриб, халқчил мафкура ярата олмаймиз».

Инсон тақдири оилага, оила таълим-тарбиясига бевосита боғлиқ бўлса, ўз навбатида, оилани оила қиладиган, унинг муқаддаслигини таъминловчи буюк зот-Онадир, аҳли аёлнинг покизалиги, оқилалиги, меҳру муруввати, садоқати ва вафодорлигидир.

Оналарнинг, аёлларнинг оилада тутган ўрни беқиёс. Аёл ўз сийнасидан фарзандига оқ сут бериш жараёнида маънавий асосларини сингдиради, унинг қалбини меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар этади. Инсон зоти дастлабки ҳаётини сабоқ ва йўл-йўриқни, таълим-тарбияни оиладан, онадан ўрганади. Онанинг муқаддас панд-насихатлари, бебаҳо ўғит ва йўл-йўриқлари бола қалбида умрбод муҳрланиб қолади. «Табиийки, -дейди бу ҳақда Президент Ислом Каримов, — Она алласи фақат чақалоқнинг ором олиши учунгина айтилмайди, балки унинг воситасида боланинг кўнгил дунёсига миллий руҳ киради. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар гўдакнинг жисму жонида илдиз қолдиради»¹.

Инсон жамият белгилаган, давлат қабул қилган қонунларни, мавжуд ҳуқуқий мезонларни билмасдан, уларга сўзсиз риоя этмасдан туриб маънавий-ахлоқий етукликка эриша олмайди. Бунинг учун у ҳуқуқий онгга, ҳуқуқий маданиятга эга бўлиши зарур.

Ҳуқуқий билим ва маданият миллат етуклиги ва инсон баркамоллигининг

¹ Ислом Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 401-бет.

энг муҳим, асосий жиҳатларидан биридир.

Ҳуқуқий билимли, сиёсий онгли ва маданиятли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб, йўлдан уриб, ҳар хил ақидалар таъсирига олиб, чалғитиб бўлмайди. Ундай одам ҳар бир нарсани ақл-идрок, мантиқ-тафаккур тарозусига солиб кўради. Ҳуқуқий билим ва маданият инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди.

Президент Ислоҳ Каримов асарларида ҳуқуқий маданиятнинг мазмун-моҳияти ҳақида чуқур ва мукамал илмий-назарий йўл-йўриқлар берилган. Унинг «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари» асарида айтилиши-ча, ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас, балки қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунушдир. Ҳуқуқий маданият одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун унга муурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Юртбошимиз бу ҳақда шундай дейди: «Суд бўлди, деса биз кимдир жазо олди деб тушунамиз. Суд бўлди, деганда одамлар ҳимоя қилинди деган тушунча қачон онгимизга сингади?!

Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатдан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим»¹.

Ҳуқуқий маданият турли можароларни ҳал қилишда қонунга хилоф ишлардан фойдаланишни рад этишдир.

Ҳуқуқий маданият деганда, шунингдек, жамиятда қонун устуворлигини, қонун олдида ҳамманинг баробарлигини ҳамда қонунларни, ҳуқуқий меъёрларни бузган одам истисносиз жавобгар бўлишини чуқур ҳис этиш ҳам тушунилади.

Ҳуқуқий билим ўз-ўзидан ҳуқуқий маданиятга айланмайди. Ҳуқуқий билимлар, ҳуқуқий меъёрлар кишиларнинг онги ва турмушига чуқур сингган, амалий фаолиятларда қўлланила бошлаган тақдирдагина ҳуқуқий маданиятга айланади. Ҳуқуқий маданиятли инсон жамият қабул қилган ҳуқуқий қоидаларга, қонунларга мувофиқ фаолият кўрсатади, уларга зид ҳаракат

қилмайди. Жамиятнинг қонуни унинг маданияти даражасини белгилайди. Негаки, қонун маданият даражасидан устун бўлолмайди. Қонун жамият маданиятининг кўзгусидир.

Одамларни ҳуқуқий билим, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият билан қуроллантириш ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг асосий шартларидан биридир.

Ҳуқуқий давлат қонун устуворлигига асосланадиган, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир. Ҳуқуқий давлат қонун асосида фаолият кўрсатади, қонунларда белгилаб берилган чизиқдан ҳеч қачон четга чиқмайди.

ХУЛОСА

Айтиб ўтилганлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

1. Маънавият инсонни инсон даражасига кўтарадиган асосларнинг асосидир. Маънавият инсонга инсонийлик мазмун-моҳиятини беради, уни ақли расо, тафаккури кучли, ақли-идроки ўткир, ҳар бир ишни олдиндан ўйлаб, режалаштириб, оқибатини олдиндан билиб, сезиб амалга оширадиган мавжудотга, Аллоҳнинг энг қудратли бандасига айланишига, чексиз олқишлару офаринларга сазовор бўлишига сабаб бўлади. Маънавият–бу инсонга хос фазилятдир.

Инсон маънавият билан тирик. Инсон сувсиз, ҳавосиз яшай олмаганидек, маънавиятсиз, маданий-маънавий бойликларсиз ҳам кун кўра олмайди.

Маънавият инсонга моҳиятгина эмас, балки муайян мақсад, келажакка ишонч билан бориш учун катта умид, куч-қудрат ҳам бахш этади. Инсон ақли, қўли билан нимаики қилмасин, унинг заминида онг, фикр, тушунча, билим, ғоя, қобилият, истеъдод сифатида шаклланган маънавият ётади.

2. Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий кадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай маънавий бойликларни доимий равишда яратмай ва ундан баҳраманд бўлмай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди. Президент Ислом Каримов сўзлари билан айтганда, «Маънавият-инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир».

Маънавий камолот жамият тараққиётининг муҳим таркибий қисмидир. Юксак маънавият ҳар қандай вазиятда ҳам жамият тараққиётининг асосий омилларидан бири бўлган.

3. Маданият, маънавият, маърифат, маънавий-ахлоқий кадриятларни писанд қилмаган жамият пировард-оқибатда таназзулга юз тутати.

Халқи маънавий қашшоқ бўлган халқ табиий бойликлари беҳисоб бўлса ҳам ҳеч қачон буюк давлат бўлолмайди.

4. Маънавиятга эътибор бермаган мамлакатда жуда катта иқтисодий, ижтимоий, сиёсий бухронлар содир бўлади. Жамият ҳаётидаги маънавий

инкироз ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларидаги упирилишларга нисбатан ўта хатарлидир. Маънавий таназзул асосан инсоннинг ахлоқи, иймони, виждони, эътиқодида содир бўлади. Иймони, виждони, эътиқодига путур етган одамлар бора-бора манқуртлашади, сиёсий жиҳатдан қарахт бўлиб қолади, ўзининг ўтмиш тарихи, миллий тили, урф-одатларини, миллий қадриятларини унутиб, ўз-ўзидан эътиқодсиз бўла боради. Бундай мамлакат ва халқда охир-оқибатда миллий мансублик, ватанпарварлик, миллий фахр-ифтихор ҳисси заифлаша бошлайди. Ана шундай давлатни маҳв этиб, мустамлакачилик кишанларида узоқ вақт ушлаб туриш, халқини итоаткор қулга айлантириш мумкин.

5. Кимки миллатни ўзига қарам қилмоқчи бўлса, аввало унинг маънавиятига чанг солади. Президент Ислам Каримов айтганларидек, бутун инсоният тарихида барча босқинчилар бирор мамлакатни босиб олиб ҳукмронлик қилиш, халқни асоратда ушлаш учун унинг маданиятига тажовуз қилганлар.

Туркистонни зўравонлик билан босиб олган чор Россияси ўз фаолиятини маҳаллий халқларнинг минглаб йиллар давомида шаклланган маданияти, урф-одатлари, динлари, миллий қадриятларини барбод этишдан бошлади. Бундай сиёсат натижасида ерли халқлар асрий маданиятидан, ёзувидан, динидан маҳрум бўлди. Бу эса ўлкада мустамлакачилик тартибларини сақлаб қолиш ва мустақамлаш ишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Маънавиятга хуруж қилишдек даҳшатли сиёсат тоталитар тузум шароитида чоризм давридагидан кўра бир неча бор даҳшатлироқ тарзда ва ёвуз усулларда давом эттирилди. Ўзбек халқининг маданияти ва маънавиятига, миллий онги ривожланишига тўсқинлик қилиш чоризм давридагидан кўра кучайса кучаяди-ю, аммо камаймади. Миллийликни, миллий ўзликни англаб олишни йўқотишга қўпол равишда уриниш, одамларни қулсифат қилиб шакллантиришга интилиш зўр бериб давом эттирилди.

Шўро давлати миллий онг ўсишига, ҳуқуқий билим ва маданият

ривожига йўл бермаслик учун ҳам зимдан, ҳам ошкора ҳаракат қилди. «Боз устига,-дейди Президент «Ўзбекистон XXI асрга интиломда» асарида,- ноинсоний ғоя ҳукмрон бўлган мустабид тузум ўзининг бор мафкуравий кучини, оммавий ахборот воситаларини, бутун маориф тизимини ишга солиб одамлар онгини кенг миқёсда захарлар эди. Уларнинг миллий ва диний туйғуларини қўпол равишда бузиб кўрсатар эди. Ўз она тилини, миллий анъана ва маданиятини, ўз тарихини билмаслик кўплаб одамларнинг шахсий фожиасига айланиб қолган эди»¹.

6. Ҳар қандай давлат сингари мустақил Ўзбекистон учун ҳам маънавият ва маърифатни ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқий билими ва ҳуқуқий маданиятини ўстириш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган вазифадир. Мустақилликнинг биринчи қадамлариданоқ мамлакатимиз олдида турган бу асосий вазифа кенг кўламда амалга оширила бошлади.

7. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бораётган мустақил Ўзбекистонда аҳолининг ҳуқуқий билими ва маданиятини юксалтириш долзарб муаммодир.

Ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий маданиятга, ҳуқуқий маънавиятга бўлган талаб ва эҳтиёж ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этилаётган ҳозирги даврда тобора ортиб бормоқда. Дарҳақиқат, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онглилик даражаси, ҳуқуқий маданияти ва маънавияти қанча юксак бўлса, барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлат ҳам шунча кучли бўлади, мустақиллигимиз асослари тобора мустаҳкамланиб, барқарорлашиб боради.

Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, халқ оммаси қонун-қоидалар ва ҳуқуқий меъёрларга, қонуний актларга, энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига катта ишонч-ихлос, виждон ва эътиқод билан муносабатда бўлишга, қонунларга қатъий риоя қилишга одатланмаса ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳуқуқий демократик давлат омманинг ғоявий-сиёсий онглилиги, сиёсий

¹ Ислом Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз, 7-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 371-бет.

уюшқоқлиги, ҳамжихатлилиги, ҳуқуқий билимдонлиги, маданиятли ва маънавиятлилиги, ҳушёр ва зийраклиги, ҳар бир нарса ва ҳодисага, атрофида содир бўлаётган воқеаларга кўр-кўрона эмас, балки ақл-идрок, сиёсий донишмандлик-ла ёндошганлиги билан кучли-қудратлидир.

8. Мустақиллигимизнинг мустаҳкам пойдевори, буюк келажагимиз-нинг ҳуқуқий кафолати бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бизлар учун шундай азиз ва мўътабарки, уни ор-номусни асрагандай асрашимиз, унинг инсон манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқлари, эрки ва озодлиги учун хизмат қиладиган ҳар бир бўлими, ҳар бир боби ва моддасини синчиклаб ўрганиш, уларга қатъий риоя қилиш муқаддас бурчимиздир.

Асосий Қонунимизни диққат-эътиборла ўрганган киши ўнлаб-юзлаб китобларни ўқигани билан топа олмайдиган энг сара ва нодир билим бойликларга эга бўлади.

Қомусимизни мутолаа қилиш шарофати билан катта-кичиклигидан қатъий назар, ҳар қайси одам ақл-идрок ва тафаккурини бойитади, фикрини ўстиради, сиёсий-ҳуқуқий, фалсафий дунёқарашини мустаҳкамлайди, ҳуқуқий билими, ҳуқуқий онги ва маданиятини ўстиради ва бойитади.

9. Конституция ва қонуннинг устунлиги-ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойилидир. Ҳуқуқий давлатнинг энг олий сўзи ҳам, обрў-мартабаси қам, қалби, тан-жони ҳам, хулласи калом, тириклиги ҳам Қонун ҳазрати олийларидир. Муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримов таъбирлари билан айтганда, «Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонунидир», «ҳуқуқий давлатда қурол ҳам, қалқон ҳам қонундир... Қонун бу халқ иродаси ва у муқаддасдир».

Қонунни бузишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Уни бузган, менсимаган одам халқнинг юзига оёқ қуйган ҳисобланади.

Ҳуқуқий давлатда биринчи навбатда давлатнинг ўзи, унинг барча органлари, мансабдор шахслар ҳам қонунга итоат этишлари мажбурийлиги Асосий Қонунимизда белгилаб қўйилган. Унинг 15-моддасида «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари-

нинг устунлиги сўзсиз тан олинади», -дейилган.

10.Қонунга итоаткорлик, унга сўзсиз риоя қилиш ҳуқуқий онглилик ва ҳуқуқий маданиятлилик белгисидир.

11.Юксак даражада ҳуқуқий онглилик ва маданиятлилик жинойтчиликни олдини олишнинг муҳим шартларидан биридир.

12.Маънавий ва ҳуқуқий баркамоллик жамият тараққиётига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Маънавиятни юксак даражада ривожлантириш негизида баркамол инсонни тарбиялаб вояга етказиш давр талаби асосида юзага келган, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётимиз тақдири билан узвий алоқадор бўлган улуғвор, масъулиятли, давлат аҳамиятига эга бўлган вазифа ва муаммодир.

Миллий истиқлолимизнинг барқарорлигини, ижтимоий тараққиётимизнинг тезлашиб бориши, иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришни инсон омилисиз, маънавий баркамол инсонларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Энг оғир, мушкул вазифа ва муаммоларни ҳам жаҳондаги жамийки кадриятлар ичра энг олийси ва аълоси ҳисобланган Инсон ҳазрати олийлари ўзининг ақл-идроқи, тафаккури, салоҳияти, меҳнати, қадокли кўллари билан ҳал этади. Ислом Каримов «Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим. Мамлакатимизнинг мард, фидойи кишилар юртига, меҳру шафқат, муҳаббат барқарор бўлган, тафаккур ва ижод қайнаган муқаддас маконга айланишига аминман», деганда худди шуни назарда тутди.

Модомики, биз эндиликда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қураётган эканмиз, бу улуғвор вазифаларни ҳал этиш ҳам энг аввало инсон камолотига, ҳуқуқий таълим-тарбияга, сиёсий онглилик ва етукликка, маданият, маънавият, маърифат масалаларига бориб тақалади.

Чинакам цивилизациялашган бозор муносабатларига фақат руҳан бардам,

онги тийрак, маънавий нуктаи назардан юксак, иқтисодий ва техникавий билимга эга, ҳаромдан ҳазар қиладиган, руҳан ва жисмонан пок ахлоқли кишилар туфайли ўтилади. Агар маънавият юксак бўлмаса одамлар орасида меҳр-оқибат кўтарилади, одам одамнинг кўзига хас ташлайди, сотувчи харидорни алдайди, чув туширади, сифатсиз молини аъло деб сотади, тошу тарозудан уради, виждонига зид иш қилишдан қўрқмайди, боласига ҳаром едиришдан чўчимайди, тап тортмайди. Ана шундай виждонга, конунга, урф-одот-, одоб-ахлоққа зид, инсонийликка тубдан хилоф бўлган хатти-ҳаракатлардан жамият ҳам, давлат ҳам, харидор ҳам, беҳад-беҳисоб зарар кўради. Президент «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида қайд этиб ўтганидак, «Бозор муносабатларига ўтиш–ҳаётий етуклик ва сабр-матонатни синовдан ўтказувчи ўзига хос имтиҳондир. Бунда маънавий бўшлиққа ёки кўнглига келган ишни қилаверишга берилишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Шу сабабли маънавий-руҳий тикланиш ва покланиш муаммоларига алоҳида аҳамият беряпмиз. Чинакам цивилизациялашган бозор муносабатлари, бозор воситлари фақат кжсак маънавият негизида, юксак ахлоқлик ва ватанпарварлик негизида барпо этилиши мумкин. Акс ҳолда бош-бошдоқлик ва тартибсизлик ҳукм суради».

Келажак пойдевори бўлган юксак маънавият порахўрлик, ўғрилиқ, товламачилик, фирибгарлик, маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, вазифани суиистеъмол қилиш, нафс балосига гирифтор бўлиш каби ярамас иллатларни олдини олиш, ижтимоий адолатни қарор топишини таъминлашнинг замон тақозо этаётган муҳим ва зарур йўлларидадан бўлиб ҳисобланади.

Мамлакат фуқароларини ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтирмасдан, ўсиб келаётган ёш авлодни мустақил, эркин, ижодий ва замонавий фикрлашларига эришмасдан мамлакатимизга четдан туриб қилинаётган мафкуравий таҳдидларга, «Ҳизби таҳрири исломия», диний экстремизм ва фундаментализм, халқаро террорчилик каби хавф-хатарларга қарши мардонавор курашиб, уларни бартараф этиб бўлмайди.

Президент Ислом Каримов томонидан огоҳлантирилиб келинаётганидек,

ҳозирги пайтда дунёда икки карама-қарши қутб барҳам топган бўлса-да, аммо турли мақсад-манфаатларни, ғояларни ифода этувчи мафкуралар кураши, жангу жадали тугагани йўқ. Аксинча, янги асрнинг дастлабки йилларида ҳам турли хил эски ва янги мафкураларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги ўзаро курашлари ҳар қачонгидан шиддатли тус олмоқда. Ана шу мафкуравий тазйиқлар, диний экстремистик мазмундаги курашлардан кўзда тутилган асосий мақсад ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириш, турли йўллар билан уларнинг қалбини эгаллаш, миясини захарлаш, ҳис-туйғуларига ва дунёқарашларига таъсир этиш, маънавий жиҳатдан майиб-мажруҳ ва тобе этиб, ўз халқи, ўз Ватанига қарши ғанимга айлантиришдир. Ана шу мақсадда улар жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилиб маблағларини аямаяптилар. Бугунги кунда–XXI асрда Юртбошимиз, «Мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга. Энг қизиги, шу билан бирга, кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни кўриш, сезиш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқ, унинг таъсири ва оқибатларини кўзда илғаб этиш ниҳоятда қийин», - дейди «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига жавобларида.

Мана шундай бир қалтис вазиятда ҳар бир одам ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, миллий маънавий қадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса йўлдан адашиб, ғанимлар ғояси таъсирига кўр-кўрона берилиб кетиши, ҳатто ўз ота-онасига, халқи ва юртига қўл кўтарувчи ёвуз қотилларга айланиши ҳеч гап эмас. Буни ҳаётимизда учраб турадиган хунукдан-хунук мисоллардан ҳам кузатиш мумкин.

Айниқса, ҳозирги пайтда мафкура соҳасида бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўймасдан, ёшларнинг таълим-тарбиясига бефарқ қараб бўлмайди. Президентимизнинг «Хушёрликка даъват» асаида белгилаб берилганидек, **«ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз жамиятимиз аъзоларини, авваламбор вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр садоқат туйғуси-**

ни уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий кадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир».

Ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро шу нарсани яхши тушуниб, мағиз-мағизига етиб олиши керакки, «Бугунги кунда ғояни, фикрни таққ билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди. **Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин».**

Олий раҳбаримиз даъват этганларидек, ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиб олишишда, пок ва софдил шахсни шакллантиришда, гўдакнинг мурғак онги, қалбига маънавият асосларини илк бор сингдиришда ҳеч ким ва ҳеч нарса таълим-тарбияга тенглаша олмаслиги ўз-ўзидан аён.

Президент Ислон Каримов асарлари, нутқлари ва маърузаларида, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да ўзининг кадр-қимматини англайдиган, мустақил фикрловчи, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тайёрлаш ва тарбиялашнинг аниқ йўл-йўриқлари илмий-назарий асослари белгилаб берилган. Ана шу дастурий йўл-йўриқлар ҳозирги даврда мамлакатимизда пешма-пеш, босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ғоявий-сиёсий жиҳатдан етук, хушёр, зийрак, маънавий баркамол, руҳан тетик ва тўла қонли кишиларни–Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори бўлган баркамол авлодни хуқуқий таълим-тарбияга биринчи даражали аҳамият бермасдан туриб шакллантириб бўлмайди.

Маънавият ва маърифатнинг ўзаги ва айни пайтда унинг ажралмас таркибий қисми бўлган хуқуқий билим ва маданият жамиятимиз тараққиётнинг ҳозирги босқичида сув ва ҳаводек зарур.

Хуқуқий маданият, хуқуқий онг, хуқуқий билим ва хуқуқий тафаккур халқ ва миллат маънавий-маърифий етуқлигини мезони, муҳим кўрсаткичидир.

Юксак маънавиятли ва маърифатли, хуқуқий билимли, сиёсий онгли ва маданиятли одам ҳар бир нарсани ақл идрок, мантиқ, тафаккур тарозисига

солиб кўради, қадамини ўйлаб босади, оқибатини ўйлаб иш қилади, Ватанига ғанимлик, ғоясига, иймон-эътиқодига хиёнат қилмайди, элим деб, юртим деб яшайди.

Ҳуқуқий билим, маданият, маънавият–улкан, беқиёс куч. У одамнинг ақлу-заковатини чархлайди, тафаккурини бойитади, ирода ва иймонини бақувват қилади. Ана шуларни назарда тутиб Ислом Каримов «Мен ХХІ аср маънавият асри, илм-фан, маданият ва ахборот асри бўлишига қатъиян ишонаман.

Мен ақл идрок ва инсонийлик кучлари ғалаба қозониши кераклигига ишонаман»¹, - дейди.

Шундай экан, мард, Ватани, халқи ва миллатига меҳр-муҳаббатли кишиларни, миллий маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган, ҳуқуқий баркамол инсонларни тарбиялаш, таълим ва маорифни ривожлантириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш бундан кейин ҳам давлатимизнинг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бўлиб қолади

¹ Ислом Каримов. Бунёдкорлик йўлида. 4-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 338-бет